ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни ундиришга оид суд амалиётидаги муаммолар

мавзусидаги халқаро давра
суҳбати материаллари

Тошкент-2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

СУДЛАРДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФЕДРАСИ

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни ундиришга оид суд амалиётидаги муаммолар

мавзусидаги халқаро давра
суҳбати материаллари

Тошкент-2021

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Кенгашининг 2021 йил 10 майдаги 6-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

“Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни ундиришга оид суд амалиётидаги муаммолар” мавзусидаги халқаро конференция материаллари тўплами / Е.В.Коленко умумий таҳрири остида. -Тошкент. 2021. - 423 бет.

Мазкур тўпламда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ва Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилотининг (GIZ) “Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка кўмаклашиш” минтақавий дастурининг Ўзбекистондаги вакили ўртасида ҳамкорлик доирасида “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни ундиришга оид суд амалиётидаги муаммолар” мавзусида ўтказилган халқаро давра суҳбати материаллари ўрин олган. Тўпламда чет эл амалиётчи ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, Тошкент давлат юридик университети, Термиз давлат университети ва бошқа олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, прокуратура, суд ва адлия идоралари ходимларининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган мақолалари ўрин олган.

Тўплам фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, прокуратура ходимлари, судьялар, адвокатлар, юриспруденция соҳасига қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган. Ушбу тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

© Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2021 й.

Предисловие

Уважаемые участники семинара, гости, коллеги!

Мы рады очередной нашей встрече с нашими как зарубежными, так и национальными партнёрами.

В работе семинар-тренинга принимают участие представители международной организации Региональной Программой германского общества по международному сотрудничеству GIZ “Содействие правовой государственности в Центральной Азии”, а также международный эксперт председатель административного суда города Резекне Латвии Станислав Линкевич, представители Верховного суда Республики Узбекистан, Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан, Палаты адвокатов Узбекистана, Ташкентского государственного юридического университета.

Также в работе семинар-тренинга участвуют судьи областных и приравненных к ним административных судов, судьи межрайонных административных судов, сотрудники центрального подразделения Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан и нижестоящих прокуратур.

Вот уже на протяжении определенного времени в координации с нашим партнером Региональной Программой германского общества по международному сотрудничеству GIZ “Содействие правовой государственности в Центральной Азии” и национальными нашими партнёрами систематически в плановом порядке организовываются и проводятся онлайн-семинары по линии административного судопроизводства.

Проводимые в рамках нашего сотрудничества эти встречи уже давно превратились в площадку обмена мнениями юристов-правоприменителей, в ходе которых обсуждаются наиболее актуальные вопросы административного судопроизводства, а также имеющиеся в этом направлении проблемы.

В ходе этих семинаров приглашенными Региональной Программой германского общества по международному сотрудничеству GIZ международными экспертами дается подробная информация относительно тонкостей и особенностей административного права и порядка административного судопроизводства Германии, что в свою очередь даёт возможность участвующим в мероприятии провести сравнение законодательства Германии и Узбекистана, на конкретных примерах провести анализ имеющихся проблем и обсудить пути их решения.

Да, конечно можно подобрать соответствующую литературу по интересующему нас вопросу, в данном случае по линии административного права и судопроизводства Германии, прочитать, ознакомиться с существующим в Германии порядком разрешения административных дел, и совсем другое дело, когда эти сведения, эти познания доносит практикующийся судья, прокурор или адвокат.

В ходе настоящего мероприятия подлежит обсуждению тема относительно подведомственности дел административным судам: вопросы теории и практики.

Нам всегда весьма интересен наработанный нашими партнёрами опыт.

Я думаю, что выступления наших лекторов и обсуждения по ним будут очень интересными и будут способствовать дальнейшему формированию единой правоприменительной практики.

Желаю удачной работы!

Вступительное слово начальника кафедры по обеспечению полномочий прокурора в судах Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан Раджаповой М.З.

I-БОБ. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни ундиришга оид суд амалиётидаги муаммолар

Dr. Horst Freels
Direktor des Amtsgerichts
Oldenburg

Probleme der deutschen Rechtspraxis bei der Wiedergutmachung von Schäden, die den Eigentümern im Zusammenhang mit der Enteignung von Grundstücken für staatliche und öffentliche Bedürfnisse entstanden sind

I. Vorwort

Das Thema „Enteignung und Entschädigung“ ist in vielfacher Hinsicht komplex und eignet sich nur schwer für eine Kurzdarstellung. Im folgenden Vortrag sollen maßgebliche Problemlagen der Rechtspraxis kurz angesprochen werden, ohne dass für alle Problemlagen abschließende Lösungswege aufgezeigt werden können. Hierzu bedürfte es einer gesonderten Veranstaltung, je nachdem, welche Regelungen etwa in Usbekistan angestrebt oder verändert werden oder welche gesetzgeberischen Ziele verfolgt werden sollen. Der folgende Vortrag kann also nur einen Überblick geben und wichtige Problemstellungen nur kurz benennen.

II. Überblick über das deutsche Enteignungs- und Entschädigungsrecht

1. Die Enteignung von Grundstücken – Art. 14 Grundgesetz

Das Eigentum unterliegt nach deutschem Recht dem besonderen Schutz der Verfassung in Art 14 Grundgesetz. In diese Rechtsposition kann durch den Staat nur unter ganz engen

Voraussetzungen eingegriffen werden. Aber ein solcher Eingriff ist durchaus möglich. Der Grundrechtsschutz ist nicht absolut. Es gilt der Grundsatz: „Eigentum verpflichtet“. Dieser Grundsatz ist Ausdruck des Prinzips der Sozialbindung des Eigentums.

Eine Enteignung kommt zunächst nicht allein bei Grundstücken in Betracht, sondern in ähnlicher Form theoretisch auch bei beweglichen Sachen (Art 15 Grundgesetz). Letztere Möglichkeit findet praktisch nicht statt und wurde in Deutschland bisher nie angewendet. Eine Enteignung beweglicher Sachen wäre nach bestehender Rechtslage allenfalls denkbar im Falle des Eintritts von Kriegsrecht, also im Falle militärsicher Auseinandersetzung, etwa ggf. bezogen auf bestimmte bewegliche Produktionsmittel (Maschinen) oder auch Seeschiffe und Luftfahrzeuge. Die Enteignung von Mobilien bleibt daher im weiteren Vortrag außer Betracht.

a. Gesetzesvorbehalt

Dieser besondere Verfassungsschutz hat zunächst zur Folge, dass ein Eingriff nur durch oder aufgrund eines Gesetzes zulässig ist. Eine Enteignung kommt insoweit nur in Betracht, wenn diese durch ein Gesetz unter Nennung der genauen Voraussetzungen vorgesehen ist. Die Enteignung unterliegt auf diese Weise dem Parlamentsvorbehalt. Damit wäre sie rechtswidrig, wenn sie allein ohne Gesetzeshintergrund auf eine Verordnung oder einen Erlass gestützt wäre, also auf Ausführungsakte der Exekutive. Wegen des besonderen Verfassungsschutzes kann nur auf diese Weise sichergestellt werden, dass die Enteignungsvoraussetzungen durch parlamentarisch gewählte Volksvertreter festgelegt werden und nicht durch administrative Verwaltungsakte der Regierung oder deren Organe. Zwar erfolgt am Ende auch in Deutschland die Enteignung

aufgrund einer ausführenden Anordnung, diese muss jedoch auf ein Enteignungsgesetz unmittelbar zurückzuführen sein.

Das Gesetz, welches eine Enteignung dem Grunde nach gestattet, muss außerdem bereits alle Voraussetzungen von Art und Ausmaß einer Entschädigung regeln. Eine allgemeine Klausel, wie z.B. „Im Falle einer Enteignung ist dem Eigentümer Entschädigung zu leisten“ reicht nicht aus. Fehlt es in diesem Gesetz an derartigen Entschädigungsregeln, kann es als Grundlage einer Enteignung nicht dienen. Eine auf ein solches Gesetz gestützte Enteignung ist rechtswidrig. Weiterhin ist Voraussetzung, dass das Enteignungsgesetz den Rechtsweg eröffnet, also sichergestellt ist, dass im Gesetz sowohl gegen die Enteignung selbst als auch gegen Art und Höhe der Entschädigung geklagt werden kann. Selbstverständlich muss das Gesetz selbst, auf das eine Enteignung gestützt ist, rechtmäßig zustande gekommen sein. Auch das kann im Rahmen eines Rechtsstreits über die Enteignung geprüft werden und führt im Falle unrechtmäßigen Zustandekommens zur Rechtswidrigkeit der darauf gestützten Enteignung.

b. Der Begriff der „Enteignung“

Enteignung bedeutet die vollständige oder teilweise Entziehung des Eigentumsrechts. Sie bewirkt damit einen Rechts- und einen Vermögensverlust. Hieraus ergibt sich, dass auch eine teilweise Enteignung in Betracht kommt.

Hier zeigt sich in der Rechtspraxis oftmals bereits eine erste Problemstellung. Eine Teilentziehung ist in unterschiedlicher Form denkbar. Vom Begriff „Enteignung“ umfasst sind jedenfalls nur gezielte staatliche Eingriffe. Nicht unter den Enteignungsbegriff fallen etwa Wirtschaftsphänomene wie z.B. die Inflation.

Bsp.: Ein Inhaber eines Sparkontos bei der Bank z.B. kann sich nicht darauf berufen, er sei enteignet worden, weil der Staat nichts gegen die Inflation von jährlich 2 % unternehme und um diese Quote sein Eigentum an seinem Geld jedes Jahr an Wert verliere.

In der Form einer gegenständlichen Beschränkung ist eine Enteignung nur auf einen abgegrenzten Bereich möglich, etwa auf einen Teil eines einheitlichen Grundstücks.

Denkbar ist aber auch, dass die Enteignung nicht in einem Entzug besteht, sondern lediglich in einer Belastung, die nicht mit dem vollständigen Eigentumsentzug einhergeht, etwa die Auferlegung der Pflicht an den Eigentümer, eine Durchleitung zu gestatten oder ein Wegerecht einzuräumen.

Die dritte Form der Teilentziehung betrifft den in der Rechtspraxis schwierigsten Fall, dass das Eigentum selbst nicht entzogen wird, eine staatliche Maßnahme aber faktisch so wirkt, als sei es entzogen. Die Wirkung ist hier nicht unmittelbar, sondern mittelbar. Das kann etwa der Fall sein bei staatlichen Anordnungen, die die Nutzungsmöglichkeit nahezu vollständig beschränken, zum Beispiel die Unterstellung eines alten Hauses mit Grundstück unter Denkmalschutz oder Naturschutz. Hier bleibt der Eigentümer zwar Eigentümer, ist in seinem Eigentumsrecht jedoch auf Zeit oder dauerhaft derart eingeschränkt, dass er – wie ansonsten der Eigentümer – mit seinem Eigentum nicht mehr nach Belieben verfahren kann. Auch diese Fälle werden in Deutschland im Kontext von Enteignungen rechtlich diskutiert. Maßgebliches Praxisproblem ist in diesem Zusammenhang, wann eine solche mittelbare Wirkung als Enteignung anzusehen ist, mit der Folge einer Entschädigungszahlungspflicht, und wann nicht. Entscheidend sind hier Abgrenzungen, die in Deutschland im Wesentlichen durch die Rechtsprechung vorgenommen wurden, weil sich die Vielfalt der in

Betracht kommenden Situationen durch eine abstrakte Regelung im Gesetz kaum erreichen lässt. Das gilt insbesondere für zeitlich begrenzte staatliche Maßnahmen mit nur begrenzten Auswirkungen auf das Eigentum. Führt beispielsweise ein auf 1 Jahr angelegter Straßenausbau faktisch dazu, dass ein von einem Eigentümer geführtes Geschäft wegen der Dauerbaustelle nicht mehr oder nur noch sehr schwer zugänglich ist, kann das einer Enteignung gleichkommen, muss es aber nicht. Für diese Fälle gilt es Vorkehrungen zu treffen, entweder gesetzlicher Art oder durch die Rechtsprechung, ansonsten würde es in der Rechtspraxis dauerhaft Abgrenzungsprobleme geben.

In Deutschland ist hierzu bereits 1981 eine maßgebliche Entscheidung des Bundesverfassungsgerichts (Beschluss vom 15.07.1981 – 1 BvL 77/78) getroffen worden. Zuvor wurde jede unmittelbare oder mittelbare Beeinträchtigung des Eigentums durch eine staatliche Maßnahme als entschädigungspflichtige Enteignung angesehen, wenn ein bestimmter Schweregrad erreicht war. Diesen Schweregrad galt es bei Gericht zu bestimmen. Das war auch unabhängig davon, ob man sich gegen diese Maßnahme vorher rechtlich gewehrt hatte, etwa durch eine Klage gegen den beeinträchtigenden Straßenbau. Man konnte vor 1981 auch nach dem Prinzip „Dulde und liquidiere“ verfahren.

Die Entscheidung des Verfassungsgerichts 1981 stellte für die Zeit danach klar, dass eine eine Entschädigung auslösende Enteignung nur die ist, die direkt das Eigentum aufgrund eines Gesetzes entzieht. Andere Beeinträchtigungen sind entweder hinzunehmen, weil sie Teil der Sozialbindung sind (z.B. muss der Eigentümer eines Geschäfts dulden, dass bei einem Straßenbau wegen einer Umleitung weniger Kunden zu seinem Geschäft kommen können). Oder man muss sich gegen die Maßnahme

gerichtlich wehren und wenn sie sich als rechtswidrig herausstellt, hat man Anspruch auf Schadensersatz auch gegen den Staat. Letzteres ist dann keine Enteignung, sondern ein normaler Fall des Schadensersatzrechts nach rechtswidrigem Handeln, den man auch nach allgemeinen Grundsätzen gegen den Staat richten kann, sogenannte Amtshaftung (z.B. die Straßenbaumaßnahme, die zu einem Umsatzeinbruch des Geschäftsinhabers führt, beruht auf einer Planung, die gegen das Gesetz verstößt).

c. zur Erfüllung öffentlicher Aufgaben

Eine Enteignung ist nur zulässig, wenn sie zur Erfüllung öffentlicher Aufgaben und zum Wohle der Allgemeinheit stattfindet. Dabei steht die Frage im Vordergrund, ob die Enteignung diesem Zweck dient. Daraus folgt, dass eine Enteignung auch zugunsten eines Privaten zulässig ist, wenn das wiederum zum Zwecke des Allgemeinwohls nötig ist, etwa im Fall einer Enteignung zugunsten eines privaten Energieversorgungsunternehmens (z.B. in der Form einer Aktiengesellschaft), um die Energieversorgung der Bevölkerung sicherzustellen. Entscheidend sind also der am Ende verfolgte Enteignungszweck und nicht die Frage, zu wessen Gunsten enteignet wird.

Eine Enteignung allein aus privatem Interesse ist unzulässig. Zulässig ist aber eine Enteignung zugunsten eines lediglich privatrechtlich organisierten Unternehmens (z.B. Aktiengesellschaft), wenn dieses Unternehmen mit Aufgaben betraut ist, die dem öffentlichen Interesse dienen. Insofern ist es auch Aufgabe des Gesetzberbers, in dem Entschädigungsgesetz (in Deutschland Bundes – oder Landesgesetze) zu konkretisieren, welches genaue Gemeinwohlziel überhaupt verfolgt wird und welche Maßnahmen genau zu diesem Zweck in Betracht gezogen werden. Die staatlichen

Behörden dürfen Gemeinwohlziele nicht selbständig festlegem, das ist dem parlamentarischen Gesetzgeber vorbehalten. Wird etwa eine Enteignung in einem Gesetz erlaubt zu Zwecken des „Umweltschutzes“, zudem noch ohne nähere Konkretisierung der Maßnahmen, wäre das als Enteignungsgrundlage unzulässig. In Deutschland ist die Regelungssystematik gesetzlich so aufgebaut, dass Bund oder Länder, je nach Zuständigkeit für den betroffenen Gesamtbereich, eine Enteignungsmöglichkeit in den Fachgesetzen (z.B. Naturschutzgesetzen) vorsehen, wo sich dann auch genau ergibt, welche Ziele verfolgt werden. Die nähere Ausgestaltung regelt dann ein gesondertes Enteignungs- und Entschädigungsgesetz.

Wegen des besonderen Schutzes der Verfassung ist zunächst klar, dass nicht jedes Wohl der Allgemeinheit für eine Enteignung ausreichen kann, sondern, dass nur ganz besondere, überragende Gemeinwohlinteressen als Grundlage einer Enteignung in Betracht kommen. Hier stellt sich ein nächstes Praxisproblem, namentlich die Abgrenzung eines gewöhnlichen Allgemeinwohls und eines mit überragender Bedeutung. Entwickelt wurde in diesem Zusammenhang von der Rechtsprechung der Grundsatz, dass rein fiskalische Interessen ein überwiegendes Gemeinwohl nicht begründen können. Geht es dem Staat - um es zusammenfassend auszudrücken - also nur um Geld, reicht das für eine Enteignung nicht aus. Eine Enteignung zur Vermehrung staatlichen Vermögens ist damit unzulässig. Vielmehr bedarf es eines allgemeinen Interesses, welches sich auf die Allgemeinheit bezieht und nicht allein auf die Interessen des Staates selbst. Typische Interessenlagen sind etwa die Energieversorgung der Bevölkerung, der Ausbau der Verkehrsinfrastruktur, also der Straßen-, Bahn- und Flughafenbau, militärische Interessen können eine Rolle spielen und natürlich Interessen des Umwelt- und Klimaschutzes oder der Bauleitplanung

(wo darf etwas gebaut werden und wo nicht, um eine Zersiedelung der Landschaft zu vermeiden) oder auch des Hochwasserschutzes.

Einer der in Deutschland größten Bereiche, der in der Alltagspraxis zu Enteignungen führt, ist der Straßenbau, insbesondere der Fernstraßenbau. Im Fernstraßenbau ist die Bedeutung deshalb so hoch und auch noch höher als im regionalen Straßenbau, weil eine überregionale Planung erforderlich ist, die zu Kompromissen aufgrund anderer Belange nur sehr schwer geeignet ist. Wird etwa eine Autobahn geplant, sind nicht nur Naturschutzbelange zu berücksichtigen, sondern auch wirtschaftliche Interessen, etwa das Interesse, maßgebliche Industriestandorte anzubinden. Gleichzeitig ist von Bedeutung, ob etwa geologische Voraussetzungen erfüllt sind und sich der Unterboden eignet etc. Bei dieser Planungsintensität ist es natürlich äußerst schwer, Planungsänderungen vorzunehmen, wenn einzelne Eigentümer zu einer Veräußerung ihrer Grundstücke nicht bereit sind. Enteignungen sind dann die einzige Möglichkeit, das Projekt zu verwirklichen. Im regionalen Straßenbau etwa kämen erleichtert Verlegungen der geplanten Trasse in Betracht, um Enteignungen zu vermeiden.

Für eine Enteignung ist es insoweit immer erforderlich, dass die zugrundeliegenden Planungen ihrerseits rechtmäßig sind. Soll also eine Enteignung vorgenommen werden aufgrund des Bundesfernstraßengesetzes, muss die Enteignung „zur Ausführung eines festgestellten oder genehmigten Bauvorhabens notwendig sein“. Hier stellt sich ein weiteres Praxisproblem: Im Rahmen der Prüfung der Zulässigkeit einer Enteignung wird nicht nur die Enteignung selbst und das Enteignungsverfahren berücksichtigt. Ein Kläger kann auch vorbringen, dass das zugrundeliegende Bauvorhaben nicht ordnungsgemäß geplant worden ist, dass etwa

bei diesem Verfahren im Rahmen der Baugenehmigung Fehler gemacht wurden. Das führt zu einem „Prozess im Prozess“ mit sehr verschachtelten Klärungen von Vorfragen.

d. Der Grundsatz der Verhältnismäßigkeit

Auch wenn alle Enteignungsvoraussetzungen vorliegen, muss am Ende stets noch geprüft werden, ob der Eingriff verhältnismäßig ist, d.h., ob bei einer Gesamtbetrachtung die Beeinträchtigung des Eigentümers und die Belange der Allgemeinheit in einem vernünftigen Verhältnis stehen. Das ist z.B. dann nicht der Fall, wenn die öffentlichen Belange auch anders erfüllt werden können, wenn also alternative Planungen in Betracht kommen, die dem Allgemeinwohl nicht weniger dienen. Das ist etwa der Fall, wenn der Staat ein Naturschutzgebiet ausweisen will oder ein Gewerbegebiet, hierfür enteignet (und angemessen entschädigt), die Ausweisung der Flächen jedoch genauso gut auch woanders hätte erfolgen können, möglicherweise in einem Gebiet, das bereits in stattlichem Eigentum steht. Unverhältnismäßig wäre es zum Beispiel auch, wenn im Rahmen einer Enteignung einem Gewerbetreibenden das Hauptgrundstück entzogen wird mit dem Ziel, das Grundstück für einen völlig untergeordneten und nach staatlichen Gesichtspunkten nicht zwingend notwendigen Radweg oder Fußweg und eine unbedeutende Nebenstraße zu verwenden.

e. Rückübertragungsanspruch

Das Allgemeinwohlbedürfnis ist streng an die Enteignung gekoppelt, d.h. es muss nicht nur zum Zeitpunkt der Planung vorliegen, sondern dauerhaft. Wird etwa ein staatliches Bauvorhaben, welches zu einer Enteignung geführt hat, aus welchen

Gründen auch immer nicht realisiert, dann entsteht ein Rückübertragungsanspruch des ehemaligen Eigentümers.

2. Der Entschädigungsanspruch

a. Art und Umfang

Der Entschädigungsanspruch ist kein Schadensersatzanspruch im klassischen Sinne, d.h. es gelten andere Regeln als beim Schadensersatzrecht, etwa wegen Beschädigung fremder Sachen. Während im Schadensrecht das Prinzip der sog Naturalrestitution gilt, d.h. im Prinzip der Schädiger den ursprünglichen Zustand wiederherzustellen hat, entweder unmittelbar oder durch Geldleistung, die diese Wiederherstellung ermöglicht, ist der Entschädigungsanspruch nach Enteignung geprägt durch das Prinzip des Wertersatzes für den Verlust des Vermögens. Im Schadensrecht muss der Geschädigte anschließend so stehen, wie er stehen würde, hätte es das schädigende Ereignis nicht gegeben. Dazu gehört etwa auch der Ersatz eines entgangenen Gewinns. Bei der Entschädigung nach einer Enteignung wird der entgangene Gewinn nicht ersetzt. Beschädigt jemand z.B. ein fremdes Grundstück mit schwerem Gerät und kann der Eigentümer es deshalb nicht mehr vermieten, was ohne das schädigende Ereignis beweisbar möglich gewesen wäre, schuldet der Schädiger die Kosten für die Wiederherstellung und den entgangenen Gewinn. Wird dieses Grundstück allerdings enteignet, erhält der Eigentümer nur“ den aktuellen Verkehrswert des Grundstücks und keinen entgangenen Gewinn. In Deutschland steht der Enteignete damit zunächst grundsätzlich schlechter als der Geschädigte.

Auch hier liegen etliche Praxisprobleme, z.B. in der Abgrenzung eines entgangenen Gewinns und einem Folgeschaden durch den Eingriff in die Substanz. Letzterer ist wiederum vom

Entschädigungsanspruch umfasst (Beispiel: Ein Grundstück wird enteignet, das restliche verbleibende Grundeigentum des Eigentümers verliert an Wert, weil es sich wegen geringerer Größe z.B. für eine effektive Landwirtschaft nicht mehr eignet). Dann ist auch dieser Wertverlust zu ersetzen, denn es handelt sich um einen unmittelbaren Folgeschaden. Hätte das enteignete Grundstück bewiesenermaßen irgendwann später zu guten Bedingungen vermietet werden können, ist dieser Teil grundsätzlich nicht über den Entschädigungsanspruch ersetzbar.

Eine Entschädigung erfolgt grundsätzlich in Geld, kann aber auch – wenn das im Einzelfall gesetzlich geregelt ist – durch Ersatzlandgestellung erfolgen.

b. Verkehrswert

Grundsätzlich ist der Vermögensverlust vollständig auszugleichen, maßgeblich ist der Verkehrswert zum Zeitpunkt der Enteignung. Das ist generell der Wert, der zum Zeitpunkt der Enteignung am freien Markt erzielbar wäre. Bei einer Spannbreite hat sich der Entschädigungsanspruch am oberen Niveau zu orientieren. Bei Streit ist ein Verkehrswertgutachten einzuholen.

Auch hier stellen sich natürlich eine Vielzahl von Praxisproblemen. Das Gesetz spricht nur von einer „angemessenen Entschädigung“. Aufgrund der Vielzahl der in Betracht kommenden Fälle und der sich stets verändernden Preise ist eine abstrakt gesetzliche Regelung auch kaum denkbar. Es stellt sich etwa die Frage, ob Verkehrswertsteigerungen zu berücksichtigen sind, die allein wiederum auf der geplanten Maßnahme beruhen. Wird zum Beispiel eine Fläche für ein Gewerbegebiet enteignet und steigt der Wert des Grundstückes allein deshalb, weil dieses Gebiet erwartet wird, dann ist die Wertsteigerung also vom Staat gemacht und tritt

dann am Ende gar nicht ein, wenn es zu einer Enteignung und damit zu dem Gewerbegeit nicht kommt. Derartige „staatsgemachten“ Wertsteigerungen könnten bei der Verkehrswertbestimmung unberücksichtigt bleiben. Auch in Deutschland nicht abschließend geklärt sind die Fälle, in denen es um wertbildende Faktoren geht, wie Eigenleistungen durch den Eigentümer, die keinen echten Marktwert kennen (z.B. liebevoll angelegte Gärten oder ähnliches). Abzuziehen wiederrum vom Marktwert ist derjenige Teil des Verlustes, der von jedem anderen der Region, der nicht konkret enteignet wurde, auch hinzunehmen ist wegen der Sozialbindung des Eigentums (Bsp: Es wird in einem Urlaubsgebiet eine Autobahn geplant, was zu einem Rückgang der Gäste. zu Umsatzeinbußen und allgemein zu geringeren Grundstückspreisen führt. Das müssen alle hinnehmen, der Enteignete auch. Dieser kann sich nicht auf den Marktwert vor der Maßnahme berufen, sondern auch bei ihm wirkt sich der allgemeine Wertrückgang auf seinen Entschädigungsanspruch mindernd aus).

c. Kaufangebot vorab

Bevor ein Antrag auf Durchführung eines Enteignungsverfahrens gestellt wird, muss dem Betroffenen wiederholt, also mehrfach, ein ernsthaftes und dem Marktwert entsprechendes Kaufangebot gemacht werden. Eine Enteignung darf nur als letztes Mittel eingesetzt werden, wenn vorherige ernstzunehmende Verhandlungen nicht zum Erfolg (Ankauf) geführt haben. Das Angebot muss sich nach einem Gutachten richten, das zuvor von einer sachverständigen Behörde (in Deutschland gibt es hierfür „Grundstücksbehörden“, die sich allgemein mit Grundstücksbewertungen befassen), erstellt wurde. Das Gutachten muss dem Eigentümer zur Verfügung gestellt werden.

3. Ablauf und Rechtsweg

a. Vorweg: Der praktische Ablauf eines Enteignungs- und Entschädigungsverfahrens

Diejenige staatliche Einrichtung, die eine Enteignung erreichen will (also diejenige, deren Aufgabenerfüllung die Enteignung dient, z.B. Amt für Naturschutz), muss zunächst bei der Enteignungsbehörde einen Antrag stellen. Wer Eignungsbehörde ist, ist teilweise landesrechtlich unterschiedlich geregelt. Im Bundesland Niedersachsen ist das etwa das Innenministerium des Landes. Selbst wenn mit diesem Antrag das Verfahren eingeleitet wird, wird zunächst weiter versucht innerhalb des förmlichen Verfahrens mit dem Eigentümer eine Einigung zu erzielen. Der Antrag muss nicht nur den Eigentümer und das Grundstück genau bezeichnen, sondern auch belegen, dass vorher mehrere Einigungsversuche probiert wurden. Der Antrag muss die Enteignungsvoraussetzungen, also insbesondere das Wohl der Allgemeinheit und die verfolgten Ziele benennen, also ausführlich begründet werden. Geht es um Baumaßnahmen, erfolgt mit der Einleitung des Verfahrens eine Eintragung in das Grundbuch (öffentliches Register über Rechte an allen Grundstücken in Deutschland), damit der Eigentümer gehindert ist, während des laufenden Verfahrens das Grundstück anderweitig zu veräußern, ein entsprechender Käufer zumindest weiß, dass ein Enteignungsverfahren eingeleitet wurde. Es tritt zwar rechtlich kein Veräußerungsstopp ein, faktisch allerdings doch.

Der betroffene Eigentümer erhält zunächst Gelegenheit zur Stellungnahme. Anschließend wird ein Termin zur mündlichen Verhandlung anberaumt (bei der Enteignungsbehörde, also noch nicht beim Gericht. Bei einem Gericht ist die Sache zu diesem Zeitpunkt noch nicht anhängig, es handelt sich um eine Art „Verwaltungsverhandlung“, nicht um eine Gerichtsverhandlung). In

dieser mündlichen, aber nicht öffentlichen, Sitzung wird erneut versucht, eine Einigung herbeizuführen. Gelingt das nicht und ist der Antrag ansonsten begründet, ergeht eine Enteignungsentscheidung der Behörde, die dann im Rechtsweg angefochten werden kann.

In Eilfällen gibt es die Möglichkeit, dass die Behörde einen Antrag auf sofortige Besitzeinweisung stellt, d.h. die Enteignung ist so dringend, dass der Staat sofort handeln muss und das langwierige Verfahren nicht abgewartet werden kann. In diesen Fällen hat der Betroffene das Recht, einstweiligen Rechtsschutz zu beantragen, also die sofortige „Wegnahme“ vorläufig im gerichtlichen Schnellverfahren klären zu lassen (Beispiel: Wegen einer akuten oder wahrscheinlich unmittelbar bevorstehenden Überschwemmung droht das Grundstück, das dringend für einen wichtigen Straßenbau benötigt wird, dauerhaft Schaden zu nehmen nach einer längeren Überschwemmung als Untergrund für eine Straße nicht mehr geeignet zu sein. In diesem Fall könnte die Enteignungsbehörde die für den Straßenbau zuständige Behörde sofort in den Besitz einweisen, damit die erforderlichen Maßnahmen – z.B. Überschwemmungsschutz – getroffen werden können).

b. Rechtsschutz und Rechtsweg

Der Rechtsweg muss vollständig zulässig sein, sonst wäre eine Enteignung rechtswidrig. Es muss also das Anrufen der Gerichte zwingend möglich sein zur Frage, ob eine Enteignung selbst rechtmäßig ist und auch zur Frage, ob eine Entschädigung der Höhe nach angemessen ist.

In Deutschland ist der Rechtsweg geteilt. Geht es um die Rechtmäßigkeit der Enteignung selbst, sind die Verwaltungsgerichte anzurufen, also eine besondere Gerichtsbarkeit für öffentlich-rechtliche Streitigkeiten. Dreht sich die Auseinandersetzung nicht

hierum, sondern nur noch um die Höhe der Entschädigung, ist der Rechtsstreit an die ordentlichen Zivilgerichte verwiesen. Grund hat das in der Annahme, dass Zivilgerichte typischerweise mit Entschädigungsansprüchen als solchen befasst sind, während die Verwaltungsgerichte ihren Schwerpunkt auch sonst bei der Frage haben, ob ein Hoheitsakt als solcher rechtmäßig ist oder nicht.

4. Zahlen und Daten

Zu Enteignungen auf Bundesebene liegen keine Statistiken vor. In den Jahren 2017 bis 2020 liefen in Deutschland zum Komplex „Autobahn und sonstiger Fernstraßenbau“ rund 500 Enteignungsverfahren. Es sollen seit 2009 rund 1640 Verfahren zur Enteignung von Eigentümern von Grundstücken stattgefunden haben aufgrund von Projekten im Bundesfernstraßenbau. Hinzu kommt eine Vielzahl von Verfahren auf der Ebene der Bundesländer.

5. aktuelle Debatten

Immer wieder tritt im politischen Raum in Deutschland die Debatte auf, ob die Möglichkeiten der staatlichen Enteignungen erweitert werden sollten auf Bereiche, die bisher praktisch nicht betroffen waren. So wurde in vergangener Zeit lebhaft diskutiert, ob im Falle extremer Wohnungsnot und Mietpreissteigerungen Enteignungen von Wohngebäudeeigentümern in Betracht kommen könnten, um auf diese Weise staatlich geförderten Wohnraum zu gewinnen. In die Diskussion geraten sind aktuell dabei insbesondere Wohnungsgesellschaften, die Eigentümer einer Großzahl von Wohnungen in Ballungszentren sind. Das wird bisher grundsätzlich von der politischen Mehrheit streng ablehnt und dürfte auch rechtlich auf Schwierigkeiten stoßen. Insoweit dürfte ein Gemeinwohlzweck im rechtlichen Sinne nicht betroffen sein, was aber auch unter Juristen

streitig ist. Wohnungsmangel sind regelmäßig regional begrenzte und auch zeitlich begrenzte Phänomene, die sich durch gesetzgeberische Maßnahmen beeinflussen lassen. Denkbar sind etwa Gesetze zur Begrenzung von Mietpreisen und Sozialgesetze, die für einkommensschwache Personen Mietzuschüsse vorsehen, oder auch staatliche Förderprogramme, um Wohnungsbau insgesamt zu fördern. Das allesamt sind vorrangige Maßnahmen, die zunächst zu ergreifen wären, bis in ein Grundrecht auf Eigentum in dieser massiver Weise eingegriffen werden dürfte.

Quellen:

Maunz/Dürig, Kommentar zum Grundgesetz, 92. EL August 2020

Dreier, GG, Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland | 3. Auflage 2018

Antwort der Bundesregierung auf eine Abgeordnetenanfrage – Drucksache 19/13124 – Enteignungen in Bund und Ländern

Д-р Фреелс Хорст
Председатель участкового суда
ГФР, г. Ольденбург

Проблемы правовой практики в Германии в вопросах компенсации собственникам за изъятие земельных участков для государственных и общественных нужд

I. Предисловие

Тема «Изъятие собственности и компенсация» является комплексной во многих отношениях и трудно поддается краткому

изложению. Далее будут вкратце затронуты основные проблемы правовой практики, поскольку невозможно осветить пути окончательного решения всех проблем. Для этого необходимо проведение отдельного мероприятия, в зависимости от того, какие положения, например, предполагается внедрить или изменить в Узбекистане или какие цели намерен преследовать законодатель. Таким образом, следующий доклад может дать лишь обзор и вкратце осветить наиболее важные проблемы.

II. Обзор законодательства Германии в области изъятия собственности и компенсации за ее изъятие

1. Изъятие земельных участков – ст. 14 Основного Закона

Согласно законодательству Германии собственность поставлена под особую защиту Конституции в ст. 14 Основного Закона. Вмешательства государства в эту правовую позицию возможны только при наличии очень узких предпосылок. Но такое вмешательство вполне возможно. Защита этого основного права не является абсолютной. Действует принцип: «Собственность обязывает». Этот принцип является выражением принципа «социальной ответственности собственности» (нем. «Sozialbindung»).

Изъятие собственности возможно не только в случае земельных участков, но в аналогичной форме теоретически также в случае движимого имущества (ст. 15 Основного Закона). Последнее практически не применяется и до сих пор в Германии никогда не применялось. Изъятие движимого имущества согласно существующему правовому положению мыслимо разве что в случае наступления действия военного права, то есть в случае военного конфликта, например, при необходимости в отношении изъятия определенных движимых средств

производства (оборудования) или же морских судов и самолетов. Поэтому в докладе не будет рассматриваться изъятие движимого имущества.

a. Оговорка в законе

Такая особая конституционная защита, во-первых, ведет к тому, что вмешательство допускается только посредством или на основании закона. Изъятие собственности возможно только в той мере, в которой она предусмотрена законом с указанием точных предпосылок. Изъятие собственности, таким образом, является прерогативой парламента. То есть будет противоправным, если изъятие будет основано только на каком-либо постановлении или указе без соответствующего закона в их основе, то есть на подзаконных актах исполнительной власти. В силу особой конституционной защиты только таким образом может быть гарантировано то, что условия изъятия собственности устанавливаются избранными в парламент представителями народа, а не административными актами правительства или его органов. Хотя в конце в Германии изъятие собственности осуществляется также на основании подзаконного постановления, оно должно быть непосредственно основано на законе об изъятии собственности.

Закон, который, по сути, разрешает изъятие собственности, кроме того должен сам регулировать все предпосылки способа и размера компенсации за ее изъятие. Недостаточно общей оговорки, например, наподобие такой: «В случае изъятия собственности собственнику выплачивается компенсация». Если в этом законе отсутствуют такие положении о компенсации, он не может служить основанием изъятия собственности. Изъятие собственности, основанное на таком законе, является

противоправным. Помимо этого обязательным условием является то, что закон об изъятии собственности открывает путь для обращения в суды, то есть законом гарантируется возможность искового обжалования как самого изъятия собственности, так и способа и размера компенсации. Разумеется, что и сам закон, на котором основывается изъятие собственности, должен быть принят правомерным способом. Это тоже может быть проверено в рамках правового спора об изъятии собственности и в случае неправомерного принятия закона ведет к противоправности основанного на нем изъятия собственности.

b. Понятие «изъятие собственности»

Изъятие собственности означает полное или частичное лишение права собственности. Тем самым его последствием является утрата права и имущества. Отсюда следует, что возможно также частичное изъятие собственности.

В этом вопросе в правовой практике зачастую возникает первая проблема. Частичное изъятие мыслимо в разных формах. Понятием «изъятие собственности» охвачены во всяком случае только случаи целенаправленного вмешательства со стороны государства. Не подпадают под понятие изъятия собственности, например, такие экономические явления, как, например, инфляция.

Пример: владелец сберегательного счета в банке, напр., не может ссылаться на то, что его собственность изъята, потому что государство не предпринимает никаких мер против инфляции, составляющей ежегодно 2 %, и что он ежегодно теряет эту долю своей денежной собственности.

В предметном отношении изъятие собственности может быть ограничено какой-либо сферой, которая может быть отделена от остального имущества, например, частью единого земельного участка.

Также мыслимо, что изъятие собственности состоит не в изъятии, а лишь в обременении, не связанном с полным изъятием, например, возложением на собственника обязанности разрешить прокладку трубопровода или проезд/проход через свой земельный участок.

Третья форма частичного изъятия касается самого сложного в правовой практике случая, когда сама собственность не изымается, но государственная мера фактические имеет такое последствие, как если бы имело место изъятие собственности. Такое последствие здесь является не прямым, а косвенным. Так может быть, например, в случае государственных распоряжений, практически полностью ограничивающих возможность использования собственности, например, включение старого дома вместе с земельным участком в список охраняемых архитектурных объектов или природоохранных объектов. В этом случае собственник остается собственником, однако он на определенное или неопределенное время настолько ограничен в своем праве собственности, что больше не может поступать со своей собственностью по своему усмотрению, как настоящий собственник. И такие случаи обсуждаются юристами в Германии в контексте изъятий собственности. Решающей проблемой практики в этой связи является случай, когда такое косвенное последствие следует рассматривать как изъятие собственности, когда наступает обязанность выплаты компенсации, а когда – нет. Решающим здесь является разграничение, которое в Германии было

сделано в основном судами, так как многообразие возможных ситуаций практически не может быть охвачено абстрактной нормой в законе. Это касается, в частности, временно ограниченных государственных мер с ограниченными последствиями для собственности. Если, к примеру, строительство дороги, запланированное на 1 год, ведет фактически к тому, что магазин собственника становится недоступным или труднодоступным из-за длительной стройки, это может быть равнозначно изъятию собственности, хотя это не обязательно. В таких случаях необходимо принять меры предосторожности, либо в виде закона, либо в виде судебной практики, иначе в правовой практике постоянно будут возникать проблемы разграничения.

В Германии по данному вопросу еще в 1981 году было принято основополагающее решение Федерального Конституционного суда (определение от 15.07.1981 – 1 BvL 77/78). До этого любое прямое или косвенное ущемление собственности вследствие государственной меры рассматривалось как случай обязательной компенсации за изъятие собственности в случаях, в которых была достигнута определенная степень тяжести. Эту степень тяжести необходимо было устанавливать в суде. И это было независимо от того, была ли эта мера обжалована ранее, например, в виде иска против ущемляющего строительства дороги. До 1981 года можно было действовать также по принципу «терпи и ликвидируй».

Решение Конституционного суда от 1981 года для того времени четко установило, что изъятием собственности, влекущим за собой компенсацию, является только такое изъятие, которое изымает собственность прямо на основании

закона. Другие ограничения собственности должны либо претерпеваться, так как они являются частью социальной ответственности собственности (напр., собственник магазина обязан претерпевать то, что во время строительства дороги из-за объезда некоторые клиенты не смогут приходить в его магазин). Либо ему необходимо обращаться в суд и обжаловать данную меру, и если она окажется противоправной, то у истца будет право на получение возмещение ущерба от государства. Последнее не является изъятием собственности, а обычным случаем, предусмотренным в нормах о возмещении ущерба, причиненного противоправными действиями. В соответствии с общими принципами такое требование может быть предъявлено к государству, это – так называемая материальная ответственность государства (напр., мера в виде строительства дороги, которая привела к сокращению оборота владельца магазина, основана на плане, нарушающем закон).

c. Во исполнение публичных задач

Изъятие собственности допускается только в том случае, если оно осуществляется во исполнение публичных задач и на благо общества. При этом на переднем плане находится вопрос о том, служит ли изъятие собственности данной цели. Из этого следует, что изъятие собственности допускается также в пользу частного лица, если это в свою очередь необходимо для блага общества, например, в случае изъятия собственности в пользу частного предприятия коммунального обслуживания (напр., в форме акционерного общества), чтобы обеспечить энергоснабжение населения. Следовательно, решающим является преследуемая в конечном итоге цель изъятия

собственности, а не вопрос о том, в чью пользу изымается собственность.

Изъятие собственности исключительно в частных интересах недопустимо. Но допустимо изъятие собственности в пользу компании, лишь организованной в частно-правовой форме (напр., в форме акционерного общества), если на эту компанию возложены задачи, служащие публичным интересам. В этом смысле это также и задача законодателя – конкретизировать в законе о компенсации за изъятие собственности (в Германии это – законы Федерации и федеральных земель), какая именно цель вообще преследуется в виде общего блага и какие именно меры допускаются для достижения данной цели. Государственные органы не вправе самостоятельно устанавливать цели общественного блага, это – прерогатива парламента. Если, например, изъятие собственности разрешается в законе в целях «охраны окружающей среды», причем без дальнейшей конкретизации мер, то такое основание для изъятия собственности будет недопустимым. В Германии регулятивная систематика в законах построена таким образом, что Федерация и федеральные земли, в зависимости от того, в чьей компетенции находится соответствующая сфера в целом, предусматривают возможность изъятия собственности в специальных законах (напр., в природоохранных законах), где уже точно предусмотрено, какие цели преследуются. Более подробное регулирование содержатся в отдельном законе об изъятии собственности и компенсации за ее изъятие.

Учитывая особую защиту, закрепленную в Конституции, ясно, что не любое благо общества может быть достаточным для изъятия собственности, а что только совершенно особые,

чрезвычайно важные интересы общего блага могут быть основанием изъятия собственности. Здесь возникает следующая проблема практики, а именно – разграничение обычного общественного блага от чрезвычайно важного общественного блага. В этом контексте судебной практикой был разработан принцип права, согласно которому чисто фискальные интересы не могут обосновывать чрезвычайно важное благо общества. То есть, выражаясь обобщенно, если государству нужны деньги, то этого недостаточно для изъятия собственности. Тем самым изъятие собственности в целях увеличения государственного имущества недопустимо. Напротив, необходим общий интерес, относящийся к обществу, а не только к интересам самого государства. Типичными примерами таких интересов являются, например, энергоснабжение населения, расширение транспортной инфраструктуры, то есть строительство дорог, железных дорог и аэропортов, военные интересы могут играть определенную роль и, конечно же, интересы защиты окружающей среды и климата или генеральное планирование (где и что разрешается строить, а где нет, чтобы не допустить разрастания городов за счет сокращения ландшафта) или же защита от наводнений.

Одной из самых крупных сфер в Германии, которая в повседневной практике ведет к изъятиям собственности, является строительство дорог, в частности, строительство магистральных дорог. Поэтому в строительстве магистральных дорог значение настолько большое, а также еще больше, чем в строительстве региональных дорог, так как требуется межрегиональное планирование, где очень трудно найти компромисс из-за наличия других интересов. Если, например, планируется строительство автомагистрали, то необходимо

учитывать не только природоохранные интересы, но и экономические интересы, например, интерес в обеспечении подключения важных промышленных объектов к транспортным коммуникациям. Вместе с тем значение имеет то, соблюдены ли, например, геологические предпосылки и пригоден ли грунт и т.д. При такой интенсивности планирования, естественно, крайне сложно вносить изменения в план, когда отдельные собственники не готовы продавать свои земельные участки. В таком случае изъятие собственности является единственной возможностью реализации проекта. В строительстве региональных дорог, например, легче осуществить смещения запланированной трассы, чтобы избежать изъятия собственности.

В этом отношении для изъятия собственности всегда необходимо, чтобы планирование, лежащее в ее основе, в свою очередь было правомерным. То есть если предполагается осуществить изъятие собственности на основании федерального закона о строительстве магистральных дорог, то изъятие собственности «должно быть необходимым для осуществления утвержденного или разрешенного проекта строительства». Здесь возникает следующая проблема практики: в рамках проверки допустимости изъятия собственности во внимание принимается не только само изъятие собственности и сама процедура изъятия собственности. Истец может заявить, что проект строительства, лежащий в основе изъятия собственности, не был спроектирован надлежащим образом, что, например, в ходе этой процедуры были допущены ошибки в рамках выдачи разрешения на строительство. Это ведет к «процессу внутри

процесса» с очень запутанным выяснением предшествующих вопросов.

d. Принцип соразмерности

Даже если имеются все предпосылки для изъятия собственности, в конце всегда необходимо проверить, является ли вмешательство соразмерным, т.е., находятся ли ущемление прав собственника и интересы общества в разумном соотношении при общем рассмотрении. Это, напр., не так, если публичные интересы могут быть выполнены и иным способом, то есть если возможны альтернативные планы, которые служат общему благу не в меньшей степени. Так обстоит дело, например, когда государство намерено объявить определенную территорию природоохранной зоной или промышленной зоной, изымает для этой цели собственность (и соразмерно компенсирует), однако такую зону можно было бы точно так же установить в другом месте, возможно на территории, которая уже находится в государственной собственности. Несоразмерным было бы, например, если в рамках изъятия собственности у предпринимателя изымается основной земельный участок с целью использования этого земельного участка для полностью второстепенной и по государственным соображениям не обязательно необходимой велосипедной или пешеходной дорожки и незначительной боковой дороги.

e. Право на возврат собственности

Изъятие собственности строго привязано к потребности общего блага, т.е. такая потребность должна существовать не только в момент планирования, а постоянно. Если, например, государственный проект строительства, который привел к

изъятию собственности, по каким-то причинам не осуществлен, тогда у бывшего собственника возникает право на возврат собственности.

2. Право на компенсацию

a. Вид и объем

Право на компенсацию не является правом на возмещение ущерба в классическом смысле, т.е. здесь применяются другие правила, чем в законодательстве о возмещении ущерба, причиненного, например, повреждением чужого имущества. Если в законодательстве о возмещении ущерба действует принцип так наз. восстановления исходного положения, т.е. лицо, причинившее ущерб, в принципе обязано восстановить прежнее состояние, либо непосредственно либо посредством денежной выплаты, которая делает возможным такое восстановление, то право на компенсацию после изъятия собственности характеризуется другим принципом – возмещением стоимости утраченного имущества. Согласно законодательству о возмещении ущерба потерпевший затем должен оказаться в том положении, в котором он был бы, если бы не было события, причинившего ущерб. Сюда относится, например, возмещение упущенной выгоды. В случае компенсации после изъятия собственности упущенная выгода не возмещается. Если кто-то наносит ущерб, напр., чужому земельному участку с помощью тяжелой техники и собственник из-за этого не может сдавать его в аренду, что он мог бы сделать, если бы не было события, причинившего ущерб, и что можно было бы доказать, то причинитель ущерба обязан выплатить расходы на восстановление и упущенную выгоду. Если этот же земельный участок изымается, то собственник получит «только»

актуальную рыночную цену земельного участка, но не получит упущенную выгоду. В Германии собственник, чья собственность изъята, в принципе находится в худшем положении, чем лицо, которому причинен ущерб.

И здесь существуют несколько проблем практики, напр., в разграничении упущенной выгоды от ущерба, возникшего вследствие вмешательства в собственность. Последнее в свою очередь охватывает право на получение компенсации за изъятие собственности (пример: часть земельного участка изымается, остальная часть земельного участка собственника теряет свою ценность, поскольку он из-за его незначительного размера, напр., больше не пригоден для сельскохозяйственного использования). В таком случае возмещается также и эта потеря стоимости, так как речь идет о непосредственном ущербе, возникшем вследствие изъятия. Если бы изъятый земельный участок можно было бы когда-нибудь в будущем сдать в аренду на хороших условиях, что необходимо еще доказать, то эта часть в принципе не подлежала бы компенсации.

Компенсация за изъятие, как правило, производится в денежном выражении, но может также осуществляться в виде предоставления другого земельного участка, если это предусмотрено законом.

b. Рыночная стоимость

В принципе компенсации подлежит полная рыночная цена, решающим является рыночная цена на момент изъятия собственности. В общем, это – та цена, которую можно получить на свободном рынке на момент изъятия собственности. Если цена находится в некоем диапазоне, право должно ориентироваться на компенсацию по верхнему пределу. В

случае спора назначается экспертиза по определению рыночной стоимости.

И здесь, конечно, возникает множество проблем практики. Закон говорит только о «соразмерной компенсации». С учетом множества возможных случаев и постоянно меняющихся цен также практически немыслимо некое абстрактное регулирование в законе. Например, возникает вопрос, необходимо ли учитывать увеличение рыночной стоимости, которое основано исключительно на запланированном мероприятии. Если государство намерено осуществить определенный проект, напр., построить дорогу, то возможно, что цены на земельные участки в этой местности поднимутся только из-за этих планов (улучшится доступность, станет больше туризма и т.д.). Если в связи с этим строительством необходимо изъятие земельного участка, должна компенсироваться рыночная цена, то есть актуальная цена на рынке. Теперь возникает вопрос: может ли собственник требовать повышенную цену (то есть цену, выросшую из-за актуального планирования, которая не является реальной, если изъятия не произойдет, так как строительство не может быть проведено) или только ту стоимость, которая у земельного участка была до государственного плана (то есть нормальную, более низкую цену). Собственник в принципе может требовать только нормальную стоимость, так как более высокая цена «вызвана планированием со стороны государства». Так как эту дорогу вообще невозможно построить без изъятия собственности, собственник в таком случае не может ссылаться на более высокую стоимость. В Германии также не окончательно выяснены случаи, когда речь идет о ценообразующих факторах, таких, например, как собственные взносы собственника, не отражающиеся в рыночной цене (напр.,

посаженный с любовью сад или тому подобное). Из рыночной цены вычитывается в свою очередь та часть потери, которая касается любого другого лица в данном регионе, у которого конкретно собственность не изымается и который должен претерпевать такое снижение стоимости из-за социальной ответственности собственности (пример: на территории, где люди проводят отпуск, планируется автомагистраль, что влечет за собой сокращение количества гостей, падению оборотов и в целом к снижению стоимости земельных участков. Это должны претерпевать все, в том числе и собственник, чья собственность изымается. Он не может ссылаться на рыночную стоимость до мероприятия. Общее снижение стоимости окажет уменьшающее влияние также на его право получения компенсация).

c. Предшествующее предложение о выкупе

Прежде чем будет подано ходатайство о проведении процедуры изъятия собственности, собственнику повторно, то есть неоднократно, должно быть сделано серьезное и соответствующее рыночной цене предложение о выкупе его имущества. Изъятие собственности может использоваться только как последнее средство, если предшествующие серьезные переговоры не увенчались успехом (выкупом). Предложение должно ориентироваться на экспертное заключение, составленное экспертным административным органом (в Германии для этого существуют «административные органы по оценке земельных участков», которые, в общем, занимаются оценкой участков). Заключение должно быть представлено собственнику.

3. Ход процедуры и судебное обжалование

a. Предварительный этап: практический ход процедуры изъятия собственности и выплаты компенсации

То государственное учреждение, которое намерено добиться изъятия собственности (то есть то учреждение, выполнению задач которого служит изъятие собственности, напр., ведомство по охране природы), должно сначала подать соответствующее ходатайство в административный орган, осуществляющий изъятие собственности. Какой административный орган является органом по изъятию собственности, отчасти по-разному урегулировано законодательством федеральных земель. В федеральной земле Нижняя Саксония, например, таким органом является Министерство внутренних дел федеральной земли. Даже если данное ходатайство запускает процедуру, сначала предпринимаются дальнейшие попытки в рамках официальной процедуры договориться с собственником. В ходатайстве должны быть точно указаны не только собственник и земельный участок, но и содержаться подтверждающие документы о том, что ранее предпринимались неоднократные попытки договориться с собственником. Ходатайство должно содержать указание предпосылок изъятия собственности, то есть, в частности, благо общества и преследуемые цели, то есть оно должно быть подробно обоснованным. Если речь идет о строительных мерах, то с возбуждением процедуры соответствующая запись вносится в Земельную книгу (публичный реестр о правах по всем земельным участкам в Германии), тем самым собственник во время текущей процедуры не может отчуждать земельный участок иным способом, по крайней мере, потенциальный покупатель знает, что возбуждена

процедура изъятия собственности. Хотя в правовом отношении запрета на продажу нет, фактически так и происходит.

Заинтересованный собственник получает сначала возможность высказать свое мнение. Затем назначается устное слушание (в административном органе по изъятию собственности, то есть пока не в суде. На этом этапе дело еще не рассматривается в суде, то есть речь идет об «административном слушании дела», не о судебном слушании). В рамках этого устного, но не открытого заседания вновь предпринимается попытка договориться с собственником. Если это не удается и если ходатайство в остальном является обоснованным, административный орган выносит решение об изъятии собственности, которое затем может быть обжаловано в судебном порядке.

В срочных случаях у административного органа существует возможность подать ходатайство о немедленном введении во владении, т.е. изъятие собственности является настолько срочным, что государство должно действовать сразу и не может дожидаться исхода длительной процедуры. В таких случаях у собственника есть право подать ходатайство о принятии обеспечительных мер, то есть выяснить в ускоренном судебном производстве правомерность немедленного «отъема» (пример: из-за непосредственно грозящего или вероятно предстоящего наводнения земельному участку, которой срочно необходим для строительства важной дороги, грозит причинение необратимого ущерба и этот участок вследствие длительного наводнения может стать непригодным в качестве грунта для дороги. В таком случае орган по изъятию собственности дает административному органу, ответственному за строительство дороги, распоряжение о введение этого органа во владение

участком, чтобы тот имел возможность принять необходимые меры, напр., меры по защите от наводнения).

b. Судебная защита и порядок судебного обжалования

Судебная защита должна быть допустимой в полном объеме, иначе изъятие собственности было бы противоправным. То есть обязательно должна существовать возможность обращения в суды по вопросу о том, является ли правомерным само изъятие собственности, а также по вопросу о том, является ли соразмерным размер компенсации.

В Германии порядок судебного обжалования устроен следующим образом: если речь идет о правомерности самого изъятия собственности, необходимо обращаться в административные суды, то есть специальные суды по публично-правовым спорам. Если же речь идет не об этом, а только о размере компенсации, то спор о праве направляется в суды по гражданским делам. Объясняется это тем предположением, что суды по гражданским делам, как правило, занимаются вопросами, связанными с правами на получение компенсации как таковыми, в то время как административные суды в основном рассматривают вопрос о том, является ли правомерным публично-правовой акт как таковой.

4. Цифры и данные

Касательно изъятия собственности на федеральном уровне статистических данных нет. За период с 2017 по 2020 год в Германии по комплексу «Строительство автомагистралей и иных дорог дальнего следования» имели место 500 процедур по изъятию собственности. С 2009 года имело место приблизительно 1640 процедур по изъятию земельных участков

у собственников на основании проектов в области строительства федеральных дорог дальнего следования. Кроме того, множество таких производств имело место на уровне федеральных земель.

5. Актуальные дебаты

В политическом пространстве в Германии регулярно возникают дебаты о том, следует ли расширить возможности государства по изъятию собственности, включив в них сферы, которых это до сих пор практически не касалось. Так за прошедший период бурно обсуждалась возможность изъятия жилых домов у их собственников в случае крайней нехватки жилья и роста арендных плат, чтобы получить таким образом жилье, финансируемое государством. При этом, в частности, речь шла о жилищных компаниях, в собственности которых находится большое количество квартир в городах. До сих пор это строго отвергается политическим большинством, а также было бы сопряжено с юридическими сложностями. В этом отношении цель всеобщего блага в правовом смысле, пожалуй, не затрагивается, но этот вопрос вызывает споры также среди юристов. Нехватка жилья, как правило, – это явление, которое ограничено в территориальном и во временном отношении и на которое могут оказывать влияние законодательные меры. Мыслимы, например, законы по ограничению арендной платы и социальные законы, предусматривающиеся субсидирование арендной платы для лиц с низким доходом, или же государственные программы поддержки жилищного строительства в целом. Всё это – первоочередные меры, которые следовало бы принимать прежде, чем осуществлять

массивное вмешательство в конституционное право на собственность.

Приложение

Порядок рассмотрения дел об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов и органов самоуправления граждан, их должностных лиц (ст.184)

Дела об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов и органов самоуправления граждан, их должностных лиц рассматриваются судом по общим правилам, предусмотренным настоящим Кодексом, с учетом особенностей, установленных в настоящей главе.

Дела об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов и органов самоуправления граждан, их должностных лиц рассматриваются в суде, если их рассмотрение законом не отнесено к компетенции иных государственных органов.

Производство по делам об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов и органов самоуправления граждан, их должностных лиц возбуждается на основании заявлений граждан или юридических лиц (далее — заинтересованное лицо).

Право на обращение в суд с заявлением (жалобой) на решение, действия (бездействие) административного органа, органа самоуправления граждан, их должностных лиц (ст.185)

Заинтересованное лицо вправе обратиться в суд с заявлением (жалобой) о признании недействительным решения, незаконными действий (бездействия) административного

органа, органа самоуправления граждан, их должностных лиц, если полагает, что этим решением, действиями (бездействием):

- нарушены его права и охраняемые законом интересы;
- созданы препятствия к осуществлению его прав, свобод и реализации законных интересов;
- на него незаконно возложены какие-либо обязанности;
- созданы иные препятствия для осуществления деятельности в той или иной сфере.

Сроки обращения в суд с заявлением (жалобой) на решение, действия (бездействие) административного органа, органа самоуправления граждан, их должностных лиц (ст.186)

Если настоящим Кодексом или иными законами не установлены другие сроки, заявление (жалоба) на решение, действия (бездействие) административного органа, органа самоуправления граждан, их должностных лиц может быть подано в суд в течение трех месяцев с момента, когда заинтересованному лицу стало известно о нарушении его прав, свобод и законных интересов.

Заявление (жалоба) о признании недействительным решения, незаконными действий (бездействия) государственного исполнителя может быть подано в суд в течение десяти дней с момента, когда заинтересованному лицу стало известно о нарушении его прав, свобод и законных интересов.

Пропущенный по уважительной причине срок подачи заявления (жалобы) может быть восстановлен судом.

Форма и содержание заявления (жалобы) о признании недействительным решения, незаконными действий

(бездействия) административного органа, органа самоуправления граждан, их должностных лиц (ст.187)

Заявление (жалоба) о признании недействительным решения, незаконными действий (бездействия) административных органов и органов самоуправления граждан, их должностных лиц, должно соответствовать требованиям, предусмотренным в статье 128 настоящего Кодекса.

В заявлении (жалобе) должны быть также указаны:

1) наименование административного органа, органа самоуправления граждан, фамилия и инициалы должностного лица, принявшего обжалуемое решение либо совершившее обжалуемые действия (бездействие);

2) название, номер, дата принятия обжалуемого решения, дата и место совершения обжалуемых действий (бездействия);

3) сведения о правах, свободах и законных интересах заявителя, которые, по его мнению, нарушаются обжалуемым решением, действиями (бездействием);

4) законодательство, которому, по мнению заявителя, противоречит обжалуемое решение, действия (бездействие);

5) требование заявителя о признании недействительным решения, незаконными действий (бездействия).

К заявлению (жалобе) прилагаются документы, указанные в статье 130 настоящего Кодекса, а также текст обжалуемого решения.

Особенности судебного разбирательства по делам об обжаловании решений, действий (бездействия) административного органа, органа самоуправления граждан, их должностных лиц (ст.188)

Дело об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов, органов самоуправления граждан,

их должностных лиц рассматривается с участием представителей органа или должностного лица, принявшего обжалуемое решение либо совершившего обжалуемые действия (бездействие). Однако, неявка этих лиц, надлежаще извещенных о времени и месте судебного заседания, не является препятствием для рассмотрения дела.

Суд может признать обязательной явку в судебное заседание представителей административного органа, органа самоуправления граждан, должностного лица, принявшего обжалуемое решение либо совершившего обжалуемые действия (бездействие), и вызвать их в судебное заседание для дачи объяснений.

При рассмотрении дела об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов, органов самоуправления граждан, их должностных лиц суд проверяет законность обжалуемого решения или его отдельных частей, действий (бездействия), полномочия органа или должностного лица, принявшего обжалуемое решение либо совершившего обжалуемые действия (бездействие), а также устанавливает, нарушает ли обжалуемое решение или его отдельные части либо действия (бездействие) права и охраняемые законом интересы заявителя.

Решение суда по делу об обжаловании решения, действий (бездействия) административного органа, органа самоуправления граждан, их должностных лиц (ст.189)

Решение по делу об обжаловании решений, действий (бездействия) административных органов, органов самоуправления граждан, их должностных лиц принимается судом по правилам, установленным в главе 19 настоящего Кодекса.

Суд, установив, что обжалуемое решение или отдельные его части либо действия (бездействие) противоречат законодательству и нарушает права и охраняемые законом интересы заявителя, принимает решение о признании решения или его отдельных частей недействительными либо действий (бездействия) незаконными.

В случае, если суд установит, что обжалуемое решение или отдельные его положения либо действия (бездействие) соответствуют законодательству и не нарушает права и охраняемые законом интересы заявителя, принимает решение об отказе в удовлетворении заявленного требования.

В резолютивной части решения об удовлетворении заявления о признании недействительным решения, незаконными действий (бездействия) должно быть указано:

1) наименование органа (должностного лица), принявшего обжалуемое решение либо совершившего действия (бездействие), название, номер, дата принятия решения, дата и место совершения обжалуемых действий (бездействия);

2) признание обжалуемого решения полностью или в части недействительным или действий (бездействия) незаконными;

3) распределение судебных расходов.

В случае признания решения недействительным, действий (бездействия) незаконными, суд обязывает соответствующий орган или должностное лицо:

принять решение или совершить определенные действия в соответствии с законом либо устранить иным способом допущенные нарушения прав, свобод и законных интересов заявителя;

устранить допущенные нарушения и сообщить об исполнении решения в суд и заявителю в течение одного месяца

со дня вступления решения суда в законную силу, если иной срок не установлен судом.

Решение суда, принятое по результатам рассмотрения дела, вступает в законную силу по истечении одного месяца с момента его принятия, если оно не обжаловано (опротестовано) в апелляционном порядке.

Источники:

Maunz/Dürig, Комментарий к Основному Закону, 92. EL August 2020

Dreier, GG, Основной Закон для Федеративной Республики Германия | 3-е изд., 2018

Ответ Федерального правительства на депутатский запрос – Drucksache 19/13124 – Изъятие собственности в Федерации и федеральных землях

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги Судьялар Олий мактаби профессори, ю.ф.д. И.И.Насриев

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши билан мулкдорларга етказилган зарарларни ундиришнинг айрим масалалари

Ер участкаларини давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси,

Ўзбекистон Республикаснинг Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Мазкур тоифадаги ишларни судларда кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг катор қарорлари билан судларга тегишли тушунтиришлар ҳам берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 1997 йил 2 майдаги 3-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 2006 йил 3 февралдаги 3-сонли қарорлари шулар жумласидандир.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга компенсация беришга оид жами 400 (2018 йилда 418) та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, жами кўрилган ишларга нисбатан 0,1 (0,1) фоизини ташкил этади.

Судлар томонидан 2019 йилда жами кўрилган 400 (2018 йилда 418) та фуқаролик ишларидан 276 (392) таси бўйича даъво аризалари қаноатлантирилган, 25 (8) та рад этилган, 22 (9) та фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тугатилган ва 77 (9) та аризалар кўрмасдан қолдирилган.

Ушбу тоифадаги ишлар асосан Тошкент вилояти (80 та), Жиззах вилояти (63 та), Тошкент шаҳар (65 та) судларида кўпроқ кўрилган.

2020 йил давомида эса судлар томонидан кўрилган мазкур тоифа ишлар 533 тани ташкил қилган. Шундан 376 таси бўйича даъво аризалари қаноатлантирилган, 41 976 210 905 сўмлик компенсация ундириш белгиланган, 38 та рад этилган, 10 та фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тугатилган, 110 та аризалар кўрмасдан қолдирилган. Ушбу тоифадаги ишлар асосан Жиззах вилояти (157 та), Сурхондарё вилояти (128 та), Тошкент вилояти (91 та), Тошкент шаҳар (37 та) судларида кўпроқ кўрилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг 2020 йил 20 декабрда имзоланиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан 1 та Кодексга ва 2 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексининг 36-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди: ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг

1, 2, 3 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш мазкур Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегишли туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг таклифига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида туманлар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади. Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

Ер Кодексининг 37-моддасига киритилган ўзгартишларга биноан энди ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг

қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилиши мумкин.

Мазкур моддада ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг мақсадлари аниқ белгиланди, чунончи, булар:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;

автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ва авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика тизими объектларини ва электр узатиш тармоқларини, алоқа тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни қуришга оид қисмини ижро этиш мақсадида, шунингдек қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳоллар шулар жумласидандир.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилишга фақат олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк мулкдорлари билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, фойда ва харажатлар баҳоланганидан, шунингдек тегишинча Давлат ва

жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма билан мажбурий равишда келишилганидан кейин йўл қўйилади.

Ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг бузилишига турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган иморатлар, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда бошқа бино ва иншоотлар амалда тўлиқ бўшатиб қўйилганидан, олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати, кўчириш, юридик, жисмоний шахсларни янги жойлашган ери ёки яшаш жойига, шу жумладан вақтинчалик олинган кўчмас мулк объектига кўчириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнг рухсат берилади.

Давлат органининг (мансабдор шахснинг) ер участкаси олиб қўйилиши билан боғлиқ қонунга хилоф маъмурий ҳужжати қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан қопланади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар,

муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокими ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олиши шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёхуд турар жой ҳамда бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади»;

Кодекснинг 38-модда матни кўра эндиликда Ер Кодексининг 36-моддаси биринчи қисмининг 6-11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер

участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади. Ер участкасини берган орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли бўлиб ҳисобланадилар.

Зарарларнинг ўрнини қоплаш олиб қўйилаётган ер участкалари ўзига ажратиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачилари ҳамда мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишинча давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қонунчиликда белгиланадиган тартибда амалга оширилади».

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига киритилган ўзгартишга кўра эндиликда давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига

фақатгина қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилади ва у кўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланади.

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдорнинг розилиги билан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори фақат адлия органларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда қабул қилинади. Ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектининг мулкдори ўртасида тузиладиган, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларини қоплаб бериш тўғрисидаги келишув мажбурий равишда нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилишга олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектининг мулкдорига келишувда, низо мавжуд бўлган тақдирда эса суд қарорида белгиланган жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатлари қопланганидан сўнг йўл қўйилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлаш тўғрисидаги қарор аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек турар жой даҳалари ҳамда кичик даҳаларини батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди.

Давлат органлари уйнинг, бошқа иморатларнинг, иншоотларнинг ёки дов-дарахтларнинг мулкдорини қабул қилинган қарор тўғрисида бузиб ташлаш бошланишидан камида олти ой олдин, билдиришномага тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорининг кўчирма нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда (имзо қўйдириб) хабардор қилиши шарт.

Олиб қўйилаётган ер участкаларидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқи бекор қилинаётганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати ана шу мол-мулк бевосита олиб қўйилишидан олдинги пайтдаги ёки олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулкнинг қийматига таъсир кўрсатган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга бузиб ташланаётган мол-мулкнинг ўрнини қоплаш, бузиб ташланаётган уйнинг мулкдорига турар жой бериш, бузиб

ташланаётган уй ўрнига якка тартибда уй-жой қуриши учун фуқарога ер участкаси бериш, ер участкаси ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунига қадар амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам низони кўриб чиқишда ҳал этилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодексининг 27-моддасига биноан ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган саҳндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган

пайтдан эътиборан беш йил ичида мулкдор томонидан компенсация қилиниши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарахтлар қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон Қарори билан «Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини мутлақо янги тартибини, жисмоний шахсларга (якка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) ва юридик шахсларга (тадбиркорлик субъектлари, нодавлат ташкилотлар) эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартибини белгилайди.

Низом жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ер участкаси ёки унинг бир қисми (кейинги ўринларда ер участкаси деб аталади) давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилиши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорига биноан амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаси олиб қўйилиши ҳақидаги қарорни қабул қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан йўл қўйилади.

Кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарори асосида ташаббускор ҳамда мулкдор ўртасида Келишув тузилганидан ҳамда Келишувда назарда тутилган компенсация берилганидан сўнг қабул қилинади, қурилаётган кўчмас мулкни компенсация сифатида бериш ҳоллари бундан мустасно.

Кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси адлия органлари томонидан кўриб чиқилиши ва тегишли хулоса берилиши лозим.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишида тақдимот материаллари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сон қарори билан ташкил этилган тегишли Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма кузатув кенгаши (кейинги

ўринларда Кузатув кенгаши деб аталади) билан келишилиши лозим.

Кузатув кенгаши қабул қилинган қарор ҳақида уч иш куни мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларини ёзма равишда хабардор қилади.

Кузатув кенгашининг ёзма розилиги олинганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари икки иш кунида тақдимот материалларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашига ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан фойда ва харажатларни баҳолаш масаласини кўриб чиқиш учун юборади.

Кузатув кенгашининг ёзма розилиги олинмасдан туриб тақдимот материалларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашига киритиш тақиқланади.

Мулкдорларга умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, мухандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш мажбуриятини юклаш тақиқланади.

Ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳалари бевосита мулкдор томонидан амалга оширилган тақдирда ер участкаси олиб қўйилишига йўл қўйилмайди.

Ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳалари мулкдорларнинг ўз маблағлари, кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Мулкдорлар томонидан ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳалари қурилиш (реконструкция) объектининг лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган, бироқ Келишув имзоланган кундан бошлаб икки йилдан ошмаган муддатларда амалга оширилади.

Мулкдорлар томонидан ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан бош тортилган тақдирда ташаббускор томонидан Келишмовчиликлар баённомаси тузилади ва мулкдор билан биргаликда имзоланади. Келишмовчиликлар баённомасини имзолашдан бош тортилган тақдирда, бош тортиш сабаблари кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади.

Келишмовчиликлар баённомаси (далолатнома) имзоланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари мажбурият юклаш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши шарт:

инвестиция лойиҳалари муайян ҳудуддаги фуқароларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, шунингдек, ҳудуд аҳолисининг аксарият қисмининг фикрини ҳисобга олган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга объектларни қуришга йўналтирилганлиги;

биринчи навбатда эскирган ва авария ҳолатидаги уй-жой фонди объектлари, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектлар (маданий мерос тоифасига кирадиган объектлардан ташқари) билан банд бўлган ер участкалари аниқланганлиги, агар аниқланмаган бўлса-бошқа ер участкалари танланганлиги.

Очиқ муҳокамани ўтказишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан очиқ муҳокамани ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин йўл қўйилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарорида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

олиб қўйилаётган ер участкасининг географик координатлари;

ер участкаси олиб қўйилишининг асослари ва мақсадлари;

бузиб ташланиши керак бўлган кўчмас мулк эгалари ва объектлари тўғрисидаги маълумотлар;

олиб қўйилаётган ер участкасида қурилиши лозим бўлган объектлар ҳақидаги маълумотлар;

ер участкасининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга компенсация бериш, шу жумладан, ер участкаси олиб қўйилиши билан боғлиқ бошқа масалалар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг расмий сайтида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарори юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳақидаги қарори юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Қуйидагилар компенсация қилиб берилади:

а) олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;

б) олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;

в) кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар;

г) жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;

д) қонун ҳужжатларида ёки Келишувда назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳам қопланиши лозим.

Бериладиган компенсация турлари:

а) пул маблағлари;

б) бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;

в) ер участкаси;

г) Келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.

Томонларнинг келишувига биноан мулкдорга кўчмас мулкни баҳолаш қийматини ҳисобга олган ҳолда компенсациянинг бир неча турлари берилиши мумкин.

Бузиб ташланган кўчмас мулк ўрнига янги қурилаётган кўчмас мулк объекти бериш муддати бошқа кўчмас мулк объекти вақтинча фойдаланишга берилган кундан бошлаб 24 ойдан ошмаслиги керак. Агар кўрсатилган муддатда янги кўчмас мулк объекти берилмаса, ташаббускор мулкдорга ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,01 фоиз миқдорида жарима тўлайди. Бунда жарима миқдори бузиб ташланган кўчмас мулк объекти қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Компенсация сифатида мулк тақдим этилиши назарда тутилган Келишув қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мухандислик-коммуникация тармоқларидан узишга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент туман (шаҳар) ҳокимларининг кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан сўнг белгиланган тартибда ишлаб чиқилган техник шартларга асосан йўл қўйилади.

Кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш ташаббускор томонидан ўз маблағлари ҳисобига бевосита ёки пудратчи ташкилотни ёллаган ҳолда амалга оширилади. Мулкдор ташаббускор билан келишган ҳолда ўз маблағлари ҳисобига кўчмас мулк объектини ўз ҳисобидан бузиб ташлаши ва қурилиш материалларини олиб чиқиб кетиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ер участкасини олиб қўйилиши ёҳуд олиб қўйилишини рад этилиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент туман (шаҳар) ҳокимларининг кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Мулкдор ва ташаббускор ўртасида юзага келадиган низо бўйича келишувга эришилмаган тақдирда — ушбу низо суд тартибида кўриб чиқилади.

Низо келиб чиққан тақдирда, ушбу низо бўйича суднинг қарори қонуний кучга киргунга қадар ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарор ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Низом талабларига риоя этилмаган ҳолда ер участкалари олиб қўйилишига ҳамда кўчмас мулк объектлари бузиб ташланишига йўл қўйилмайди.

Ер участкалари олиб қўйилиши, кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш, фуқароларни кўчириш, шунингдек, компенсациялар беришда қонун талаблари ижросини назорат қилиш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органи (мансабдор шахс) нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланади, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинади.

Мазкур тоифадаги ишлар асосан судларда амалдаги қонун ҳужжатларига биноан айрим хато камчиликларни ҳисобга

олмаганда тўғри кўрилган. Уларнинг айримларига тўхталадиган бўлсак, масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги «Давлат божи тўғрисида» ги Қонунига кўра фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган мулкий хусусиятга эга даъво аризаларидан – даъво баҳосининг 4 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши белгиланган.

Бироқ, айрим судлар томонидан ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга компенсация беришга оид низоларни кўришда давлат божи ундириш масаласида турли амалиётга йўл қўйишган.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2019 йил 12 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг фуқаро Ф. нинг манфаатида жавобгар Гулистон шаҳар ҳокимлигига нисбатан 17.930.531 сўм компенсация ундириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилган ва ҳокимликдан давлат фойдасига 202.730 сўм давлат божи ундирилган. Ваҳоланки, «Давлат божи ставкалари» га асосан даъво баҳосининг 4 фоизи миқдорида давлат божи ундириш лозим бўлган.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2019 йил 23 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг фуқаро Г.нинг манфаатида жавобгар Гулистон шаҳар ҳокимлигига нисбатан 169.460.240 сўм компенсация ундириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилган. Гулистон шаҳар ҳокимлигидан давлат фойдасига 223.000 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Даъвогар Қўшкўпир туман Адлия бўлимининг фуқаро М.нинг манфаатида жавобгар Қўшкўпир туман ҳокимлигига нисбатан

компенсация пулини ундириш ҳақидаги даъво талаби фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судининг 2020 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, 35.643.000 сўм ундириш белгиланган. Ушбу қарорнинг асослантириш қисмида суд Кўшкўпир туман ҳокимлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ҳисобланиши ва давлат божи тўлашдан озод этилганлиги сабабли давлат божи ундирмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 207-моддасининг биринчи қисмига кўра, ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади. Бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига кўра, икки ойгача узайтирилиши мумкин.

Бироқ, айрим вилоят судларида мазкур тоифадаги ишларни ўз вақтида кўриб чиқиш чоралари кўрилмаслиги, бунда ишни тайёрлаш босқичига етарли эътибор қаратилмаётганлиги ҳолатлари учрайди.

2019 йил 10 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Х.нинг даъво талаблари қаноатлантирган, «R» МЧЖ баҳолаш марказининг 2018 йил 2 мартдаги Гулистон шаҳар, Маданият маҳалласи, Ғолиблар кўчаси, 72-уйни 496.828.657,70 сўмга баҳолаш ҳақидаги ҳисоботини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низо 8 ой давомида кўрилган.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, судлар давлат божи ундириш, ишларни кўриш муддатлари, ишни суд мажлисига тайёрлаш жараёнларида айрим камчиликларга йўл қўяётганлигини кузатиш мумкин. Аммо, аксарият ҳолларда судлар қонуний ва асослантирилган қарорлар чиқарилишига эришмоқдалар, дейиш мумкин.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича фуқароларга компенсация тўловлари ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги сабабли, судга компенсация тўлови билан бирга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасига асосан, унга ҳисобланган банк фоизи ундириш ҳақидаги даъво талаблари ҳам қўйилмоқда.Масалан, даъвогар М. 2019 йил 22 апрелда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар Фарғона шаҳар ҳокимлигига нисбатан етказилган 106.617.460 сўм моддий зарар (компенсация тўлови) ҳамда унга ҳисобланган 56.000.000 сўм банк фоизини ундириб беришни, Фарғона шаҳар ҳокимлиги зиммасига савдо дўкони қуриш учун Фарғона шаҳар, Деҳқон кўчасидан 36 кв.м ер майдони ажратиб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2019 йил 19 июндаги ҳал қилув қарорига асосан даъво аризаси қаноатлантирилиб, Фарғона шаҳар ҳокимлигидан даъвогар М.нинг фойдасига 106.617.460 сўм моддий зарар, 51.176.380 сўм (16 фоиз - 3 йил) банк фоизи, жами 157.793.840 сўм ундириш белгиланган.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш билан боғлиқ қонунчиликка биноан мулкдор ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатланган бўлсада, олдинги йилларда суд қарори билан ундирилган зарар суммаларини манфаатдор шахсларга тўлаб бериш иши пайсалга солинмоқда. Бугунги кунда млрдлаб суммалар тўланмаяти, натижада тўлов тизимига бу ҳолат ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Назаримда бу борада прокурор назорати таъсир чораларидан самарали фойдаланишга эҳтиёж бор.

Юқоридагилар билан бир қаторда амалдаги айрим қонунларни такомиллаштириш ва компенсация маблағларини ўз

вақтида тўлаш механизмини ривожлантиришга қаратилган баъзи фикр-мулоҳазарни билдирмоқчиман.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддаси ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш асосларини назарда тутади. Мазкур модданинг 1- қисми 12-банди фермер, деҳқон хўжаликлари ва томарқа ер эгалари Ўзбекистон фермер ва деҳқон хўжаликлари ва томарқа ер эгалари Кенгашига аъзолиги тугатилганда туман кенгашлари Раёсатининг қарорига мувофиқ фермер, деҳқон хўжаликлари ва томарқа ер эгаларининг ер участкасига нисбатан ҳуқуқи бекор бўлишини назарда тутади. Албатта бу асосда ер участкаларини олиб қўйилиши амалдаги қонунларимизга зид эмасга ўхшайди. Чунки, Ўзбекистон Республикасинин «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида «Фермер хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги мажбурийлиги» назарда тутилган. Гап шундаки, аслида Фермерлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиши боис бундай ташкилотга Қонун билан мажбуран аъзо қилиш мумкин эмас. Қолаверса, Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилган нодавлат нотижорат ташкилотлар, уюшмалар, жамоат бирлашмаларига ихтиёрийликка асосланган аъзолик ҳуқуқини мажбуриятга айлантириб бўлмайди. Афсуски, қонун жамоат ташкилоти ҳисобланган ушбу Кенгашни давлат органи вазифасини бажарувчи ташкилотга айлантириб қўйган. Хулоса шуки, давлат ёки жамоат эҳтиёжи эмас балки, бир жамоат ташкилотига аъзо бўлмаслик тадбиркорлик субъектидан ер участкасини олиб қўйилишига олиб келмоқда.

Иккинчидан, Ер Кодексининг 36-модданинг 1- қисми 12-бандига мувофиқ Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва

томорқа ер эгалари Кенгашига аъзолик тугатилганда ер участкасига нисбатан ҳуқуқ туман кенгашлари Раёсатининг қарорига мувофиқ бекор бўлиши назарда тутилган бўлса, айнан шу масалага оид Ер Кодексининг 36-моддаси 2-қисмида ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда 1-қисми 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегишли туман фермер, деҳқон хўжалиги ва томарқа ер эгаларининг таклифига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида туман ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилиши назарда тутилган. Бир нарса тушунарсиз, у ҳам бўлса 36-модданинг 1-қисми 12-бандга асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқ туман кенгашлари Раёсатининг қарорига мувофиқ тугатиладими ёки 36-модданинг 2-қисмига биноан туман ҳокимнинг қарори билан амалга тугатиладими? Бунга қонун аниқлик киритиши лозим.

Учинчидан, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши натижасида уларга етказилган зарар ва компенсация пулларини суд қарорлари билан ундириш тўғрисидаги қарорларни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоғи лозим.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 86-моддаси иккинчи қисмига «Зарарларнинг ўрнини қоплаш олиб қўйилаётган ер участкалари ўзига ажратиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачилари ҳамда мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар)

ҳокимликлари томонидан тегишинча Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қонунчиликда белгиланадиган тартибда амалга оширилади», деб ёзилган. Жумладаги «қонунчилик» сўзи «қонун» сўзи билан алмаштирилиши лозим. Акс ҳолда етказилган зарарни қоплаш тартиби зарарни етказган шахсга боғлиқ бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси М.Рабиева

Кўчмас мулк объектлари бузилиши муносабати билан мулкдорларга компенсация бериш ҳамда ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларида қурилган бино ва иншоотларни бузиш тартиби

Ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъий назар, жавобгарлик кучайтирилди.

Ш.М.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Мулкий ҳуқуқни амалга ошириш турли манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви билан уйғун ҳолда юз бериши сабабли унинг оқибатлари низоли ҳолатлар юзага келиши эҳтимолини истисно этмайди.

Бундай ҳолатда мулкий муносабатларнинг ҳалол ва инсофли иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан уларнинг ушбу жараённи тартибга солувчи қонун нормаларига қатъий риоя қилишига боғлиқдир.

Бугун ижтимоий ҳаётда кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган бош мавзулардан бири - бу “снос” масаласидир. Албатта, уй қуришда ҳам, уй бузишда ҳам тартиб бор.

Гап “снос” ҳақида кетар экан, уни ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлардан фарқини билиб олиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масаладир. ”Снос” деганда фуқаролар ва юридик шахсларга фақатгина қонуний тартибда тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми олиб қўйилиши ва унга яраша компенсация берилиши тушунилади.

Сўнги йилларда юртимизда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича кўрилаётган қатъий чораларга қарамасдан фуқаролар, давлат органлари ҳамда инвесторлар ўртасида “снос” билан боғлиқ низолар кўпайган.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2019 йил давомида давлат ва жамоат мақсадида олиб қўйилган ер майдонида жойлашган қурилмалар бузилганлиги сабабли компенсация ундириш тўғрисидаги жами 400 та ишлар тамомланган бўлиб, 2020 йилда ушбу кўрсатгич жами 533 тани ташкил қилган.

2020 йилда жами тамомланган 533 та ишдан 413 таси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинган, 375 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган, 38 таси бўйича даъво талаблари рад қилинган, 10 таси бўйича иш юритишган тугатилган бўлиб, 110 та фуқаролик иши бўйича даъво аризалар кўрмасдан қолдирилган.

Ҳақиқатдан ҳам шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилиши доирасида фуқаролар ва тадбиркорларга тегишли бўлган бино ва иншоотлар жойлашган ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан айрим ҳолларда камчиликларга, қонунбузилишларга йўл қўйилди. Айни масалада қонунбузилишлар бўлганлиги сабабли бу борада умуман янгича тартиб жорий этилди.

Эндиликда ер участкасини олиб қўйиш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ҳамда унда кўрсатиб ўтилган асослар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Унга кўра:

-ер участкасини олиб қўйишга зарурат туғилганда биринчи навбатда ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида ОАВ иштирокида очиқ муҳокама ўтказилади;

-ҳокимлик ёки инвестор томонидан дастлабки ҳисоб-китоблар амалга оширилади, шунингдек, компенсация бериш учун етарли ресурслар мавжудлиги ўрганилади;

-Қорақалпоғистон Республикаси Жўғори Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ер участкаси олиб қўйилишидаги фойда ва харажатлар ўрганиб чиқилади, ресурслар етарли бўлганида ҳамда фойда ва харажатлардан устун келган тақдирда ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади. Ҳокимликлар ер участкаси олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли эмас;

-ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида компенсация тури, миқдори ва бериш муддати келишилади ва ушбу келишув нотариал тартибда тасдиқланади.

Келишилган компенсация берилмагунча кўчмас мулклар бузиб ташланишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, олиб қўйилган ер участкасида жойлашган бинони бузиш ҳам адлия органининг ижобий хулосасидан кейингина амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, Низомда қуйидагилар компенсация қилиб берилиши ҳам назарда тутилди:

-олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;

-олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;

-кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;

-қонун ҳужжатларида ёки Келишувда назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар.

Бериладиган компенсация турлари:

-пул маблағлари;

-бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;

-ер участкаси;

-Келишувда (томонларнинг розилиги билан компенсация миқдори, тури ва бериш муддати, шунингдек, бошқа шартларни назарда тутувчи ташаббускор ва мулкдор ўртасида тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклдаги шартнома) назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.

Шу билан бирга инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ер участкалари бир жисмоний ва юридик шахсдан иккинчи шахсга берилганлиги давлат ва жамоат эҳтиёжи ҳисобланмайди.

Ер кодексининг 37-моддасига кўра, ер участкасини ёки унинг бир қисмини **давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун** олиб қўйиш фақат қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

– мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

– фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;

– автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ва авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика тизими объектларини ва электр узатиш тармоқларини, алоқа тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал

қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

– аҳоли пунктлари бош режаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни қуришга оид қисмини ижро этиш мақсадида, шунингдек қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ер кодекси талабларига мувофиқ, ер участкаларини тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг манфаатлари йўлида олиб қўйиш **давлат ва жамоат эҳтиёжи** ҳисобланмайди ва бундай ёндошув ҳуқуқий асосга эга эмас!

Ҳозирда баъзи ҳудудларда айрим фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан ёки ноқонуний ҳужжат асосида ажратилган ерларда қурилган уй-жойлар белгиланган тартибда бузилиши режалаштирилган. Ноқонуний ҳужжат албатта ўз-ўзидан қабул қилинмайди, бу ҳужжатни қабул қилишга масъул бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масаласи албатта тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, давлат органининг ноқонуний қарори натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланади. Бундай зарарнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши, агар у ерда маблағлар етарли бўлмаса зарар давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Бугунги кунда фуқароларимиз томонидан ҳудудлардаги суғориладиган экин майдонларида рухсатномасиз, ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлар эса ўз номи билан ноқонуний ерларда, рухсатномасиз, қурилиш номаларини бузган

ҳолда қурилган бинолар амалдаги Фуқаролик кодексига кўра, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди, уни сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас. Бундай иморатлар 15 кун ичида иморатни қурган шахс томонидан ёки суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс ҳисобидан бузиб ташланиши лозим. Шунингдек, бузиш ишлари ёки бузилган иморат учун умуман компенсация берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги Низомда ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойга ҳам компенсация қопланиши лозимлиги қайд этилган. Шуни унутмаслигимиз керакки, бунда компенсация фуқароларга қонуний тартибда тегишли бўлган ер участкаларидаги мулклар “снос”га тушганда, унда жойлашган ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлар учун тўланади холос. Бошқа ҳар қандай ҳолатда ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлар учун компенсация тўланмайди, яъни ер ноқонуний эгаллаб олинган ҳеч бир ҳолатда компенсация тўланмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Конституциямизда белгиланганидек, ер умуммиллий бойлигимиз ҳисобланади. Шу ўринда уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ерга нисбатан қонуний муносабатни шакллантириш эса давлатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Р.М.Сагатов

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар қандай мамлакатнинг бугуни ва келажаги унда хусусий мулкка бўлган муносабат билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил 23 декабрдаги Қонунига мувофиқ, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги бўлган тақдирда ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан амалга оширилиши белгиланди.

Маълумки, мазкур Қонун қабул қилингунга қадар Ер кодексининг 36-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари 12 та ҳолатда ерга нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқларини бекор қилиш ваколатига эга эди ва натижада бир шахснинг ўзи, яъни ҳоким, тадбиркорлик субъектларининг мулкка бўлган муносабатини ҳал қилиш имкониятига эга бўлиб ҳисобланган.

Жумладан, 2018-2019 йилларда маъмурий судлар томонидан ҳоким қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ жами 5.628 та ишлар кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 3.407 таси (60,5%) қаноатлантирилган. Натижада, 2020 йил 23 декабрда қабул қилинган Қонун ҳокимларнинг ўзлари томонидан якка қарор қабул қилишига чек қўйди.

Эндиликда, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бинолар олиб қўйилиб бузилган ҳолларда, мазкур шахсларга нафақат бузилган бинога тенг қийматли бино ажратилиши, балки бунинг оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланиши шартлиги мустаҳкамланди.

Компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати юридик шахс билан келишилгандан сўнггина юридик шахсларга тегишли бўлган бинолар бузилишига рухсат берилиши белгилаб қўйилди.

Амалиётда учраган ҳолатга мисол тариқасида айтадиган бўлсак, “Марварид Зарина” кўп тармоқли хусусий фирмаси мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Термиз шаҳар, Ҳаким ат-Термизий шоҳ кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 509,8 м²дан иборат бўлган икки қаватли савдо ва умумий овқатланиш биноси Термиз шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 октябрдаги 1090-сонли қарорига асосан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузилиши белгиланган.

Бино шаҳар ҳокимлиги томонидан 2017 йил 28 мартда амалда буздирилган.

“Ҳисоб ва бизнес баҳолаш” масъулияти чекланган жамиятининг 2017 йил 21 апрелдаги баҳолаш ҳисоботига кўра, бузилган бино 554.615.551 сўмга баҳоланган.

Хусусий корхона 2017 йил 15 майда 18-сонли ариза билан туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, ундан бузилган бино ўрнига ер майдони ажратиш ва компенсация тўловларини тўлаб беришни сўраган.

Ариза шаҳар ҳокимлигининг махсус комиссияси томонидан 2017 йил 23 июнь куни кўриб чиқилиб, хусусий корхонага бузилган бино ўрнига Термиз шаҳар Ибн Сино кўчасидан кўп қаватли бино қуриш учун 1 050,0 м²дан иборат ер майдони ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилган ва бу ҳақда шаҳар ҳокимининг 2017 йил 11 июлдаги Қ-1502-сонли қарори қабул қилинган.

Лекин шаҳар ҳокимлиги томонидан бузилган бинолар учун компенсация тўловларини амалга оширишнинг имкони йўқлиги ҳақида маълум қилиниб, уни тўлаб бериш рад этилган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хусусий корхона манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимлигидан 554.615.551 сўм етказилган зарар (компенсация) тўловларини ундиришни сўраган.

Суднинг 2018 йил 19 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, шаҳар ҳокимлигидан хусусий корхона фойдасига 534.615.551 сўм компенсация тўлови ундирилган.

Эндиликда, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиб бузилишидан олдин, етказилган зарар компенсация тариқасида тўлаб берилиши лозимлиги қонуний мустаҳкамланди.

Шунингдек, бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёҳуд ундан доимий ёки муддатли

фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қуйидаги ҳоллардагина тугатилиши назарда тутилди:

1) ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;

3) юридик шахс тугатилганда;

4) хизматда фойдаланиш учун чек ер беришга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар тугатилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Юқорида санаб ўтилган тугатишлардан ташқари, бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёҳуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини берган органнинг даъвоси асосида суднинг қарорига биноан тугатилиши белгиланди.

Шу билан бирга, ерга нисбатан эалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқлари фақатгина низосиз бўлган ҳолатларда Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан, низоли ҳолларда эса, суд тартибида бекор қилиниши назарда тутилди.

Таҳлилларга кўра, 2019-2020 йиллар мобайнида иқтисодий судлар томонидан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида жами 205 та ишлар, шундан 108 таси 2019 йилда, 97 таси 2020 йилда кўрилган.

2019 йилда мазкур тоифада кўрилган жами 108 ишлардан 59 таси бўйича даъво аризалар қаноатлантирилган, 32 таси

бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган, 5 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 12 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Ўрганилаётган мавзу бўйича 2019 йилда кўрилган ишлар республика иқтисодий судлари кесимида таҳлил қилинганда, барча вилоятларда 24 тадан 1 тагача бўлсада кўрилганлигини кузатиш мумкин.

2020 йилда кўрилган жами 97 та ишлардан 63 таси қаноатлантирилган, 18 таси қаноатлантириш рад этилган, 8 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 8 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

2020 йилда ўтган йилга нисбатан (2019 йилга нисбатан) таққослаганда, даъво нисбатан кўпроқ қаноатлантирилганлигини ва ундирилган сумма миқдори ошганлигини кўришимиз мумкин.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун кўчмас мулк олиб қўйилиб бузилиши муносабати билан қопланадиган компенсация тўловлари бузилган кўчмас мулкнинг инвентаризация қийматидан эмас, балки унинг бозор қийматидан келиб чиқади. Шу сабабли, кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлаш ҳақидаги экспертиза хулосаси асосида даъвогар суд ҳужжати қабул қилингунга қадар компенсация тўловлари миқдорини кўпайтириш ҳақида ариза беришга ҳақли.

Мазкур ҳолатда суд даъвогарнинг даъво талабини ўзгартириш ҳақидаги аризаси, агар мавжуд бўлса, экспертиза хулосаси ҳамда ишдаги бошқа далилларни инобатга олган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилади.

Жиззах шаҳар ҳокимининг 2014 йил 1 апрелдаги 513-сонли қарори билан “Эски шаҳар бозори” акциядорлик жамияти

ҳудудида жойлашган “Голд ласетти” кўп тармоқли фирмасига тегишли бўлган кўчмас мулклар бузиб ташланган.

Кўчмас мулклар олиб қўйилиб, бузилиши билан боғлиқ зараралар фирмага қопланмаган.

Шу сабабли фирма судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Жиззах шаҳар ҳокимлигидан 26.849.927 сўм зарар ундиришни сўраган.

Аниқланишича, 2012 йил 13 сентябрдаги шартномага асосан АЖ ҳудудида жойлашган А-литерли 2 қаватли, 2 хонали, қурилиш ости майдони 27,09 м², фойдали майдони 43,80 м²; А1-литерли 2 қаватли, 2 хонали, қурилиш ости майдони 49,50 м², фойдали майдони 88,60 м²; А2-литерли 2 қаватли, 2 хонали, қурилиш ости майдони 30,80 м², фойдали майдони 47,52 м²; савдо дўконлари фирмага таъсисчининг улуши сифатида киритилган.

Ушбу кўчмас мулк Жиззах шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат корхонаси томонидан 2010 йил 12 майда 1/4351-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилиб, ТА 0956704-сонли гувоҳнома берилган.

Кейинчалик дўконларнинг бири яъни, А-литерли 2 қаватли, 2 хонали, қурилиш ости майдони 27,09 м², фойдали майдони 43,80 м² бўлган савдо дўкони 2010 йил 21 сентябрдаги ҳадя шартномага асосан фуқаро Н.Уралова номига расмийлаштирилиб берилган.

Фирманинг илтимосномасига кўра суднинг 2017 йил 17 мартдаги ажрими билан экспертиза тайинланиб, унда бузилган дўконларнинг бозор қийматини аниқлаш масаласи қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза

марказининг Сирдарё вилоятлараро бўлинмаси томонидан тақдим этилган 2017 йил 22 мартдаги хулосага кўра, “Эски шаҳар бозори” АЖ ҳудудида жойлашган, ҳозирда бузиб ташланган А-литерли 2 қаватли, 2 хонали, қурилиш ости майдони 27,09 м², фойдали майдони 43,80 м²; А1-литерли 2 қаватли, 2 хонали, қурилиш ости майдони 49,50 м², фойдали майдони 88,60 м²; А2-литерли 2 қаватли, 2 хонали, қурилиш ости майдони 30,80 м², фойдали майдони 47,52 м²; савдо дўконларининг бозор қиймати 157 529 711 сўмни, шундан фирмага тегишли дўкон 98.749.980 сўмни, фуқаро Н.Ураловага тегишли дўкон 58.779.731 сўмни ташкил қилган.

Ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар фирма судга даъво талабини кўпайтириш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда даъво талабини 98.749.980 сўмга қадар кўпайтирган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган. Шаҳар ҳокимлигидан фирма фойдасига 98.749.980 сўм зарар ундирилган.

Мазкур ҳолатда суд даъво талаблари миқдорини ўзгартириш ҳақидаги аризани қабул қилиш ва даъво аризани қаноатлантириш ҳақида асосли ва қонуний тўхтамга келган.

Чунки, фирманинг дастлабки даъво суммаси кўчмас мулкларнинг бозор қийматидан эмас, балки уларнинг инвентар нархларидан келиб чиққан.

Ваҳоланки, “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандининг учинчи хатбошисига кўра, кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар,

вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашларининг ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарори асосида ташаббускор ҳамда мулкдор ўртасида Келишув тузилганидан ҳамда Келишувда назарда тутилган компенсация берилганидан сўнг қабул қилинади, қурилаётган кўчмас мулкни компенсация сифатида бериш ҳоллари бундан мустасно.

ИПК 157-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, даъвогар ишни биринчи инстанция судида кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли.

Корхона эгалигидаги кўчмас мулк олиб қўйилиб, бузилганлиги, унинг ўрнига ер участкаси ажратилмаганлиги, компенсация тўлови тўланмаганлиги ҳолатлари ишда мавжуд бўлган Жизах шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк давлат кадастрининг 2017 йил 19 майдаги 3-02-3235-сонли маълумотномаси ва унинг суд мажлисида иштирок этган вакилларининг кўрсатмалари билан ўз исботини топган.

Ишни кўриш давомида ишда иштирок этувчи тарафлар томонидан низоли мулкнинг қийматини белгиловчи шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги комиссиянинг хулосаси тақдим этилмаган.

Шу сабабли суд экспертиза хулосасини инобатга олган ҳолда даъво талабини қаноатлантириш ҳақида асосли хулосага келган.

Вазирлар Махкамасининг қарори билан тегишли кўчалардаги автомобиль йўллари реконструкция қилиниши

муносабати билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун кўчмас мулклар бузилишга тушган бўлиб, кўчмас мулк эгасининг кўчмас мулкни ўз ҳисобидан бузишга рухсат бериш ҳақидаги ҳокимликка ёзган аризасининг мавжудлиги кўчмас мулк ўз ҳохишига кўра бузилган деб баҳоланишига ва компенсация тўловларини ундириш ҳақидаги талабни рад этишга асос бўлмайди.

2003 йил 15 апрелда мулкдор-муассис фуқаро А.Мамаюсупов томонидан Пахтакор шаҳри, Жиззах-Пахтакор автойўлида жойлашган, жами инвентар нархлари 72.075.753 сўм бўлган 3 та савдо дўконлари (401,82 м²дан иборат инвентар нархи – 46.720.530 сўм, 79,20 м²дан иборат инвентар нархи-15 895 704 сўм, 51,62 м²дан иборат инвентар нархи – 9.459.519 сўм) “Муслим-тижорат” хусусий корхонаси балансига ўтказилган.

Ушбу кўчмас мулклар хусусий мулк сифатида хусусий корхона эгалигига давлат рўйхатидан ўтказилиб, тегишли гувоҳономалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги Жиззах вилоятида олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари юзасидан ўтказилган йиғилишнинг 130-баёнига кўра, Республика йўл жамғармасига Жиззах вилоят ҳокимлиги билан биргаликда 4Р-38 автомобиль йўлининг 18-22 км. қисмини тўла таъмирлаш объектининг йўл минтақасида бузилишга тушган хонадонларни компенсация тўловларини Республика йўл жамғармаси ҳисобидан, йўл минтақаси (қизил чизиқдан) ташқаридаги компенсация тўловлари маҳаллий ҳокимият ҳисобидан амалга оширишга, шунингдек, 4Р-35 автомобиль йўлининг тегишли қисмлари бўйича таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини олиб бориш ва бошқа кўрсатмалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли, 2013 йил 22 июлдаги 130-сонли ва 2013 йил 25 сентябрдаги 269-сонли йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш мақсадида, Пахтакор туман ҳокимлиги томонидан туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2014 йил 19 майдаги хатлари ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги ишчи гуруҳнинг 2014 йил 20 майдаги далолатномаси ҳамда фуқаро ва юридик шахсларнинг аризаларини инобатга олиб, Пахтакор туман, Олтинкўл МФЙ, 4Р-35 Жиззах-Гагарин автомобиль йўли бўйида жойлашган фуқароларга тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини архитектура кўринишини янада яхшилаш, қайта қуришга рухсат бериш тўғрисида 2014 йил 20 майдаги 333-сонли қарор қабул қилинган.

Хусусий корхонага тегишли дўконлар Пахтакор тумани, Олтинкўл МФЙ, 4Р-35 Жиззах-Гагарин автомобиль йўли бўйида жойлашган.

Юқоридаги қарорлар асосида хусусий корхона томонидан 3 та савдо дўконлари бузилиб, Пахтакор шаҳрининг тасдиқланган бош режасига асосан бошқа ердан қайта қурилган.

Хусусий корхонанинг ўз ҳисобидан бузилиб, қайта тикланган дўкон бинолари учун компенсация ундириш ҳақидаги мурожаатлари оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли, хусусий корхона судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасидан инвентар нархи 72.075.753 сўм бўлган 3 та дўконнинг бозор

қийматини экспертиза тайинлаш орқали аниқлаб, етказилган зарарни ундиришни сўраган.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириш тўғрисидаги қарорлар фақат қуйидаги мақсадларда қабул қилиниши кўрсатилиб, ушбу бандниг тўртинчи қисмида автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш) назарда тутилган.

Яъни, автомобиль йўлларини реконструкция қилиш билан боғлиқ бино-иншоотларнинг бузилиши давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузилган жойлар ҳисобланади.

Шундай қилиб, мазкур амалиёт натижалари бўйича қуйидаги фикрларни келтириб ўтмоқчиман.

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бинолар олиб қўйилиб бузилган ҳолларда, мазкур шахсларга нафақат бузилган бинога тенг қийматли бино ажратилиши, балки бунинг оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланиши шартлиги, компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати юридик шахс билан келишилгандан сўнггина юридик шахсларга тегишли бўлган бинолар бузилилишига йўл қўйилиши;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар, ер участкалари мулкдорларига зарарларни ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида кўрган зарарларни

қоплаш Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқ амалга оширилиши, Ер кодексининг 65-моддасига мувофиқ, ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан, бой берилган фойда) зарарнинг ўрни олиб қўйилаётган ер участкалари ажратиб бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўла ҳажмда қопланиши шартлиги;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун кўчмас мулк олиб қўйилиши муносабати билан зарар ундириш ҳақидаги низолар бўйича келишув битими тузилишига йўл қўйилиши, аммо келишув битимини тасдиқлашда суд, келишув битимини тузишнинг умумий қоидаларига, жумладан унинг мазмуни ИПКнинг 132-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши ва унинг шартлари аниқ, равшан баён қилиниши ва унинг ижро этилишида келишув битимининг мазмуни бўйича ҳар хил талқин қилинишига ва келгусида низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайдиган бўлганлигига, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида хусусиятларга эътибор бериши лозимлиги;

- боғ учун мўлжалланган ер участкалари узоқ муддатли ижарага олинган бўлиб, ушбу боғдаги дов-дарахтларга нисбатан фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги ҳолати мазкур ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ва қишлоқ хўжалигида нобудгарчиликлар ўрнини қоплаш билан боғлиқ компенсация тўловларини ундириш ҳақидаги даъво аризасини рад этиш учун асос бўлмаслиги;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун кўчмас мулк олиб қўйилиб бузилиши муносабати билан қопланадиган компенсация тўловлари бузилган кўчмас мулкнинг инвентаризация қийматидан эмас, балки унинг бозор қийматидан келиб чиқади. Шу сабабли, кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлаш ҳақидаги экспертиза хулосаси асосида даъвогар суд ҳужжати қабул қилингунга қадар компенсация тўловлари миқдорини кўпайтириш ҳақида ариза беришга ҳақли. Мазкур ҳолатда суд даъвогарнинг даъво талабини ўзгартириш ҳақидаги аризаси, экспертиза хулосаси ҳамда ишдаги бошқа далилларни инобатга олган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилиши;

- Вазирлар Махкамасининг қарори билан тегишли кўчалардаги автомобиль йўллари реконструкция қилиниши муносабати билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун кўчмас мулклар бузилишга тушган бўлиб, кўчмас мулк эгасининг кўчмас мулкни ўз ҳисобидан бузишга рухсат бериш ҳақидаги ҳокимликка ёзган аризасининг мавжудлиги кўчмас мулк ўз ҳохишига кўра бузилган деб баҳоланишига ва компенсация тўловларини ундириш ҳақидаги талабни рад этишга асос бўлмаслиги;

- бино ёки иншоотни давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва бузиш учун ҳокимликнинг хати асос бўлмайди, балки Низомнинг 2-бандига мувофиқ, ер участкаси ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарага олувчи билан келишув бўйича - тегишли равишда туман, шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарорига кўра амалга оширилишига жиддий эътибор қаратишлари лозим.

Амалга киритилган ҳуқуқий асослар мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислоҳот ва чора-тадбирларни давом эттиришда айниқса муҳим аҳамият касб этади ва бу хусусий мулк ҳимояси кафолатини, шунингдек қонун устуворлигини таъминлашга, мулкдорлар синфини рағбатлантириш, пировардида эса аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда иқтисодиётда хусуси мулкнинг ўрни ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Термиз Давлат университети профессори, ю.ф.д. Ж.Холмўминов

Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллашуви

Бугунги кунда мулкий-ҳуқуқий муносабатларни ҳамда мулкдорлар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмларини яратмай туриб, ҳуқуқий демократик жамият ва барқарор бозор иқтисодиётига асосланган фаолиятни амалга ошириш жуда қийин.

Зеро, баъзи ҳолларда мамлакатимизда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларини олиб қўйиш, уларнинг уй-жойлари, бино иншоотлари ва бошқа мулкларига етказилган зарарларни қоплашда қонунчиликдаги бўшлиқлар сабабли айрим муаммолар келиб чиқмоқда ва бу мулк эгаларининг норозиликларига сабаб бўлаётгани кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”[1],-деб белгилаб қўйилган.

Зеро, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 17-моддасида ҳам ўз аксини топган: “Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас”[2].

Бундан ташқари, Фуқаролик Кодекснинг 164-моддасида мулк ҳуқуқи тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир”[3].

Айрим мутахассис олимларнинг фикрича,мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг унинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдор қонун йўл қўйган асосларда, доирада ўз

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент “Ўзбекистон”,2020

[2] https://constitution.uz/uz/pages/humanrights

[3] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Тошкент: Адолат, 2018.

мулкига ўзи эгалик қилади, ўзи фойдаланади ва ўзи тасарруф этади. Бу мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқидир. Унга ташқи томондан тазйиқ ўтказишга, унинг ички ишларига аралашишга, мулкини олиб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳаттоки мулкдорнинг ўз ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиши ҳам унинг мулк ҳуқуқини бекор қилмайди[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 1 август 2018 йилдаги ПФ-5495-сонли “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 3-бандида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш учун асосларнинг чекланган рўйхати белгилаб қўйилди[2].

Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги[3] фармонига мувофиқ мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва мулк дахлсизлигини бузганлик учун масъул шахсларнинг жавобгарликни оширишга қаратилган чоралар белгиланди.

Фармон талабига асосан, қонунчиликка мулкдорларнинг хусусий мулк дахлсизлиги, ўзига тегишли бўлган мол-мулкка мустақил эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш

---

[1] Зокиров И.Б, Баратов М.Ҳ. Мулк нима? Мулкдор ким ?- Т.:ТДЮИ, 2003.

[2]Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон, 14.08.2019 й., 06/19/5780/3559-сон

[3] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.08.2019 й., 06/19/5780/3559-сон

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, мулкдорларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонининг бозор қийматида тўлиқ қопланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Хусусан, Фармонга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилди.

Шуниси эътиборлики, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги[1] 1047-қарорига асосан давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар: Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида-республика миқёсида (республика жамғармаси); Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида-ҳудудий миқёсда (ҳудудий жамғармалар) ташкил этилган.

[1]Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 09/18/1047/2384-сон; 16.11.2019 й., 09/19/911/4028-сон; 27.06.2020 й., 09/20/411/1000-сон)

Юқоридаги низомнинг 2-бандига кўра жамғармалар юридик шахс ҳисобланмайди.Низомнинг 8-бандига кўра эса жамғарма маблағлари вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари маблағлари, ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар ҳамда бошқа манбалардан шакллантирилиши белгиланган. Аммо амалиётни ўрганадиган бўлсак, ушбу жамғармага низомда кўрсатилган манбалардан маблағлар тушиши ҳам мумкин, тушмаслиги ҳам мумкин. Жамғармага маблағ тушган тақдирда ҳам баъзи вилоят ҳокимлари бу пулни биринчи навбатда ҳокимлик эҳтиёжлари учун сарфлаётгани кузатилмоқда. Оқибатда бугунги кунда мулк ҳуқуқи бузилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарлар йиллар давомида қопланмасдан, суд қарорлари ижро этилмасдан қолиб, мулк эгалари ҳокимлик, марказлаштирилган жамғарма, суд ва мажбурий ижро идоралари ўртасида сарсон бўлиш каби ҳолатлар учрамоқда.

Мазкур Низомнинг 14-бандига кўра Республика жамғармаси ва ҳудудий жамғармаларнинг ишчи органлари:

тегишли жамғармалар маблағлари тушуми ва улардан фойдаланиш прогнозларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган муддатларда жамғармаларнинг кузатув кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этади; етказилган зарарларни қоплашни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлар тушуми жадвалларини ишлаб чиқади, шунингдек, уларнинг бажарилишини таҳлил қилади ва тегишли жамғармалар маблағларининг ўз вақтида жамланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш чораларини кўради; етказилган зарарларни қоплашни молиялаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши мониторингини тизимли асосда олиб боради; жамғармалар

даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги чораклик ва ҳар йилги ҳисоботларни тузади ҳамда кўриб чиқиш учун тегишли жамғармаларнинг кузатув кенгашларига киритади.

Жумладан, Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 19 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги[1] қонунда бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг суд орқали тикланиши ва ҳимоя қилиниши кафолатланганини, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида урғу берилганини кўриш мумкин. Шунингдек, мазкур қонуннинг 6-моддасига мувофиқ "Давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулкдорга етказилган зарар уни етказган шахс томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўла ҳажмда қопланиши керак"лиги ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, судлар томонидан ундирилиши лозим бўлган неустойка миқдорини белгилаш жараёнида уни камайтириш ёки умуман рад этиш ҳолатлари мавжуд. Олий суд раёсатининг 2018 йил 25 январдаги "Хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан 2015-2016 йиллар ҳамда 2017 йилнинг биринчи ярмида мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида"ги қарорида кўрсатилишича, айрим судлар томонидан мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларга оид ишларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари учрамоқда.

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; 24.12.2020 й., 03/20/656/1661-сон)

Хусусан, ижарага олинган мулк ўз вақтида қайтарилмагани учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, ижарага берувчи ижарага олинган мулк қайтарилмагани сабабли фойдаланганлик учун ҳақдан ташқари неустойкани тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлса-да, айрим судлар тарафлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бекор қилинганлиги важи билан неустойкани ундириш талабини қаноатлантиришни рад этган[1].

Юқоридаги вазият юзасидан туман-шаҳар ҳокимларининг фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкаларини олиб қўйиш, уй-жойлар, иншоотлар ва бошқа мулкларни бузиш ҳақидаги қарорларида мулк эгаларига етказилган зарар туман-шаҳар молия бўлими, қурувчи ташкилот ва бошқа ташкилотларнинг ҳисобидан қопланиши лозимлиги кўрсатилмоқда. Лекин мазкур ташкилотларнинг тасдиқланган сметаларида бундай зарарларни қоплаш учун маблағ ажратиш кўзда тутилмаганлиги оқибатида кўплаб вақтлар давомида мулк эгаларига етказилган зарарлар қопланмасдан қолмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳудудларнинг архитектура қиёфасини ўзгартиришга қаратилган давлат дастурларини амалга оширишда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини қонунга зид равишда олиб қўйиш ҳолатларининг олдини олишга катта эътибор бериб келинмоқда.

Масалан,Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Грузия каби бир қатор мамлакатлар қонунчилигида ер участкаларини олиб қўйиш ёки олиб қўйилган ер участкаларига нисбатан компенсация турларини келишмаслик ёхуд уларни ўз вақтида бермаслик оқибатида мулкдорга зарар етказганлик учун мансабдор

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси №2.2018 (137).2-3-б.

шахсларнинг қилмишини оғирлик даражасига қараб жавобгарликка тортишга оид қоидалар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Хуллас юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур муаммолар юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтиш:

биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган мулкларнинг бузилиши ёки олиб қўйилишидан олдин ҳокимлик, марказлаштирилган жамғарма ва мулкдор ўртасида барча шартлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрсатилган ҳолда битимлар тузилиши;

иккинчидан, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун мулклари бузилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаларга юридик шахс мақоми берилиши;

учинчидан, марказлаштирилган жамғармага маблағлар бюджет маблағларидан ажратилиши, ушбу пулларнинг тўғри сарфланиши қатъий назорат қилиниши;

тўртинчидан, мулкларни олиб қўйиш ёки бузишдан олдин мулкдорга бошқа ҳудуддан жой ажратиш ва етказилган зарарлар тўлиқ қопланиши ҳақидаги норма ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида амалга оширилиши лозим.

Хуллас,давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишнинг ҳуқуқий асосларини фуқаролар, янги замон ва бозор талаби асосида ўз турмуш тарзида амалга оширишлари ва қабул қилишлари, бу соҳадаги қонун, фармон ва қарорларни кенгроқ ўрганишлари ҳамда ўз фаолиятларида актив қўллашлари, энг асосийси ер эгаларига озор етказмасликлари, акс ҳолда етказилган зарарлар тўлиқ қопланиши мақсадга мувофиқдир.

Тошкент давлат юридик университети доценти, ю.ф.н. Г.Ш.Узакова

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш жараёнида ер ва шаҳарсозлик қонунчилигини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Бугунги кунда ер билан боғлиқ ислоҳотлар давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда айниқса ер участкаларини фуқаролик муомаласига тортиш, мулкдорларнинг ер билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шаҳарларнинг бош қурилиш режаларини тасдиқлашда аҳолининг иштирокини таъминлаш, шу йўл билан ер участкаларининг ноқонуний олиб қўйилишининг олдини олиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ва бунинг натижасида келтирилган зарарни қоплаш масалалари бир тарафдан маъмурий-ҳуқуқий, бошқа тарафдан эса фуқаровий-ҳуқуқий усуллар ёрдамида ҳал қилинади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши натижасида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши шаҳарсозлик ҳуқуқининг ҳам ўрганиш объектига айланди. Соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестиция оқимининг кўпайганлиги муносабати билан фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назаридан кенг миқёсда таҳлил қилинади. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатнинг ер участкаларини ажратиш, қайта ажратиш

функциясидан келиб чиқадиган ваколатлари доирасида фуқаролар ва юридик шахслардан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши, қайта сотиб олиниши Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва ерга оид бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасида ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.[1]

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда янги таҳрирда қабул қилинган (ҳали кучга кирмаган) Шаҳарсозлик кодекси 11-боби Шаҳарсозлик фаолиятида ер муносабатларига бағишланган бўлиб, 82-моддада ер

[1] Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда.

участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби белгиланган.[1] Унга кўра, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга қуйидаги мақсадларда йўл қўйилади:

ерларни мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари учун, эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун бериш;

халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;

автомобиль ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ҳамда авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизимлари ва электр узатиш линиялари объектлари, алоқа линиялари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши (реконструкция қилиниши);

аҳоли пунктлари бош режаларининг объектларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, шунингдек қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда қуришга оид қисмини ижро этиш.

Аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари мавжуд бўлмаган тақдирда ер участкалари аҳолининг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, ижтимоий, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан олиб қўйилиши мумкин.

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2021 й., 03/21/676/0142-сон.

Ушбу модданинг мазмунидан кўриниб турибдики, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга етказиладиган зарарни қоплаш масалалари асосан аҳоли пунктлари бош режаларининг ўзгариши, яъни аҳоли пунктларида янги бино-иншоотлар қурилиши билан боғлиқ вазиятда вужудга келади.

Соҳага оид қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда бундай зарар икки хил йўл билан қопланади: биринчиси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет маблағлари ҳисобидан, бунда маблағлар етарли бўлмаса ёки бюджетдан ташқари маблағлар мавжуд бўлмаса, зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Иккинчиси, ер участкасини сотиб олаётган (ҳудудга инвестиция киритаётган) субъект томонидан.

Эътиборли томони шундаки, янги таҳрирда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрда қабул қилинган 911-сонли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида аҳолининг шаҳар бош қурилиш режасини ўзгартиришдаги иштироки масалалари белгилаб берилган.[1] Даставвал, маҳаллий ҳокимият органлари иштирокида ер участкаси олиб қўйилиши, сотиб олиниши режалаштирилаётган юридик ва жисмоний шахслар билан тадбиркорлик субъекти (инвестор) ўртасида очиқ муҳокамалар олиб борилади. Унда олиб қўйиш чоғида юзага келадиган фойда, харажатлар ва зарарлар баҳоланади, олиб қўйилаётган ер участкаларининг рўйхатини тузади ва тегишли

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.11.2019 й., 09/19/911/4028-сон.

тартибда қарор билан тасдиқланади. Ер участкасини олиб қўйиш фақат унда жойлашган кўчмас мулк бозор қийматининг ва мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейингина амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ер участкалари ердан фойдаланувчига қонуний асосларда бириктирилган бўлиши, яъни юридик ёки жисмоний шахснинг ерга бўлган ҳуқуқи давлат ҳужжати билан тасдиқланган бўлиши талаб қилинади. Умумий қоидага кўра, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасида қурилган бино-иншоотларнинг қиймати қоплаб берилмайди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили ва юридик фанда мавжуд илмий-назарий манбаларни ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, ўзбошимчалик билан ер участкасини эгаллаш ва ўзбошимчалик билан бино-иншоот қуриш тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарур. Ўзбошимчалик билан ер участкасини эгаллаш ундан қурилиш мақсадидан бошқа мақсадларда фойдаланиш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ўзбошимчалик билан эгалланганда бундай ерлардан асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланилади. Бундай муносабатлар ер ҳуқуқи доирасида ўрганилади. Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати қоплаб берилмайди.

Шунингдек, амалиётда ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасида ноқонуний равишда бино-иншоотлар қуриш йўли ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари кўп учрайди. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра бундай ҳаракат ўзбошимчалик билан бино–иншоот қуриш сифатида баҳоланади. Бундай муносабатлар фуқаролик ва ер қонунчилиги нормалари билан

тартибга солинади. Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасида қурилган бино-иншоотлар уни қурган шахс ҳисобидан бузиб ташланади ва бино-иншоотнинг қиймати қоплаб берилмайди.

Шаҳарсозлик қонунчилигига кўра эса, юридик ёки жисмоний шахснинг ўзига юридик жиҳатдан тегишли бўлган ер участкасида ноқонуний равишда бино-иншоот барпо этиш ҳолати – ўзбошимчалик билан иншоот қуриш сифатида баҳоланади. Чунки қурилиши режалаштирилаётган лойиҳа мутасадди ташкилотлар томонидан сейсмик, экологик, шаҳарсозлик меъёрлари инобатга олинган ҳолда экспертизадан ўтказилади ва у тасдиқлангандан сўнггина қуришга рухсат берилади. Тасдиқланмаган лойиҳа асосида бино-иншоот ёки унинг бир қисмининг қурилиши келажакда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Хусусан, ҳар қандай қурилиш иншоотини қуришда уни маълум аҳоли пункти ижтимоий инфратузилмаси билан боғлаш имконияти, қурилмани эксплуатация қилиш жараёнида унинг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли кабилар ҳам инобатга олинади. Амалиётда муайян ер участкасида жойлашган бино-иншоотларнинг бир қисми қонуний, бир қисми эса ноқонуний равишда қурилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, бундай ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда, ноқонуний қурилган бино-иншоотларнинг қиймати ҳам инвестор томонидан қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуни шаҳарсозлик объектларини давлат рўйхатига олиниши зарур бўлган давлат кадастрларига киритади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунига кўра эса, давлат ер фонди

таркибидаги барча ер участкалари давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Демак, бугунги кунда шахснинг юридик жиҳатдан ўзига тегишли бўлган ер участкасида тасдиқланмаган лойиҳа асосида қурилган бино-иншоот (ёки унинг бир қисми) қийматининг мазкур қурилма жойлашган ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилганда қоплаб берилиши мулкдорлар ҳуқуқлари учун қонунчиликда белгиланган қўшимча кафолат ёки имтиёз сифатида баҳоланиши зарур. Назаримизда, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқий билимларини ошириш келажакда бундай низоларнинг олдини олишга хизмат қилган бўлар эди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ўзбошимчалик билан эгалланиши ва бундай ерларда уй-жойларнинг барпо этилиши билан боғлиқ ҳолатлар кўп учрамоқда. Айниқса Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ҳудудларида ноқонуний уй-жойларнинг қурилиш ҳолатлари кўп учрайди. Амалиётдаги ушбу муаммони ҳал қилишнинг муҳимлиги шундан иборатки, бир тарафдан ушбу муаммонинг ҳал қилиниши эҳтиёжманд фуқароларнинг уй-жой билан таъминланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан қимматбаҳо ресурс ҳисобланган қишлоқ хўжалик ерларининг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетишининг олдини олиш билан боғлиқ.

Бизнингча, ушбу муаммони қуйидаги йўл билан ҳал қилиш мумкин:

Боғдорчилик ва узумчилик юритиш учун ажратилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ҳамда ушбу ер участкаларида жойлашган бино ва иншоотларига бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласини ҳал қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

раҳбарлигида, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва сектор раҳбарларидан иборат мувофиқлаштирувчи комиссия ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Унинг зиммасига уч ой муддатда республикадаги барча боғдорчилик-узумчилик ширкатлари фаолиятини хатловдан ўтказиш, шу жумладан, ерлардан фойдаланиш, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоот ёки ўзга кўчмас мулклар ҳамда ширкат ва унинг аъзолари фойдаланишида бўлган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, шунингдек ер участкаларини ўзбошимчалик эгаллаб олиш, коммунал тармоқларига уланланганлик ва экологик ҳолатларни ўрганиш ҳамда ўтказилган хатлов натижаларига мувофиқ ширкатларнинг ер участкалари ҳудудларининг истиқболли кенгайиши ва бош режаларига асосан аҳоли пунктига ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш вазифасини юклаш лозим. Ўз навбатида хатлов натижалари асосида ширкатлар ҳудудида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ва самарасиз фойдаланилаётган ер участкаларини қонун ҳужжатларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан захира ерлар тоифасига олиниши лозим.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда хулоса сифатида айтиш мумкинки, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши ва ер эгаларига келтирилган зарарни қоплаш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилишда амалдаги қонун ҳужжатларига давлат ва нодавлат органлари, фуқаролар ва мансабдор

шахсларнинг қатъий амал қилиши, шунингдек соҳага оид ҳужжатларини такомиллаштириб бориш талаб қилинади.

Тошкент давлат юридик университети профессори, ю.ф.д. М.Баратов

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари: оммавийликдан – хусусийлик сари

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирлари изчиллик билан амалга оширила бориб, бугунги кундаги “...иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак. Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, келгуси йилда Навоий кон-металлургия комбинати, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади... Таркибий ислоҳотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир[1].

Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур ишларни амалга оширишнинг, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг “2017 – 2021

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (29.12.2020) // https://president.uz/uz/lists/view/4057.

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”[1] асос қилиб олинган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида тизимли амалга оширилган ислоҳотлар бевосита унда назарда тутилган тамойилларга таянади.

Шуни айтиш лозимки, мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бозор иқтисодиёти қонуниятларига хос бўлган, жамият ҳаётида вужудга келадиган энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик базаси яратилди. Бунда асосий эътибор мустақилликнинг илк даврларида иқтисодиётда давлатнинг бош ислоҳотчилигига қаратилган бўлса, кейинги босқичларда хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик субъектлари мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятини эркинлаштириш давлат иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишига айланиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, давлат жамият ҳаётининг барча соҳаларида энг муҳим аҳамиятга эга “субъект” ҳисобланади. Давлатнинг ушбу мақоми иқтисодий муносабатларда яққол ажралиб туради. Зеро, иқтисодий муносабатларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишида давлат иштироки бевосита халқ манфаатларини амалга оширишга қаратилгандир. Бунда эса, давлат ана шу манфаатларнинг ҳимоячиси сифатида уларни тўғри ва мақбул амалга оширилишини таъминлаб беради.

Давлатнинг мазкур функцияси жамият учун энг муҳим ва асосий вазифа бўлиб, давлатнинг ташкил топиши, мавжудлиги ва амал қилиши ҳам айнан халқ манфаатлари ва уларнинг

[1] // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

ҳимояси учун зарурдир. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида қуйидагича ифодаланади: “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади”.

Шу маънода иқтисод, моддият асоси бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг бошқа иштирокчилар билан баравар асосларда иштирок этиши ҳамда давлатнинг ҳокимият ваколатларидан фойдаланмаслигини ҳисобга олиш муҳим ўрин тутади. Зеро, бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг иқтисодий муносабатларда иштирок этиши кенг кўламда амалга оширилса-да, бундай иштирок бозор муносабатларининг асосий қонуниятлари ва бу муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатларининг негизларига зид келмаслиги лозим. Бу эса фуқаролик ҳуқуқи бошқа субъектлари эркинлиги ва мустақиллигининг ўзига хос кафолати ҳисобланади.

Бу ҳол мустақилликнинг илк даврларида ҳали Иттифоқ тартиблари мавжуд бўлган, бир иқтисодий-ижтимоий тузумдан (айниқса, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида давлат монополияси ўрнатилган тузумдан) янги тузумга ўтишдек мураккаб, стихияли даврда давлатнинг ўзига хос ўрни билан, давлатнинг фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари (фуқаролар ва юридик шахслар) билан бўладиган алоқалари аввалгидек, давлат монополияси, маъмурий-буйруқбозлик тарзида эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар конструкцияси (шартномалар орқали, тенглик асосида) доирасида бошқарилиши воқеликка айланганлиги билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг сўнгги 30 йиллик тараққиёт йўли давлатнинг

ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартирди. Чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат эндиликда иқтисодий, хўжалик алоқаларига ортиқча аралашавермайдиган, энг муҳим, стратегик аҳамиятга эга бўлган масалаларда ўз сўзини айтадиган тузилма бўлиб қолди.

Давлатнинг иқтисоддаги иштироки хусусида сўз борганда, давлат мулкини трансформация қилиш, хусусийлаштириш кун мавзуси бўлиши табиий. Дарҳақиқат, давлат илгаригидек, мамлакатдаги ягона мулкдор эмас, давлат ва жамият эҳтиёжларини ифода этувчи, мамлакатни бошқариш ва халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида мол-мулкка эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва тасарруф этувчи субъект сифатида намоён бўлади. Давлатнинг мулкдорлик мавқеи жиддий ўзгарди. Эндиликда давлатнинг мамлакатдаги барча мол-мулкларга нисбатан монопол ҳуқуқи секин-асталик билан барҳам топиб бормоқда. Масалан, “Амалга оширилган тизимли ишлар ўлароқ, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 53,9 % ни ташкил этади, бу 2000 йилга нисбатан бир ярим баравар кўпдир. Иқтисодиёт ушбу соҳаси мамлакамизда бандликни таъминлашнинг улуши 73,8 фоизни ташкил этади, 2000 йилда эса 49,7 фоизни ташкил этган[1]. Албатта, бундай ҳолат мамлакат ривожланишининг иқтисодий омиллари билан узвий боғликдир. “Энг муҳим вазифамиз – мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл-юртимиз аввало биз – раҳбарларнинг фаолиятидан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун

[1] www.stat.uz.

ўзи шахсан жавоб бериши керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади”[1].

Сўз давлат ва жамият эҳтиёжлари хусусида кетар экан, национализация, реквизиция ва мусодара ҳақида айрим мулоҳазаларни юритсак.

Национализацияга кўра, фуқароларга ҳамда юридик шахсларга қарашли национализация қилинаётган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳақ тўлаш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказилади. Бинобарин, национализация мулк ҳуқуқи вужудга келишининг асосларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда 1963 йил 23 мартда тасдиқланган ва 1964 йил 1 январдан – 1997 йил 1 мартига қадар амалда бўлган Гражданлик кодексида бу ҳол назарда тутилмаган эди[2]. Национализация юридик манбаларда келтирилишича, лотинча natio; инг.л., франц. nationalisation сўзидан олинган бўлиб, миллийлаштириш, хусусий мулкни, ерни давлат мулкига айлантириш. Шунингдек, корхона, ташкилот, банк ва транспортни давлат мулкига ўтказишдир[3]. Национализация таомилида икки жиҳат бўлиб, бирида – мулкдорнинг мулк ҳуқуқи бекор бўлади (яъни, фуқаролар ва юридик шахсларнинг), иккинчисида (давлатда) эса – мулк ҳуқуқи вужудга келади. В.Ё.Эргашев ҳақли равишда ҳозиргача республикамизда национализацияни амалга ошириш шартлари ва тартибини муфассал тарзда белгилаб берувчи қонун қабул қилингани йўқ[4]лигини айтади, заруриятини асослайди, ушбу

[1] Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Гражданлик кодекси. –Тошкент: Адолат, 1993.

[3] Юридик энциклопедия. –Тошкент: Шарқ, 2001. -32 б.

[4] Эргашев В.Ё. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий назарий жиҳатлари: Юрид. фан. номз. дис. ... Автореф. –Тошкент: 2005. 18-б.

қонунда қандай турдаги мол-мулклар “жамият манфаатлари” мезонига мос келиши ҳақида фикр юритади. Ваҳоланки, национализацияга бағишланган ФКнинг 202-моддасида “жамият манфаатлари” эмас, “давлат ихтиёри” назарда тутилган. Фикримизча, давлат томонидан ушбу тадбирларни амалга оширилиши юмшоқроқ тил билан айтганда, “жамият манфаатлари”га эмас (бу иборанинг замирида кўпроқ давлатнинг оммавий ҳокимиятдан тобора қочиб, халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши маъноси ётибди), “давлат ихтиёри”га (бинобарин, ҳуқуқ лаёқатини реализация қилишига) хизмат қилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур мол-мулк кейинчалик денационализация қилинганда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. “Қонуний асослари белгиланмаган, бироқ мантиқан агарда муайян мол-мулк объекти давлат тасарруфига ўтишини мамлакат мудофааси, ҳавфсизлиги ва бошқа ижтимоий манфаатлар тақозо этиши мумкин. Бироқ бозор муносабатлари тизимида национализацияни қўллаш эҳтимоли жуда кам[1]”. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунига кўра, “давлат инвестицияларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Инвесторларнинг инвестициялари ва бошқа активлари национализация қилинмайди”[2]. Лўнда қилиб айтиш мумкин бўлса, национализация – “давлат мулкига айлантирилмайди”, демак.

[1] Юридик атамаларнинг изоҳли луғати. –Тошкент: Шарқ, 2003. -252 б.

[2] // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 йил, 03/19/598/4221-сон.

Реквизиция туфайли табиий офатлар авариялар эпидемиялар эпизоотиялар юз берган тақдирда фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ мулкдордан унга мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин (ФК, 203-м., 1-қ.). Бу ҳолатлар фанда ва ҳуқуқда “форс-мажор” ҳолатлари деб ҳам юритилиб, ФКнинг 203-моддасида назарда тутилган “фавқулодда тусдаги бошқа вазиятлар”ни ҳисобга олмаганда, “форс-мажор” ҳолатлари вужудга келишини олдиндан кўриб бўлмайди”[1]. Шу маънода ҳам ушбу вазиятларда мол-мулк, биринчидан, *жамият манфаатлари* (курсив бизники – *М.Б.* Зеро, 1963 йилги Кодексда “*давлат* ва жамоат манфаатлари” кўзланганди)ни кўзлаб, иккинчидан, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ, учинчидан, мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда олиб қўйилади. Бу ерда энг муҳими, жамият манфаатларининг устуворлигидир. Ўтган асримизнинг якуний йиллари – янги минг йилликнинг бошларида Буюк Британия қишлоқ хўжалигига оралаган “оқсим” касаллиги туфайли Британ ҳукумати давлат бюджетидан миллиардлаб фунтни сарфлаб, ушбу тадбир (реквизиция, яъни фермерлардан қийматини тўлаган ҳолда олинган мол-мулк утил қилинди)ни ўтказди ва бунинг эвазига бутун жамиятга синдроми тарқалиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олди олинди. Агар тадбир амалга оширилмаганда, бу ҳол давлат ва жамият учун бундан ўн карраоқ зарар етказиши мумкин эди. Худди шундай ҳолат Россиянинг Орёл вилоятида, парранда гриппи (H5) касаллигининг оммавий тарқалишини олдини олишда ҳам

[1] Эгамбердиева Н. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2017. 102-б.

кузатилди. Бу ерда ҳам “инъекция ўз вақтида юборилди”. Оқибатда келиб чиқиши мумкин бўлган катта ижтимоий зарарнинг олди олинди. Бу ҳолни Covid-19 фонида бутун дунё кузатди, гувоҳи бўлди, иштирокчиси, қурбони ҳам бўлди.

Реквизицияда яна бир муҳим масала “мол-мулкнинг қийматидир”. Жумладан, реквизициянинг бир шакли бўлган – ер участкаларини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши масаласи Уй-жой кодексининг 27-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган саҳндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайтдан эътиборан беш йил ичида мулкдор томонидан

компенсация қилиниши лозим[1]. Айни вақтда ушбу норманинг иккинчи қисмида “бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарахтлар қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади”. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг аввал 2006 йил 26 майдаги 97-сон Қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги низом[2] билан амалга оширилди. Сўнгра (ва амалда) 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон Қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги низом билан амалга оширилмоқда[3]. Унга кўра, ер участкаси ёки унинг бир қисми (кейинги ўринларда ер участкаси деб аталади) давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, *инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш* учун олиб қўйилиши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорига биноан амалга оширилади. Ушбу ҳужжат билан ҳуқуқни қўллаш амалиётига яна бир атама, яна бир йўналиш – Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаси олиб қўйилиши кириб келди. Бироқ бу ҳақидаги қарорни қабул қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан йўл қўйилади. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга

[1] Уй-жой кодексининг Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–497-сон Қонуни таҳририда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 йил, 03/18/497/2044-сон.

[2] // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 22-сон, 193-модда.

[3] // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.11.2019 йил, 09/19/911/4028-сон.

ошириш учун олиб қўйиладиган ер участкалари фақат ушбу мақсадларда (**!**) фойдаланилади.

Аммо бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқ аналогиясига кўра, бундай туркумдаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда катта манфаатлар ҳамиша кичик манфаатлардан устун туради. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 16 январдаги “Ҳазрати Имом” мемориал мажмуаси атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш ва қурилиш ишларига рухсат бериш ҳақида”ги 30-сон Қарорига кўра, Собир Раҳимов тумани Зарқайнар ва Қорасарой кўчалари оралиғида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига “Ҳазрати Имом” мемориал мажмуаси атрофини ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси биносини, спорт мажмуаси, болалар майдончаларини қуриш учун, якка тартибдаги турар жой биноларини ва фуқаро А.С.Азизовга қарашли савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини *бузилиши ҳисобига* (курсив бизники – *М.Б.*), майдони 0,86 гектарли ер доимий фойдаланишга ажратиб берилиши ҳамда ажратилган ер майдонида фуқаролар мулкида бўлган уй-жойларни бузилиши оқибатида етказилган зарар миқдори Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган қонун ва қоидалар асосида қопланиши назарда тутилди. Ёки ўз даврида шаҳар ҳокимининг 2007 йил 15 октябрдаги “Паркент кўчасини таъмирлаш ва кенгайтириш ҳақида”ги 890-сон Қарорида Тошкент шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ... шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида Паркент кўчасининг Мирзо Улуғбек кўчасидан Циолковский кўчасигача бўлган қисмини, мавжуд трамвай йўлини олиб ташлаш ҳамда Мирзо Улуғбек ва Паркент кўчалари қизил

чизиғида жойлашган юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган уй-жойлар, бино ва иншоотларнинг *бузилиши ҳисобига* (курсив бизники – *М.Б.*) таъмирлаш ва кенгайтириш ишларини олиб боришга рухсат берилиши ҳоллари фикримизнинг далилидир.

Қуйидагилар компенсация қилиб берилади:

а) олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;

б) олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;

в) кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар;

г) жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;

д) қонун ҳужжатларида ёки Келишувда[1] назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳам қопланиши лозим.

Бериладиган компенсация турлари:

а) пул маблағлари;

б) бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;

в) ер участкаси;

г) Келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.

Томонларнинг келишувига биноан мулкдорга кўчмас мулкни баҳолаш қийматини ҳисобга олган ҳолда компенсациянинг бир неча турлари берилиши мумкин.

---

[1] *Келишув* – томонларнинг розилиги билан компенсация миқдори, тури ва бериш муддати, шунингдек, бошқа шартларни назарда тутувчи ташаббускор ва мулкдор ўртасида тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклдаги шартнома.

Мусодара туфайли қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулк мулкдордан суд қарорига мувофиқ жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик қилганлиги учун ҳақ тўламасдан олиб қўйилади. Бундаги сабабий боғланиш шу билан изоҳланадики, мулкдор, аввало мол-мулкни инсофли қўлга киритмаган ҳисобланади. Унинг ҳаракатида ва образида нормал эрк-ирода, ҳалоллик ва адолат, маънавий эзгу тамойиллар эмас, балки қасд, яъни ўзгалар мол-мулкини яшириб, босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик, безорилик, талончилик ва ниҳоят, мулкдорнинг ҳаётига қасд қилиб, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ёки давлатнинг нормал фаолият, хўжалик юритишига жиддий тўсқинлик қилиб, нима қилиб бўлса ҳам ўзгалар мол-мулкини “ўзиники” қилиш туйғуси ётади. Бу ҳолатлар, афсуски, Жиноят қонунчилги билан таъқиб қилинади. Бинобарин, бундай усул билан қўлга киритилган мол-мулк мусодара қилинади. Бундай ҳолда мол-мулкни ҳимоя қилиш, ушбу шахснинг “мулкдорлик ваколати”ни ҳимоя қилиш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Шуни айтиш керакки, мусодара жиноий судлов, маъмурий судлов ва алоҳида ҳолларда фуқаролик судлов тартибида амалга оширилади.

Баён қилинганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Давлат мавжуд бўлиши ва ўз функция ҳамда вазифаларини амалга оширишининг зарурий шартларидан бири – бу давлатнинг муайян миқдорда мол-мулкининг бўлиши ҳисобланади. Дарҳақиқат, бу ҳол ҳар қандай жамият учун хосдир. Давлатнинг мулкдор сифатидаги ваколатларини амалга оширишда унинг эрки-иродаси қатъий белгиланган доирада (давлат функцияси, вазифаларидан келиб чиқиб) юридик ҳаракатлар содир этишида ифодаланади. Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби давлат ҳам муайян мол-мулк эгаси

ҳисобланган учун фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли субъекти сифатида эътироф этилади.

2. Хусусийлаштириш соҳасида кенг кўламдаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши давлатнинг мулкдорлик мақомини муайян соҳаларга йўналтиришини асосий мақсад қилиб қўяди. Бунда давлат илгаригидек мамлакатдаги ягона мулкдор эмас, балки давлат ва жамият эҳтиёжларини ифода этувчи, мамлакатни бошқариш ва халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида мол-мулкка эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва тасарруф этувчи субъект сифатида намоён бўлади.

3. Фуқаролик кодексининг “Мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши” (206-м.)га бағишланган нормадаги “ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига *қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина* йўл қўйилади” деган қоидани предметли баён этиш таклиф этилади:

“Жисмоний ва юридик шахсларга ашёвий ҳуқуқлар асосида берилган давлат мулкидаги ер участкалари қуйидаги ҳолларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари учун;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш мақсадлари учун;

автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа ва коммуникация тармоқлари,

магистрал қувурлар тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш) мақсадлари учун”.

Тошкент давлат юридик университети доценти, ю.ф.д. О.Нарзуллаев

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши бўйича айрим масалалар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шиддатли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, айниқса иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ амалий ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддасига мувофиқ ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда хеч ким зўровонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Бу борада, ер умуммиллий бойликдир[1]. Шунга кўра, Конституциянинг 55-моддасида ер ва бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасидалиги белгиланган. Ушбу

[1] Ерга оид низолар бўйича суд амалиёти. Х.Ёдгоров ва бош. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Бирлашган таҳририяти, Т., 2007 йил. 3-бет.

талаб бир қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларга ажратиш ердан фойдаланишнинг тури ва мақсадига қараб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар **доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи** асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 18-20, 24-моддаларига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи боғлиқ масалалар тартибга солинган.

Ер участкалари:

✓**доимий эгалик қилишга** – юридик шахсларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун(масалан, юридик шахсга муддатни кўсатмаган ҳолда ер учаскаси берилади);

✓**мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга** – фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун, якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;

✓**доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланишга** – юридик ва жисмоний шахсларга аниқ мақсадда фойдаланиш учун;

✓**ижарага** – юридик ва жисмоний шахсларга аниқ мақсадда ижара шартномаси асосида фойдаланиш учун, шу жумладан фермер хўжалиги юритиш учун;

✓**хусусий мулкка** – юридик ва жисмоний шахсларга савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда берилади[1].

[1] Yer huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi. –Toshkent: TDYU. 2019. –205 b.

Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг принциплари Ер кодексининг 40-моддасида, яъни ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятларида ўз ифодасини топган. Булар:

ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

ерларни муҳофаза қилишга оид, қонун хужжатларда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;

фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига берилган (реализация қилинган) ер участкалари ҳудудидан ташқаридаги қишлоқ хўжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пенумининг “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга

келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 3-сонли қарорида, Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 36-моддасининг олтинчи қисми талабига мувофиқ, ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқларидан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади. Бу ҳолатда ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, лекин эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоғи билан бир йил мобайнида ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдорининг Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 40-моддасида белгиланган мажбуриятлари бекор қилинишига йўл қўйилмайди[1].

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларга Ер кодексининг 48-моддасига мувофиқ қўшимча мажбуриятлар юклатилган.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш талаби ерларнинг ҳосилдорлигини маълум даражада сақлаш ва ошириш чораларини кўриш билан ифодаланади. Масалан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан пастлигига олиб келса, Ер кодексининг 36-моддасига асосан оқилона фойдаланилмаган ҳисобланиб, ушбу ер участкасини олиб қўйилишига сабаб бўлади.

Ерлардан самарали фойдаланиш, улардан мақсадли фойдаланиш масаласи билан боғлиқдир. Ердан фойдаланиш

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил

мақсади Ер кодексининг 9-моддасига асосан ажратилаётган ер участкасини қайси тоифага мансублигидан (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, аҳоли пункти ерлари ва бошқалар) келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги ерлари учун фойдаланиш мақсадини белгилаш нафақат ер тоифаси, балки қишлоқ хўжалиги корхонаси ихтисослашуви билан боғлиқдир. Хусусан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддасига асосан давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан шартномада белгиланган экин ўрнига бошқа экинни экиш ердан мақсадсиз фойдаланиш деб ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат кадастри органлари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширадилар.

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш талабларини бузган шахслар интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ва ер-ҳуқуқий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ер кодексининг 36-моддасида бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилиш ҳоллари кўрсатилган.

Ушбу моддада ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкасини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишнинг қуйидаги ҳоллари белгиланган:

- ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;

- ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;

- ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

- қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда.

Ер кодекси ва қонунларда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи, ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи турли тартибда бекор қилиниши белгиланган.

Ер кодекси 36-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилганда;

2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда қайта сотиб олинганда;

3) қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда;

4) ижро ҳужжатлари бўйича ундирув ер участкасига қаратилганда.

Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини Ер кодекси 36-моддасининг 1, 2, 3, ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини Ер кодекси 36-моддасининг биринчи қисмининг 6-11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш мазкур Ер кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади.

Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини Ер кодекси 36-моддасининг биринчи қисмининг 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегишли туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари раёсатининг қарорига мувофиқ фермер ёки деҳқон хўжалигининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги тугатилганда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган

мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин[1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 551-моддасига мувофиқ, ижарага берувчининг талаби бўйича мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш талаблари асосида томонларнинг бири шартнома шартларини бузган тақдирда иккинчисининг талабига кўра ижара шартномаси тегишли суднинг қарори билан бекор қилиниши мумкин.

Худди шундай талаб Ер кодексининг 24-моддаси ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги[2] Қонуннинг 13 ва 32-моддаларида ҳам ўрнатилган бўлиб, унга кўра, ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, фақат **суднинг ҳал қилув қарори**[3] билан амалга оширилиши лозим.

Ер кодексининг 38-моддасида ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда ер участкасини олиб қўйиш тартиби белгиланган бўлиб, ушбу модда ер участкасини ижарага олган шахсларга тааллуқли эмас. Чунки, ер эгалари деганда ерни доимий эгалик қилишга, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга олганлар, ердан фойдаланувчилар деганда ерни доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланишга олганлар, ижарачилар деганда ерни ижара шартномаси асосида олганлар тушунилади.

Фуқаролик кодексининг 551-моддасида ер участкасидан шартнома шартларини бузган ҳолда фойдаланганда ижарага олувчи ёзма равишда огоҳлантирилиши ва сўнгра судга даъво

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 йил 28 декабрь, 51-сон, 558-модда

[2] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.

[3] Iqtisodiy protsessual huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi. –Toshkent. TDYU. 2019. -324 b.

киритилиши мумкинлиги назарда тутилган. Ер ижараси шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъво суд томонидан қаноатлантирилгандан кейингина ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Агар қонунчиликни таҳлил этиб, (ФК 83-моддаси) қарайдиган бўлсак, **кўп йиллик дарахтлар**[1] кўчмас мулк жумласига киради. Яъни "Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради". Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 84-моддасига кўра, "кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак"[2].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги "Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 51-бандида, "Аҳоли пунктлари, шунингдек ташкилотларнинг ерларини кўкаламзорлаштириш мақсадида ўстирилган кўп йиллик дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмайди"[3].

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январдаги 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти"нинг 3 ва 4-бандларига кўра, асосий воситалар таркибига, ҳисобига

---

[1] Ekologiya huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi. –Toshkent: TDYU. 2018. –364 б.

[2] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.lex.uz.

[3] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz). 2004 йил 20 январь

олиниши белгиланган[1]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрь 911-сон қарори билан тасдиқланган, “**Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида**”ги низом[2]да кўп йиллик дов-дарахтларни қоплаш масалалари ҳам белгилаб ўтилиши керак. Кўп йиллик дарахтларни кўчмас мулк сифатида белгилаб, уни қоплаш масаласи ҳуқуқий тартибга солиниши ва махсус комиссия белгилаб бериши лозим.

Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси Ш.И.Шайзаков

Бош прокуратура Академияси Магистратура бўлими тингловчиси Дж.Тайлаков

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилишининг тарихий жараёнлари

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фуқаролик ҳуқуқий тартибда олиб қўйиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур институт тарихий манбаларда 1917 йил 5 майдаги Муваққат ҳукуматнинг қарори билан давлат ва жамоат

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz). 2018 йил 29 декабрь
[2]Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 16 ноябрь

эҳтиёжлари учун мол-мулкларни олиб қўйишни назарда тутувчи қоидалар билан бевосита боғланади[1].

Қарор билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун кўчмас мулкларни тегишли ҳақ тўлаш эвазига олиб қўйиш мумкинлиги белгиланган. Масалан, давлат манфаатларида ҳарбий базалар қуриш ёки темир йўл қурилиши учун ва ҳакоза. Лекин, амалда бу институт ишламади.

1917 йил 28 октябрдаги Совет Иттифоқининг қурултойида “Ер тўғрисида” декрет қабул қилинди ва ушбу ҳужжатда ерлар давлат мулки деб эълон қилинди[2]. Барча хўжаликлар ва мулклар давлат ҳисобига мусодара қилинди. Бу қоида СССР таркибидаги республикаларнинг Конституцияларида акс эттирилиб, ер давлат мулки – умумиллий мулк эканлиги қайд этилди. Алоҳида ҳолатларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тартиби белгиланди.

Шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар тақиқланиб, ер участкаларидан фойдаланиш давлат органлари ваколатига берилди ва давлат назорати ўрнатилди.

Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг 1918 йил 19 февралдаги “Ерни ҳимоялаш тўғрисида”ги Фармони билан ерга бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш асослари ва тартиби белгиланди[3]. Муайян ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда мажбуран бекор қилиш назарда тутилди:

- ер участкаларидан қонун ҳужжатларида рухсат этилмаган мақсадларда фойдаланилганда;

- ер участкасидан қонун ҳужжатларида рухсат этилмаган усулларда фойдаланилганда;

---

[1]Архив фонди. Вестник Временного правительства. 1917. № 68/114.

[2] Закон об утверждении основ земельного законодательства Союза ССР и союзных республик от 13декабря 1968 г. № 3401- VII. // Ведомости ВС СССР. 1968. № 51. ст. 485.

[3] Собрание узаконений РСФСР. 1918. № 25. Ст. 346.

- бошқа хўжаликка зарар етказадиган шаклда ер участкасидан фойдаланилганда.

Ушбу асослар ердан фойдаланиш тартиби шартларини бузганлик учун санкция сифатида пайдо бўлган.

Кейинчалик СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1928 йил 15 декабрдаги қарори билан ердан фойдаланиш ва ерни бошқариш тартиби белгилаб берилди[1].

Мазкур тартиб билан ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини мажбурий равишда бекор қилишнинг қуйидаги асослари белгиланди:

- қонунчиликда белгиланган муддат давомида ер хўжаликларидан, ҳовли ёки жамоа ерларидан узрли сабабларсиз фойдаланмаслик;

- ерларни бегоналаштиришга олиб келадиган битимлар тузиш (олди-сотди, гаровга қўйиш, васиятнома, ерни алмаштириш ва бошқалар);

- ерни ноқонуний ижарага бериш;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш;

-қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

1929 йил 4 мартдаги Марказий Ижроия Қўмитасининг “Ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида ҳам ерларни олиб қўйиш ҳокимият ваколатларига ўтказилиб, ерларни олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби назарда тутилди[2].

Бироқ, ушбу Низом талаблари ҳаммага бирдек амал қилинмаган, чунки, СССР Умумиттифоқ ва Халқ

[1] Собрание законодательства СССР. 1928. № 69. Ст. 652.

[2] СУ РСФСР. 1929. № 24. Ст.248.

комиссариятларининг ваколатига кирадиган ва шартномалар асосида фойдаланилган ерларга тадбиқ этилмаган.

Низом билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерларни олиб қўйишнинг иккита тури белгиланди: чексиз ёки маълум бир муддатга вақтинча олиб қўйиш.

Шунииҥгдек, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ваколати ижроия қўмиталарининг ваколатига берилиб, ҳар қандай ер участкалари давлат ташкилотлари фойдасига олиб қўйилиши мумкин эди.

СССР ҳукуматининг 1954 йил 22 июндаги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш масалаларини кўриб чиқиш чиқиш тартиби тўғрисида”ги Фармони орқали ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига давлат ўрмон фонди, ёрдамчи хўжаликлар, совхозлар ва талаб этилаётган ернинг тоифасидан қатъий назар 25 гектаргача ер участкаларини олиб қўйилиши ҳуқуқи берилди.

Кейинчалик иттифоқдош республикаларнинг қонунларида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ваколатлари Халқ депутатлари Кенгаши ижроия қўмиталари берилди.

Колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муасссалари фойдаланилаётган ерлардан маданий ёки илмий аҳамиятга эга ер участкаларини олиб қўйишга фақатгина алоҳида ҳолларда эҳтиёж мавжуд бўлганда йўл қўйилган. Лекин, аниқ механизми ишлаб чиқилмаган.

Колхозлар томонидан фойдаланилган ер участкаларини олиб қўйишнинг махсус тартиби мавжуд бўлиб, колхоз аъзоларининг умумий йиғилишлари ёки ваколатли вакилларнинг

йиғилишларнинг розилиги билан (агар умумий йиғилиш ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолатларда, масалан йиғим-терим вақтида) олиб қўйишга рухсат берилган.

1985 йилдан кейин ер участкаларини тартибга солиш билан боғлиқ ислоҳотлар олиб борилиши натижасида ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш асослари кенгайтирилди. Жумладан:

- ердан бошқа мақсадларда фойдаланилганда;
- қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган меъёрдан паст ҳосил берадиган ер участкаларидан оқилона фойдаланиш;
- ер унумдорлигининг пасайишига, уларнинг кимёвий ва риоактив ифлосланишга, экологик вазиятнинг ёмонлашишига олиб келадиган усуллардан фойдаланилганда;
- ижара шартномасида белгиланган муддатларда ер солиғи ва ижара ҳақини тўламаганда.

Ўзбекистон ССРнинг “Ер тўғрисида”ги 1990 йил 20 июндаги қонуни[1] билан (ушбу қонун 01.07.1998 йилда ўз кучини йўқотган) ерларнинг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши, сотиб олиниши тартиби мустаҳкамланди.

Эндиликда ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг — қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг, шунингдек фуқароларнинг розилиги бўлган тақдирда ёки ердан фойдаланувчи билан саноат, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилоти билан келишилган ҳолда ўзини ўзи бошқарув идоралари ва ҳокимият идораларининг ўзларига бериб қўйилган ваколатларга мувофиқ чиқарган қарорига кўра олиб қўйиладиган бўлди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 16-18-сон, 294-модда

Мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи рози бўлмаган тақдирда ўзини ўзи бошқарув идоралари ва ҳокимият маҳаллий идораларининг қарорлари устидан судга шикоят қилиш мумкин эди.

Вазирлар Маҳкамаси ваколатига муайян вилоят учун кадастр баҳосига мувофиқ белгиланадиган алоҳида қимматли маҳсулдор суғориладиган ерларнинг, шунингдек алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ва тарихий-маданий объектлар ва ҳудудлар эгаллаб турган ерларнинг қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилиши ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мулкчилик шаклларини ривожлантириш, айниқса хусусийлаштириш жараёнларига эътибор кучайтирилиб, кенг кўламли ислоҳотлар бошлаб юборилди.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 53-моддасига биноан бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин[1].

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат ва жамоат

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент “Ўзбекистон”,2020

эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг тартиб-таомиллари такомиллаштирилди.

Ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билангина ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолатларда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақатгина қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши мумкин:

- мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;
- фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;
- автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ва авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика тизими объектларини ва электр узатиш тармоқларини, алоқа тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);
- аҳоли пунктлари бош режаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни қуришга оид қисмини ижро этиш мақсадида, шунингдек қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси

Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда мулкдорларга нисбатан компенсация тўлаш муҳим жараён ҳисобланади. Шу мақсадда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги Низом бу борадаги муносабатларни тартибга солади.

Қонун талабларидан келиб чиқиб айтиш лозимки, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиш ва етказилган зарарни қоплашнинг энг муҳим шарти ер участкаси қонуний тартибда ажратилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши шарт.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олишнинг тарихи ва бугунини қисқача солиштириш орқали хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги кунда мулкдорларнинг ҳуқуқларини янада кучли ҳимоя қилишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси
катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD)
А.Б.Комилов

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш жараёнидаги қонунбузарликларга нисбатан прокурор назорати ҳужжатларини қўллашнинг айрим муаммоли жиҳатлари

Аннотация: мазкур мақолада давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш жараёнида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш бўйича юзага келаётган айрим муаммолар таҳлил қилинган.
Калит сўзлар: давлат ва жамоат эҳтиёжлари, ҳуқуқлар, прокурор назорати, прокурор назорати ҳужжатлари, прокурор талабномаси.

Аннотация: в данной статье проанализированы некоторые проблемы, возникающие в при примимении актов прокурорского надзора по восстановлению прав граждан и юридических лиц в связи с изъятием земельных участков для государственных и общественных нужд.
Ключевые слова: государственные и общественные нужды, права, прокурорский надзор, акты прокурорского надзора, требование прокурора.

Abstract: this article analyzes some of the problems that arise in the application of acts of prosecutorial supervision to restore the rights of citizens and legal entities in connection with the seizure of land for state and public needs.
Keywords: state and public needs, rights, prosecutorial supervision, acts of prosecutorial supervision, requirement of the prosecutor.

Маълумки, узоқ йиллар мобайнида маҳаллий ҳокимликлар томонидан аҳоли пунктлари бош режаларини бажариш ёки юқори турувчи ижро ҳокимияти органларидан берилган бошқа топшириқни важ қилиб кўрсатган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан

фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”[1]ги Низом талабларига риоя этилмасдан, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузилаётган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар учун фуқароларга ва юридик шахсларга бузилаётган кўчмас мулкнинг бозор қиймати ҳамда олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарар тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилиши талаби қўпол равишда бузиб келинганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Хусусан, Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бузилган турар ва нотурар бино-иншоотлар учун компенсация тўлаш бўйича 300 млрд. сўмга яқин қарздорлик мавжуд[2].

Бу борада қонун бузилиши ҳолатлари асосан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан мулкдорларга ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётганлигини рўкач қилиб, етказилган зарар тўлиқ қопланмаган ҳолда ва қурилиш объектининг қийматига аниқлик киритилмаган (баҳоланмаган) ҳолда бузиб юбориш кўринишида содир этилади. Амалиётда муайян тадбиркорга унга тегишли бино-иншоот ёки бошқа объектни бузиб олиш тўғрисида маҳаллий ҳокимлик томонидан огоҳлантириш хати берилади, аммо мулкдорга етказилиши мумкин бўлган зарар бюджетда маблағ етарли эмаслиги важ қилинади ва тўлиқ қопланмай туриб, бузишни бошлаш талаб қилинади ёки ҳокимликлар томонидан бузиш ишлари бошлаб юборилади. Бундай ҳолатларда ўз ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаган фуқаро ёки тадбиркор қонунбузарлик орқасидан

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.11.2018 й., 09/18/963/2234-сон.

[2] Адлия вазирлиги: кўчмас мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича акцияси доирасида 2586 та мурожаат келиб тушди // Электрон манба: https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/98057/ (мурожаат вақти: 21.12.2020).

юзага келиши мумкин салбий оқибатларни олдини олишни сўраб, прокурорга мурожаат этганида, прокурор назорат ҳужжатлари мажмуи бу каби қонунбузарликни у содир этилишининг дастлабки босқичида, ундан келиб чиқувчи салбий оқибатларни самарали бартараф этиш имконига эга эмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Чунончи, протест қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан (*шу ўринда қонунбузарликлар ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсиз шаклида ҳам содир этилишини унутмаслик лозим*) муносабат билдириш билан боғлиқ бўлса, тақдимнома қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида киритилади. Бироқ, бунда ҳам иккита жиҳатни эътиборга олиш лозим: биринчидан, битта қонунбузарлик ҳолати бўйича тақдимнома киритиш аксарият ҳолларда жуда мушкул, иккинчидан, тақдимнома дарҳол кўриб чиқилса ҳам прокурор назорати амалиётида у бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида прокурорга бир ойлик муддат ичида ёзма равишда маълум қилинади. Кўрилган чора-тадбирлар ҳамма вақт ҳам қонун бузилиши ҳолатини бартараф этиш учун етарли бўлмайди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай пайтда юқоридаги қонун бузилиши ҳолати содир этилиб, ундан келиб чиқувчи салбий оқибатлар юзага келиб бўлади. Огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжати профилактик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат бўлиб, у кўпроқ фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Шу ўринда, айрим ҳуқуқшунос

олимларнинг сўнгги йиллардаги реал воқелик огоҳлантирувдек таъсир чоранинг долзарблигини пасайтирганлиги ҳақидаги фикри эътиборга молик[1] бўлиб, бу ўринда мазкур назорат ҳужжати, бизнингча ҳам, етарлича самара бермайди.

Бошқа прокурор назорати ҳужжатлари тўғрисида ҳам шу каби фикрларни айтиш мумкин. Хусусан, судга бузилган ҳуқуқларни тиклашни сўраб, даъво ариза билан мурожаат этиш, даъвони судда кўриб чиқиб то муайян қарор қабул қилиш жараёни ҳам маълум муддат талаб этиши, табиий. Қарор қабул қилингунига қадар қонун бузилиши ҳолати давом этиб, салбий оқибат жиддийлашиб боришини ҳам эътибордан чиқармаслик лозим. Мазкур вазиятда прокурор талабномаси орқали ноқонуний ҳаракатнинг тўхтатиб турилиши низо судда кўрилгунича фуқаро ёки тадбиркорга етказиладиган зарарнинг ошиб кетмаслигига замин яратади.

Бизнингча, прокурор назорати амалиётида прокуратура органлари томонидан фуқаролар ёки тадбиркорларнинг юқоридаги мазмундаги шикоятларини кўриб чиқиш натижасига кўра, аксарият ҳолатларда муаллифларга ҳуқуқий тушунтириш бериш билан чекланилаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Бу эса прокуратура органларига нисбатан ишончсизлик, қонун бузилишига йўл қўйган шахсларда қонунга беписанд муносабатда бўлиш кайфиятини уйғотмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, гарчи Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган низом Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари

[1] Бут Н.Д. Теоретические, правовые и организационные основы прокурорского надзора за исполнением законов о свободе экономической деятельности в Российской Федерации: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2011. – С. 47.

кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[1]ги 911-сон қарори билан ўз кучини йўқотиб, мулкдорларга тегишли ерни олиб қўйиш, шу муносабат билан унга етказилган зарарни ҳисоблаш ва тўлаш борасида мулк ҳуқуқи кафолатини таъминлашга қаратилган қоидалар белгиланганига қарамай, келгусида амалиётда мазкур қарор талабларининг юзага келиши мумкин бўлган барча муаммоларни батафсил тартибга солишига кафолат йўқ. Бизнингча, буни:

биринчидан, ерга оид муносабатларни (*ер танлаш, ажратиш ва ҳ.к.*) тартибга солишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳаддан ташқари кенг ваколатларга эга эканлиги;

иккинчидан, ҳокимларнинг айни пайтда ҳам ижро ҳокимияти, ҳам ҳокимиятнинг вакиллик органларига бошчилик қилиши оқибатида, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ депутатлари Кенгашларининг ҳокимлар қабул қиладиган қарорларга нисбатан у ёки бу даражада таъсир кўрсатиш имконияти эга эмаслиги;

учинчидан, адлия органларнинг ижро этувчи ҳокимият таркибига киришлиги, бугунги кунда ҳудудий адлия органлари бошлиқларининг бошқа идора ва ташкилотлар раҳбарлари каби ҳокимлар билан келишиб ишлашга мажбур бўлаётганлиги ушбу органлар томонидан ҳокимлар қарорларини ҳуқуқий экспертизадан холис ўтказилишига салбий таъсир кўрсатиши;

тўртинчидан, суд қарорларининг айрим маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ижро этилмаётганлиги ёки

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.11.2019 й., 09/19/911/4028-сон.

пайсалга солиш ҳолатлари ҳам мавжудлиги ва бошқалар билан асослаш мумкин.

Шу боис, ҳозирда прокурор назорати ҳужжатларини такомиллаштиришга бўлган зарурат юзага келганлиги кўринмоқда. Фикримизча, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига мажбурий барҳам бериш ҳақидаги талабни ўз ичига олган “прокурор талабномаси”, деб номланган назорат ҳужжатини Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида янги 42^1–моддада қайд этиш, унда мазкур ҳужжатни қабул қилиш асослари, кўриб чиқиш муддатлари, унинг устидан шикоят бериш тартибини кўрсатиш лозим.

Таклиф этилаётган моддага мувофиқ: “*Қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги прокурорнинг ёзма талабномаси прокурор томонидан қонун бузилишига йўл қўйган орган, мансабдор ёки бошқа шахсга ёхуд ана шу қонунбузарликни бартараф этишга ваколатли юқори турувчи давлат органи ёки мансабдор шахсга киритилади.*

Прокурор талабномаси қонун бузилиши яққол кўзга ташланган ҳолларда ва бу фуқаро, жамият ва давлат манфаатларига, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлганда киритилади.

Қонун бузилишига йўл қўйган орган, мансабдор шахс ёки жисмоний шахс прокурор талабномаси устидан юқори турувчи прокурорга ёки судга шикоят қилиши мумкин. Юқори турувчи прокурор шикоятни уч иш кунида кўриб чиқиши шарт.

Прокурорнинг талабномаси устидан шикоят қилиниши унинг ижросини тўхтатиб қўяди”.

Бундан кўринадики, “прокурор талабномаси” назорат ҳужжати яққол кўзга ташланиб турган қонун бузилиши ҳолатларининг содир этилиши ва давом эттирилишидан юзага келиши мумкин бўлган фуқаролар, шу жумладан тадбиркорлар ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларининг бузилишидан келиб чиқувчи салбий оқибатларни, айниқса, унинг дастлабки босқичларида олдини олиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Умуман олганда, қонунбузарлик яққол кўриниб турган ва буни инкор этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд бўлганда, прокурор талабномасининг қўлланилиши амалдаги бошқа прокурор назорати ҳужжатларига нисбатан самаралироқ бўлади. Энг муҳими, ушбу назорат ҳужжати орқали юртимизда мулкдорлар ҳуқуқларининг амалда кафолатланиши таъминланади, тадбиркорлик ва инвестиция муҳити янада яхшиланади, халқаро ташкилотлар ва чет эл инвесторларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан ижобий таассуротнинг юқорилашига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси
доценти Н.Азизов

Ер участкаларини олиб қўйиш, бино ва иншоотларни бузиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш

Прокуратура органлари ер участкаларини олиб қўйиш, бино ва иншоотларни бузиш, фуқароларни кўчириш ҳамда мулкдорларга етказилган зарарларни қоплашда қонунларнинг ижро этилиши, бу борада қонунга зид қарорлар қабул қилиниши

ва хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, етказилган зарарларни айбдор шахслардан ундириш масалалари бўйича самарали прокурор назоратини амалга ошириши лозим.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича қуйидаги ҳуқуқий асосларни келтириш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;

2. Ўзбекистон Республикасининг 24.02.2019 йилдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармони 16-банди;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сон Фармони;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 3 августдаги Ф-5491-сон фармойиши;

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги “Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1047-сон қарори;

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон қарори.

Прокуратура органлари ходимлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишларнинг кўрилишида ер участкалари олиб қўйилишининг қонунийлигига, олиб қўйилган ер участкаларидаги уйлар (квартиралар), иморат ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар баҳоловчи ташкилотлар томонидан тегишли тартибда баҳоланганлигига, етказилган зарарларни қонунчиликда белгиланган тартибда тўлаб берилганлигига эътибор қаратишлари лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” 2006 йил 29 май 97-сон қарори Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон қарорига асосан 2020 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб

қўйилиши ва компенсация бериш масалалари бўйича мурожаатларининг кўриб чиқилишига;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шу жумладан, муайян ҳудуднинг архитектура қиёфасини ўзгартириш ва яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ҳамда инвестиция ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни (кейинги ўринларда инвестиция лойиҳалари деб аталади) амалга ошириш доирасида ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга оширилишига;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори адлия органларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлгандагина қабул қилинишига;

- ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектининг мулкдори ўртасида тузиладиган ерни олиб қўйиш муносабати билан компенсация бериш тўғрисидаги келишув мажбурий тарзда нотариал тасдиқланишига;

- кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объекти мулкдорига келишувда, низо мавжуд бўлган ҳолларда эса суд қарорида, белгиланган компенсация тўлиқ тақдим этилгандан сўнг йўл қўйилишига;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларнинг ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисида аввал қабул қилинган қарорини бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар ёки бошқа давлат органи томонидан маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилмаганлиги сабабли бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш йўли билан ер участкаларини олиб қўйиш тақиқланишига;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш - ушбу турда ер участкасини олиб қўйишга фақат қуйидаги мақсадларда йўл қўйилишига:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни бериш;

халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш;

автомобиль йўллари ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига объектлар қуриш қисмида ижро этиш, шунингдек, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳоллар;

- ер участкаси олиб қўйилиши ташаббускори - ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари, ер участкалари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилган тақдирда – инвестор эканлигига;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаси олиб қўйилиши ҳақидаги қарорни қабул қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан йўл қўйилишига;

- Кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарори асосида ташаббускор ҳамда мулкдор ўртасида Келишув тузилганидан ҳамда Келишувда назарда тутилган компенсация берилганидан сўнг қабул қилинганлигига, қурилаётган кўчмас мулкни компенсация сифатида бериш ҳоллари бундан мустасно;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкалари олиб қўйилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан биринчи навбатда эскирган ва авария ҳолатидаги уй-жой фонди объектлари, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектлар (маданий мерос тоифасига кирадиган объектлардан ташқари) билан банд бўлган ер участкаларидан, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий объектлар қурилишига эҳтиёжи бор бўлган жойлардан танлаб олинганлигига;

- ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйиш ва компенсация бериш қарор билан тасдиқланган Низомда кўрсатилган схемалар бўйича амалга оширилганлигига;

- кўчмас мулк объектлари бузиб ташланиши муносабати билан мулкдорларга компенсация беришнинг умумий тартибига риоя этилганлигига (компенсация турлари, компенсацияларнинг берилиш шакллари ва усулларига, муддатларига ва бошқа тартибга риоя этилиши қонунийлигига).

Мулкдорлар томонидан ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан бош тортилган тақдирда ташаббускор томонидан Келишмовчиликлар баённомаси тузилади ва мулкдор билан биргаликда имзоланади. Келишмовчиликлар баённомасини имзолашдан бош тортилган тақдирда, бош тортиш сабаблари кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади.

Келишмовчиликлар баённомаси (далолатнома) имзоланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари мажбурият юклаш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларнинг 75 фоизидан ёзма розилиги олинганда (Келишув тузилганда), бироқ қолган мулкдорларнинг розилигини олиш имкони бўлмаганда (Келишувга эришилмаганда) ташаббускор уларнинг кўчмас мулк объектларини мажбурий сотиб олиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бунда, розилик бермаган (Келишувга эришилмаган) мулкдорларга бериладиган

компенсация миқдори, турлари ва муддати суд тартибида белгиланади.

Олиб қўйилиши режалаштирилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектининг мулкдори (агар турар жой бўлса, шунингдек, ушбу манзилда рўйхатдан ўтган оила аъзолари) бўлмаган тақдирда, ташаббускор уларни излаш учун барча зарур чораларни кўради. Агар бир йил мобайнида мулкдорни излаб топиш имкони бўлмаса, инвестор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳар) ҳокимликларига ушбу кўчмас мулк объектини эгасиз деб эътироф этиш ва ушбу кўчмас мулк объектини давлат мулкига ўтказиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Шу ўринда ерни ноқонуний олиб қўйганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланганлигига эътибор қаратиш зарур. МЖТКнинг 200-2-моддасига кўра ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш учун, худди шундай ҳуқуқбузарлик олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга, уларга кўп бўлмаган миқдорда зарар етказилишига олиб келса жавобгарлик белгиланган. Жиноят кодексининг 229-5-моддасида ҳам ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек унинг

мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, худди шундай ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, худди шундай ҳаракатлар кўпчилик учун хавфли бўлган усулда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик белгиланган.

Тошкент давлат юридик университети доцент в.б. Р.Х.Хурсанов

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш: Ўзбекистон ва Германия мисолида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан умуммиллий бойлик ҳисобланадиган табиий ресурслар ичида ер ўзига хос мақомга эга. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси бўлиш билан бирга, инсоният учун ўта муҳим яна бир вазифани бажаради, яъни у фуқаролар яшаши учун турар-жой, юридик шахсларнинг ҳудудий жойлашуви асоси бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ердан ҳар қандай шароитда ва даврда оқилона, самарали ва тўғри фойдаланишни ташкил этиш аҳоли фаровонлигига, турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилади. Айниқса, ердан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни мунтазам равишда такомиллаштириш зарурати

соҳадаги ҳуқуқий базани янгилаб бориш, ривожлантиришни давр талаби даражасига кўтарди.

Маълумки бирор давлат ривожланган давлатлар қаторига киришни мақсад қилар экан, буни, албатта қурилишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қурилишларни пухта ишланган режа асосида амалга ошириш эса уларнинг барқарорлигини таъминлайди. Лекин айрим объектларни қуриш шунчаки кечмайди, яъни қурилиш режалаштирилаётган жойда истиқомат қилувчи фуқароларни кўчириш, уларнинг турар жойларини бузиш, уларга бошқа турар жой бериш, компенсация масалалари билан ҳисоблашишни тақазо қилади ва булар маълум бир ҳуқуқий асос ҳамда механизмга эга.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой, Ер, Шаҳарсозлик кодекслари ва бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларр орқали тартибга солинади. Шунингдек, Regulation.gov.uz – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жойлаштирилган “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги[1] қонуни мазкур ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши кутилмоқда.

Лойиҳадаги қонуннинг 5-моддасида ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга асос бўладиган ҳолатлар келтирилган бўлиб, қуйидаги ҳолатлдарда ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига йўл қўйилади:

[1] https://regulation.gov.uz/uz/d/42584

- мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;
- фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш (кенг тарқалган фойдали қазилмаларнинг конлари бундан мустасно);
- республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергетика ва алоқа тизими мухандислик объектлари ва тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, мухандислик-коммуникация тармоқларини, ирригация ва мелиорация тизимларини қуриш (реконструкция қилиш);
- аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига объектлар қуриш қисмида ижро этиш;
- давлат инвестицион дастурларида белгиланган давлат таълим, тиббиёт, маданият ва ижтимоий ҳимоя муассасаларни марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан қуришни назарда тутувчи лойиҳаларни амалга ошириш.

Бундан ташқари, мазкур модданинг иккинчи қисмида ер участкаларини ҳар қандай бошқа мақсадларда олиб қўйилишини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш деб талқин этиш тақиқланиши белгиланган. Бу эса том маънода жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларини компенсация эвазига

жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишдаги мулк ҳуқуқларининг кафолати дейиш мумкин.

Юқорида тилга олинган қонун ҳали қабул қилинмаганлиги “ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас” деган фикр уйғотмаслиги лозим. Мазкур муносабат юқорида тилга олинган кодекслардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон қарор[1]лари билан ҳам тартибга солинган бўлиб, мазкур ҳужжат бугунги кунда айни муносабатни тартибга солишга қаратилган махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш мулк ҳуқуқини бекор қилинишига олиб келади. Бу эса мулкдор, яъни ҳуқуқ эгасига ҳар доим ҳам хуш келавермайди. Фикримиз баёни учун ҳуқуқшунос олим Е.А.Сухановнинг фикрини келтириб ўтамиз: “Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши, табиийки, мулк эгаси учун қувонарли бўлмаган вазият ҳисобланиб, муайян моддий йўқотишларга олиб келади. Шу боис мол-мулкни унинг эгасидан олиб қўйиш, унга нисбатан ҳуқуқнинг бекор қилиниши қандай усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилишидан қатъий назар, бундай усулларни ҳақ эвазига амалга ошириш ва мол-мулкнинг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни тўлаш тамойили Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган. Барча ривожланган ҳуқуқий

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.11.2019 й., 09/19/911/4028-сон (https://lex.uz/docs/4597630)

тизимларда ҳам мол-мулк мажбурий тартибда мулкдордан олиб қўйилишида қуйидаги икки мезонга, яъни умумфойдалилик ва адолатли компенсация тўлашга амал қилиши қатъий тарзда белгилаб қўйилган[1]".

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишни Германия мисолида кўриб ўтамиз. Германияда мазкур ижтимоий муносабат асосан икки катта босқичдан иборат:

1. ер участкасини олиб қўйишни қонуний асосга эга эканлигини исботлаш;
2. муайян компенсация миқдорини аниқлаш.

Олиб қўйиш жараёнидаги асосий иштирокчилар даъвогар (олиб қўювчи), ер участкаси мулкдори, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, олиб қўйиш ваколатига эга бўлган юқори турувчи орган[2], баҳоловчи қўмита ва энг сўнггида суд ҳисобланади. Олиб қўйиш жараёни даъвогар талабнома берган вақтдан бошланган ҳисобланади. Талабнома, дастлаб, маҳаллий давлат органига берилади, маҳаллий давлат ҳокимияти органи эса даъвогар баёнотига ўз баёнотини қўшган ҳолда Олиб қўйиш органига тақдим қилади.

Олиб қўйиш босқичининг дастлабки шартномаси жуда муҳим ҳисобланади. Олиб қўйиш органи дастлабки шартларни текширади ва тегишли комиссияга баҳолашни топширади. Мулкни баҳолаш ҳудуд учун масъул бўлган Баҳолаш Қўмитаси ёки тажрибали баҳоловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Олиб қўйиш ҳақида расмий маълумотлар камдан-кам учрайди улардан бирини тақдим қиламиз. Германиянинг

---

[1] Маттеи У., Суханов Е.А. Основные положение о праве собственности. – М.: Юристь, 1999, - С. 278.

[2] Миллий қонунчилигиздан фарқли ўлароқ Германияда ер участкасини олиб қўйиш билан шуғулланувчи махсус орган ҳам мавжуд.

Мюнстер шаҳрида амалга оширилган 80% ер участкасини олиб қўйиш расмий жараёни бошланишидан олдин тарафлар келишуви имзоланган.

Олиб қўйишнинг расмий жараёни тарафлар суд жараёнига ёки эшитиш учун чақирилган вақтдан бошланган ҳисобланади. Қонунчиликка мувофиқ олиб қўйиш талабномасининг тақдим қилинганлиги эмас, балки тарафлар эшитиш учун чақирилганлиги олиб қўйишнинг бошланиши сифатида қабул қилинганлиги эшитиш босқичининг нақадар муҳим эканлигидан дарак беради. Айни ушбу босқичда муносабат оммавий тус олади. Чунки жараённинг бошлангани мазкур босқичда маҳаллий нашрларда чоп қилинади ва ер реестрига қайд қилиб қўйилади.

Жараённинг энг муҳим қисми бу компенсация босқичи ҳсобланади. Чунки баҳолаш ва компенсация ҳуқуқ эгаси, яъни ер эгасининг моддий аҳволи ва жамоат эҳтиёжининг муҳимлик даражаси ҳамда унинг иқтисодиётга таъсири ўртасидаги мувозанатни сақлаши керак. Агар компенсация миқдори олиб қўйилаётган мулкнинг реал қийматидан кам бўлиши мамлакат даражасидаги адолатсизлик деб баҳоланади. Бошқа томондан компенсация миқдорининг мол-мулкдан юқори бўлиши мазкур муносабатнинг жамоат эҳтиёжи сифатида қўллаб қувватланмаслигига сабаб бўлади.

Германия қонунчилигига кўра компенсация қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ✓ мол-мулкнинг бозор қиймати;
- ✓ олиб қўйиш натижасида етказилган бошқа зарарлар;
- ✓ олиб қўйилаётган мулк баҳосининг ўсишини ҳам назарда тутиши лозим.

Шунингдек, компенсациянинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ✓ пул кўринишида;

✓ мол-мулк кўринишида;

✓ бошқа ҳуқуқларни бериш орқали[1].

Хулоса қилиш мумкинки, ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш Германияда ҳам миллий қонунчилигимизга ўхшаш тарзда амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, миллий қонунчилигимизга тадбиқ қилишимиз мумкин бўлган жиҳатлари ҳам бор ва булар қуйидагилар:

✓ ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш билан шуғулланувчи махсус орган ташкил қилиш ва бу орган мазкур муносабат билан профессионал тарзда шуғулланиши;

✓ баҳолашни махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилиши;

✓ шунингдек, эътиборли жиҳати баҳоловчи махсус ваколатли органлардан ташқари профессионал ихтисослашган баҳоловчи ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, улурнинг рўйхати Савдо саноат палатасининг (Chambers of Commerce and Industry) доимий рўйхатида туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. https://regulation.gov.uz/uz/d/42584
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.11.2019 й., 09/19/911/4028-сон (https://lex.uz/docs/4597630)
3. Маттеи У., Суханов Е.А. Основные положение о праве собственности. – М.: Юристь, 1999, - С. 278.

[1] http://www.fig.net/pub/fig2010/papers/ts03f/ts03f_voss_4220.pdf (Compulsory Purchase in Poland, Norway and Germany - Part Germany)

4.http://www.fig.net/pub/fig2010/papers/ts03f/ts03f_voss_4220.pdf (Compulsory Purchase in Poland, Norway and Germany - Part Germany)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD) О.Ж.Холмўминов

Ер участкаларидан фойдаланишнинг бошқа мажбурият-ҳуқуқий усуллари асосида етказилган зарарни қоплаш

Бугунги кунда ер участкаларидан фойдаланишда олди-сотди, ҳадя, ижара шартномаларидан ташқари, ипотека, гаров, мерос қилиб қолдириладиган бир умрлик фойдаланиш шартномалари ҳам тузилади. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, ипотека билан боғлиқ шартномавий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Гаров тўғрисида”ги қонуни[1] билан тартибга солинар эди. Эндиликда ипотека билан боғлиқ шартномавий муносабатлар алоҳида шартнома институти сифатида ягона “Ипотека тўғрисида”ги қонуни[2] асосида тартибга солинади.

Шунингдек, гаров ҳам ашёвий ҳуқуқ тури ҳисобланади. Унинг нарсаси ҳар қандай мол-мулк, шунингдек ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар бўлиши мумкин. Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. – № 5-6, – 96-м.

[2] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. – № 40, – 393-м.

талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустаснодир. Гаров турларига ипотека, яъни кўчмас мулкни гаровга қўйиш ҳамда закалат киради.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳамда гаров қонунчилигига кўра, кўчмас мулк гарови ипотека ҳисобланади. Гаров турлари ичида ипотека муҳим ўрин эгаллайди. Ипотека нарсаси бўлиб кўчмас мол-мулк ҳисобланади. Фуқаролик кодексида кўчмас мол-мулк тушунчаси белгиланган бўлиб, унга кўра, кўчмас мулк ер участкалари, ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек бинолар, иншоотлар бўлиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 269-моддаси ҳамда “Гаров тўғрисида”ги қонуни[1]нинг 10-моддасига кўра, Гаров нарсаси мол-мулкни умумий тавсифлаш орқали, шу жумладан мазкур мол-мулкни алоҳида тур ёки тасниф сифатида тавсифлаш воситасида идентификация қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисидаги қонунининг 6-моддаси[2]га кўра, Кўчмас мулк, шу жумладан бинолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек турар жойлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 5-6. – 96-м., Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 23.10.2019 й., 03.10.2019., 03/19/572-3943-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 40. – 393-м.

Ипотека тўғрисидаги қоидалар ер участкасида барпо этилаётган қурилиши тугалланмаган мол-мулк гаровига, якка тартибдаги уй-жой қуриш ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари гаровига, агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчининг кўчмас мулк ижараси тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари (ижара ҳуқуқи) гаровига ҳамда агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқлар гаровига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ипотеканинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бинолар ёки иншоотлар ипотекаси ер участкаси ипотекасидан фарқ қилади. Гаров қонунчилигига кўра, бинолар ёки иншоотлар ипотекасига ўша шартнома бўйича бино ёки иншоот жойлашган ер участкасини ёки ер участкасини гаровга қўйилаётган объект ишлаб туришини таъминлайдиган қисмини ёҳуд бу участкани ёки унинг тегишли қисмини гаровга қўювчига тегишли бўлган, ижарага олиш ҳуқуқини бир пайтнинг ўзида ипотека қилган ҳолда йўл қўйилади[1]. *Ер участкаси ипотекаси* – молиявий ссуда олиш имкониятини таъминлаш мақсадида ер участкасини гаровга бериш, бунда ер участкасининг ўзи ер ҳуқуқи субъектининг эгалигида қолади. Ер участкаси ипотекасида эса агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаров ҳуқуқи гаровга қўювчининг шу участкада жойлашган ёки қурилаётган бинолари ва иншоотларига нисбатан тадбиқ этилмайди.

Таъкидлаш лозимки, ипотеканинг вужудга келиши бевосита қадимги Греция билан боғлиқ. Дастлаб қадимги Грецияда

[1] *Муллажанов Ф.М., Эрдонаев А.Х., Комилов Ф.Э.* Ипотека тарихи ва унинг ривожланиши.-Т.: Voris,2007.4 б.

миллоддан олдинги VI асрда Афина Солон ислоҳотлари ўтказилиши билан шахсий жавобгарлик мулкий жавобгарликка алмаштирилди ва кредитор қарздорга тегишли ерга ушбу ер ўзининг қарз бўйича даъвосининг таъминоти эканлиги ҳақидаги ёзув тушурилган қозиқни ўрнатиб қўйиш йўли ер участкасининг муомаласини чеклаб қўядиган бўлди. Бундай тошқозиқ “Ипотека”-деб аталди ва юнон тилидан таржима қилинганда “таглик-қўйилма”-деган маънони ангатар эди. Кейинчалик бу атама кўчма маънода “Кўчмас мулклар гарови” маъносида қўлланила бошлади[1].

Бу атамани Рим хусусий ҳуқуқи муомалага олиб киритган десак хато бўлмайди. Ипотека институтининг илдам ривожланиши Рим империяси даврига тўғри келади. Бу даврда, яъни эрамизнинг I-асрларида ипотека муассасалари катта шаҳарларда тузилиб, улар томонидан кўчмас мулклар гаровга олинган ва хусусий шахсларга кредитлар беришган.

Эрамизнинг II-асрида Римда ҳукмдорлик қилган император Антоний Пий даврида ипотека банклари тўғрисида махсус қонун ишлаб чиқилган. Бу қонунга кўра ипотека банклари бошқа банклар ва кредит муассасалари билан бир қаторда иш юрита бошлаган.

Шу даврларда ҳам фуқароларнинг ипотека кредитлари олишларига давлат томонидан тез-тез катта амалий ёрдамлар кўрсатилган. Жумладан, император Троян даврида етимлар ва беваларни қўллаб қувватлаш учун махсус фондлар ташкил этилган. Ушбу махсус фондлар йилига 5 фоиз устамаси билан кредит берган. Бу кредитлар асосан жангда ҳалок бўлган аскарларнинг оилаларига мўлжалланган.

[1] *Муллажанов Ф.М., Комилов Ф.Э.* Ипотека тарихи ва унинг ривожланиши. – Т.: Voris, – 2007.-6 б.

Ипотека институти мана шу қисқа давр мобайнида фидуция –*“fiducia”* (ишонч асосидаги гаров шартномаси) ривожланишидан пигнус –*“pignus”* (норасмий гаров)гача ва сўнг бугунги кундаги ипотекагача ривожланишга эришди[1].

Дарҳақиқат, кейинчалик Европа мамлакатларида Ер китобларининг жорий этилиши ҳам айнан ипотека муносабатларининг таъсири остида рўй берди[2].

Масалан, Франция қонунчилиги бўйича кўчмас мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларни белгилаш ёки ўтказишга оид барча битимлар ва “ипотека қўриқловчи” даги расмий реестрда мажбурий рўйхатдан ўтказилиши керак. Бироқ, ерга оид китобдаги ёзувнинг ўзи мулк ҳуқуқини вужудга келиш шарти ҳисобланмайди. Ерга оид битимлар мазкур битим иштирокчилари учун ҳақиқий ҳисобланади, бироқ ушбу битимдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилгач ерга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари мавжудлиги аниқланса, бундай ёзувнинг киритилиши битимнинг ҳақиқийлигини таъминлашга хизмат қила олмайди.

Мазкур вазиятга нисбатан бошқача ёндашув Германия қонунчилигида кузатилади. Германия фуқаролик тузукларининг 873-874-§.га мувофиқ, кўчмас мол-мулкка нисбатан ҳар қандай ашёвий ҳуқуқ ер китобига ўзгартириш киритилмасидан вужудга келиши ёки тугатилиши мумкин эмас. Мансабдор шахс тегишли судда ер ёзуви тўғрисида мурожаат этаётган шахснинг ҳуқуқини текширади. Китобга киритилган ёзувлар унга ўзгартиш ва тузатишлар киритилгунига қадар ҳақиқий ҳисобланади[3].

---

[1]*Комилов Ф.Э.* Кўчмас мол-мулк гарови (ипотека) ни қўллашнинг назарий-амалий муаммолари. Юрид.фан.номз.дис... – Т.: – 32 б.

[2]Гражданское и торговое право капиталистических государств / Отв.ред. *Е.А.Васильев.*- М:1992.-С. 202-203.

[3] Юқоридаги кўрсатилган манба. – С. 202-203.

Ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқини ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномада томонларнинг номи, жойлашган манзили, ер участкасининг майдони, ҳосилдорлик даражаси, гаров билан таъминланадиган мажбуриятларнинг бажарилиши муддати каби маълумотлар кўрсатилиши керак. Мазкур шартнома ёзма шаклда тузилиши ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Акс ҳолда у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ер участкасига нисбатан ижара ҳуқуқини ёҳуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини гаровга қўйиш шартномалари қуйидаги ҳолатларда бекор бўлиши мумкин: гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганда, гаровга олувчи ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузган тақдирда, гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида, гаров нарсасини ташкил этувчи ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган тақдирда ва бошқа ҳолатларда.

Тадбиркорлик субъекти ҳисобланган деҳқон хўжаликлари ерга эгалик қилиш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ёҳуд, ушбу Қонуннинг 12-моддасига биноан, деҳқон ҳўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган ким ошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қўйиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 16-моддасига кўра, ер давлат мулки – умуммиллий бойликдир, ундан оқилона

фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди. Шунингдек, Ер кодексининг 24-моддасига биноан, ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Ҳудди шундай қоидани Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасида, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида, “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўришимиз мумкин.

Демак, ер участкаси бўйича ҳуқуқлар гарови шартномавий муносабатларида кимлар гаров субъектлари (гаровга қўювчи ва гаровга олувчи) бўлиши мумкинлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахслар гаровга қўювчи ва гаровга олувчи бўлишлари мумкин. Шунингдек, қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи сифатида ҳуқуққа эга. Демак, ер участкасини ижарага олган ижарачи (фермер хўжалиги) ёки томорқа ер участкаси олган деҳқон хўжалиги ер ижараси ҳуқуқини ва меросга қолдирадиган умрбод эгалик ҳуқуқини гаровга қўювчи субъект бўлиши мумкин. Гаровга олувчи бўлиб эса, кредит берган банк муассасаси ҳисобланади.

Хуллас, ҳар қандай ҳолатда ер участкаларидан фойдаланишнинг бошқа мажбурият-ҳуқуқий усуллари асосида етказилган зарарни қоплаш масаласи ер ва фуқаролик ҳуқуқида ўта долзарб бўлиб,бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириб бориш замон талабидир.

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Ҳ.И.Тўхташев

Тошкент давлат юридик университети 2-курс талабаси У.А.Нуриддинова

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда давлат бошқаруви органларининг ўрни ва аҳамияти

Мамлакатимизда ер билан боғлиқ тенденциялар йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ер ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан халқнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Зеро, асосий фаолияти ва турмуш тарзи азалдан ер билан боғлиқ бўлган халқимизнинг уйи ҳам ердан, нони ҳам ердан деб айтиш мумкин.

Шу жиҳатдан айтиш мумкинки илгари ер низолари, фақатгина, қишлоқ хўжалик соҳасида ердан фойдаланувчи субъектлар ўртасида ер участкаларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келган бўлса, ҳозирга келиб ер низоларининг нафақат субъектив таркиби, балки характери ҳам ўзгариб бормоқда. Шундай низолардан бири давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш билан боғлиқдир. Мазкур соҳада изланиш олиб борган рус олимлари А.П.Анисимов ва А.Ж.Ризенков[1] фикрига кўра, дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлатнинг ер участкаларини фуқаролардан олиб қўйиши шаҳарлар эҳтиёжларини қондиришнинг мураккаб

[1] A.P.Anisimov and A.J.Ryzhenkov Withdrawal af Land Plots for Public Needs in Russia//Problems and Ways of Search of Balance of Private and Public Interests.

таркибий қисмидир. Ушбу жараён ривожланиш учун тўланадиган тўловларнинг яхшисидир. Ҳамма нарса ўз нархига эга. Мулк ҳуқуқи тугашининг ҳам ўз қиймати мавжуд.

Шу маънода шуни қайд этиш керакки, бир ерни олиб, унга уй қуриб, оиласи билан қўним топгунча кетадиган вақт ва меҳнат баъзан инсонларнинг бир умрига татийди. Шундай экан, ер билан боғлиқ жараёнларда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш ҳуқуқ тизимининг энг долзарб масалаларидан биридир. Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, халқ тили билан айтганда “снос” – яқин йиллардаги энг муаммоли жараён сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасида ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади. Ушбу ҳолат юзасидан низоларни бартараф этиш, муаммоларни камайтириш ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги низом қабул қилинган. Ушбу низомга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1

августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармонига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Аммо, мазкур кўриб чиқилаётган низомнинг баъзи қоидалари амалиётга қўллаш ва амалга ошириш меҳанизми жорий этилмаган. Бунга биргина мисол тариқасида қуйидаги Адлия органлари томонидан 2016-2018 йилларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишида қонун ҳужжатларига риоя этилиши аҳволи ўрганилганда, унга кўра ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан 2016-2018 йилларда 4689 та турар ва 1456 та нотурар жойлар бузилган.

Мазкур ҳолатга риоя этилиши юзасидан қуйидаги камчиликлар аниқланган:

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган низомга кўра, ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан мол-мулки бузилишга тушган мулкдорлар бузилиш бошланишидан олти ой кечикмай ёзма хабардор қилиниши шарт бўлсада, бузилган турар жой эгалари 688 та ҳолатда (Наманган – 569 та, Андижон – 57 та, Навоий – 31 та, Бухоро – 22 та, Самарқанд-7 та) умуман хабардор қилинмаган, 985 та ҳолатда (Хоразм – 212 та, Самарқанд – 189 та, Сурхондарё – 172 та, Қорақалпоғистон – 172 та) хабардор қилиш муддатига риоя қилинмаган. Масалан, Намангган шаҳри, Уйчи кўчасидаги 358 та турар жойлар мулкдорлари ёзма равишда хабардор қилинмасдан 2016 йилнинг август ойида бузиб юборилган. Хива шаҳридаги 84 та турар жойлар мулкдорларига ёзма хабар берилгандан 5-7 кун ўтиб бузилган[1]. Мазкур ҳолатларда юқорида

[1] http://www.minjust.uz/uz/press-center/news/89889/?INVERT

таъкидланган низомнинг 4-бандида белгиланган тегишли туман ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ер участкасини олиб қўйиш, ер участкасида жойлашган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари, иншоотларини бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш тўғрисидаги тегишли қарорлари нусхаларини билдиришномага илова қилган ҳолда, бузиш бошлангунгача 6 ойдан кечикмай, имзо қўйдириб уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар мулкдорларини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш шартлиги қоидалари бузилган. Бу ҳам ўз навбатида ер участкаси эгаларининг мулкига нисбатан компенсация қилиш тартибини бузиш билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, шунга ўхшаш ҳолатлар сифатида белгиланган бошқа 100 та ҳолатда ҳам республикасизнинг турли ҳудудларида бузилган уй-жойлар, иморат ва иншоотлар учун тўланадиган компенсатсия миқдори 2 йилгача кечиктириб тўланганлиги ҳолатлари мавжуд. Мазкур ҳолатда низомнинг 18-бандида белгиланган тартиб, яъни уйни бузиш кўчмас мулкнинг бозор қиймати ўрни тўлиқ қопланганидан ва томонларнинг келишуви бўйича мулкдорга бузилаётган уй ўрнига турар жой берилганидан сўнг амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Бунда ер участкасини олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарар тўлиқ қопланади.

Албатта, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш давлат органлари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, ер участкаларини олиб қўйишда баъзи ҳолатларда мулкдорларнинг розилиги олинмаган, баъзи ҳолатларда компенсация пули тўлаб берилмаган ҳатто мулкдорларни огоҳлантирмасдан уларга

тегишли кўчмас мулкларнинг бузиб ташланганлик ҳолатлари мавжуд. Бу эса ўз навбатида, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мазкур жараёнларда иштирок этувчи бошқарув органлари фаолияти янада такомиллаштириш вазифасини қўяди.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бутун дунёда мавжуд амалиётдир. Подсовет мамлакатларида ер участкасини олиб қўйиш тартиблари деярли бир хил. Рус қонунчилиги бу борада ер участкаси ва унда жойлашган бошқа кўчмас мулкларни давлат ва жамоат (муниципиал) эҳтиёжлар учун сотиб олиш атамаси қўлланади. Бу эса пайдо бўлган жамоат эҳтиёжларини қондириш учун ваколатли давлат органи томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни тўхтатишга қаратилган ҳаракатларни ва мулкдор билан сотиб олиш нархи тўғрисида келишув тузишини англатади. Бундай келишув ҳақида ҳуқуқшунос В.А.Евсегнеев ерни хусусий мулк эгасидан мажбурий сотиб олиш оддий ер олди-сотди битими сингари амалга оширилиши мумкин ва амалга оширилиши керак деган фикрни билдирган. Олимнинг фикрича, хусусий ерни давлат мулкига мажбуран сотиб олиш тартибида ўтказиш одатий битимлар сифатида тан олиниши мумкин эмас, аммо кўплаб умумий хусусиятлар квази-битим деб ҳисоблаш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, Д.Б.Горохов фикрича, ер участкасини олиб қўйиш билан боғлиқ муносабатлар расмий равишда битимлар деб ҳисобланмайди, чунки бу жараёнда “ирода эркинлиги” мавжуд эмас, давлат (ҳокимият органлари томонидан) ер участкаларини мажбурий олиб қўйиш билан хусусий ерларни бошқаради. Бундай ҳолда, давлат мулк эгаси сифатида эмас, балки давлат ҳокимияти сифатида фаолият

юритади. Э.Горина эса бу масалага яна битим сифатида қарайди: агар ер эгасининг уни олиб қўйиш тўғрисидаги розилиги бўлса, сотиб олиш тўғрисидаги битим сотиб олиш ва сотиш тури ёки ер участкаларини алмаштириш шартномаси турига қараб тузилиши мумкин.

Россия Федерацияси қонунчилигига кўра давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор федерал ижро этувчи органлар, Россия Федерацияси субъектларининг ижро этувчи органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинади. Олиб қўйилаётган ер участкасига бериладиган компенсация миқдори эса суд томонидан кўриб чиқилади. Қозоғистон Республикаси қонунчилигида эса ер участкаларини давлат эҳтиёжлари учун (мажбурий) бегоналаштириш (иелiктен шығару) атамаси қўлланади. Бегоналаштириш алоҳида ҳолларда, агар бу эҳтиёжни бошқа йўл билан қондириш мумкин бўлмаса ва мулк эгаси ёки нодавлат ер фойдаланувчиси (мемлекеттік емес жер пайдаланушы) нинг розилиги ёки суд қарори билан ер участкаси харажатлари тўлиқ қайтариладиган тақдирда амалга оширилади. Шунингдек, Қозоғистон Ер кодексининг 84-моддасида: “...ер участкасини мажбурий бегоналаштиришга давлат эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган даражада йўл қўйилади. Ер участкасининг давлат талаблари учун мажбурий бегоналаштирилиши бегоналаштириш тартибининг ошкоралигига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Қозоғистон Республикаси ҳукумати ёки маҳаллий ижро этувчи органнинг ер участкасини мажбурий равишда бегоналаштиришни бошлаш тўғрисидаги қарори миллий ёки маҳаллий оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, ижро этувчи органларнинг веб-

сайтларида, қабул қилинган уч иш куни ичида эълон қилинади...” – деб келтириб ўтилади.

Беларус қонунчилигида мажбурий бегоналаштириш атамасига алоҳида урғу берилиб, тижорий мақсадлар ва нодавлат манфаатларни қондириш мақсадларига эришиш ёки давлат функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ва ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни кўзламаган ҳар қандай бегоналашув давлат эҳтиёжлари учун ер участкасини мажбурий бегоналаштириш деб тан олиниши мумкин эмас, бундай қарор юзасидан устун органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин, шикоят бериш олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ижросини тўхтатиб туради, дейилади.

Украина Республикаси қонунчилигида эса қуйидаги атамалар янада аниқ изоҳланиши эътиборимизни тортади:

“...давлат зарурияти-миллий манфаатлар ёки ҳудудий жамоа манфаатларидан келиб чиқадиган алоҳида зарурат бўлиб, бунинг учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасини ёки унга жойлашган бошқа кўчмас мулк обектларини мажбуран бегоналаштиришга йўл қўйилади;

жамоат эҳтиёжи – миллий манфаатлардан ёки ҳудудий ҳамжамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олинадиган кўчмас мулк обектлари жойлашган ер участкаларига бўлган эҳтиёж.” Кўриниб турганидек, украин қонунчилигида ҳам бегоналаштириш (відчуження) атамасидан фойдаланилади. Украинанинг “Хусусий мулкчиликда бўлган ер участкаларини, уларга жойлаштириладиган кўчмас мулкнинг бошқа обектларини давлат эҳтиёжлари учун ёки давлат зарурияти асосида бегоналаштириш тўғрисида”ги Қонунига биноан жисмоний ёки юридик шахсларга қарашли ер участкалари, улар жойлашган бошқа кўчмас мулк

обектларини бундай давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш ҳуқуқи ўз ваколатларига мувофиқ ва ушбу қонунда белгиланган тартибда ижро этувчи ҳокимият ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига берилган. Давлат эҳтиёжлари учун ер участкаларини, уларга жойлаштирилган, жисмоний ёки юридик шахсларга қарашли кўчмас мулкнинг бошқа обектларини сотиб олиш уларнинг қийматини қонунга мувофиқ қоплаш шарти билан амалга оширилиши мумкин.

Юртимизда ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг ҳуқуқий тартиблари ҳозирга келиб анча такомиллашиб қолди. Бугунги кунда “снос” масаласи Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролар ва тадбиркорлик субектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 3 августдаги Ф-5491-сон фармойишига мувофиқ қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тартибга солинмоқда. Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан “снос”га тушадиган ер участкаларини танлаш, мулкдорларга бериладиган компенсациянинг дастлабки миқдорини аниқлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан

амалга оширилади. Тайёрланган тақдимот материаллари давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма кузатув кенгаши (Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 26-декабрдаги 1047-сон қарори билан ташкил этилган) томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабар берилади. Кузатув кенгашининг ёзма розилиги олинганидан сўнг ҳокимлик тақдимот материалларини халқ депутатлари Кенгашига юборади. Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат халқ депутатлари кенгашининг қарори асосида, компенсация тўлиқ тўлаб берилгандан сўнг амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк обектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори адлия органларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлгандагина қабул қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари компенсация ўз вақтида ва тўлиқ, шу жумладан, инвестор томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини кафолатлайди. Юқоридаги тизим ҳуқуқий жиҳатдан анча такомиллашган бўлса-да, амалда шу тизимда ҳам сансолорликлар, коррупциявий ҳолатлар, мулкдорлар манфаатларига катта зиён етказишларга йўл қўйилмоқда. Аввало, якуний қарор тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан қабул қилинса-да, ер участкаларини олиб қўйишда асосий “дастак” ҳали-ҳануз ижроия органларида қолиб кетмоқда: ҳокимлик олиб қўйиладиган ерни белгилайди, мулкдорлар билан очиқ муҳокама ўтказади, компенсация миқдори ва дастлабки

харажатларни белгилашда иштирок этади, компенсация ўз вақтида ва тўлиқ, шу жумладан, инвестор томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига ҳам ҳокимлик кафил бўлади. Ваҳоланки, “снос” билан боғлиқ асосий низоларнинг ўзаги ҳам айнан шу ерда ётади: ё инвестор мулкдорни рози қилмаган бўлади, ё мулкдорга бузилаётган мулкини тўла қоплайдиган миқдорда етарли компенсация берилмаган бўлади. Бу каби муаммолар давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни, жоиз бўлса, “снос” масаласини узил-кесил ҳал этиш ваколатини судларга ўтказиш лозимлигини кўрсатиб бермоқда. Ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ҳал қилиниши ҳокимларнинг ўзбошимча ҳаракатларига чек қўйган бўлса-да, бундай қарорнинг суд томонидан қабул қилиниши унинг яна-да одилона ва қонуний бўлишини таъминлаб беради. Тўғри, тарафлар ўртасида низо келиб чиққанда масалага суд аралашади, аммо бу пайтда анча-мунча масала ҳал қилинган, ерни олиб қўйиш малакали мутахассислар томонидан инкор этиб бўлмайдиган қилиб асослантирилиб қўйилган бўлиши мумкин, ундай ҳолда суд ҳам мулкдор манфаатларини тўла ҳимоя қила олмаслиги мумкин. Охир-оқибатда эса хусусий мулк эгаси сарсонлигича қолиб кетаверади. Бунинг ечими ўлароқ, юқорида айтганимиздек, ерни олиб қўйиш билан боғлиқ барча ижро ҳаракатларнинг асосий қисми фақат ҳокимликлар қўлида тўпланмасдан, учала ҳокимият ўртасида кенгроқ тақсимланиши лозим. Токи ҳуқуқий механизм амалда тўлақонли қўлланмас экан, ер билан боғлиқ ҳар қандай масала ҳамиша актуаллигича қолаверади.

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси Т.Рахмонов

Ҳуқуқ магистри амалиётчи юрист Ш.Холмўминов

Ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг ҳуқуқий асосларини юридик табиати

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли Фармони 3-бандида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш учун асосларнинг чекланган рўйхати белгилаб қўйилди[1].

Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сонли Фармони[2]га кўра, ерга бўлган хусусий мулкчиликни жорий этиш юзасидан аниқ қадамлар қўйиш назарда тутилди ва янги тартиб белгиланди.

Фармонда кўрсатилганидек, 2019 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: юридик шахслар-Ўзбекистон Республикаси резидентлари уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилаётган бино ва иншоотлар, саноат

[1]Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон, 14.08.2019 й., 06/19/5780/3559-сон

[2]Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.01.2019 й., 06/19/5623/2461-сон

инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек уларга туташ ҳудудлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур миқдордаги ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга; жисмоний шахслар-Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларга якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга; кўрсатилган ер участкаларини хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади; жисмоний ва юридик шахслар-Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк (фуқаролик муомаласи объектлари) ҳисобланади ва дахлсиздир, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат томонидан муҳофаза қилинади; ер участкаларини хусусийлаштириш фақатгина кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда пуллик асосда амалга оширилади.

Эндиликда,Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги фармони[1] ҳам ер

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.08.2019 й., 06/19/5780/3559-сон

участкаларини хусусийлаштириш масаласини ижобий ҳал этишда туб бурилиш ясади.

Ушбу фармонга мувофиқ мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва мулк дахлсизлигини бузганлик учун масъул шахсларнинг жавобгарликни оширишга қаратилган чоралар белгиланди.

Бугунги кунда, хусусий мулк билан боғлиқ камчиликларни комплекс ва тезкор ҳал этиш, барча даражадаги давлат органларининг ягона услубий раҳбарлик остида ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик қилиши йўлга қўйилади. Хусусий мулкнинг ишлаши, ер участкаларини реализация қилиш, тендер савдоларини ўтказиш ҳамда давлатга тегишли бўлмаган бино ва иншоотларни бузишга оид аниқ ва лўнда ҳуқуқий нормалар яратилади. Бу эса тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кенг қатламларини бизнес билан шуғулланишга фаол жалб этишни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан мазкур фармонда Конституциянинг хусусий мулкнинг дахлсизлиги, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва янада кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга оид нормаларини сўзсиз ижро этиш ва уларга қатъий риоя қилиш бўйича мансабдор шахсларнинг, жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Ҳозирги кунда Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ҳам қатор вазифалар юкланди. Жумладан, хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказилишига, шу жумладан мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ва

(ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка, жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкка тажовуз қилиш, мулкдорга қасддан номақбул шартларни, шу жумладан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишга доир асоссиз талабларни қўйиш, шунингдек, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат ўрнатади.

Фармон талабига асосан, қонунчиликка мулкдорларнинг хусусий мулк дахлсизлиги, ўзига тегишли бўлган мол-мулкка мустақил эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, мулкдорларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонининг бозор қийматида тўлиқ қопланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Хусусан, Фармонга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилди.

Унга асосан, 2020 йил 1 мартдан кучга кирадиган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунни 2020 йил 1 февралга қадар Сирдарё вилоятида апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш белгиланди.

Олдин ҳокимларда ер участкаларини аукцион ўтказмасдан тўғридан-тўғри бериш ваколатлари мавжуд эди. Эндиликда 2019 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча ҳудудларида фақат “E-IJRO AUKSION” савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкалари бериш ҳоллари бундан мустасно, албатта).

Эндиликда, электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олинади. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, шу жумладан, таълим муассасалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бундан мустасно), соғлиқни сақлаш ва спорт, маданият, хусусан кинотеатрлар, клублар, концерт-томоша кўрсатиш муассасалари ва кинолаштириш объектлари, шунингдек, давлат ташкилотларининг бўш турган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик фаолиятига жалб қилиш ва сотиш тартиби жорий этилади.

Хусусиятли томони шундаки, эндиликда тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб этиш орқали барча давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг шаффофлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ягона етказиб берувчидан тўғридан-тўғри харид қилиш амалиёти қатъиян тақиқланади.

Бундан кўриниб турибдики, хусусий мулк дахлсизлиги, мулкка эгалик қилишнинг шаффоф тизими яратилиши ҳамда ер ажратишда ҳокимларнинг яккаҳокимликда қарор чиқариши каби

ҳолатларга чек қўйилиши халқимиз манфаатларига хизмат қилиши муқаррардир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошевнинг берган маълумотига кўра, табиатга зарар етказиш билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларига салбий баҳоланди. Унга кўра, “Тегишли жойларга чиқиб ўрганишлар шуни кўрсатдики, биргина Тошкент вилоятидаги корхоналардан ҳозирги кунда атмосферага 270 минг тоннага яқин заҳарли моддалар чиқади. Бундан ташқари, қирғоқ зоналари, сув бўйи, дарёбўйи ҳудудларидан ҳокимларимиз кўплаб ерлар ажратиб бергани аниқланди. 3 мингта субъектга муҳофаза зоналари ва қирғоқбўйи ҳудудлардан ер ажратилган. Ҳозирги кунда биз прокурорлар бунга ўз муносабатимизни билдириб, бу ерларни қайтариб олиш, сувларни, қирғоқларнинг табиий ҳолатини сақлаб қолиш бўйича иш олиб боряпмиз. Яна бир аянчли ҳолат-қирғоқ бўйи ёки сув ўзанларидан қум, тош-шағалларни олиб чиқиб кетиш ҳолатлари ҳам кескин авж олган. Бу ҳам табиатга зарар етказиш билан баробар. Бунга ҳам ўз муносабатимизни билдирганмиз”,-деган фикрлари ўта муҳим аҳамият касб этади.[1]

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ер участкаларини хусусийлаштириш ва бозор талабини ҳамда хорижий тажрибани қўллаш мақсадида 2019 йил 1 июлдан хусусийлаштиришни бошлаш учун бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши назарда тутилганлиги мазкур масалани ҳаётий ҳал этишни таъминлашга ёрдам беради. Булар: Ер кодексининг янги таҳрири; “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни; Юридик шахсларга қарашли бино ва иншоотлар жойлашган ер участкаларини

[1] https://kun.uz/news/2021/04/24/3-mingta-subyektga-muhofaza-zonalari-va-qirgoqboyi-hududlardan-yer-ajratilgan-bosh-prokuror-bu-yerlar-qaytarib-olinishini-aytdi

хусусийлаштириш ва бозор қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом; Бино ва иншоотлар жойлашган ер участкалари, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган уларга туташ ер участкаларининг чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом; Якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ва бозор қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил 3 май куни бўлиб ўтган 19-ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 26 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги[1] қонуни маъқулланиб мазкур қонун ер участкаларини хусусийлаштириш борасидаги тарихий ҳужжат бўлганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш лозимдир.

Масалан: жисмоний шахсда корхона бўлиб у муайян участкада жойлашган бўлса, у ҳолда у ушбу ерни хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлди. Ер участкалари ва уларда жойлашган объектлар бирлиги тамойили мавжуд бўлади. Эътиборли томони шундаки,кимдир юридик шахс фаолият кўрсатаётган ёки жисмоний шахс яшаётган ерни аукционга қўйиши ва сотиб олиши мумкин бўлмайди ва қонун билан таъқиқланади.

Демак, бугунги кунда ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди ва уларга кўра, ер участкаларини хусусийлаштириш имтиёзлар ва кафолатлар билан рағбатлантирилади, мерос тартибида ўтадиган хусусийлаштирилган турар жой: қандай ўзгартириш

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2019 й., 03/19/552/3541-сон

киритилди,давлат активларини харид қилиш осонлашди,ерни онлайн-аукцион орқали хусусийлаштириш таклиф қилинмоқда,хусусийлаштириш соддалаштирилди, куну тун ишлайдиган савдо, кўнгилочар ва умумий овқатланиш зоналари ташкил этилади.

Шу билан бирга, кўчмас мулк объектлари жойлашган хусусийлаштирилаётган ер участкаси ҳажми Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади. Бунда юридик ёки жисмоний шахслардан ер солиғининг бир неча баробари миқдорида бож тўланади. Мазкур масалада шуни аниқ таъкидлаш жоизки, бу ҳолатда гап аҳолидан ерни хусусийлаштириш учун қандайдир катта миқдордаги маблағларни йиғиш ҳақида кетаётгани йўқ, аксинча асосий мақсад одамлар ерга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлишлари, юридик ва жисмоний шахслар ерни оборотга қўйиш, яъни гаров сифатида фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини белгилашдан иборатдир.

Юқорида кўрсатилган, ҳуқуқий ҳужжатлар талабига кўра, хусусий ерлар фақат мулкдорнинг розилиги билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин. Агар ер хусусийлаштирилган бўлса, энди бинонинг, мулкнинг компенсациясини тўлабгина, ерни давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш имкони бўлмайди. Бунда ерни мулкдордан сотиб олиш ёки бошқа йўл билан уни рози қилиш керак бўлади. Агар рози қилинмаса, унинг ерини олиб қўйиш мумкин эмас. Демак, фуқароларда ҳокимият билан можароларда ўз мулкларини ҳимоя қилиш учун яна бир қонуний имконият мавжуд бўлди.

“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги[1] қонунининг 24-моддасига кўра

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2019 й., 03/19/552/3541-сон

ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади: ер участкаларини хусусийлаштириш учун ушбу Қонунда назарда тутилган асосларнинг мавжуд эмаслиги; хусусийлаштириладиган ер участкаларига нисбатан тугалланмаган суд муҳокамаларининг мавжудлиги; хусусийлаштириладиган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк объектларига нисбатан тақиқнинг ёки хатловнинг мавжудлиги; аҳоли пунктлари тасдиқланган бош режаларининг, шунингдек ариза берилгунига қадар қабул қилинган ҳамда ер участкаларини хусусийлаштиришга бевосита тўсқинлик қилаётган ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, инфратузилма объектларини қуриш тўғрисида ваколатли давлат органлари ҳужжатларининг мавжудлиги; аризада нотўғри, бир-бирига зид бўлган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганлиги; хусусийлаштириладиган ер участкаси учун тўловнинг ушбу Қонунда белгиланган муддатда амалга оширилмаганлиги ёки тўлиқ амалга оширилмаганлиги. Ер участкаларини хусусийлаштиришни бошқа сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

Умуман олганда, ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва ер участкаларини хусусийлаштириш масаласини фуқаролар, янги замон ва бозор талаби асосида ўз турмуш тарзида амалга оширишлари ва қабул қилишлари, бу соҳадаги қонун, фармон ва қарорларни кенгроқ ўрганишлари ва ўз фаолиятларида актив қўллашлари,энг асосийси ер участкаларини хусусийлаштирган ер эгаларига зиён (зарар) етказмасликлари ўта муҳим ва замон талабидир.

Тошкент давлат юридик университети магистри С.В.Саидов

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартибини такомиллаштириш: хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили

Сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқ инфратузмасини аҳоли учун қулай тарзда жойлаштириш, шаҳарсозлик меъёрий қоидаларини халқаро стандартларга мослаш, шаҳарларнинг бош қурилиш режаларини тасдиқлашда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимизда амалга оширилаётган шаҳарсозлик соҳасидаги ислоҳотлар шаҳарсозлик нуқтаи назардан мақбул ечимни топишга қаратилган бўлиб, ушбу жараёнда тадбиркорлар (инвесторлар), хусусий сектор вакилларининг ўрни беқиёсдир. Қолаверса, бугунги кунда судлар томонидан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан келтирилган зарарни қоплаш билан боғлиқ низоларни кўришда мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга айниқса эътибор қаратилмоқда.

Шунга қарамай сўнгги пайтларда мутасадди ташкилотларга фуқаролар ва тадбиркорлар томонидан ер ажратиш, ердан фойдаланиш, ерга бўлган бўлган ҳуқуқларнинг бекор бўлиши, хусусан ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши билан боғлиқ мазмунда кўплаб ариза ва шикоятлар келиб тушаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ва унинг оқибатида келтирилган зарарни қоплаш билан боғлиқ ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳамасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қуйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 25.05.2011 йилдаги 146-сонли Қарори ва унинг асосида тасдиқланган Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисида Низом ва Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинган[1].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасида ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра ер участкаси ёки унинг бир қисми

[1] “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 20-21-сон, 205-модда.

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олишлари шарт. Умумий қоидага кўра, бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёки уй-жой биноси ва бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш Ер кодексининг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

Бу борадаги МДҲ мамлакатлари қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси (ЕК 37-модда) ва Молдовада (ЕК 23-модда) “давлат ва жамоат эҳтиёжлари”, Россия Федерациясида “давлат ва муниципал эҳтиёжлар” (ЕК 49-модда), Қозоғистон Республикасида (ЕК 84-модда) ва Беларусь

Республикасида “давлат эҳтиёжлари” (ЕК 73-модда) ҳамда Украинада (ЕК 151-модда) “жамоат эҳтиёжлари ёки жамоатчилик зарурияти” каби тушунчалар мустаҳкамланган. Таъкидлаш лозимки, ушбу тушунчалар тизимида энг мақбули “давлат ва жамоат эҳтиёжлари” тушунчаси бўлиб, у ўз қамрови ва мазмунига кўра кенгроқ доирадаги муносабатларни қамраб олади ва амалиётга тўла мос келади[1].

Д.Б.Гороховнинг таъкидлашича, ер участкаси давлат ва жамоат манфаатлари, қонун тилида айтганда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда ёки сотиб олинганда бундай битимларда давлат ўзининг табиий ресурсларнинг мулкдори сифатидаги статусидан фойдаланмайди, билакс давлат ўзининг ҳокимият ваколатларидан фойдаланади ва бунда ҳар қандай хусусий ҳуқуқ ва манфаатлар иккинчи даражалига айланиб қолади[2].

Адабиётларда кўрсатилишича, хусусий мулк бўлган ерни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳуқуқи бу давлатнинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ бевосита давлатнинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун муҳим бўлган суверенитети билан боғлиқ[3].

Бундай олиб қўйиш биринчидан, давлатнинг халқаро мажбуриятларини бажариши, иккинчидан, давлат аҳамиятига молик объектларни жойлаштиришнинг бошқа вариантлари мавжуд бўлмаган тақдирдагина амалга оширилади. Бундан ташқари, хусусий мулк бўлган ер участкасининг давлат ва

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Сыродоев Н.А. Возникновение прав на землю // Государство и право. 2004. №10. С. 69.; Кабытов Н.П. Основания изъятия земельного участка для государственных или муниципальных нужд // Арбитражные споры. 2008. № 3.

[2] Горохов Д.Б. Правовое регулирование сделок с земельными участками: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 182.

[3] Крассов О.И. Право частной собственности на землю в США // Государство и право. – 1993. – №2. – С. 98.

жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши фақатгина қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади[1].

Л.Б.Шейнин ер участкаларини давлат ва жамоат эхтиёжлари учун олиб қўйишнинг қуйидаги шаклларини алоҳида ажратиб кўрсатади: 1. ер участкасини унинг мулкдоридан олиб қўйиш; 2. ер участкасини унинг мулкдори бўлмаган эгасидан олиб қўйиш[2].

Г.А.Ларионовнинг таъкидлашича, ер участкасини давлат ва жамоат эхтиёжлари учун олиб қўйиш ёки сотиб олиш қуйидаги иккита босқичда амалга оширилади: 1) олиб қўйилаётган ер участкасининг жойлашуви ва ўлчамларини дастлабки келишиш босқичи; 2) олиб қўйишни ҳуқуқий расмийлаштириш ва бошқа ер участкасини тақдим қилиш босқичи[3].

Амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг икки турини фарқлаш мумкин: 1) ер эгасининг розилиги билан олиб қўйиш, 2) ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйиш.

Ушбу иккинчи ҳолатда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйиш ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, кейинги бандда бундай қарордан норози бўлинган тақдирда судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган. Бунда қонун нормасининг мантиқий

---

[1] Карлова Н. В. Возникновение, изменение и прекращение прав на землю в РФ: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 146.

[2] Шейнин Л.Б. Земельное право России. – Москва: Эксмо, 2006. – С. 159.

[3] Земельное право России. – М.: Былина, 1997. – С. 121.

изчиллиги мавжуд эмас. Олдиндан келишилган ҳолда қарор чиқариладиган бўлса кейинчалик бундай қарордан норози бўлинишининг қонун нормасида ифодаланиши бизнингча мақсадга мувофиқ эмас.

Л.Б.Шейнин ер участкасини давлат ва жамоат эхтиёжлари учун олиб қўйишда тўланадиган компенсацияни тўланишига қараб икки турини фарқлайди: пул кўринишида тўлаб бериладиган компенсация; натура шаклида тўлаб бериладиган компенсация[1].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги №22-сонли Қарорига мувофиқ, ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда мазкур фуқароларга уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) (доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишларига биноан тарафлар келишувига кўра барча қулайликларга эга бўлган, аввалгисига тенг қийматли уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган саҳндаги бошқа турар-жой мулк қилиб берилади.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш қуйидаги юридик фактларнинг юридик таркибидан иборат. Биринчидан, тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади; иккинчидан, мулк ҳуқуқи вужудга келиши учун ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорнинг тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилиши; учинчидан, ер участкаси эгаси ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши.

[1] Шейнин Л.Б. Земельное право России. – Москва: Эксмо, 2006. – С. 160.

Бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида ер участкасининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш шартлари ва тартибига тўхталиб ўтсак.

Украина Ер кодексида ер участкаларини давлат ва жамоат эхтиёжлари учун олиб қўйишнинг қуйидаги асосий ҳолатлари ажратиб кўрсатилган: 146-модда – жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини сотиб олиш; 147-модда – жамоат зарурияти мотивлари бўйича ер участкасини мажбурий бегоналаштириш; 148-модда – ер участкасининг конфискациси; 149-модда – ер участкаларини олиб қўйиш тартиби; 150-модда – алоҳида муҳим қийматга эга бўлган ерлар ва уларни олиб қўйишнинг тартиби; 151-модда – ер участкасини олиб қўйиш (сотиб олиш) билан боғлиқ масалаларни келишиш тартиби[1].

Беларусь Республикаси қонунчилигида ҳам ер участкаларини олиб қўйиш белгилаб қўйилган бўлиб, бу борадаги муносабатлар Беларусь Республикасининг Ер тўғрисидаги кодекси, Беларусь Республикаси Президентининг “Ер участкаларини олиб қўйиш ва тақдим қилиш тўғрисидаги” 27.12.2007 йилдаги № 667-сонли қарори билан тартибга солинади[2].

Россия Федерациясида ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олишнинг аниқ асослари белгиланган. Шунингдек, Россия Федерацияси қонунчилиги давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйишда алоҳида тоифадаги ер участкаларини олиб қўйиш учун бир қатор чекловларни назарда тутади. Масалан, қиймати тумандаги ўртача ер қийматидан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалиги учун

[1] Земельный кодекс Украины. – Харьков: Одиссей, 2005. – С. 73-80.

[2] Кузнецов Г., Ткач Н. Новый кодекс Республики Беларусь о земле// Юстиция Беларуси. – 1999. - №2. – С. 22-25.

мўлжалланган ер участкасини олиб қўйиш фақатгина халқаро мажбуриятларни бажариш, давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш, маданий, таълим аҳамиятига эга бўлган объектларни қуриш ва сақлаш, автомобиль йўллари, электр тармоқларини ўтқазиш учун агар бошқа имконият мавжуд бўлмагандагина амалга оширилиши белгиланган[1].

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баъзи мамлакатларда нафақат давлат ташкилотлари фойдасига ер участкаси давлат ва жамоат манфаатлари учун олиб қўйилиши мумкин, балки хусусий ташкилотлар эҳтиёжлари учун ҳам агар ўз объектларини жойлаштириш учун бошқа ер участкаси мавжуд бўлмаган тақдирда ер участкаси олиб қўйилиши мумкинлиги алоҳида эътибор жалб қилади. Масалан, АҚШнинг кўпчилик штатларида “ижтимоий фойдали ташкилот” концепцияси қабул қилинган бўлиб, унга кўра бундай корхона, ташкилотлар учун ер участкаси олиб берилишида давлат буларнинг номидан ҳаракат қилади ва давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бўлгани каби ер участкасини олиб қўяди. Бундай жойлаштирилишига имтиёзлар бўлган объектлар қаторига сув ҳавзалари, электр тармоқлари ва ҳоказолар киради[2]. Бундай амалиётдан истиқболдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва ер қонунчилигини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

АҚШда ердан фойдаланиш масалаларида 1976 йилги “Федерал ер сиёсати ва менежменти” Акти[3] муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Актнинг 204-параграфи ерларнинг қайтарилиши деб номланади. Ушбу параграфда а) ваколат бериш ва чеклаш;

---

[1] Карлова Н. В. Возникновение, изменение и прекращение прав на землю в РФ: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 147.

[2] Горохов Д.Б. Правовое регулирование сделок с земельными участками: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 183.

[3] Инглиз тилида Federal Land Policy and Management Act of 1976 (FLPMA) деб номланади.

ваколатларнинг бўлиниши, б) кейинги ариза топширишга таалуқли бўлган жараён ва ариза топшириш, в) беш минг акр ва ундан ортиқ бўлган ерларни қайтаришда Конгресс тасдиғини олиш жараёни, г) беш минг акрдан кам бўлган ерларни қайтаришда қўлланиладиган жараён, д) фавқулодда қайтариш; қўлланиладиган тартиб; муддати каби пунктлар киритилган[1].

1976 йилдаги ушбу Актнинг талабларига биноан беш минг акрдан ортиқ бўлган ерлар олиб қўйилиши учун Конгресс тасдиғи керак бўлса, беш минг акрдан кам бўлган ерларни олиб қўйиш Ички ерлар Котибияти ва Қишлоқ хўжалиги Котибиятининг ваколатига киради ва Ички ерлар Департаменти ёки агентлиги бошлиғининг илтимосига биноан амалга оширилади.

Ерларни фавқулодда олиб қўйиш эса, Ички ерлар Котибияти ва Қишлоқ хўжалиги Котибияти фавқулодда вазият мавжуд деб топса ёки Ички ишлар Қўмитаси ёки Вакиллар Палатаси ёки Сенатдан бири Котибиятни шундай ҳолат мавжудлиги ҳақида хабардор қилсагина амалга оширилади. Бунда ерлар олиб қўйилмаган тақдирда қайта тикланмайдиган қимматликлар йўқотилиш хавфи мавжуд бўлганда юқоридаги кўрсатилган в) пунктининг умумий ва г) пунктининг қоидаларига амал қилган ҳолда ерларни олиб қўйиш амалга оширилади.

Шунингдек, 1976 йилдаги ушбу Актнинг ерларни фавқулодда олиб қўйиш қоидаларида яна шуни таъкидлаш керакки, фавқулодда вазиятлар қоида тариқасида уч йилдан ошмаслиги ва бу муддат узайтирилмаслиги мустаҳкамланган[2].

Хулоса қилиб айтганда, ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш тартибининг

[1] Selected environmental law statutes. 1990-91 educational education. – St. Paul, Minnesota: West Publishing Co., 1990. – P. 862-865.

[2] Selected environmental law statutes. 1990-91 educational education. – St. Paul, Minnesota: West Publishing Co., 1990. – P. 862-865.

такомиллаштирилиши мамлакат ер фонди ва унинг алоҳида участкаларидан тўғри, оқилона ва самарали фойдаланишга, қолаверса мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Термиз давлат университети
мустақил тадқиқотчиси
О.Ж.Холмўминова

Ер участкасини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик масалаларини ёшлар ўртасида тарғиб қилишнинг аҳамияти

Бугунги кунда ўқувчи-ёшлар томонидан дарс жараёнида маҳаллий давлат органлари томонидан ер участкаларини давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартибига риоя этилмаслиги оқибатида мулк дахлсизлигига путур етказилаётган ҳолатлар бўйича бир қатор саволлар билан мурожаат қилиш ҳолатлари мавжуд бўлмоқда. Демак биз бу масалада ўқувчи-ёшларга кенгроқ тушунтириш ишларини замон талаби асосида олиб боришимиз, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар, Президентимизнинг фармон, қарор ва ғояларининг мазмун моҳиятини кенгроқ тушунтиришимиз лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ерга бўлган ҳуқуқлар кафолати кучайтирилиб, мулкий ҳуқуқларни бекор қилиш фақат суд тартибида ҳал этилишини қатъий белгилаш зарур”[1],- деб

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши // http://xs.uz/uzkr/post.

таъкидлаган кўрсатмалари мазкур соҳани замонавий ҳуқуқий асосидир.

Жумладан, ўқувчи-ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 53-моддасидаги “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”[1],-деб кўрсатилганлигини батафсил тушунтириб бериш керак бўлади.

Ушбу масалани ўқувчи-ёшларга тушунтиришда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги[2] қонунда бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг суд орқали тикланиши ва ҳимоя қилиниши кафолатланганини, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида урғу берилганини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур қонуннинг 6-моддасига кўра “Давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулкдорга етказилган зарар уни етказган шахс томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тўла ҳажмда қопланиши керак”лигини билиб олишлари лозим.

Айниқса бу соҳада ўқувчи-ёшларга, Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 26 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган “Қишлоқ хўжалигига

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,Тошкент “Ўзбекистон”,2020

[2] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда

мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги[1] қонун қабул қилинганлигини таъкидлаб, унда хусусийлаштирилган ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун национализация қилиш мумкин бўлган ҳолатлар чеклаб қўйилганлигини эътироф этишимиз ўринли бўлиб, ушбу Қонуннинг мақсади қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиш ижобий натижа беради.

Бундан ташқари, 2020 йил декабрь ойида “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг янги тартибдаги мазмун моҳиятини ҳам батафсил етказиш лозим. Унга кўра, ўқувчи-ёшларга ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилганлигини кўрсатиб ўтиш ўринли.

Бунда ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилишга фақат олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк мулкдорлари билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, фойда ва харажатлар баҳоланганидан, шунингдек, тегишинча, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма билан мажбурий равишда келишилганидан кейин йўл қўйилишини кўрсатиб ўтиш керак.

Таъкидлаш ўринлики, бу ҳақда фикр юритганда ўқувчи-ёшлар Президентимизнинг 2019 йил 3 августда “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2019 й., 03/19/552/3541-сон

сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш улар учун фойдалидир. Ушбу ҳужжатда, жумладан, ер участкалари ноқонуний олиб қўйилгани ва шу муносабат билан мулкдорларга зарар етказилгани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш уларни бу соҳадаги ҳуқуқий билимини мустаҳкамлайди.

Шунга мувофиқ, парламент маъқуллаган “Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилинганлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим.

Ўқувчи-ёшлар, ушбу янги қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини билиб олишлари лозим бўлади. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 200-2-модда билан тўлдирилиб, унда ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлигини билиб олишлари ижобий натижа беради.

Ваҳоланки, ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарлик олиб қўйилаётган ер участкасидаги бинолар, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек, унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопламаган ҳолда бузиб ташлашга, уларга кўп бўлмаган миқдорда зарар етказилишига олиб келса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан 200 бараваригача миқдорда

жарима солинишини ўқувчи-ёшлар билиб олишлари лозим бўлади.

Бу эса, амалдаги маъмурий жазо миқдоридан бир неча бараварга оғирроқдир. Жиноят кодекси ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи тўртта қисмдан иборат янги 229-5-модда билан тўлдирилганлигини тушунтириш ҳам ўта муҳимдир. Эътиборли томони шундаки, эндиликда агар айбдор ер участкасини ноқонуний олиб қўйганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг ушбу ҳаракатни яна такрор содир этса, у мулкдорга зарар етказмаган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши муқаррар эканлигини ўқувчи-ёшлар билиб олишлари зарур.

Шунингдек, ушбу модданинг кейинги қисмларида эса, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар кўрсатилганлигини ҳам ўқувчи-ёшлар билишлари лозим.

Масалан, ўқувчи-ёшлар ушбу моддани иккинчи қисмга мувофиқ ер участкасининг ноқонуний олиб қўйилиши олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек, унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, қатор муқобил жазолар ёки ҳатто муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишини кўз олдиларига келтиришлари керак.

Ўқувчи-ёшлар бундай қилмишни содир этганлик учун етказилган зарар анча миқдорда бўлиб, яъни БҲМнинг 100-300 бараваригача бўлган суммани ташкил этса, у ҳолда айбдор маъмурий жазога тортилган ёки тортилмаганидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилишини билиб олишлари керак бўлади.

Ўқувчи-ёшлар мазкур модданинг учинчи қисмида шундай ҳаракатлар туфайли кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, айбдор муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиши билан боғлиқ жазолар назарда тутилган. Яъни бу ҳолда уч йилдан беш йилгача, тўртинчи қисмга кўра, кўпчилик учун хавфли бўлган усулда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилишини билишлари лозим. Эътиборли томони шундаки, ўқувчи-ёшлар Жиноят-процессуал кодексига киритилган қўшимчага мувофиқ, ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш билан боғлиқ жиноят бўйича дастлабки тергов прокуратура органлари томонидан олиб борилишини ҳам билиб олишлари зарур.

Ўқувчи-ёшлар юқорида таҳлил этилган, янги қонун ер участкасини ноқонуний олиб қўйганлик ҳамда бунинг оқибатида мулкдорга зарар етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш орқали фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишлигини тасаввур қилишлари ўринлидир.

Таъкидлаш ўринлики, шу сабабли ўқувчи-ёшлар қонун ер участкаларини қонунга зид равишда олиб қўйишда айбдор шахсларнинг жавобгарлик доирасини аниқ белгилаш, бундай қилмишлар учун жавобгарликнинг муқарраплиги принципини

амалда таъминлашга қаратилганлигини билишлари лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи-ёшларга ер участкасини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик мавжудлигини тушунтириш жараёнида ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг шартлари қонунчилигимизда аниқ белгиланганлигини алоҳида кўрсатиш ва келажакда ўқувчи-ёшлар томонидан ушбу шартларга оғишмай риоя этиш ҳамда мазкур талабларни ҳаёт фаолиятларида ўз вақтида бажаришлари лозимлигини билиб олишлари лозим бўлади.

Термиз давлат университети
Юридик факультети ўқитувчиси
И.Раҳматуллоев

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш оқибатида етказилган маънавий зарар: муаммо ва ечимлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида[1] ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган.

Ер умуммиллий бойлик бўлиб, халқ ҳаёти ва фаровонлигининг асоси ҳисобланади ҳамда давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ер муносабатлари Ўзбекистон

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2020

Республикасининг Ер кодекси[1] ва ерга оид бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ерга бўлган мулк ҳуқуқи Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, туман (шаҳар)лар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ердан самарали фойдаланиш ва мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қанча норматив-ҳуқуқий хужжатлар имзоладилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” 13.08.2019 йилдаги қонуни (01.03.2020 йилдан кучга киради), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 09.10.2017 йилги ПФ-5199-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 26.04.2018 йилдаги ПҚ–3680-сонли қарори ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган асосий норматив-ҳуқуқий хужжат бу Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси[2] ҳисобланади. Унда ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси

[1] Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5-6 сон, 82-модда.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5-6 сон, 82-модда.

мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш масалалари белгилаб берилган.

Ер кодексининг 86-моддасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ўрнини қоплаш масалалари ёритилган. Ер билан боғлиқ муносабатлар субъектлари ҳуқуқлари бузилганда уларга нафақат моддий зарар балки маънавий зиён ҳам етказилиши мумкин. Асосан қуйидаги ҳолатларда ер билан боғлиқ муносабатларда фуқароларга маънавий зиён етказилиши мумкин:

- ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қонунга хилоф чиқарилган қарорни ғайриқонуний деб топишда ва у билан боғлиқ етказилган зарар ўрнини қоплашда;

- ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш натижасида етказилган зарар ўрнини қоплашда;

- ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ бузилишларини бартараф этиш;

- ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ва ҳ.к.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан бой берилган фойда) қуйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланиши керак:

- ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;

- сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари, курорт табиий ҳудудлар зоналари, давлат биосфера резерватлари зоналари, давлат қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар, давлат табиат ёдгорликлари, моддий маданий мерос объектлари, сув ташламалари, йўллар, трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линиялари атрофида муҳофаза зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;

- сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

Ерлар олиб қўйилганда, қайта сотиб олинганда ёки вақтинча эгаллаб турилганда ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларига, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 28.04.2000 йилдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорига асосан фуқароларнинг мулкий ҳуқуқлари (уй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқалар) бузилиши оқибатида уларга маънавий зиён етказилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ер билан боғлиқ муносабатларда фуқароларга маънавий зиён етказилиши ҳолати асосан уларга тегишли бўлган ер

участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши натижасида юз беради. Бунга мисол тариқасида 2019 йилнинг июль-август ойларида Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида фуқароларнинг ер участкалари ноқонуний олиб қўйилиб, уларга лозим даражада компенсация берилмагани ҳолатини айтишимиз мумкин. Бу борада Юртбошимиз ҳам ўз фикрларини билдириб, ушбу вилоят ҳокимларини олиб борган иши қонунга хилофлигини билдирганлар. Ушбу ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқароларга тегишли бўлган ер участкалари қонунга хилоф олиб қўйилиши натижасида фуқаролар бузилган уйларда яшаганлари, қайғургани, изтироб чеккани, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаётгани каби маънавий азобларни ўз бошларидан кечирганлари оммавий ахборот воситаларида кўрсатиб берилди. Ҳозирги кунга келиб ушбу фуқароларга етказилган моддий зарарлар қопланди, лекин уларниг изтироб чекишлари билан боғлиқ маънавий (руҳий) азоблари ҳам қопланиши керак эди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1021-моддасида[1] маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Кодекснинг 990-моддаси талабига кўра давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим. Давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки

[1] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова-сон, 1-модда. 1995 й. 106-м.

юридик шахсга етказилган зарар суднинг қарори асосида қопланиши лозим.

Фуқароларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг бузилиши оқибатида етказилган маънавий зиён, айбдор (давлат органлари ёки фуқаролар) томонидан қопланиши лозим. Бундай ҳолатда ҳуқуқи бузилган фуқаро ўзига етказилган маънавий зиённи қоплашни сўраб судга мурожаат қилиши лозим бўлади. Аризачи судга мурожаат қилган аризасига етказилган маънавий зиённи асословчи хужжатларни илова қилиши лозим бўлади.

Маънавий зиённинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий эзарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойининг дахлсизлиги, катта қимматлкка эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характери ва уларнинг қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмат, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозим. Маънавий зиённи қоплаш миқдорини етказилган мулкий ва бошқа моддий зарарни ундириш даъво талабининг қопланиш ҳажмига қараб белгилаб

бўлмайди. Фикримизча,зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилигининг оқилоналик талаблари инобатга олиниши лозим.

Суднинг фуқароларга етказилган маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида белгиланган сумма айбдор томонидан тўлаб берилиши лозим. Агар айбдор давлат органи бўладиган бўлса, маънавий зиён давлат бюджетидан ундириб берилади. Ушбу сумма Фуқаролик кодекси 15-моддасига асосан регресс тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларидан ундириб олиниши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ер муносабатлари субъектлари ҳуқуқлари бузилиши, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш оқибатида етказилган маънавий зарарни суд томонидан белгилаган миқдорда қопланиши амалиётда кам учрайдиган ҳолат бўлиб, уни замон талаби асосида қўллаш бу соҳадаги муаммоларни тўғри ҳал қилинишига ёрдам беради.

Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси У.Х.Каримов

Қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ажратиш (реализация қилиш) ва фойдаланишда прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар унумдор ерларга тааллуқли бўлиб, умуммиллий бойлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, олдиндан ер билан боғлиқ мунсабатлар инсон ҳаётидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлим келмоқда.

Чунки, у кишиларнинг яшаш макони, иқтисодий базаси ва воситаси ҳамда экологик тизимларда турувчи табиатнинг ажралмас бир бўлагидир. Шу сабабли, инсон яшаши, ризқ топиши, турмушини фаровон қилиши учун ундан унумли фойдаланмоғи лозим. Бу унинг ўзи учун ҳам, халқ ва давлат учун ҳам катта манфаат келтиради.

Сир эмаски, мамлакатимизнинг тараққиёти ва келажаги, халқимизнинг ризқу - рўзи, тўкис ва фаровон ҳаёти бебаҳо бойлик – ердан оқилона фойдаланишга чамбарчас боғлиқдир.

Зеро, юртимиз аҳолисининг 17 млн. нафари ёки қарийб ярми қишлоқ жойларда истиқомат қилади, ер уларнинг асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши республикамиз ялпи ички маҳсулотида 30 фоиздан ортиқни ташкил этиб, мамлакат иқтисодий ўсишини таъминламоқда.

Мамлакатимизда сув ресурсларининг чекланганлиги ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида ерларни ўзлаштириш имконининг камлиги, лекин аҳоли сони ва кишиларнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг жадал суръатларда ўсиб бориши ҳар бир қарич ердан ўта самарадорлик билан фойдаланишни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, экин майдонлари самарадорлигини оширишда замонавий технологияларни кенг қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 170 минг гектардан ортиқ майдонда сувни тежовчи технологиялар жорий этилди, натижада ҳолати ёмонлашган 303 минг гектар ернинг унумдорлиги оширилди. Паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини

қисқартириш, улар ўрнида юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Ўтган уч йилда ҳосилдорлиги паст бўлган 293 минг гектар ана шундай майдонларнинг 257 минг гектарида даромадбоп турли экинлар етиштирилиб, 35 минг гектарида интенсив боғ ва янги токзорлар барпо этилди.

Яроқсиз майдонларни тиклаш борасида кўрилган чоралар натижасида ўтган йилда 48 минг гектар ер майдонлари қайта муомилага киритилди.

Сўнгги уч йилда бу соҳани ислоҳ қилишга оид 30 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ердан самарали фойдаланиш ҳақида гапирар эканмиз, албатта, ерга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ер тушунчаси ва уни реализация қилиниши, шунингдек фойдаланилишдаги ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтиш зарур.

Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги учун ер участкаларини ажратиш ва фойдаланишга оид муносабатлар қуйидаги, яъни:

– Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси;

– “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун;

– “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун;

– Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2003 йилдаги 476-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом;

– Адлия вазирлигидан 19.11.2005 йилда 1523-сон билан рўйхатдан ўтган буйруқ билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини

юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом;

– Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 146-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зараралар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомлар ва шу каби бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Аввалombор ер фонди 8 та тоифага, яъни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, ўрмон, сув фонди ерлари ва захира ерларига бўлинади.

Ер давлат мулки - умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялар Ер кодексининг 34-моддасига асосан тузилади.

Ер кодексининг 23 ва 53-моддаларига кўра, фермер хўжаликларига, захирадаги, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага очиқ танлов асосида берилиши мумкин.

Хусусан, фермер хўжаликларига ер майдонлари юқоридаги Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2003 йилдаги 476-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги ва Адлия вазирлигидан 19.11.2005 йилда 1523-сон билан рўйхатдан ўтган буйруқ билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомлар асосида амалга оширилади.

Бироқ, эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилиши ёдда тутишимиз зарур.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятлари Ер кодексининг 48-моддасида белгиланган бўлиб, унда фойдаланувчилар ва ижарачилар қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари, ерларни муҳофаза қилиш

юзасидан, шу жумладан суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўришлари ва бошқа шартларни амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 36-моддасида ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинадиган ҳолатлар қайд этилган бўлиб, 24-моддага кўра, ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири бу, суғориладиган экин ерларини ноқонуний равишда муомиладан чиқарилишини олдини олишдир. Хусусан, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун, шунингдек унумдор тупроқ талаб этилмайдиган илғор технологияларнинг (гидропоника ва бошқалар) янги усуллари қўлланиладиган иссиқхоналар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ ерларни ажратиш ҳоллари мустасно.

Ер кодексининг 45-моддасига мувофиқ кадастр баҳоланишига кўра, ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради ва бундай ерлар корхоналар, бинолар ва иншоотлар

қурилиши учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан берилади.

Бундан ташқари, Ер кодексининг 87-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 146-сонли қарори билан тасдиқланган Низомда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари, шунингдек, ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш ер участкаси бериладиган (ажратиладиган) ёки фаолияти ер участкасига ҳуқуқлар чекланишига ва ернинг сифати ёмонлашишига ёхуд ўзбошимчалик билан ернинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига олиб келадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши қайд этилган.

Кўриб турганингиздек, ер ажратиш ва фойдаланиш талаблари юқорида қайд этилган Қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қамраб олинган.

Бугунги замонавий кундалик ҳаётимизда, ерларни ажратиш, шу жумладан фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги ерларини танлов орқали ҳам ажратишда инсон омилининг мавжудлиги аксарият ҳолатларда сифатсиз ва шошмашошарлик билан белгиланган талаб, қоидаларга риоя этилмаслиги ёки аксинча таниш-билишчиликка ва коррупция ҳолатларига йўл қўйилишини келтириб чиқараётганлигини кузатиш мумкин.

Ачинарлиси, фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари танлов орқали ажратилаётган бир вақтда, корхона ва ташкилотларга бундай ерлар тўғридан-тўғри, танловсиз ажратилаётганлиги рақобат муҳити йўқлигидан далолат беради.

Ёки, ерлардан фойдаланиш маданияти тўлиқ ривожланмасдан қолаётганлиги ерлардан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланилишига олиб келмоқда.

Бундай салбий ҳолатлар албатта ҳудудда қонун устуворлигини таъминлашда ўз салбий таъсирини кўрсатиб, айрим ҳудудларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳаққоний эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ер майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлашда прокурор назорати муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5742 – сонли Фармонида ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Фармон ижросини таъминлаш, ерлардан хўжасизларча ва ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида прокуратура органлари ўтказилган назорат тадбирлари давомида бир қатор салбий ҳолатлар аниқланиб, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган зарур чоралар кўрилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида 120 минг гектар ер майдонларини ноқонуний ажратилганлиги, 11 минг гектар ер майдонвлари ноқонуний эгаллаб олинганлиги, 4 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларида ноқонуний бино-иншоотлар қурилганлиги аниқланди.

Ўзбошимчалик билан эгалланган 10 минг гектар ер майдонлари захирага қайтарилиб, экин майдонларида ноқонуний қурилган 32 мингдан ортиқ объектлар буздирилиши таъминланди.

Ҳокимликларининг 106 минг гектар ер майдонларини ажратиш борасидаги қонунга зид қарорлари бекор қилинди.

Қонун бузилишига йўл қўйган 5 749 нафар мансабдорларнинг интизомий ва маъмурий жавобгарлиги ҳал этилиб, ерларни

талон – торож қилиш билан боғлиқ 359 та жиноят иши қўзғатилди.

Таъкидлаб ўтилган маълумотлар, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар ижросини таъминлашда прокуратура органлари томонидан қатъий назорат ўрнатилганлигини ёрқин намоён этади.

Мазкур соҳада прокурор назоратини ташкил этиш, шу жумладан текширишлар ўтказишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади. Хусусан;

Вилоят ва туман ҳокимликларида (шу жумладан, ер участкаларини ажратиш (реализация қилиш) туман комиссияларида);

– Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари таркиби тўғри шакллантирилганлигига;

– Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш бўйича танлов ўтказиш қоидаларига риоя этилганлигига;

– суғориладиган ерларни бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бино-иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўймаганлигига;

– суғориладиган ерлар ҳисобидан боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш учун ер Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида ажратилганлигига;

– суғориладиган ерларни ажратиш ёки муомаладан чиқаришда уларнинг тоифаларини қонун талабига зид равишда ўзгартирилганлигига;

– ўрмон фонди ерларини юридик ва жисмоний шахсларга беришда давлат ўрмон хўжалиги органлари билан келишилганлигига;

– туман ҳокимлиги захирасидаги ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши, бунда ерларни захирада қолиб кетишини олдини олиш, уларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда ажратиш бўйича танловлар эълон қилинганлигига аълоҳида эътибор қаратиш;

Кадастр агентлиги ҳудудий бошқарма ва бўлимларидан ерларни контурлар бўйича йўқламаси билан бошқа мақсадлар учун ажратилаётган ёки муомаладан чиқарилаётган суғориладиган ва бошқа қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ унумдорлиги (балл бонитети)ни солиштириш;

– ўзбошимчалик билан эгалланган ерларни қайтариш ва ноқонуний қурилмаларни буздириш борасида даъво аризалари судларга доимий равишда киритилганлигини;

Вилоят ҳокимликлари ва Қишлоқ хўжалиги бошқармаларида:

қишлоқ хўжалиги ерлари, шу жумладан алоҳида қимматга эга бўлган суғориладиган ерларни бошқа мақсадлар учун ажратиш ёки муомиладан чиқаришда қишлоқ ва ўрмон нобудгарчилиги ўрни ҳисобланиб, ундирилганидан сўнг фойдаланишга киришилганлигини;

Солиқ идораларида: ер ижарачилари ва фойдаланувчилари томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши, ҳусусан белгиланган солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб борилишини;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги ва Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳудудий бошқарма ва бўлимларида: қишлоқ хўжалиги ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши, белгиланган экинларни экилиши, ўзбошимчалик билан бино - иншоотлар қурилишини

олдини олиш борасида доимий мониторинглар олиб борилаётганлигини;

– ердан фойдаланишда қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан кўрилган чоралар қонунийлигини ўрганиб бориш зарур.

Мавзу доирасида қуйидагилар, яъни келгусида ерларни ажратиш (реализация қилиш)га оид қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, мақбуллаштириш орқали соддалаштириш;

– ер ажратиш (реализация қилиш) тизими, шу жумладан фермер хўжаликларига ер ажратишда ўтказиладиган танловни электронлаштириш орқали инсон омилини камайтириб, бу соҳадаги шаффофлик ва очиқликни таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун корхона ва ташкилотларга танлов орқали ер ажратиш;

– ерлардан ноқонуний фойдаланиш ёки ўзбошимчалик билан эгаллаш, шу жумладан ноқонуний қурилмалар қурилганида ерларни муомаладан чиққанда нафақат нобудгарчилик ўрнини қоплаш ёки ер учун солиқ ставкаларини юқори қийматини ундириш тизимини жорий қилиш масалаларини кўриб чиқиш зарур.

Хулоса қилиб таъкидлаганда, қишлоқ хўжалиги ер участкалари ажратилиши ва фойдаланишида самарали прокурор назоратини ўрнатиш, бунда ўз вақтида таъсир чоралари қўллаш муҳим омил ҳисобланади.

Шунингдек, қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга қатъий чоралар кўриб, ўзбошимчалик билан эгалланган ерларни қайтариш ҳамда келгусида йирик ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган экин майдонларида барпо

этилган ноқонуний қурилмаларни мунтазам бартараф этиб бориш чораларини кўриб бориш зарур.

Бош прокуратура Академияси Электрон таълим бўлими бошлиғи Д.И.Нодиров

Аграр соҳада қонунчилик ижроси устидан назоратни такомиллаштиришга оид хориж тажрибаси

Аннотация: мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик устидан назорат қилишнинг илғор хориж тажрибаси ҳамда мазкур жараёнда иштирок этадиган органлар жумладан прокурорларнинг роли таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: аграр соҳадаги қонунчилик, прокурор назорати, қонунчилик ижроси устидан назорат, назорат қилувчи орган.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш ва назорат фаолияти бўйича турли хорижий мамлакатлар тизимларидан модел сифатида фойдаланиш қишлоқ хўжалигини иқтисодий таназзулларга мослашувчанлиги, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини экологик тоза маҳсулотга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Мазкур бўлимда бир қатор хорижий ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигини бошқариш ва қонунчилик тизимини назорат қилиш тадқиқ этилди.

Прокуратуранинг хорижий давлатлардаги фаолиятлари шу давлатларнинг қонунлари бўйича давлатнинг сўнгги тадқиқотлари замонавий дунёда прокуратура идорасини,

ваколатларини ва вазифаларини аниқлайдиган ягона тизим мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Хорижий давлатларнинг конституциялари прокурорларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида деярли ҳеч нарса айтмайди ёки жуда кам гапиради. Бу шуни англатадики, бу мамлакатларда прокуратурага алоҳида тизим сифатида эмас, балки суд ёки ижроия ҳокимиятининг бир қисми сифатида қаралади[1].

Аввалambор, прокурор назорати деганда, М.Ҳ.Рустамбоев таъбири билан айтганда, “давлат номидан махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажаралишини таъминлашга қаратилган фаолият тушунилиши лозим”[2].

О.Мадалиев таъкидлаганидек, “Аввалambор, дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, прокуратура органининг дастлабки ташкил қилинишини ўзи айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузилган эди”[3].

Прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ, бир хилда тушуниб, бир хилда татбиқ этиш устидан назоратни англатса, суд назорати келишмовчиликни бартараф қилишга адолат ва ҳақиқатни қарор топишига хизмат

[1] Князева Е.Г. Прокурорский надзор в зарубежных странах.// Законность. 2015. №6- http://prokurorskiy-nadzor.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. А.А.Азизхўжаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.447.

[3] Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурор иштироки. Монография / доцент К.П.Иркаходжаевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б.22.

қилади[1]. Бу фикрни Х.С.Таджиев ва И.Я.Фойницкий[2] ўз асарларида асослашга ҳаракат қилганлар.

Мамлакатимиз конституциясида[3] прокуратура мақоми билан иккита принципиал қоидалар мустаҳкамланган. Биринчиси – прокуратура органларининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилиш. Иккинчиси – бу функция Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Маълумки, ҳамма ҳуқуқий тизимларда прокуратура фуқаро ҳуқуқини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мастаҳкамлаш, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш инструменти сифатидан тан олинган.

Хорижий мамлакатларнинг кўпчилигида прокуратура алоҳида орган сифатида ажратилмаган бўлсада, фаолиятида ўхшашликлар мавжуд. Португалия прокуратурасида ҳокимиятлар алоҳида бўлиб, Ўзбекистон прокуратурасининг мақсади ва вазифаларини бажаради, ҳаттоки устунлик жиҳатлари ҳам бор. Португалия Конституциясининг 4-боби прокуратурага бағишланган бўлиб, унда прокуратура давлатнинг ваколатини, жиноий таъқибини, давлат номидан демократик қонунийликни ҳимоя қилинишини таъминлайди. Португалия ва Испаниядан ташқари бошқа барча давлатларда прокуратура умумий назоратни амалга оширмайди.

---

[1] Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.50-51.

[2] Таджиев Х.С. Прокурорский надзор и ведомственный контроль. –Т.: Изд. “Фан”, 1985. -134 б.; Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства Т. 2. -СПб, 1996. –Б. 393-394.

[3] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992 йилда қабул қилинган XIV-боб // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - http://lex.uz.

Барча ғарб мамлакатларида прокуратура прокуратура органи сифатида фаолият юритсада, улар учун прокуратура ва қонунчилик фаолияти “инсон ва фуқаролик ҳуқуқларини таъминлаш” дан иборат. Франция ва Италияда прокуратура суд таркибида. Англия ва Уэльсда 1985 йилдаги қонунга прокурорларнинг асосий функцияси полиция томонидан текшириладиган ишлар бўйича барча даражадаги судларда айбловларни қўллаб-қувватлаш. Германия ва Япониядаги прокуратура фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, бу мамлакатларда прокуратура ҳуқуқ ва қонун устуворлигини, хусусан, инсон ва фуқароларнинг жиноят жараёнида ҳимоя қилиш имкониятларидан фойдаланиш учун хизмат қилади[1].

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш вазифаси хорижий давлат прокуратураларининг бирортасида алоҳида вазифа қилиб юклатилмаган бўлиб, фақатгина МДҲ давлатларида Россия, Қозоғистон, Беларусь Республикаларида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш фаолиятида ерга оид қонунчилиги ижроси устидан назорат вазифаси юклатилган.

А.Ф.Смирнов[2] Россия Федерациясида прокуратура органларида ишни ташкил этиш прокуратура органларининг функционал фаолияти мақсадларига эришиш учун назорат қилувчи органлар, идоралар ва мансабдор шахсларнинг ўзаро ҳамкорлигини мақбуллаштириш учун шарт-шароитларни яратишдир деб таъкидлаган.

Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2007 йил 7 декабрдаги “Қонунлар ижроси, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва

[1] Чурилов В., Винокуров А. Охрана прав и свобод гражданина: обеспечение международных обязательств Российской Федерации // Законность. 2007. № 6. - http://cyberleninka.ru.

[2] Симирнова А.Ф. Основы организации и управления в органах прокуратуры Российкой Федерации: учебник/ ИПК РК Генеральной прокуратуры РФ, 2005.С.33

эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги 195-сонли буйруғининг[1] 8-бандида иқтисодиёт соҳасида мулк, ер, тадбиркорлик фаолияти, бюджет, солиқ, банк, божхона, монополияга қарши қонунчиликнинг ижро этилиши юзасидан қатъий прокурор назорати ўрнатилиши белгиланган.

Буйруқга асосан ер қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ўз навбатида, қонун билан белгиланган прокуратура фаолиятининг мақсадлари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қонун билан ҳимояланган жамият ва давлатнинг манфаатларини таьминлашдан иборат.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича[2], Россияда ер ўзгаришларини амалга ошириш прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишлари қаторида ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилишини назорат қилди ҳамда прокуратура замонавий органларининг назорат фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланган ер қонунчилигининг ижроси устидан прокуратура назорати кучайтиришни талаб қилади, бу эса:

- Россия Федерациясида ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитнинг асосий компоненти сифатида ерларни муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида мамлакатнинг

[1] Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2007 йил 7 декабрдаги “Қонунлар ижроси, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида” ги 195-сонли буйруғи // Законность. 2008. № 6. - http://cyberleninka.ru.

[2] Исламова Э. Р., Коряченцова С. И., Лавров В.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства // Санк-Петербург. 2017. 36-40б.

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг аграр секторини янада ривожлантириш мақсадида Россия Федерацияси ер фондини бошқариш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишга;

- Россия Федерациясининг барқарор иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, ер участкаларини (уларнинг қисмларини) кўчмас мулк сифатида самарали ишлатиш, уларни фуқаролик айланмасига жалб қилишни кучайтиришга;

- оммавий уй-жой қурилишини ривожлантириш учун ер участкаларини таъминлашда тўсиқларни бартараф этиш орқали давлатнинг ижтимоий сиёсати масалаларини ҳал қилишга;

- қонунчиликнинг қониқарсиз ҳолати, ер муносабатлари соҳасидаги коррупциянинг юқори даражаси ва шу асосда Россия Федерациясининг кўплаб субъектларида ер сифатининг ёмонлашуви тенденциясини олдини олишга хизмат қилади.

Ер қонунчилиги бўйича Россия Федерацияси прокуратура органларининг предмети[1]- Россия Федерацияси Конституциясининг ерларнинг муҳофазаси ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қоидаларига риоя қилиш, Россия Федерацияси ҳудудида мавжуд бўлган қонунларни ижро этиш федерал ижро этувчи органлар, Россия Федерацияси субьектларининг қонунчилик (вакиллик) ва ижро этувчи органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳарбий бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тижорат ва нотижорат ташкилотларнинг раҳбарлари ва раҳбарларининг ерларни муҳофаза қилиш ва улардан

[1] Исламова Э. Р., Коряченцова С. И., Лавров В.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства // Санк-Петербург. 2017. 36-40б.

фойдаланиш масалалари бўйича чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларига мувофиқлиги.

Россия Федерациясида ер қонунчилигининг ижро этилиши устидан прокурор назорати объектлари - маҳаллий ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ер қонунчилиги бўйича қабул қилинган коммунал-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга мослиги.

Россия Федерациясида ер қонунчилигининг ижро этилиши устидан прокуратура назоратининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар хулоса қилинган:

1) давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан назорат қилинадиган ер ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларига риоя этилишини назорат қилиш, шу жумладан, коррупцион омилларни аниқлаш;

2) ижро этувчи органлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув функцияларини амалга оширишда, ер участкаларини бошқариш ва тасарруф этишда қонунларга риоя этилиши;

3) Россия Федерацияси Конституциясига риоя этилишини назорат қилиш ва ер ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунларни ижро этиш, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг бошқарув органлари ва раҳбарлари, шунингдек, улар томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилишда иборат[1].

Россия Федерациясида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижросини тартибга солиш, мувофиқлаштириш,

[1] Исламова Э. Р., Коряченцова С. И., Лавров В.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства // Санк-Петербург. 2017. 36-40б.

давлат хизматлари, мониторинг ва назоратни таъминлайдиган федерал ижроия ҳокимияти органлари тизимини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи Ўрмон хўжалиги федерал агентлиги, Балиқчилик федерал агентлиги, Ветеринария ва фитосанитария назорати бўйича федерал хизмати ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ўзини юритувчи машиналар ва бошқа техникалар техник ҳолатини назорат қилиш бўйича Бош давлат инспекцияси амалга оширади[1]. Прокуратура ушбу назорат қилувчи органлар устидан назоратни амалга оширади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги федерал ижроия органи ҳисобланиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида, жумладан, чорвачилик, ветеринария, ўсимликларни етиштириш, ўсимлик карантини, мелиорация, тупроқ унумдорлиги, қишлоқ хўжалиги ерларини истеъмол қилиш, қишлоқ хўжалиги хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини тартибга солиш, давлат сиёсати ва тартибга солиш функциялари вазифаларини бажаради.

Ўрмон хўжалиги бўйича федерал агентлик - давлат хизматларини тақдим этиш, ўрмон хўжалиги соҳасида давлат мулкини ва ҳуқуқни муҳофаза қилишни бошқариш функцияларини амалга оширувчи федерал ижроия органи ҳисобланади[2].

Балиқчилик федерал агентлиги давлат хизматларини кўрсатиш, балиқчилик соҳасидаги давлат мулки бошқарувини бошқариш, сувдан фойдаланиш, биологик ресурсларни оқилона фойдаланиш, асраш, қайта тиклаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми аниқланмагунга қадар Россия Федерацияси ички денгиз сувлари, шунингдек, Каспий ва Азов

[1] “Система органов государственного контроля в сельском хозяйстве” - www.government.ru .
[2] “Система органов государственного контроля в сельском хозяйстве” - www.government.ru .

денгизлари бундан мустасно, сув хўжалиги биологик ресурслари ва уларнинг яшаш жойларида ички сувларини бошқариш ва фойдаланишни назорат қилиш вазифаларини бажаради.

Ветеринария ва фитосанитария назорати федерал хизмати, ветеринария тиббиёти, карантин ва ўсимликларни муҳофаза қилишни мониторинг ва назорат қилиш вазифалари юклатилган федерал ижроия органидир. Унинг вазифаларига агрокимёвий препаратлар, тупроқ унумдорлигини таъминлаш, селекция ютуқини таъминлаш, овчилик обьектлари билан боғлиқ ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, такрор кўпайтириш, улардан фойдаланиш, сув биологик ресурслари аҳолиси ва ҳайвонларга хос бўлган касалликлардан аҳолини ҳимоя қилиш юклатилган бўлиб, хизмат ўз фаолиятини бевосита ва ҳудудий органлари орқали амалга оширади ва чорвачилик, элита уруғчилиги соҳасида фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаштиради, дон ва унинг маҳсулотларини сақлаш бўйича фаолиятни, амалга оширади[1].

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ўзини юритувчи машиналар ва бошқа техникалар техник ҳолатини назорат қилиш бўйича Бош давлат инспекцияси инсон ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида тракторлар, ўзлари ҳаракатланадиган йўл-қурилиш ва бошқа транспорт воситаларининг техник жиҳатлари, машинасозлик ва асбоб-ускуналар билан ишлаш қоидаларига риоя қилиш бўйича қишлоқ хўжалиги қоидаларига риоя қилиш, назорат қилинадиган техника ва ускуналарни техник эксплуатация қилиш соҳасидаги ишлар ва хизматларни сертификатлаштиришни ташкил этиш ва ўтказишни белгиланган тартибда амалга оширади.

[1] “Система органов государственного контроля в сельском хозяйстве” - www.government.ru .

Россия иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларига бўлган умумий эҳтиёж 80 км^3, шундан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи 62,5 км^{3}ни ташкил этади.

Россияда табиий сув объектларидан олинадиган ва иқтисодиёт тармоқларида ишлатиладиган жами сув ресурсларининг 25% қишлоқ хўжалиги соҳаси учун истъемол қилинади.

Россияда сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш Сув ресурслари Федерал агентлиги ҳамда Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш Федерал агентлиги хизмати томонидан амалга оширилади. Бунда:

1. Сув ресурслари агентлиги – сув ресурсларини бошқариш, сувнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш, сув объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, ўз тизимидаги гидротехника иншоотларини эксплуатация қилиш, сув ресурслари ҳолатини прогноз қилиш;

2. Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш Федерал хизмати – табиий ресурслар, жумладан сув ресурсларидан фойдаланиш назоратини олиб бориш вазифаларини бажаради.

Сув хўжалигини бошқариш ва фойдаланиш 14 та ҳавза сув ресурслари бошқармалари, 67 та сув ресурсларини бошқариш давлат корхоналари, муниципал сув хўжалиги корхоналари томонидан амалга оширилади[1].

Беларусь Республикаси ҳудудда умумий назорат йўналишини Бош прокуратураси қонун ҳужжатлари ижроси ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилиш бошқармаси амалга ошириб, бошқарма таркибида учта бўлим, иқтисодиёт соҳасида қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш

[1] “Система органов государственного контроля в сельском хозяйстве” - www.government.ru .

бўлими; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини назорат қилиш бўлими ва табиатни муҳофаза қилиш ва ер қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш бўлими фаолият кўрсатади[1].

Табиатни муҳофаза қилиш ва ер қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш бўлими Республикаси қишлоқ хўжалигида қонунчилик ижроси устидан умумий назоратни амалга оширади.

Бошқарув икки йўналишда ишлайди:

1. Қуйи прокурорларнинг умумий назорат бўйича ишларни бошқариш;

2. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятида қонун ҳужжатлари ижроси устидан умумий назоратни бевосита амалга ошириш.

Худди шундай, Қозоғистон Республикасида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижросини назорат қилиш вазифаси алоҳида прокуратура органларига юклатилмасдан, прокуратура Конституциянинг дахлсизлиги, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши кафолати вазифаларини таъминлаш бўйича давлат раҳбарининг ҳуқуқий воситасидир[2].

Қозоғистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини Республика Конституцияси ва қонунларига қатъий мувофиқ амалга ошириб, прокуратура давлат бошлиғининг барча ҳокимият идоралари фаолияти устидан назоратини ҳуқуқий усуллар билан таьминлайди. Унинг вазифалари, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, тергов, маъмурий ва ижро этувчи ишларнинг қонунийлиги

---

[1] “Организация работы по надзору за соблюдением законодательства в Ген. Прокуратуре Республики Беларусь и подчиненных ей прокуратурах” -http://www.prokuratura.gov.by/

[2] Ваисов М. “Государство Права человека Прокуратура Право в Казахстане. Журнал: Правовая реформа в Казахстане. Алматы. 2012.- https://articlekz.com

устидан юқори назоратни, қонунчиликнинг ҳар қандай қоидабузарликларини аниқлаш ва бартараф этиш, давлат манфаатларини судда тақдим этиш, қонунда белгиланган тартибда ва чегаралар доирасида жиноий таъқиб қилишни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси илғор бўлган ривожланган хорижий мамлакатларда соҳада қонунийликни таъминлаш ва назорат қилиш 3-босқичга бўлиниб амалга оширилади, соҳада қонунчиликни тартибга солишга **ваколатли орган**, **аккредитация органи** ва **назорат – сертификатлаш органи**, бунда ваколатли орган соҳа бўйича олий ваколатли бошқарув органи бўлиб, соҳа бўйича қонунларни ишлаб чиқиб, амалга тадбиқ этади, аккредитация органи, корхоналарни қўллаб қувватлайди, назорат-сертификатлаш органи уларнинг фаолиятини мониторинг қилиб доимий назорат қилади ва йўналишлари бўйича лицензиялар беради[1].

АҚШ Бош прокурори - АҚШ Адлия вазирлиги раҳбари бўлиб, Қўшма Штатлар ҳудудида қонунийликни ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини назорат қилади[2].

АҚШда қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликни назорат қилишда ваколатли орган - Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, аккредитация органи- Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш хизмати, назорат қилувчи - сертификатлаш органлари - 100 та аккредитатцияланган сертификатлаш органлари (булар 56 таси АҚШда ички рухсат, 44 таси ташқи) рухсатномалар беради. АҚШда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги - федерал ижроия органи бўлиб, унинг функциялари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат

[1] Григорук В.В., Климов Е.В. Развитие органического сельского хозяйства в мире и Казахстане. Анкара-2016.

[2]Генеральный прокурор США- https://ru.wikipedia.org/.

сиёсатини амалга оширишни ўз ичига олади, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқотлар молиялаштирилади.

Ҳар бир штатда қишлоқ хўжалиги департаментлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосий вазифалари бозор иштирокчилари молиявий ҳолатини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида назорат қилиш, стандартларни белгилашдир. Департаментнинг фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ўзаро боғлиқ эмас, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги шартномалари асосида амалга оширилади[1].

АҚШ иқтисодиётида сув ресурсларига бўлган йиллик эҳтиёж 450 км^{3}ни, шундан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи 47 % (210 км^3), бошқа соҳалар эҳтиёжи (транспорт, энергетика, саноат) 33 % ташкил этади. АҚШда давлат бошқаруви 3 босқичда – федерал, штат ва маҳаллий хокимият органлари даражасида амалга оширилади. Сув объектлари давлат миқиёсда 5 та субъектлар (Атроф муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги, Мелиорация бюроси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ҳарбий муҳандислар корпуси ва Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳизмати) томонидан бошқарилади. Бунда:

1. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги – (U.S. Environment Protection Agency-EPA) – сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишга рухсат бериш;

2. Мелиорация бюроси – сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув омборларини эксплуатация қилиш, сув тақчил штатларни сув билан таъминлаш;

[1] Григорук В.В., Климов Е.В. Развитие органического сельского хозяйства в мире и Казахстане. Анкара-2016.

3. Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш хизмати – қайта тикланувчи энергия манбалари (сув, шамол, океан тўлқинларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинадиган энергия)дан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ишланмаларни жорий этиш;

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – фермер ва бошқа сув истеъмолчиларига сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича техник ва молиявий кўмак кўрсатиш, жумладан, фермер хўжалигига тегишли ирригация тармоқларида сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш, сув тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича кредит ҳамда грантлар ажратиш;

5. Ҳарбий муҳандислик корпуси – йирик тўғонларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш; селга қарши гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуришни амалга оширади[1].

Сув хўжалигини бошқариш ва фойдаланиш бўйича қуйи тизим қуйидагича амалга оширилади:

1) штатлар даражасида сув ресурсларини бошқариш ҳавза комиссиялари томонидан ҳудудий ирригация департаментларининг умумлаштирилган буюртманомаларига асосан сув ресурсларини тақсимлаш орқали амалга оширилади.

2) қуйи тизимда ҳудудий ирригация департаментлари томонидан фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчиларига сув ресурсларини етказиб бериш ҳамда ирригация тармоқларини тозалаш орқали амалга оширилади.

Сув ресурсларини етказиб бериш тўлов асосида амалга оширилиб, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари тури, ҳудуднинг жойлашиш шароитига қараб 1 $м^3$ сув учун тўлов 0.15-0.45 АҚШ долларини ташкил этади.

[1] “Система органов государственного контроля в сельском хозяйстве” - www.government.ru .

Германияда ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликни таъминлашда 23 та сертификатлаш ва назорат органлари учун масьул бўлган 16 федерал давлат ваколатли органи мавжуд бўлиб, сертификатлаш ва назорат органлари қишлоқ хўжалиги соҳасида Европа Иттифоқи қонунчилигига риоя қилинишини доимий мониторинг ва назорат қилиб боради. Германиянинг аккредитация органи- Германия Аккредитация идораси ва Давлат аккредитация ташкилоти Ганновер, назорат қилувчи сертификатлаш органлари- 23 та сертификатлаш ва назорат органидир. Ҳукумат, сиёсий ва жамоат ташкилотлари Европа Иттифоқининг ягона аграр сиёсати доирасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Давлат органлари аграр тузилмани ўзгартириш, қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини тартибга солиш масалаларини ҳал қилишади[1].

Худди шундай, Франция, Польша давлатларида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижросини таъминлаш, доимий мониторинг ва назорат қилиб бориш, назорат ва сертификатлаш органларига юклатилган бўлиб, ўзи лицензия берган йўналиш бўйича корхоналарнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни амалга ошириб боради[2].

Франция Европада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ҳисобланади. Францияда қишлоқ хўжалигини бошқариш ва қонунчиликни назорат қилиш Франция Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва қишлоқ хўжалиги палатасининг департаментлари, шунингдек, бир қатор аралаш нодавлат ва

[1] Григорук В.В., Климов Е.В. Развитие органического сельского хозяйства в мире и Казахстане. Анкара-2016.

[2] Аграрное право и законодательство США, Германии, Франции, Великобритании, Израиля, Польши, России- https://banauka.ru/714.html

профессионал ташкилотлар ҳам амалга оширишади. Шу тариқа, қишлоқ хўжалиги ва маҳсулотлар бозорини бошқариш бўйича ягона бошқарув тизими мавжуд бўлиб, нафақат қишлоқ хўжалигини балки, озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридаги муаммоларни ҳам қамраб олади. Махсус органлар маслаҳат, ахборот хизматлари ва мувофиқлаштириш вазифаларини бажарадилар. Франция Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари: озиқ-овқат комплекси ва ўрмон хўжалиги соҳасида молиявий, маъмурий ва техник чораларни мувофиқлаштириш; қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, таъриф сиёсати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорига таъсир кўрсатиш масалаларини ўрганиш, маҳсулот экспортини рағбатлантириш; озиқ-овқат, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ҳайвонларнинг фаровонлиги, озиқ-овқат иқтисодиёти соҳасидаги халқаро ҳамкорлик сифатини назорат қилиш функцияларини бажаради[1].

Франция иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларига бўлган умумий эҳтиёж 37,7 км^3, шундан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи 8 км^{3}ни ташкил этади. Францияда сув хўжалигини бошқариш Миллий сув хўжалиги қўмитаси томонидан амалга оширилади. Сув хўжалигини бошқариш ва фойдаланиш 6 та давлат ҳавза бирлашмалари ҳамда 2000 дан ортиқ хусусий операторлар томонидан амалга оширилади. Бунда, биринчи босқичда ҳавза бирлашмалари хусусий операторлар буюртмалари асосида сув ресурсларини тақсимлайдилар, ирригация тармоқларини эксплуатация қиладилар ва бошқарадилар. Ҳавза бирлашмалари бошқарув органи аъзолари таркибига маҳаллий хокимият органлари (40 %), сув истеъмолчилари ва сувдан

[1] Григорук В.В., Климов Е.В. Развитие органического сельского хозяйства в мире и Казахстане. Анкара-2016.

фойдаланувчилар (40 %) ва жамоатчилик вакиллари (20 %) кирадилар, иккинчи босқичда хусусий операторлар қуйи тизимдаги қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчиларга сув етказиб берилади. Францияда 1 м^3 сув учун охирги истеъмолчи томонидан тўланадиган тўлов миқдори 0.12-0.22 АҚШ долларини ташкил этади[1].

Қишлоқ хўжалиги юқори даражади ривожланган кучли ўнлик давлатларнинг аксариятида мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги олий ваколатли бошқарувчи ва назорат қилувчи орган ҳисобланади.

Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Хитой Халқ Республикаси ҳукуматида давлатнинг ижро этувчи органи бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик, истеъмолчилик, чорвачилик, боғдорчилик, озиқ-овқатлар, ов ва овчилик соҳасида энг юқори идораси бўлиб, ваколатли йўналишнинг бошқарувчи ва йўналишларнинг ривожлантириш учун тадқиқотлар ҳам олиб боради[2].

Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ҳиндистон ҳукуматининг бўлими бўлиб, Ҳиндистонда қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича қонунлар ва қонунларни ишлаб чиқиш ва бошқариш учун энг олий мақомдир. Вазирликнинг учта кенг доираси қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ҳамкорлик қилиш ҳисобланади[3].

Япония Қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчиликни назорат қилиш учун масъулдир. Вазирликнинг асосий вазифаси озиқ-овқат учун сифат стандартларини белгилаш, товарлар бозорини назорат қилиш ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш, ерларнинг

[1] “Система органов государственного контроля в сельском хозяйстве” - www.government.ru .
[2] Министерство сельского хозяйства КНР - https://ru.wikipedia.org/.
[3] Министерство сельского хозяйства Индии - https://ru.wikipedia.org/.

мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва такомиллаштириш лойиҳаларини амалга оширишдир. Вазирликнинг роли - Вазирликнинг озиқ-овқат, озиқ-овқат сотиш ва озиқ-овқатни сотиш учун сифат стандартларини ўрнатиш, шунингдек, мелиорация ва кўкаламзорлаштириш лойиҳалари асосий функциясидир[1].

Аргентина қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва балиқчилик вазирлиги - қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмон хўжалиги учун ишлаб чиқариш, маркетинг ва соғлиқни сақлаш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда назорат қилиш учун масъул бўлган давлат органи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва балиқчилик вазирликлари мамлакатда 34 та филиал тармоғига эга. Қишлоқ хўжалиги вазирлигида, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва балиқчилик котибияти, институционал алоқалар бўйича котибият, техник мувофиқлаштириш ва бошқариш бўйича котибият, ички аудит департаменти шунингдек, • ИНАСЕ (Миллий уруғчилик институти), ИНИДЕП (Миллий балиқчилик, тадқиқот ва ривожланиш институти), ИНТА (қишлоқ хўжалиги технологиялари миллий институти), ИНВ (боғдорчилик миллий институти), СЕНАСА (Миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифат хизмати) институтлари ҳам вазирлик таркибига киритилган[2].

Хулоса қилиб айтганда, Франция, Германия, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр секторда давлат тизими билан бирга иқтисодий вертикал касаба уюшмалари, уюшмалар, кенгашлар, кооперативлар ва бошқа ташкилотлар шаклида фаолият юритади. Фермердан ҳукуматга қадар бошқарув ва назорат

[1] Министерство сельского хозяйства Япония - https://ru.wikipedia.org/.
[2] Министерство сельского хозяйства Аргентина - https://ru.wikipedia.org/.

қилиш иерархияси ўн йиллар давомида шаклланган. Бу тижорат тузилмаларининг иқтисодий ўзини ўзи бошқариши шаклидир.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга оширувчи орган бўлиб, у сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва тугатиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Аммо, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан уюшмалар фаолиятини назорат қилиш қонун билан чеклаб қўйилганлиги сабабли, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига сув хизматини кўрсатиш қониқарсизлигича қолмоқда.

Шу боис, Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида махсус тузилма ташкил этиш, вазирлик тасарруфида бўлмаган барча хўжаликлараро сув хўжалиги объектларини ушбу тузилма тасарруфига ўтказиш, сув истеъмолчилари уюшмаларини ташкил этиш мақсадларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифаларини қайтадан белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

II-БОБ. Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш масалалари

Бош прокуратура Академияси профессори, ю.ф.д. Б.Х.Пўлатов

Бош прокуратураси Академияси катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи З.С.Турсунов

Адолатли тергов ва суд муҳокамасига бўлган халқаро ҳуқуқий кафолатлар, уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси

Аннотация: Мақолада суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» ва “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси»ларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси, уларни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы имплементированность прав на судебную защиту предесмотренных «В всеобщей Деклорации прав человека», «Международном Пакте о гражданских и политических правах» и «Европейской Конвенции о защите прав и свобод человека» в национальном законодательстве и их совершенствование.

Abstract: The article focuses on the implementation of the rights to judicial protection provided for in the Universal Declaration of Human Rights, the International Covenant on Civil and Political Rights and the European Convention for the Protection of Human Rights and Freedoms in national legislation and their improvement.

Калит сўзлар: Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқлар, умум-эътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий қонунчиликдаги ифода, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари

Ключевые слова: Права на судебную защиту, общепризнанные международные правовые документи, отражение их в национальном законодетельстве, вопросы совершенствования законодательства

Key words: right to judicial protection, universally recognized international legal documents, their reflection in national legislation, issues of improving legislagtion

Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, «Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч бир нарса қолмайди». Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши керак[1].

Республикамиздаги ҳуқуқий адабиётларда суд муҳокамасини юритишни эркинлаштириш асоси деб қандай ҳолатларни ҳисоблаш кераклиги хусусида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Шу боисдан суд муҳокамасини юритишнинг либерал(эркин) асоси деганда суд муҳокамасида инсоннинг суд ҳимоясига ва адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Ҳалқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь, 19(7521)-сон.

назарда тутувчи халқаро - ҳуқуқий кафолатларни оғишмай амалга оширишни тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 10-моддасида баён этилган бўлиб, унга мувофиқ «Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбловнинг асослантирилганлигини аниқлаш учун, тўла тенглик асосида унинг иши ошкора ва барча адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга»[2]. Бу ҳуқуқ 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»нинг 14-моддаси 1-бандида[3], ва «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси»нинг 6-моддасида[4] янада кенгроқ ўз ифодасини топган.

Қайд қилинган ҳужжатларда, «Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар ким ўзига қўйилган жиноий айбловнинг кўрилишида ёки бирор бир фуқаролик процессида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда қонун асосида ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва ошкора муҳокама этилиши ҳуқуқига эга. Матбуот ва омма демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёхуд буни тарафларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этса ёки – суд лозим топган даражада қатъий зарур бўлса – ошкоралик одил судлов манфаатларини бузадиган алоҳида ҳолатларда суд муҳокамасининг барчасига ёки бир қисмига қўйилмаслиги

[2] Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью Составиль Ю.С. Пулатов. Т., 1995, С. 12

[3] Шу ерда, 12 б.

[4] Права человека и судопроизводство. Собрание международных документов. Варшава, 1994,С. 235 – 255.

мумкин; бироқ ҳар қандай жиноят ёки фуқаролик иши юзасидан суд қарори ошкора бўлиши лозим» деб қайд қилинган.

Шундай қилиб, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ ўз ичига қуйидаги элементларни олади: а) бирор бир фуқаролик ҳуқуқи бузилганда ёки фуқаро жиноят содир этишда айбланганда одил судлов бўлишининг таъминланиши; б) судьялар мустақиллиги таъминланган ҳолда ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига асосланган ривожланган суд тизимининг мавжудлиги. Ишнинг қонун асосида ташкил этилган судда кўрилишига бўлган ҳуқуқ деганда иш қайси судга тегишли бўлса, ўша судда кўрилишига бўлган ҳуқуқ тушунилади. Баъзан бундай ҳуқуқ «ўз судьясига бўлган ҳуқуқ» деб ҳам аталади. Қонунда белгиланмаган судларни ташкил этиш тақиқланади; в) адолат талабларига жавоб берадиган суд процедурасининг қарор топиши.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига мувофиқ инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиб, кафолатлаб қўйган. Бу Конституциянинг 19-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, унда «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», деб ёзиб қўйилган.

Конституциянинг 106-моддасида эса «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади» дейилади. Бошқача қилиб айтганда одил судлов фақат суд томонидан

амалга оширилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ, «судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас. Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

Шуни эътиборга олиш лозимки, юқорида қайд қилинган Пактнинг 14-моддаси 1-қисми ва Декларациянинг 6-моддаси одил судловнинг ҳар қандай турига (фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий, конституциявий) тааллуқлидир. Уларга мувофиқ одил судлов қуйидаги талаблар асосида амалга оширилиши керак: а) инсоннинг қонун ва суд олдида тўла тенглиги асосида; б) ошкора руҳда, қонунда белгиланган ҳолатлар мустасно этилган ҳолда; в) холисона; г) белгиланган процессуал тартиб-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда.

Одил судловнинг адолатлилик шартлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар

фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт» (18-моддаси); «Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади» (113-модда). «Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади» (115-модда).

Юқорида таъкидланганидек, жиноят ишлари бўйича одил судлов соҳаси ўз таъсир кучи билан инсон ҳуқуқларига юқори даражада хавф туғдириши ва унинг учун оғир оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимол тутилади. Шу боис, халқаро меъёрлар одил судловнинг бу тури учун бир қатор қўшимча кафолатларни назарда тутади.

Гап, аввало айбсизлик презумпцияси ҳақида бормоқда. У айтиб ўтилган Декларациянинг 2-моддасида, Пактнинг 14-моддаси 2-қисми ва Конвенциянинг 6-моддаси 2-қисмида мустаҳкамлаб қўйилган[5]. Пакт ва Конвенция айбсизлик презумпциясининг мазмун-моҳиятини бир хил таърифлаган: жиноят содир этишда айбланувчи ҳар бир инсон айби қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам айбсизлик презумпцияси мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унинг таърифи қуйидагича тарзда берилган: «Жиноят содир

[5] Права человека и судопроизводство. Собрание Международных документов. Варшава, 1994. С. 5 – 10, 235 – 255.

этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас» (26-модда). Таърифлардаги фарқлар шундан иборатки, умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ айбсизлик презумпцияси фақат суд ҳукми билан эътироф этилиши шарт эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасида белгиланган асосларга кўра жиноий жазо ва жавобгарликдан озод қилиш институти мавжуд. Унга кўра шахснинг айбдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатишга рухсат берилади. Бироқ айбланувчи бунга қарши эътироз билдирмаган тақдирдагина шундай қарор чақиришга йўл қўйилади. Акс ҳолда иш судга оширилиши шарт, суд эса барча процессуал кафолатларга риоя қилган ҳолда ҳукмда фуқаронинг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги масалани ҳал этади. Келажакда, Жиноят процессуал кодекснинг шу маддасида қуйидаги нормаларнинг, яъни иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқига эга бўлган шахсни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш рад қилинган, руҳий ҳолати бузилиши билан боғлиқ бўлмаган ақлий ривожланишда ортда қолганлиги оқибатида содир этган ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини тўлиқ англай олмаган ва ўзини бошқара олмаган, Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, жазолаш учун ушлаб берган давлат розилик бермаган ҳолларда, ушбу айбловлар бўйича иш юритиш

тугатилиши лозимлиги каби нормаларнинг ўрин олиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу тариқа халқаро меъёрлар ва уларнинг ўзлаштирилиши нуқтаи назаридан ёндошганда, ишни судда кўрмасдан туриб айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиб - қоидалари айбсизлик презумпциясига зид эмас. Айбланувчида айбсизлик презумпциясидан келиб чиқувчи ўз айбсизлигини исботлаш мажбуриятининг йўқлиги ва бартараф этилмаган шубҳа-гумонларнинг айбланувчи фойдасига талқин этилиши каби юридик оқибатлар халқаро меъёрларда ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (26-моддаси) ҳам бир хилда таърифланган.

Халқаро меъёрларда айбсизлик презумпциясидан ташқари жиноят ишлари бўйича одил судловнинг минимал кафолатлари ҳам назарда тутилган. Унда минимал кафолатларга амал қилиш – бу ҳали судловнинг тўлалигича адолатли бўлишидан далолат эмаслиги таъкидланади. Булар бор-йўғи минимал кафолатлар бўлиб, улар ҳеч бир шароитда миллий қонунчилик ва суд амалиёти томонидан рад этилмаслиги лозим.

Минимал кафолатлар Пактнинг 14-моддаси 3-қисмида ва Конвенциянинг 6-моддаси 3-қисмида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда жиноят содир этганликда айланувчи ҳар бир шахс энг камида қуйидаги ҳуқуқларга эгалиги: а) унга қўйилган айбнинг мазмуни ва асослари хақида, у тушунадиган тилда шошилинч тартибда ва батафсил хабардор бўлиш; б) ўзини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўриш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш ва ўзи танлаган ҳимоячи билан бирга бўлиш; в) асосланмаган сансоларликларсиз судланиш; г) судда шахсан иштирок этиш ва ўзини шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи ёрдамида ҳимоя қилиш. Агар айбланувчи ўзига ҳимоячи танламаган бўлса, у бундай

ҳуқуқга эга эканлигини билиши шарт. Агар ҳимоячига тўлаш учун унда маблағ бўлмаса, одил судлов манфаатлари талаб этган ҳар бир ҳолатда давлат маблағи ҳисобига ҳимоячи билан таъминланиши шарт; д) унга қарши кўрсатма берган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ушбу гувоҳларнинг сўроқ қилиниши ҳуқуқига, шунингдек унга қарши кўрсатма берган гувоҳлар учун белгиланган шартларда унинг гувоҳларини сўроқ қилишга бўлган ҳуқуқга эга бўлиш; е) судда фойдаланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзлай олмаса, таржимон ёрдамидан бепул фойдаланиш; ж) ўзига қарши кўрсатма беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур этилмаслик, қайд қилинган.

Одил судловнинг минимал кафолатлари таҳлили, уларнинг айримларини истисно этганда, қолган барчаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКсида назарда тутилганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга санаб ўтилган минимал кафолатлар ичидан айримлари жиноят - процессуал кодексида инобатга олиниб, суд амалиётида қўлланиши мумкин. Бу, масалан, айбланувчининг асосланмаган сансоларликларсиз судланиш ёки Европа Конвенциясида айтилганидек, «оқилона муддатда» судланиш ҳуқуқига тааллуқлидир. Аввало, айбланувчининг бундай ҳуқуқини қонунда қайд этиш лозим бўлади. Шу билан бир қаторда, республикамизнинг амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларини судда кўришнинг энг кам муддати икки ой ва энг кўп муддати олти ой қилиб белгиланган. Айбланувчи ҳибсда сақланаётган бўлса, ишни якуний ҳал қилиш муддати янада қисқа бўлиши лозим. Шунингдек, қамоқда сақлашнинг максимал муддати қисқартирилиб 7-ойгача қилиб белгиланди.

Жиноят ишлари бўйича одил судловга қўйиладиган минимал талаблардан ташқари, халқаро меъёрлар яна: а) янада қаттиқроқ жазо қонунининг орқага қайтиш кучини тақиқлашни (Бу қоида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида мустаҳкамланган); б) қонунга хилоф равишда суд қилиш ва ноқонуний қамоққа олиш орқали фуқарога етказилган зарарни ундиришни (Бундай ҳуқуқ ва уни амалга ошириш тартиби ЖПКнинг 301-313-моддаларида назарда тутилган бўлиб, бу моддалар амалда ишламоқда ва қўлланилмоқда); в) жиноят қурбонига кўмаклашишнинг зарурлигини (Бундай кўмак бериш биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 27 августдаги қарорида мустаҳкамланган эди. Унда ҳар бир инсон бузилган ҳуқуқининг тикланишини ва ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ундирилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги таъкидланади); г) ишнинг юқори турувчи суд инстанциясида қайта кўритилиши ҳуқуқини; д) бузилган ҳуқуқларни самарали тиклашга бўлган ҳуқуқни; е) битта жиноят учун такроран судланиш ёки жазоланишни ман этишни назарда тутади.

Жиноят қурбонига кўмаклашишнинг зарурлиги хусусида гапирадиган бўлсак, айтиш керакки, БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари Декларацияси қабул қилинди. Декларацияда, хусусан, жиноят қурбонларига одил судловга изн беришни ва адолатли муомалани таъминлаш зарурлиги таъкидланади. Миллий қонунчиликка мувофиқ, фуқаролар ўзларига етказилган зарар учун тезда товон олиш ҳуқуқига эга. Декларациянинг 6-бандида суд процедуралари қурбонлар эҳтиёжларига кўпроқ даражада жавоб бериш учун уларга

қуйидаги йўллар билан кўмаклашиш мақсадга мувофиқлиги ёзиб қўйилган:

а) суд муҳокамасидаги мавқеи ва эга бўлган ҳуқуқларига, айниқса оғир жиноят содир этилган ҳолларда кўрилган ишларнинг муддатлари ва натижаларига доир ахборотларни қурбонларга тақдим этиш;

б) шахсий манфаатларига тааллуқли бўлган ҳолларда, айбловга зиён етказмасдан ва тегишли миллий одил судлов тизимига биноан суд муҳокамасининг тегишли босқичларида жиноят қурбонларига ўз фикр ва истакларини баён этиш ва кўриб чиқиш имкониятини таъминлаш;

в) бутун суд муҳокамаси давомида жиноят қурбонларига тегишлича ёрдам кўрсатиш;

г) жиноят қурбонларига ноқулайлик туғдирадиган ҳолатларни имкон қадар камайтириш, зарур бўлганда уларнинг шахсий ҳаётини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, гувоҳлар ва уларнинг оилалари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни дўқ-пўписа ва ўч олишдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

д) ишларни кўришда асоссиз кечиктиришларга барҳам бериш ва қурбонларга товон тўлаш ҳақидаги қарорларни бажариш.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКсини таҳлил қилсак, жабрланувчига берилган ҳуқуқлар жиноят қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация талабларига мос келишига амин бўламиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасига мувофиқ «Жабрланувчи: кўрсатма бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш (ҳимоячи);

терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иши бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир».

Моддий зарар жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 275, 285, 286, 290, 291, 293 –моддаларида белгиланган тартибда ундириб берилади.

Жиноят қурбонларига нисбатан адолатли одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги Декларациянинг 7-моддаси эътиборга лойиқдир. Бу моддада зарур ва имкон бўлганда жабрланувчи билан айбланувчининг ярашишига кўмаклашиш ҳамда жиноят қурбонига етказилган зарарнинг ундирилишини таъминлашни тавсия қилинади. Эҳтимол, бу тавсия Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКсида жабрланувчининг айбланувчи билан ярашиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг янгича шаклини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилгандир. Унда жабрланувчига етказилган зарарни бартараф этиш жавобгарликдан озод қилиш шартларидан бири сифатида кўрсатилган (ЖКнинг 66-1-моддаси).

Айбланувчининг юқорида кўриб чиқилган, процессуал ҳуқуқларидан ташқари, халқаро нормалар яна қуйидаги ҳуқуқларни ҳам назарда тутади: а) ҳар бир маҳкумнинг ўз ишининг юқори турувчи суд инстанциясида қайта кўрилишига бўлган ҳуқуқи; б) ҳар бир инсоннинг бузилган ҳуқуқларини самарали тиклашга бўлган ҳуқуқи; в) битта жиноят учун такроран суд қилишни тақиқлаш.

Бундан ташқари, Пактнинг 14-моддаси 4-бандида шундай дейилади «Вояга етмаганларга нисбатан суд процесси уларнинг ёшини ва қайта тарбияланишига кўмаклашиш истаги ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилмоғи керак». БМТ Бош Ассамблеяси бу ғояни ривожлантириб, Пекин қоидалари сифатида танилган, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг минимал стандарт қоидаларини қабул қилган.

Пекин қоидалари қуйидагиларни тавсия этади: а) агар гап оғир жиноятлар ҳақида кетмаётган бўлса, жиноят ишларини тугатиш учун кенг имкониятлар бериш; б) тарбиявий йўсиндаги чора-тадбирларни кенг қўллаш; в) вояга етмаганлар ишини тергов қилиш ва сўдда кўриш билан шуғулланувчи шахсларни махсус тайёрлаш; г) суд муҳокамаси ўзаро бир-бирини тушуниш муҳитида амалга оширилмоғи керак, бу эса унда вояга етмаганнинг иштирок этишига ҳамда ўз нуқтаи назарини эркин баён этишига имкон беради; д) вояга етмаганларни қамоққа олиш фақат фавқулодда ҳолатларда қўлланиши мумкин; е) вояга етмаганлар иши катталар ишидан алоҳида кўрилиши керак; ж) номига доғ тушишининг олдини олиш учун вояга етмаганларнинг қилмишини сир тутиш ҳуқуқи барча босқичларда ҳурмат қилиниши керак; з) агар куч ишлатиш йўли билан оғир жиноят

содир қилмаган бўлса, вояга етмаганга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашдан тийилиш[1].

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 87-моддасида вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш имкониятлари назарда тутилган. Республикамиз ЖПКсининг 60-бобида Пекин қоидаларига мос келадиган, вояга етмаганлар ишларини юритишга доир бир қатор махсус қоидалар белгилаб берилган. Жиноят процессуал қонунда мавжуд бўлган қоидага биноан вояга етмаганларнинг жинояти тўғрисидаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкин (ЖПКнинг19-моддаси), лекин чиқарилган ҳукм ҳар доим ҳам ошкор эълон қилиниши лозим.

Шуни айтиш керакки, Халқаро Пактнинг 14-моддасига кўра, агар вояга етмаганнинг манфаати тақозо этса, вояга етмаганга нисбатан чиқарилган ҳукм ошкор қилинмаслиги мумкин.

Халқаро ҳуқуқий кафолатларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Конституция ва қонун устиворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан, шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий эилди, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари зиммасига бир қатор мажбуриятлар юкланди[2].

---

[1] 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолюция билан қабул қилинган “Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартлари”, ушбу ҳужжатнинг якуний матни Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқлангани сабабли “Пекин қоидалари” деб юритилади.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устиворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сонли қарори.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш; шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирор-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш; ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш тақиқланди[1].

Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи халқаро ҳуқуқий кафолатлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-675-сонли Қонуни билан миллий жиноят процессуал қонунчилигимизга 12^1-боб сифатида «Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш», 49^1-боб сифатида «Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув» ва 62^1-боб сифатида «Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув» институтлари жорий қилинди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони

Уларга мувофиқ, гувоҳни, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабабларга кўра (Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги) ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, ишни судга қадар юритиш босқичида прокурорнинг илтимосига биноан, уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Шунингдек, суд - жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш; - жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш; - жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш; - процессуал Кодексда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш; -номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказади. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув судья томонидан жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши ва унинг давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки

айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишув бўлиб, у қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда тузилади, яъни: - гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлса; - илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса; - гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлса. Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув қонунда белгиланган тартибда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса ва шахс томонидан бир нечта жиноят содир этилган бўлиб, улардан лоақал биттаси ЖПКнинг 61-бобида белгиланган талабларга тўғри келмаса тузилиши мумкин эмаслиги[1] қайд қилинди.

Фикримизча, мазкур халқаро-ҳуқуқий андозаларни дастлабки терговда ҳам, судда ҳам амалга ошириш ва бажариш, уларга амал қилиш судда ишларни кўришни эркинлаштириш асосларини бевосита мустаҳкамлайди ва суднинг жиноят ишини ҳал этиш ҳамда адолатли, қонуний ва асосли ҳукм чиқариш функциясини амалга оширишга имкон яратувчи муҳим кафолат бўлиб ҳисобланади ва бу янгиликларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиниши тергов органлари фаолиятида ва

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жинояи ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сонли Қонуни.

одил судловни амалга оширишда ўзининг ижобий натижаларини беради.

Начальник Научно-образовательного Центра противодействия коррупции Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, д.ю.н., профессор Б.И.Исмаилов

Организационно-правовое обеспечение гарантий прав собственности в Республике Узбекистан

Аннотация: В статье рассматриваются вопросқ организационно-правового обеспечения гарантий прав собственности, а также даются рекомендации по обеспечению неукоснительного соблюдения прав собственников в Узбекистане.

Ключевые слова: нарушения прав собственности, неприкосновенность права собственности, защита частной собственности и гарантии прав собственников

Аннотация: Мақолада мулк ҳуқуқини кафолатлаш борасида ташкилий-ҳуқуқий масалалар ва уни Ўзбекистонда таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова: мулк ҳуқуқини бузиш, мулк ҳуқуқини дахлсизлиги, мулк ҳуқуқини кафолатлаш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш

Неприкосновенность права собственности как основы экономической системы Узбекистана закреплена в ст. 53

Конституции Республики[1]. В соответствии с ней «Государство гарантирует свободу экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритетности прав потребителя, равноправие и правовую защиту всех форм собственности. При этом частная собственность, наряду с другими формами собственности, неприкосновенна и защищается государством. Собственник может быть лишен ее только в случаях и в порядке, предусмотренных законом».

В Узбекистане помимо норм Конституции правовую основу обеспечения и защиты прав собственности образуют отраслевые кодексы, порядка 40 законов[2] а также свыше 300 подзаконных актов Президента и правительства[3].

Так базовые гарантии обеспечения неприкосновенности права собственности сформулированы в Гражданском кодексе Республики Узбекистан в соответствии со ст. 197 ГК «право собственности прекращается путем добровольного исполнения собственником обязательства, принятия собственником одностороннего решения, определяющего судьбу имущества,

[1] http://lex.uz/docs/35869?query=%D0%B6%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D1%89

[2] Положения касающиеся обеспечения и защиты прав собственности содержатся в законах «О собственности», «О дехканском хозяйстве», «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников», «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности», «О семейном предпринимательстве», «О частных банковских и финансовых институтах и гарантиях их деятельности", «Об инвестициях и инвестиционной деятельности», «О разрешительных процедурах в сфере предпринимательской деятельности», «О приватизации земельных участков несельскохозяйственного назначения», «О Торгово-промышленной палате Республики Узбекистан», «Об уполномоченном при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства» и др.

[3] См.: Указы «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата» № УП-4848 от 05.10.2016г., «О мерах по коренному совершенствованию системы поддержки и защиты предпринимательской деятельности" № УП-5718 от 14.05.2019г., «О мерах по дальнейшему улучшению бизнес-среды и совершенствованию системы поддержки предпринимательства в стране» № ПП-4525 от 20 ноября 2019 г., «Об утверждении стратегии модернизации, ускоренного и инновационного развития строительной отрасли Республики Узбекистан на 2021-2025 годы» № УП-6119 от 27 ноября 2020 г. и др.

изъятия (выкупа) имущества на основании судебного решения, а также акта законодательства, прекращающего право собственности»[1].

Аналогичные требования были включены в ст.11 Жилищного кодекса[2] определяющего, что «Жилые дома, квартиры, находящиеся в частной собственности, не могут быть изъяты, собственник не может быть лишен права собственности на жилой дом, квартиру, кроме случаев, установленных законом.

Принудительное изъятие жилого помещения допускается только на основании решения суда в случаях и порядке, предусмотренных законом».

Принятый 24 сентября 2012 года Закон Республики Узбекистан «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников»[3] конкретизировал механизм защиты частной собственности определив, что ущерб, причиненный собственнику, подлежит возмещению в полном объеме.

Ст. 18 Закона регламентировала гарантии прав собственника при прекращении права собственности на имущество, которое в соответствии с законом не может принадлежать ему. В частности, если в собственности лица оказалось имущество, которое в соответствии с законом не может ему принадлежать, право собственности на это имущество прекращается в судебном порядке с возмещением лицу стоимости изъятого имущества.

Решение об изъятии земельного участка и сносе дома, иных строений, сооружений или насаждений принимается в соответствии с генеральными планами, а также проектами

[1] http://lex.uz/docs/180550

[2] http://lex.uz/docs/106134http://lex.uz/docs/106134?query=%D0%B6%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D1%89#150280

[3] http://lex.uz/docs/2055683?query=%D0%9E%20%D0%B7%D0%B0%D1%89%D0%B8%D1

детальной планировки и застройки жилых районов и микрорайонов населенных пунктов.

Снос дома, иных строений, сооружений или насаждений на изымаемом земельном участке до предварительного и полного возмещения убытков по рыночной стоимости не допускается.

При несогласии собственника с решением, влекущим прекращение права частной собственности, оно не может быть осуществлено до разрешения спора судом. При рассмотрении спора решаются также вопросы возмещения собственнику причиненных убытков.

В целях усиления права собственности в предпринимательской сфере 2 мая 2012 г., был принят Закон «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности». Статья 23 закона определила, что в случае принятия акта законодательства, прекращающего право собственности, убытки, причиненные субъекту предпринимательства – собственнику имущества в результате принятия этого акта, в том числе стоимость имущества, возмещаются государством[1].

Законом определено, что имущество субъектов предпринимательской деятельности не подлежит национализации и конфискации, за исключением случаев, предусмотренных законом, а изъятие имущества находящегося в частной собственности, в случаях национализации и реквизиции осуществляется только при условии полного возмещения собственнику его рыночной стоимости, а также убытков, причиненных собственнику в связи с таким изъятием, если иное не предусмотрено законом.

Вместе с тем следует отметить, что принятие указанных актов не явилось гарантией неукоснительного соблюдения прав

[1] http://lex.uz/docs/2006777

собственников, оставался ряд нерешенных проблем организационно-правового плана, должностными лицами при выделении земельных участков волюнтаристски создавались бюрократические барьеры и волокита. Должностные лица не обеспечивали неприкосновенность частной собственности, безосновательно проводили изъятие частной собственности под предлогом сноса, нецелевого использования, допускались самовольные действия при выделении земельных участков тем самым нарушая конституционные права собственников. В результате резко усилилось недовольство населения, увеличилось количество обращений в правоохранительные и судебные органы.

При этом следует учесть, что факты нарушения прав собственности имеют место как из-за неправомерных действий должностных лиц территориальной администрации, так и за безосновательного обращения граждан в суд. Тот факт, что 40 процентов обращений по поводу защиты права собственности были отклонены, зачастую объясняется несвоевременным обращением за защитой своего нарушенного права в суд, незнанием либо неправильным пониманием законов, а также отсутствием квалифицированной юридической помощи.

Зачастую именно незнание или неправильное понимание законов ведет к тому, что люди перестают верить судам, проводимым реформам и в конечном итоге — государству.

К сожалению, значительная часть проблем в сфере соблюдения прав собственности вызвана игнорированием норм законодательства как самими гражданами, так и предпринимателями.

Так по данным Хокимията г. Ташкента в 2019 году в Ташкенте предприниматели самовольно построили **2730**

зданий, а за 9 месяцев 2020 года — **1774**. На свыше 100 земельных участках, выделенных под индивидуальное строительство, построены многоквартирные дома этажностью три и более этажей. Что вызвало недовольство населения и приводит к росту проблем в коммунальной сфере.[1]

В 2019 году столичная администрация подала в экономические суды 661 иск о сносе самовольных построек, а за 9 месяцев 2020 года — 1463 иска.

Аналогичная ситуация отмечается и в других областях так в Ташкентской области в первом квартале 2021 года органами прокуратуры выявлено более **416** случаев незаконного освоения **159 га** орошаемых земель. На 88 га этой территории зафиксированы **789 случаев нелегального строительства объектов**. К настоящему моменту уже снесены 517 построек на площади 63 га.[2]

Судебная практика по защите прав собственности показывает, что значительная часть дел, рассматриваемых в административных судах, составляют заявления (жалобы) на решения хокимов, связанные с правом собственности на недвижимость, правом владения и пользования земельными участками, а также жалобы на неправомерные действия (бездействия) должностных административных органов. В частности, из **16 256 дел**, рассмотренных административными судами республики в 2019 году, **2 992 приходятся** на долю заявлений (жалоб) о признании недействительными решений хокимов, а **1 381** — рассмотрено по жалобам на неправомерные

[1] https://www.gazeta.uz/ru/2021/01/3/lands/
[2] https://www.gazeta.uz/ru/2021/03/31/lands/

действия (бездействия) должностных лиц территориальной администрации.[1]

Судебная статистика дел, рассмотренных административными судами в 2020 году, показала, что число обращений по поводу признания недействительными решений хокимов возросло и составило **3 045 дел** (22,7 процента от числа всех рассмотренных), а число дел по обжалованию действий (бездействия) должностных лиц – **1 114,** что составляет 8,3 процента всех рассмотренных дел.

В 2020 году **46** процентов обращений граждан о защите прав собственности удовлетворены, **40,2** процента — отклонены, а остальная часть обращений оставлена без рассмотрения или прекращена производством.

Рост числа обращений данной категории дел свидетельствует о растущем доверии народа к судебной системе, вере в закон и справедливость, что в свою очередь возлагает на суды еще большую ответственность по отправлению правосудия.

Исходя из анализа имеющихся проблем, изучения передового зарубежного опыта, а также рекомендаций международных организаций руководством Узбекистана предпринимаются меры по усилению законодательных основ обеспечения неукоснительного соблюдения прав собственности.

Так в целях модернизации гражданского законодательства в соответствии с принципами рыночной экономики и международными стандартами, формирования современной гражданско-правовой основы для дальнейшего углубления экономических реформ и развития рыночной экономики 5 апреля

[1] Право собственности неприкосновенно//https://sud.uz/ru/0102-3/

2019 г. принято **Распоряжение Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан» от № Р-5464** определившее основными приоритетными направлениями дальнейшего совершенствования гражданского законодательства Республики Узбекистан систематизацию и унификацию норм гражданского законодательства, обеспечение их гармонизации с лучшими зарубежными практиками, имплементацию передовых международных стандартов в данной сфере, а также **установление эффективных гражданско-правовых механизмов обеспечения гарантий неприкосновенности частной собственности, защиты прав и законных интересов физических и юридических лиц, особенно предпринимателей** Повышение эффективности защиты частной собственности, в том числе путем пересмотра порядка определения форм собственности, внедрения механизмов защиты права частной собственности на землю, а также совершенствования порядка защиты добросовестного приобретателя.

Парламентом страны в целях обеспечения права собственности на земельные участки несельскохозяйственного назначения 13 августа 2019 г. принят **Закон «О приватизации земельных участков несельскохозяйственного назначения».**[1] В соответствии со ст. 35 закона: «Изъятие приватизированного земельного участка у собственника допускается только при обращении взыскания на этот земельный участок по обязательствам собственника в случаях и

[1] http://lex.uz/docs/4471686?query=%D0%9E%20%D0%B7%D0%B0%D1%89%D0%B8%D1%82%D0%B5%

порядке, предусмотренных законодательными актами, а также в порядке национализации, реквизиции и конфискации».

Законом определено, что национализация приватизированного земельного участка осуществляется исключительно для государственных и общественных нужд и при получении согласия собственника земельного участка, она оформляется договором купли-продажи земельного участка, заключаемым на равных условиях между собственником земельного участка и государственным органом, уполномоченным Кабинетом Министров Республики Узбекистан. Особо следует отметить, что национализация приватизированного земельного участка осуществляется при условии предварительного возмещения государством договорной стоимости приватизированного земельного участка и других убытков.

Следует отметить, что весомый вклад в обеспечение неприкосновенности прав собственности помимо законодательного органа вносят специализированные институты по обеспечению прав граждан. В частности, **Народные приемные Президента Республики Узбекистан в Республике Каракалпакстан, областях и городе Ташкенте**[1] способствуют обеспечению прав собственности граждан. Со времени основания в них поступило 4 764 545 обращений, часть которых касалась нарушения прав собственности, из которых рассмотрено 4 674 273.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы поддержки и защиты предпринимательской

[1] Созданы в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 17 января 2019 года № УП-5633 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы работы с проблемами населения»

деятельности» от 14 мая 2019 г. созданы **Приемные Премьер-министра Республики Узбекистан по рассмотрению обращений предпринимателей** также наделенные полномочием принимать жалобы предпринимателей на действия должностных лиц и контролирующих органов. По состоянию на апрель 2021г в единую интерактивную систему обращений предпринимателей размещенной на портале business.gov.oz поступило свыше 15000 обращений предпринимателей. Порядка 40 % обращений касающихся защиты прав собственности было рассмотрено положительно. [1]

Важную роль в защите прав собственности осуществляют **Уполномоченный при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства, а также Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан.**

В соответствии с **Законом «Об Уполномоченном при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства»[2] от 29.08.2017 г.** он является должностным лицом, обеспечивающим гарантии защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства, соблюдение указанных прав и законных интересов государственными органами, в том числе правоохранительными и контролирующими органами.

С момента учреждения к Уполномоченному поступило **5211 заявок** (в том числе порядка 20% о нарушении права собственности, из которых **4590** рассмотрено положительно.[3] По выявленным правонарушениям в 2020 гг. **в государственные**

[1] https://pm.gov.uz/ru#/

[2] Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 35, ст. 915; Национальная база данных законодательства, 13.11.2019 г., № 03/19/583/4016

[3] https://biznesvakil.uz/ru/news/76

учреждения внесено 193 представлений, 105 предупреждений, 37 заключений, 120 исков на сумму 47,2 млрд сумов в пользу предпринимателей и 16 жалоб на вступившие в законную силу решения судов, а также в отношении 498 должностных лиц составлены протоколы об административном правонарушении и переданы в суд.

В результате к дисциплинарной ответственности привлечено 336 должностных лиц, судами удовлетворены иски на общую сумму в 37,8 млрд. сумов, к административной ответственности привлечен 381 человек, предпринимателям возвращено 14,8 млрд. сумов. Остальные обращения находятся на рассмотрении. 148 должностных лиц контролирующих органов привлечены к административной ответственности за нарушение установленного порядка проверки деятельности предпринимателей.

Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан ведет активную деятельность по обеспечению благоприятных правовых, экономических и социальных условий для реализации предпринимательской инициативы, поддержке субъектов как малого, так и крупного бизнеса.

За последние годы в Торгово-промышленную палату поступило 18689 обращений в том числе, связанных с обеспечением права собственности, из которых положительно рассмотрено 13759.[1]

Естественно, что решающую роль в обеспечении прав собственности, гарантировании её

неприкосновенности играют судебные органы.

В целях внедрения современных механизмов по выявлению коррупционных факторов, минимизации рисков коррупции в

[1] https://www.chamber.uz/ru/goalsCCI

процессе приобретения и отчуждения прав собственности актами Судебной власти установлены требования по неукоснительному обеспечению права собственности. Так **Постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 03.07.2020 г. № 11 «О судебной защите прав и законных интересов физических и юридических лиц»** определено, что судебная защита является не только средством восстановления нарушенных или оспариваемых прав либо охраняемых законом интересов физических и юридических лиц, но и средством выявления и устранения недостатков в деятельности судов.

Генеральной прокуратурой республики в рамках мероприятий на систематической основе проводится надзор за соблюдением права собственности.

В связи с масштабными работами по реконструкции городской инфраструктуры в 2019-2020г. в г. Ташкенте, Кашкадарьинской, Ферганской, Ташкентской областях произошли эксцессы, связанные со сносом домов и невыплатой компенсаций. Хокимияты неоднократно подвергались критике за сносы жилья и других объектов без определения источника финансирования компенсационных выплат.

Анализ незаконных решений о сносах недвижимости проведенной органами прокуратуры показал, что в 2020 году принято 80 подобных решений (в Андижане - 48, в Ташкенте -11, в Намангане -7, в Джизаке - 6, в Каракалпакстане - 4, в Бухаре- 3 и Кашкадарье - 1. Были выявлены факты сноса зданий без одобрения их владельцев, согласования с арендаторами, без положительного заключения органов юстиции, постановления правительства или кенгашей народных

депутатов, а в ряде случаев — без нотариального утверждения договоров.

В целом были нарушили права и интересы 1338 владельцев имущества, перед которыми образовалась задолженность по компенсации на 221,5 млрд сумов ($21 млн).

«Несмотря на то, что в фондах на счете местных хокимиятов имелись остаточные средства, в Ташкенте не покрыто 76,4 млрд сумов задолженности (более $7 млн), в Ташкентской области — 49 млрд сумов ($4,6 млн), в Сырдарье — 51 млрд сумов ($4,8 млн), в Кашкадарье — 17 млрд сумов ($1,6 млн), в Сурхандарье — 9,7 млрд сумов ($920 тыс.), в Джизаке — 7 млрд сумов ($664 тыс.), в Самарканде 5 млрд сумов ($475 тыс.), 2,4 млрд сумов ($228 тыс.) в Фергане и 2 млрд сумов ($190 тыс.) в Андижане».

Реакцией на указанную ситуацию явилось принятие 23 декабря 2020г. пакета поправок к действующему законодательству в части усиления гарантий прав и законных интересов собственников недвижимости.[1]

В соответствии с ними принятие решений об изъятии земельных участков для государственных и общественных нужд допускается исключительно после проведения открытого обсуждения с собственниками недвижимого имущества, расположенного на земельных участках, которые планируется изъять, оценки выгод и издержек, а также обязательного согласования с соответствующим Централизованным фондом по возмещению убытков, говорится в законе.

[1]Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим усилением гарантий прав и законных интересов собственников» http://lex.uz/docs/5181118?query

Снос объектов при изъятии земельных участков разрешается после полного фактического освобождения жилых и нежилых строений, полного возмещения рыночной стоимости объектов, расположенных на изымаемом земельном участке, расходов, связанных с переездом юридических, физических лиц на новое место размещения либо жительства, в том числе с переездом во временно полученные ими объекты недвижимого имущества, а также убытков, в том числе упущенной выгоды и других расходов, предусмотренных законодательством, подчеркивается в документе.

Убытки, причиненные из-за незаконного административного акта государственного органа (должностного лица), связанного с изъятием земельного участка, подлежат возмещению государством в порядке, установленном законодательством.

В документе перечислено, для чего могут изымать землю (в частности, для строительства дорог и исполнения Генплана), и указано, что это можно делать лишь при согласии землевладельца или по согласованию с землепользователем и арендатором – по решению соответственно Кенгашей народных депутатов областей, города Ташкента либо по решению правительства.

При несогласии землевладельца, землепользователя и арендатора с таким решением, оно может быть обжаловано в установленном порядке.

Предприятия, учреждения и организации, заинтересованные в изъятии земельных участков для строительства предприятий, зданий и сооружений, обязаны до начала проектирования предварительно согласовать с землевладельцами, землепользователями и арендаторами, а также соответственно с хокимом района, города, области либо

правительством место размещения объекта, примерный размер участка и условия его отвода с учетом обеспечения комплексного развития территории. Финансирование проектных работ до указанного предварительного согласования не допускается.

В соответствии с актами Президента № ПП-4210 от 25.02.2019г.[1] «О мерах по повышению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах» и «Об улучшении позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах, а также внедрении нового механизма системной работы с ними в государственных органах и организациях» № УП-6003 от 02.06.2020г.[2] Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4300 «О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов привлечения прямых иностранных инвестиций в экономику Республики» осуществляется системный анализ имеющихся практических проблем, препятствующих повышению позиции Республики Узбекистан в приоритетных международных рейтингах, разработка предложений по их разрешению.

На основе анализа результатов таких авторитетных индексов как Doing Business Index, Global Competitiveness Index, Economic Freedom Index, OECD Country Risk Classification, Worldwide Governance Indicators, Corruption Perception Index, Rule of Law Index, World Justice Project и др. Республиканским советом по работе с международными рейтингами и индексами 22.02.2021г. утверждены планы действий по повышению позиций Узбекистана в социально-экономических и политико-правовых международных рейтингов и индексов на 2021г. В

[1] http://lex.uz/docs/4215407
[2] http://lex.uz/docs/4838765

соответствии с ними предусматривается ряд мер по улучшению бизнес-среды, усилению защиты частной собственности и гарантий прав собственников, **создание электронной платформы обращения собственников к Уполномоченному при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства (BOSIM.UZ)** о коррупционных проявлениях в деятельности субъектов предпринимательства, внедрение в министерствах и ведомствах систем комплаенс контроля и др.

В целях минимизации рисков коррупции в процессе приобретения и отчуждения прав собственности приняты **Постановление Президента «О порядке организации и проведения электронных онлайн-аукционов (**E-Ijro Auksion) **по реализации имущества при исполнении судебных актов и актов иных органов» от 27 июля 2017 года № ПП–3149, Указы Президента «О мерах по ускоренному реформированию предприятий с участием государства и приватизации государственных активов» от 27 октября 2020 года № УП-6096, «О мерах по дальнейшему ускорению процессов приватизации государственных активов» № УП-6167 11.02.2021г. предусматривающие ускорение привлечения частных инвестиций в экономику,** внедрение современных методов приватизации государственных активов с привлечением международных консалтинговых, аудиторских и инвестиционных консультантов, инвестиционных банков и других специализированных компаний.

В целях повышения качества оказываемых государственных услуг, сокращения излишних процедур при реализации недвижимого имущества, привлечения субъектов предпринимательства в сферу геодезии и

земельного кадастра, развития цифровой экономики принято постановление Президента «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственной регистрации прав на недвижимое имущество» от 5 апреля 2019 года № ПП-4270.

В результате предпринятых мероприятий с 2017 по 2020 годы через электронную площадку «E-IJRO AUKSION» было проведено **32,9 тысяч открытых торгов**. Только в 42 (0,1%) случаях итоги торгов были отменены.

В целях дальнейшего усиления защиты частной собственности и гарантий прав собственников, создания дополнительного импульса для развития предпринимательства, поддержки предпринимательских инициатив и проектов, расширения доступа субъектов предпринимательства к финансовым ресурсам, повышения уровня социальной инклюзивности на местах **13 августа 2019 г.** принят **Указ Президента «О дополнительных мерах по усилению защиты частной собственности и гарантий прав собственников, коренному совершенствованию системы организации работ по поддержке предпринимательских инициатив, а также расширении доступа субъектов предпринимательства к финансовым ресурсам и производственной инфраструктуре» № УП-5780.** В соответствии с ним председатель Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимы областей, г. Ташкента, районов и городов, руководители Министерства строительства, Госкомземгеодезкадастра, а также их территориальных подразделений и других уполномоченных государственных органов предупреждены о персональной ответственности за безусловное исполнение и строгое соблюдение норм Конституции Республики Узбекистан о

неприкосновенности частной собственности, обеспечении свободы экономической деятельности и предпринимательства, защите от посягательств, создании всех необходимых условий для сохранности и приумножения частной собственности.

Генеральной прокуратуре и Уполномоченному по защите прав предпринимателей поручено установить системный надзор (контроль) за недопустимостью нанесения ущерба частным собственникам путем нарушения их прав, в том числе незаконного ограничения и (или) лишения права собственности, посягательства на частную собственность, включая ранее приватизированную, навязывания собственнику заведомо неприемлемых условий, в том числе необоснованные требования по передаче имущества или имущественных прав, а также изъятия собственности либо понуждения его на отказ от права на собственное имущество.

В целях дальнейшего развития конкуренции, создания дополнительных возможностей для развития новых направлений предпринимательства, повышения деловой активности граждан, дальнейшего совершенствования системы оказания услуг населению **принято Постановление Президента «О дополнительных мерах по привлечению частного сектора в сферы, регулируемые государством» № ПП-4913 от 07.12.2020г. предусматривающее поэтапную передачу частному сектору государственных функций путем аутсорсинга, краудсорсинга, государственного социального заказа, аккредитации, сертификации и других методов, а также расширение имеющихся возможностей в сфере государственного управления.**

Как видно из вышеизложенного коррупционные правонарушения создают реальную угрозу гарантиям прав

собственности, подрывают доверие населения и представителей частного сектора в идеи верховенства права, нивелируют кропотливую работу государственных органов по обеспечению доверия к государственным органам, дискредитируют масштабные социально-экономические реформ осуществляемые в стране.

Государственными органами осуществляется кропотливая работа по повышению уверенности граждан, инвесторов, бизнес сообщества в наличие надежной реализации и защиты прав собственности в Узбекистане. Законодателем формируется система законодательства, направленная на минимизацию неформальных взаимоотношений в процессе приобретения и отчуждения прав собственности, исключение возможности злоупотребления служебным положением и торговли влиянием.

Судебными и правоохранительными органами осуществляется системное противодействие не только коррупционной преступности, но и искоренению коррупционных факторов, причин и условий, способствующих их проявлению.

В последние пять лет в республике интенсивно формируются современные механизмы по выявлению коррупционных факторов и привлечению к ответственности лиц, совершивших противоправные деяния. К такого рода механизмам можно отнести: усиление мер по осуществлению как внешнего (прокурорский надзор, парламентский, общественный, финансовый, административный контроль и др.), так и внутреннего контроля (антикоррупционный комплаенс, усиление мер добропорядочности, риска анализа) в сфере противодействия коррупции.

По инициативе Президента страны в 2020г. разработан и **в марте 2021г.** вынесен на публичное обсуждение проект **Закона**

«О процедурах изъятия на основе компенсации земельных участков для общественных нужд» предусматривающий исключительный перечень оснований для изъятия земельных участков у собственников, основаниях деятельности республиканского и территориальных фондов по компенсации ущерба в связи изъятием земельных участков у собственников, наблюдательных советов и комиссий по компенсации земельных участков и др.

Естественно, в Узбекистане в вопросах обеспечения прав собственности имеется ряд проблем, среди которых можно выделить:

отсутствие традиций неукоснительного обеспечения прав собственности и осуществления действенного общественного контроля в указанной сфере,

недостаточный уровень правовой культуры самих собственников, допущение отдельными собственниками фактов самовольного захвата земельных участков и нигилизм в их поведении,

несовершенство законодательства, и механизмов обеспечения и защиты прав собственников, бюрократизм в деятельности должностных лиц,

недостаточный уровень правового сознания и культуры уполномоченных должностных лиц, отсутствие практики коммуникации с общественностью,

превалирование административных методов воздействия на процессы обеспечение прав собственности, наличие фактов бюрократического, порой волюнтаристского поведения отдельных должностных лиц и др.

При этом следует отметить, что в сфере обеспечения и защиты права собственности имеется ряд проблем, в числе

которых отсутствие генеральных планов населённых пунктов, самовольный захват земельных участков, возведение самовольных построек и др. Как видно несмотря на наличие ряда проблем организационно-правового и субъективного характера в Республике предпринимаются необходимые меры по гарантированию прав собственности.

Уполномоченными органами предпринимаются усилия по:

совершенствованию правовых основ в сфере реального обеспечения и защиты прав собственности, восполнению пробелов в законодательстве, исключению коррупционных факторов в ходе изъятия земельных участков для общественных нужд,

повышению действенности мер прокурорского надзора, парламентского, общественного, финансового, административного контроля и др.), а также мер внутреннего контроля (антикоррупционный комплаенс, усиление мер добропорядочности, риска анализа) в сфере противодействия коррупции,

усилению мер ответственности в отношении должностных лиц, допустивших безосновательное посягательство на объекты собственности, искоренению причин и условий способствующих совершению противоправных деяний,

неукоснительному обеспечению гарантированных конституционными нормами прав и законных интересов собственников, максимальной компенсации ущерба, нанесенного **в** связи с изъятием собственности для общественных нужд,

обеспечению транспарентности при решении вопросов, связанных с изъятием собственности на законных основаниях

минимизации государственного участия в экономику, усилению мер судебной защиты прав собственников и др.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ф.С.Ташназаров

Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси, мустақил изланувчи Ш.И.Шайзаков

Маъмурий суд ишларини юритишда мавжуд муаммолар ҳақида айрим мулоҳазалар

Ҳаммамизга маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш борасидаги амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида янги босқичга қадам қўйди десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, **2021 йил 12 январь куни** “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги **ЎРҚ-662-сонли** Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

Шунга қарамасдан мазкур соҳада айрим қонун нормаларини қўллашда қарама-қаршлик мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат божи тўғрисида”ги** қонунининг 10-моддасида, маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш деб номланиб, унинг биринчи бандида 15 та давлат божини тўлашдан озод қилинган субъектлар санаб ўтилган.

Шунингдек, ушбу модданинг иккинчи бандида юқорида қайд қилинган субъектлардан 4 тасининг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 19-моддаси 29-бандида, давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 10.10.2017 йилдаги ПҚ-3318-сонли қарорининг 3-банди 5-қисмида, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)

устидан шикоятлар тақдим этиш. Бунда даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан **давлат божи ундирилмаслиги** белгиланган.

Амалиётда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашларининг фермер хўжаликлари манфаатида берилган аризалар рад этилганда даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилмоқда.

Мазкур қонун нормадаги қарама-қаршиликлар уни қўллашда турли амалиёт вужудга келишига, қонунни қўллашда турли қарашларни вужудга келтирмоқда.

Бугунги кунда маъмурий судларда кўрилаётган низоларнинг аксарияти давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга зид бўлган қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ бўлиб, бу турдаги қарорларни ҳақиқий эмас деб топишда, қарорни қабул қилган орган ёки мансабдор шахснинг ушбу қарорни қабул қилишда ифодаланган ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳам талаб этилиши табиий.

МСИЮтКнинг 189-моддаси 5-қисмида, қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига мажбурият юклайди.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида, ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари санаб ўтилган бўлиб, унда маъмурий судларни мазкур мазмундаги қарорларини ижро этиш назарда тутилмаган.

Суд органнинг ёки мансабдор шахснинг қарори ҳақиқий эмас деб топилган ишлар бўйича унинг қарори ижроси орган ёки

мансабдор шахс томонидан ижроси таъминланмаганда, уни мажбурий ижро этишнинг аниқ тартиби мавжуд эмас.

Мазкур қонун нормасидаги ноаниқлик мазкур соҳада юзага келадиган масалаларни ҳал этишда айрим қийинчиликларни туғдирмоқда.

МСИЮтКнинг 26-моддасида, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалалари тўғрисида” 19.05.2018 йилдаги 15-сонли Қарорининг 7-бандида, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга ёхуд иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолларда ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ қайтарилиши, агар иш юритишга қабул қилинган бўлса, талабнинг маъмурий судга тегишли бўлмаган қисми бўйича иш юритиш тугатилиши лозим (МСИЮтК 108-моддасининг 1-банди).

Мазкур Пленум қароридаги тушунтириш бўйича ўзаро боғлиқ баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, талабнинг маъмурий судга

тегишли бўлмаган қисми бўйича иш юритиш тугатилиши лозим. Амалда мазкур норма МСИЮтК юқорида қайд қилинган қонун талаблари ўртасида қарама-қаршилик мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” қонунининг 59-моддасини қўллашда, яъни маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши билан боғлиқ низоларни суд томонидан кўриб чиқилиши, уларни ҳақиқий эмас деб топишда ҳам турли амалиёт шаклланаганлиги, айрим судлар томонидан мазкур қонун нормаларини қўллаш, айримлари томонидан қўлланилмаётганлиги кузатиш мумкин.

Шунингдек, прокурор протестларини келтириш ва уларни мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқишда Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида қонуни талабларига роия қилинмаётганлиги оқибатида протестга асосан қабул қилинган ҳоким қарорлари судлар томонидан ҳақиқий эмас деб топилаётганлиги кузатилмоқда.

Ёки, амалиётда фермер хўжаликлари билан ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ҳоким қарори суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган бир вақтда, иқтисодий судларда фермер хўжаликлари билан ҳокимият ўртасида тузилган ер ижара шартномалари бекор қилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бундай ҳолатларда, фермер хўжаликларига ер майдони ажратиш ҳақидаги ҳоким қарорлари қонуний кучда бўла туриб, ер ижара шартномасини бекор қилиниши оқибатида фермер хўжаликлари ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмоқда.

Фикримизча, мазкур ҳолат ҳам ўз навбатида қонун нормалари билан ўз ечимини топишни назарда тутаётган масалалар ҳисобланади.

Муҳокама қилинаётган муаммаоларни ҳал этилиши келгусида судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

Бош прокуратура академияси
доценти Н.А.Азизов

Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат

Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмига айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари фаолиятида суиистеъмолликлар ва бошқа қонун бузилишларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган қонунчиликка риоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллашнинг бир хилдаги амалиётини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини, шунингдек давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини мустаҳкамлаб қўйган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистонда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва

ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ҳуқуқий база яратилган.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-бобида кўрсатилган қоидалар фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш тартибини белгилайди. Бинобарин, мазкур Қонуннинг 2-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига кўра, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги белгиланган. Олдинги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда мазкур боб мавжуд бўлмаган. Эндиликда янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети прокуратура органларининг назорат предмети ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни

амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 5019-сонли Фармонида жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланган ва бунда аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўрнатишни, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилишни, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишни, жамиятда қонун бузилишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни; кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни, янги иш ўринлари яратиш дастурларини амалга оширишни, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни; малакали тиббий ёрдам кўрсатишни, аҳолига арзон дори воситалари етказишни, таълим жараёнининг сифати ва таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишни; фуқароларга арзон уй-жой ажратишни, уй-жой сотиб олиш учун, биринчи навбатда, ёш оилалар, етим болаларга кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратишни, сифатли коммунал хизмат кўрсатиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлашга асосий эътибор қаратилиши белгиланган.

Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун 7-моддаси 1-бандига мувофиқ, прокуратура органларида уларнинг ваколатларига кўра, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади, уларнинг

бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўрилади. Мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам инсоннинг ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Ушбу ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Ушбу мурожаат қилиш ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”. Шу сабабли ҳам фуқароларнинг прокуратура органларига мурожаат қилиш тартиби қонунчиликда белгиланган ва бунга етарли шарт шароитлар белгиланган.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1992 йилдаги таҳририда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш баробарида, фуқароларнинг ўзларини устидан назорат ўрнатилган бўлиб, уларни қонунларга риоя этишлари прокурор назорати предмети ҳисобланган. Янги таҳрирдаги мазкур Қонунда эса прокурорлар фуқаро устидан назорат ўтказмаслиги, аксинча фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириши белгиланган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Зероки, демократик қадриятлар устуворлиги тан олинган давлатларда энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қай даражада ҳимоя қилингани, уни амалга оширишга замин яратувчи шарт-шароитлар тилга олинади. Зеро, демократик ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий мақсади ҳам

мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган бўлиб, унинг 18-моддасида – Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинишида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар БМТ устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт ва бошқа умум эътироф этилган конвенциялар асос қилиб олинди. Шу билан бирга Конституциянинг муқаддима қисмида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда[1].

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий кафолатларига алоҳида тартибда Конституциямизнинг 10-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.06.2020 йилдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони

бобида тўхталган бўлиб, унга кўра давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинганлиги, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги таъкидланган.

Хусусан, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан Парламент назоратини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) институти ташкил этилган. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими фаолият юритмоқда. Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан прокуратура органлари ўртасида ўзаро амалий ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган.

Прокурор амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни қуйидагилардан иборат тарзда белгилаш мумкин:

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижро этилиши устидан прокурор назорати амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва унга чек қўйиш, қонунни бузган шахсларни

жавобгарлик масаласини ҳал этиш ҳамда келтирилган зарарни ундириш бўйича чора-тадбирлар ташкил этиш;

фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида прокурор таъсири чораларининг самарадорлиги доимий равишда таҳлил қилиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатларнинг қўлланилиши ва ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш;

меҳнат, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан прокурор назоратига алоҳида эътибор қаратиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, шу жумладан назорат қилувчи органларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлиги устидан назорат амалга ошириш каби масалалар.

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби докторанти, ю.ф.н., доц. Х.Исанов

Пандемия шароитида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд амалиёти муаммолари

Бу йил халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт кечириш имкониятини яратиб берган Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлайди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилиб келинаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади, энг аввало, адолат ва қонун устуворлигига

таянадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган, илм-фан ва маърифат тараққиётига кенг йўл очиб берадиган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Мақсадимизнинг ушбу жиҳатлари Асосий қонунимизда ўз аксини топган бўлиб, унинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”[1], деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш керак, бугунги кунда бутун дунёда мавжуд бўлиб турган коронавирус пандемияси ҳолати мамлакатимиз ҳудудида ҳам бир йилдан ортиқроқ давр мобайнида давом этаётганлиги ҳар бир инсон ҳаёти, соғлиги ва турмуш тарзига жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай вазиятда мамлакатимиз аҳолисининг саломатлигини сақлаш ва пайдо бўлган хавф-хатарларнинг салбий оқибатларини камайтириш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш давлатнинг асосий вазифасига айланди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, давлат томонидан бир қанча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартда “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[2]ги 176-сонли қарори қабул қилиниб, унга асосан мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотлари биргаликда фаолият олиб бордилар. Албатта, ушбу қарор

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. https://lex.uz/ru/docs/20596

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 176-сонли қарори. https://lex.uz/ru/docs/4772484

ижросини таъминлаш бўйича давлат томонидан жорий этилган турли чеклов чоралари кўзланган ижобий натижаларни бериши билан бир қаторда, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини маълум даражада чекланишига ҳам олиб келди. Масалан, шахснинг мамлакат ҳудуди доирасида эркин кўчиб юриш, яшаш жойини эркин танлаб олиш, таълим олиш, иш излаш ва ишга жойлашиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш орқали ўз даромад манбаларига эга бўлиш каби ҳуқуқлари маълум даражада чекланди, дейиш мумкин. Шунингдек, чеклов чорлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятларни бажаришга ҳам салбий таъсир кўрсатиб, айрим фирма ва корхоналар ўз фаолиятини тўхтатгани туфайли ўз мажбуриятларини бажара олмадилар. Бунинг устига пандемия шароитида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари айрим мансабдор шахсларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида йўл қўйган камчиликлари оқибатида шахс ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари ҳам кузатилди. Албатта, пандемия шароитида юзага келган бундай ижтимоий вазиятда фуқаролар ўзларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишга эҳтиёж сезадилар. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 44-моддасида “ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”[1], дея белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий норма пандемия шароитида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг суд амалиёти муаммоларини таҳлил этишни тақозо этади.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. https://lex.uz/ru/docs/20596

Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида[1] халқаро Пактнинг 9-моддаси ва Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимояси тўғрисида[2] Европа Конвенциясининг 6-моддаси 1-қисмида ҳам белгилаб берилган бўлиб, Европа Конвенциясини қўллаш амалиёти суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган оммавий ҳуқуқнинг қўлланишини кўзда тутган барча процессуал ҳаракатларни ўз ичига қамраб олишидан далолат беради. Ҳуқуқ ва эркинликлари суд ҳимоясида бўлиши барча учун кафолатланади. Ушбу ҳуқуқ ўз ҳуқуқларини шахсан, адвокат ёки бошқа қонуний ҳимоячи орқали ҳимоя қилиши мумкин бўлган ҳар қандай жисмоний шахсга тегишли бўлиши мумкин. Қонуннинг бузилишига, ваколатлар доирасидан чиқиш ёки бировнинг ҳуқуқларини камситилишига сабаб бўлувчи барча ҳаракатлар ва қарорларга нисбатан ҳам судга шикоят қилиш мумкин. Бундан ташқари, нафақат конституциявий ҳуқуқлар, балки барча қолган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам суд ҳимоясида ҳисобланади. Судга нафақат Конституцияда кафолатланган ҳуқуқлар бўйича, балки шу билан бир қаторда қонун ёки шартномада белгиланган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ҳам мурожаат қилиш мумкин ва албатта, мурожаат қилиш тартиби судлов ишларини юритиш бўйича процессуал қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Айтилганлар шундан далолат берадики, ҳар қандай шароитда, шу жумладан пандемия карантини шароитида ҳам ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат

---

[1] Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. https://lex.uz/docs/2638212

[2] Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимояси тўғрисида Европа Конвенцияси. http://base.garant.ru/2540800/

бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим.

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли жорий этилган карантин даврида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари маълум даражада чекланган бўлсада, лекин бу аҳолининг саломатлигини сақлаш ва пайдо бўлган хавф-хатарнинг салбий оқибатларини камайтириш учун зарур бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Аммо, ана шу даврда мамлакатимиз ҳудудида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида давлат органлари мансабдор шахслари томонидан фуқароларга нисбатан қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари юзасидан судларга ариза ва шикоятлар билан мурожаатлар сони анча кўпайганлиги кузатилди. Шундай бўлишига қарамасдан, айнан шу даврда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 28 апрелда 2020 йил 28 апрелдаги “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (covid-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 08-сонли Пленуми қарори қабул қилиниб, унга (1-банди) кўра, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 16 мартдан бошлаб коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилган бўлиб, бу давлат органлари ва бошқа муассасалар ишлаш тартибига, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жиддий ўзгартиришлар киритилишига, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига, шу жумладан, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлди”[1], дея эътироф этилди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 08-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz)

Шунингдек, карантин амал қилиши даврида даъво муддатини тўхтатиш, процесс иштирокчилари иштирокини амалда таъминлашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда ишни кўришни маълум муддатга қолдириш тўғрисида ажримлар чиқариш тўғрисида қуйи судларга топшириқ берилди. Бу эса, фуқароларнинг мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судларга мурожаат қилиш орқали бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари чекланишига сабаб бўлди. Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида судлар алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олганда, суд орқали ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш зарурати сезилди. Ана шундай заруратдан келиб чиқиб, судлов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида 2020 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сонли қарори қабул қилиниб, унда судда ишларни кўриб чиқиш жараёнида вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви асосан қоғоз шаклида амалга оширилаётганлиги, бундай тартиб судлар томонидан низоларни тезроқ ҳал этишга тўсқинлик қилаётганлиги, шу каби ҳолатларни бартараф этиш учун судлар фаолиятини рақамлаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Юқорида баён этилган пандемия карантини жараёнлари таҳлилига асосланиб хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланган ҳолда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини суд

орқали ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш лозим.

Биринчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура ва суд органлари ўртасида Ягона электрон ахборот (ҳуқуқий) маконини шакллантириш ва маълумотларни электрон тизим орқали эркин алмашувини йўлга қўйиш.

Иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ягона электрон ахборот (ҳуқуқий) макони маълумотларидан бепул фойдаланишнинг процессуал қонунчилик тартибини белгилаш.

Учинчидан, барча суд мажлиси жараёнларини онлайн режимда кузатиб бориш, шунингдек видеоконференцалоқа, аудио ва видео ёзувларидан электрон тизим орқали эркин фойдаланиш имкониятини яратиш.

Тўртинчидан, судларга қилинган мурожаатлар (шу жумладан, электрон кўринишдаги), кўрилган ишлар ва қабул қилинган қарорлар билан суднинг расмий сайти орқали тўлиқ танишиб боришни таъминлаш.

Бош прокуратура Академияси катта ўқитувчиси, ю.ф.д.д. (PhD) Д.С.Довудова

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг айрим моддий ва процессуал нормаларини қўлланилишининг амалий таҳлили

Аннотация: ушбу мақолада вояга етмаган судланувчиларнинг жиноят ишларини юритишнинг моддий ва процессуал асослари, ундаги бўшлиқлар, прокурор эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар, вояга етган шахсларнинг

жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш асослари, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар мушоҳада қилинган.

Аннотация: в данной статье описываются материально-процессуальные основы уголовного производства по делам несовершеннолетних подсудимых, пробелы в нем, вопросы, на которые прокурор должен обратить внимание, основания освобождения от ответственности и наказания совершеннолетних, а также предложения по совершенствованию законодательства.

Abstract: This article describes the material and procedural foundations of criminal proceedings in cases of juvenile defendants, spaces in it, issues that the prosecutor should pay attention to, grounds for release from liability and punishment of adults, as well as proposals for improving legislation.

Таянч сўзлар: вояга етмаганлар, жиноят ишларини юритиш, дастлабки тергов, прокурор, суд.

Ключевые слова: несовершеннолетний, уголовное производство, предварительный следство, прокурор, суд.

Key words: juveniles, criminal proceedings, preliminary inquiry, prosecutor, sud.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг (кейинги ўринда ЖПК деб юритилади) XIII-бўлими (60-боб) да вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш алоҳида тоифага ажратилган.

Шуниси эътиборлики, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўриш тартиби суд муҳокамасининг умумий

шартлари асосида алоҳида қоидаларни қўллаган ҳолда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 27 ноябрь 2015 йилдаги “Жиноий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғида[1] вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни судда кўришда ва суд қароринининг қонунийлигига баҳо беришда эътибор берилиши лозим бўлган талаблар белгиланган.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда қўшимча исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, ишда вояга етмаган билан бирга иштирок этиши шарт бўлган субъектлар ҳамда жазо тайинлашда ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг (кейинги ўринда ЖК деб юритилади) 17-моддасига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу қонунга асосан жиноий жавобгарликнинг минимал ёши 13 ёшни ташкил этади. Шунингдек, айрим жиноятлар учун 14 ёшдан, баъзилари учун эса 16 ёшдан жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жиноий жавобгарликка тортишнинг аниқ ёши белгиланмаган бўлиб, фақатгина минимал даражани белгиловчи қоидалар кўрсатилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вояга етмаган болаларга нисбатан одил судловни амалга ошириш учун

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 27 ноябрь 2015 йилдаги “Жиноий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғи 10-банди

минимал стандарт қоидалар ҳақидаги Пекин қоидаларининг 4-бандида, вояга етмаганлар учун жиноий жавобгарлик ёшини эътироф этган ҳуқуқий тизимларда, ушбу ёшнинг пастки чегараси эмоционал, руҳий ва интеллектуал етукликнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёш даражасида жуда паст даражада белгиланмаслиги қайд қилинган[1].

Шунга кўра, айрим давлатларнинг жиноят қонунчилиги ўрганилганда, вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарликка тортиш ёши аксарият давлатларда ўн тўрт ёш қилиб белгиланган. Жумладан, Корея Республикаси Жиноят кодекси 9-моддасида, ўн тўртга ёшга тўлмаган шахсларни қилмишлари жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги қайд этилган[2].

Россия Федерацияси Жиноят кодекси 20-моддасида[3], Беларуссия Республикаси Жиноят кодекси 27-моддасида[4], Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасида[5], Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси 17-моддасида[6], Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси 23-моддасида[7], Молдова Республикаси Жиноят кодекси 21-моддасида[8] жиноят содир этган вақтда ўн олти ёшга тўлган шахсларга жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, жавобгарликка тортишнинг кичик ёши ўн тўрт ёш этиб қайд этилган.

Юқоридаги халқаро стандартлар ва ривожланган давлатлар қонунчилигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят

[1] https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml. Дата обращение 11.04.2021 года

[2] https://vseokoree.com/vse-o-koree/zakony-i-normativnye-pravovye-akty/ugolovnyj-kodeks-respubliki-koreya

[3] http://docs.cntd.ru/document/9017477

[4] https://nrm.uz/contentf?doc=433171_ugolovnyy_kodeks_respubliki_belarus

[5] https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1400000226

[6] http://fmc.uz/legisl.php?id=k_ug_4

[7] http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=2324

[8] http://lex.justice.md/ru/331268/

кодексига жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёшини ўн тўрт ёш этиб белгилаш лозим.

Хусусан, ЖПКнинг 547-моддасига асосан жиноят содир қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятларига оид ишлар умумий қоидалар асосида алоҳида иш юритув тартибида кўрилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 548-моддасида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, унга кўра суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, қуйидагилар исботланиши лозим.

– айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларнинг мавжудлигига (ЖПК 82-модда);

– реабилитация учун асосларнинг мавжудлигига (ЖПК 83-модда);

– айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асосларнинг мавжудлигига (ЖПК 84-модда);

– вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёшига (туғилган йили, ойи, куни);

– вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолатига;

– унинг турмуш ва тарбияланиш шароитларига;

– катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги тўлиқ текширилганлигига.

Жумладан, жиноят ишларини юритишда вояга етмаганларнинг ёшини ва шахсини аниқлаш шарт ҳисобланади. Айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль

соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади.

Судланувчининг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқлаган йилнинг охирги куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим[1].

Шу сабабли, жиноят ишида албатта вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортидан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Гарчи ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суд ёки прокурорнинг ташаббуси билан бундай камчиликни бартараф қилиши зарур.

Вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилиб, у мазкур жиноятнинг субъекти сифатида эътироф этиш ёшига тўлмаган тақдирда унга нисбатан ЖПКнинг 84-моддаси 7-қисмига асосан шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлиги сабабли айблилик масаласи ҳал этилмай тугатилади.

Вояга етмаган айбланувчининг жиноят субъекти бўлиши ёки бўлмаслиги, унга нисбатан жазо тайинлашнинг хусусиятлари ва чегараси мавжудлиги сабабли уни ёшини аниқлаш исботлашнинг муҳим элементи сифатида киритилган.

Вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлари ва унинг саломатлиги ҳолатини, унинг турмуш ва тарбияланиш шароитларини ўрганиш лозим бўлади.

А.А.Федорованинг таъкидлашича, жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасининг вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 5-банди, қаралган вақти 26.11.2021 й

кўрилишида суд олдида жиноий ҳолатни аниқлашда вояга етмаган шахснинг психологик ҳолати, содир этган жиноятининг тушуниш имкониятини, жиноий ҳулқ-атворнинг сабаблари, ҳаёт тарзи, оилавий муҳити ва унинг атрофини ўрганиш каби оғир вазифа туради[1].

Агар вояга етмаган судланувчининг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмаганнинг ақлий ривожланишида ортда қолгани ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-руҳиётшунослик экспертизаси тайинланиши лозим.

Бундан ташқари, қонунчиликда 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилсаю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Мисол учун, муқаддам судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармай М. хавфли рецидивист бўла туриб, Б. билан бирга вояга етмаган Ш.ни жиноят содир этишга жалб қилиб, жиноий шериклари К. ва Н.лар 17.12.2017 йилда соат 21^{30}ларда олдиндан жиноий тил бириктиришиб, бир гуруҳ бўлишиб, фуқаро А.нинг Янгийўл тумани Дўстлик маҳалласи рақамсиз

[1] А.А.Федорова. Некоторые особенности рассмотрения дел судом первый инстанции с участием невосершеннолетних подсудимых. Вестник Университета прокуратуры Российской Федерации №1 (81) 2021, С. 64.

уйига ғайри қонуний равишда киришиб, хонадондаги қўйхонадан жами баҳоси 20 млн. сўм бўлган 23 бош қўйларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинганлиги аниқланган.

Тергов органи томонидан М., Б., К. ва Н.лар вояга етмаган Ш.ни ўғрилик жиноятига жалб қилганликлари учун ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми ва 169-моддаси тегишли бандлари билан айбланиб, судга берилган.

Суд терговида сўроқ қилинган вояга етмаган Ш. уни ўғрилик жиноятини содир қилишга М. ва Б.лар қизиқтиришганлигини, судланувчи К. ва Н.ларни танимаслигини, улар уни жиноят содир этишга жалб қилишмаганлигини, уларни жиноят содир қилиб бўлинганидан сўнг кўрганлигини баён қилган. Шу каби, К. ва Н.лар ҳам вояга етмаган Ш.га ўхшаш кўрсатув беришган.

Суд судланувчи К. ва Н.ларни вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноий ҳаракатлари исботланмаганлигини, чунки, судланувчи К. ва Н.лар вояга етмаган Ш.ни олдиндан танишмаганлигини, улар бошқа-бошқа маҳаллада яшашларини ва Ш. билан ҳеч қандай муносабатда бўлишмаганлигини, улар вояга етмаган Ш.ни ўғирлик жинояти содир қилингандан сўнг кўришган бўлса-да, бироқ, кун қоронғу бўлганлиги сабабли ҳам уни вояга етмаганлигини англаб етишмаган деб ҳисоблаган.

Шу сабабли, суд К. ва Н.лар Ш.ни вояга етмаганлигини билмаганлиги сабабли уларни ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми билан оқлаган.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 15.02.2018 йилдаги ҳукмига[1]кўра, М. ЖКнинг 169-моддаси 3-

[1] Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 15.02.2018 йилдаги ҳукми.

қисми “а” банди ва 127-моддаси 3-қисми билан, Б. ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” банди ва 127-моддаси 3-қисми билан, К., Н. ва вояга етмаган Ш. ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан айбдор деб топилиб, қонун доирасида жазо тайинланган.

Шунингдек, ЖКнинг 51-моддасига мувофиқ, дастлабки тергов жараёни ва судда вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари бўйича адвокатнинг иштирок этиши шарт. Мазкур қоида ЖПКнинг 52-моддаси талабига кўра вояга етмаган шахс ҳимоячидан воз кечганда ҳам, жиноят иши суд муҳокамасига қўйилганда айбланувчи вояга етган-етмаганлигидан қатъи назар ҳамда жиноятлардан бири, шахс 18 ёшга тўлмасдан олдин, иккинчиси вояга етганидан сўнг содир этганликда айбланган ҳолларда ҳам амал қилади.

Ушбу процессуал қонун талабларига риоя қилмаслик ЖПКнинг 487-моддасига асосан, ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўладиган жиноят процессуал қонунини жиддий бузилиши деб қаралади.

Шунингдек, вояга етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари ҳуқуқи бузилган ҳолда далил олинган бўлса, ушбу далил мақбул эмас деб топилади.

Шу сабабли, ишда иштирок этаётган прокурор дастлабки тергов ва судда вояга етмаган айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлиб, гарчи унинг процессуал ҳимоя ҳуқуқи таъминланмаган тақдирда протест келтириш орқали қатъий муносабат билдириши шарт.

Бундан ташқари, вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи

ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганда унга ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилади.

Қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказади деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига топширилади.

А.А.Федорованинг фикрича, Россия Федерацияси ЖПКнинг 428-моддасига қонуний вакилнинг келмаганлиги жиноят ишини тўхтатишга асос бўлиши, шунингдек, агар қонуний вакилни узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги аниқланса, суд унинг ҳаракатларини вояга етмаганнинг манфаатларини ҳимоя қила олмаслиги ҳақида хулосага келиши ва уни ўзгартириш чоралари кўриш ҳақидаги норма билан тўлдириш тўғрисида таклиф билдирган[1].

Дарҳақиқат, А.А.Федорованинг фикрлари ўринли бўлиб, миллий процессуал қонунчиликда қонуний вакилнинг иштирокини мажбурийлик қоидаси белгиланган бўлса, ундан кейин механизми яъни, қонуний вакил келмаган тақдирда иш юритиш тартиби, узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдир эса унинг оқибатлари тартибга солинмаган.

Ваҳоланки, вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг қонуний вакили процесси иштирокчиси

[1] А.А.Федорова. Некоторые особенности рассмотрения дел судом первый инстанции с участием невосершеннолетних подсудимых. Вестник Университета прокуратуры Российской Федерации №1 (81) 2021, С. 69.

ҳисобланади. Бу эса, унинг барча процессуал ҳаракатларини тартибга солишни тақозо қилади.

Шунга кўра, фикримизча, ЖПКнинг 549-моддасини қуйидаги,яъни қонуний вакилнинг келмаганлиги жиноят ишини тўхтатишга асос бўлиши, шунингдек, агар қонуний вакилни узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги аниқланса, суд унинг ҳаракатларини вояга етмаганнинг манфаатларини ҳимоя қила олмаслиги ҳақида хулосага келиши ва уни ўзгартириш чоралари кўриш ҳақидаги нормани киритиш лозим.

Шунингдек, вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин. У суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар суриштирувчи, терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар кўрилишида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг VI бўлимида қайд қилинган (ЖК 81-90-моддалар) вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Прокурор ёки ҳимоячи томонидан вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласида фикр билдираётганда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, ана шу шахсларга оид маълумотларни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиб,

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони сўраш имкониятини кўриб чиқишлари лозим.

Вояга етмаганлар жавобгарлигининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, жарима, мажбурий жамоат, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари қонунчиликда белгиланган миқдордан ошиб кетиши йўл қўйилмайди. Вояга етмаганнинг жиноят содир этиши енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади.

Мисол учун, вояга етмаган судланувчига нисбатан жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Шартли ҳукм қилинган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ҳолларда жамоат тарбиячиси тайинлаши зарур.

Ёки вояга етмаган судланувларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда қонунда айрим чекловлар ва имтиёзлар белгиланган.

Мисол учун, узоқ муддатга ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Шуни эътиборга олиш керакки, суд айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бўлмаган ҳоллардагина озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин. Айни вақтда ҳукмда суднинг бу тўғрисидаги хулосаси асослантирилиши шарт.

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланаётганда ЖКнинг 85-моддасини татбиқ этишнинг ўзи етарли бўлиб, ЖКнинг 57-моддасини қўшимча қўллаш талаб этилмайди. Судланувчига у айбдор деб топилган ЖК махсус қисмининг моддасида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазоларнинг тайинланиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Мисол учун, вояга етмаган 02.03.2000 йилда туғилган Н. 11.12.2017 йилда соат 22^{00} ларда, маст бўлган ҳолда, қасддан баданга шикаст етказиш мақсадида, ўзининг яшаш манзилига, яъни Тошкент вилояти Қибрай тумани Бирлик маҳалласи Қадирлик кўчаси 43-уйга бориб, у ерда ўзи билан биргаликда яшовчи кекса ёшли 01.01.1935 йилда туғилган бувиси М.ни ожиз аҳволдалигини била туриб, бувиси М.га нисбатан танасининг бош қисмини турли жойларига қўллари билан уриб, оғир тан жароҳати етказган. Натижада, М. олган тан жароҳатлари билан Қибрай тумани марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимида вафот этган.

Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг ҳукмига кўра, Н. ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми "д" банди билан айбдор деб топилиб, унга ушбу модда билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Демак, ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми "д" банди санкциясида 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлсада, вояга етмаган айбланувчи Н.га (17 ёш) нисбатан жазо тайинлашда ЖКнинг 85-моддаси 3-қисми "б" бандига асосан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин[1].

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ЖКнинг 72-

[1] Тошкент вилоят жиноят ишлари бўйича суднинг 2018 йилдаги ҳукмлар базаси.

моддаси, яъни шартли ҳукм қилишда назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин. Шунга кўра, вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари юзасидан ҳукм чиқаришда ЖКнинг 72-моддасини қўллаш масаласини судлар атрофлича, ҳар томонлама муҳокама қилишлари лозим.

Амалиётда вояга етмаганларга нисбатан аксарият ҳолатларда оғир ва ўта оғир жиноятлари учун қилмишининг оқибатидан ва иш ҳолатидан келиб чиқиб, шартли ҳукм қилиниб, синов муддати белгиланади.

Шу сабабли, прокурор ёки ҳимоячи вояга етмаганларга нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллашни сўраган бир пайтда судланувчини тарбиялаш мақсади, унга синов муддати даврида қандай муайян мажбуриятлар юклатилишини (ўқишни якунлаш, ишга жойлашиши ва ҳоказолар) фикрида аниқ баён қилиши мумкин.

Бундан ташқари, судда иштирок этаётган прокурор вояга етмаган айбланувчига нисбатан содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда ишда аниқланган енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масалани муҳокама қилиши шарт.

ЖКнинг 87-моддасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган

жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

ЖКнинг 88-моддасида қайд этилган мажбурлов чораларини яъни, суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш, ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш, вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш юзасидан прокурор фикр билдиради, суд эса жазо тайинламасдан туриб жазодан озод этиш ҳамда мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мисол учун, вояга етмаган Д. Бекобод шаҳар У.Носир кўчаси 27-уй 15-хонадонда яшаб келиб, 29.11.2017 йилда соат 09^{30} ларда Бекобод шаҳар У.Носир кўчаси, 26-уй, 13-хонадонга дераза орқали ғайри қонуний равишда кириб, у ердан фуқаро Т.га тегишли бўлган хонадонда стол устида турган 13 млн. сўмлик ва хонадондаги шкаф ичида турган жами 650 минг сўмлик нақд пулларини ҳамда хонадоннинг кириш эшигида турган 3 дона калитларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Мазкур ўғирлик жинояти натижасида фуқаро Т.га жами бўлиб 663 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Дастлабки тергов давомида вояга етмаган Д.дан жами 663 минг сўм миқдорида пуллар ҳамда мазкур хонадон калитлари холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида тегишли тартибда расмийлаштирилиб олинган.

Мазкур жиноят ишини судда кўриш давомида Д.нинг вояга етмаганлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи билан ярашувга эришганлиги, мактаб ўқувчиси эканлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, унинг қилмишида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб топилган.

Суд Д.ни ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмининг "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топиб, ЖКнинг 87-моддасига асосан у мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жазодан озод қилиниб, унинг зиммасига ЖКнинг 88-моддасига асосан жабрланувчи Т.дан жамоа олдида узр сўраш мажбурияти юклатилган[1].

Россия Федерацияси ЖКнинг 90-моддасига кўра, унча оғир бўлмаган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган вояга етмаган шахсни унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш орқали тузатиш мумкин деган хулосага келса жиноий жавобгарликдан озод қилинади[2].

Шунингдек, қонунчиликда оғир жиноят содир этган вояга етмаган шахс агар ёпиқ тарздаги махсус ўқув муассасасига жойлаштириш орқали тарбиялаш етарли бўлса, жазодан озод қилиниши мумкин[3].

Кўринадики, Россия Федерацияси процессуал қонунчилигида, вояга етмаган судланувчига нисбатан

---

[1] Тошкент вилоят жиноят ишлари бўйича суднинг 2018 йилдаги ҳукмлар базаси.

[2] "Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 05.04.2021, с изм. от 08.04.2021), ст. 90, http://www.consultant.ru

[3] А.А.Федорова. Некоторые особенности рассмотрения дел судом первый инстанции с участием невосершеннолетних подсудимых. Вестник Университета прокуратуры Российской Федерации №1 (81) 2021, С. 66.

жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўллашнинг чегараси мавжуд эмас.

Бироқ, миллий қонунчиликда вояга етмаган айбланувчи ёки судланувчини мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда муайян чегара белгиланган. Жумладан, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган бўлса, тақбиқ этилади. Шунингдек, оғир тоифадаги жиноятларни содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан жазодан озод қилиш ҳақидаги норма мавжуд эмас.

Фикримизча, жиноят содир этган вояга етмаган шахсга жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш асосларини қўлланилиши унга келгусида тарбияланишига, қайта жиноят содир этишини олди олинишига ҳамда энг муҳими уни жиноий муҳитдан ҳимоя қилади.

Шунга кўра, ЖКдаги жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўллаш асосларини чегаралаш мақсадга мувофиқ эмас.

Прокурорлар вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари судда кўрилаётганда жиноятни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш учун хусусий ажрим чиқариш тўғрисида фикр билдиришлари шарт.

Ваҳоланки, моддий ва процессуал қонунларнинг тўғри қўлланилиши айбдорларга нисбатан жазо қонуний ва адолатли тайинланишини таъминлайди. Шу билан бирга, жазонинг адолатли тайинланишига суд билан прокурор ҳам масъулдир.

Хулоса ўрнида таъқидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал ва Жиноят кодексига вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юритиш механизмини янада

такомиллаштириш уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир кафолати десак муболаға бўлмайди.

“Law Protect” адвокатлик фирмаси адвокати,
ulmas_sharipov@mail.ru
У.Ҳ.Шарипов

Жиноят процессуал қонунчилигини ислоҳ қилишда ахборот технологияларининг тутган ўрни

АННОТАЦИЯ: жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи билан боғлиқ тергов ҳаракатларини ўтказишда ахборот технологияларини қўллаш уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситилишини олдини олишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, далиллар, коррупция.

Сўнги йилларда мамалакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, суд органларига ишончни ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун ва қонун ости

ҳужжатлари қабул қилиниб, изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланишидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи сифатида фаолият юритган даврдаёқ суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида 2016 йил 21 октябрда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинган бўлиб, мазкур фармон суд-ҳуқуқ тизимида катта инқилобий ўзгаришларнинг дебочаси бўлди десак муболаға бўлмайди.

Айнан ушбу фармон билан судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш ҳақида, шунингдек, 2017 йилнинг 1 апрелидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тугатилиши; жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилиши; қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши; почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши; судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилиши; терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят

ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилиниши; фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши; вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилиниши; адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши; электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шунингдек одил судловга эришишнинг илғор механизмларини кенгроқ жорий этиш орқали одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш[1] белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармонининг иккинчи уствор йўналишини қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш[2]га бағишланганлиги, ушбу устувор йўналиш йўл харитасида мазкур соҳадаги устувор

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, https://www.lex.uz/docs/3050491

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон, https://lex.uz/docs/3107036

вазифаларнинг амалга ошириш дастурининг ишлаб чиқилганлиги ҳам соҳадаги инқилобий ислоҳотларнинг давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Айнан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳам.

- Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш;

- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

- Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш;

- Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;

- Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш;

- Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга ажратилган[1] ва мазкур соҳаларда бажарилиши лозим бўлган вазифалар алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Мазкур фармонлар ижросини таъминлаш, яъни фармонда белгиланган Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш[2] мақсадида 2017 йил 6 апрелда судьялик лавозимларига муносиб номзодларни

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон, https://lex.uz/docs/3107036

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон, https://lex.uz/docs/3107036

танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш чораларини кўриш, судьяларни касбий тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек уларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш вазифаларини амалга оширувчи орган[1], Ўзбекистон Республикаси Судьялари олий кенгаши ташкил қилинди ва бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, 2018 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5482-сон Фармони билан суд ҳокимиятининг алоҳида мавқеи ва обрўсига, судьялар мустақиллиги принципларига, уларнинг касбий ўсишни янада рағбатлантиришга эришиш мақсадида Судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими ислоҳ қилинди[2], ойлик маошлари янада оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси “Судьялар олий кенгаши тўғрисида” қонуни, ЎРҚ-427-сон, 2017 йил 6 апрель, 6 модда, https://lex.uz/docs/3153668.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5482-сон Фармони 2018 йил 13 июль, https://lex.uz/docs/3822463

уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил қилинди[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли фармони[2] қабул қилинди.

Суд – ҳуқуқ соҳасида қабул қилинаётган мазкур қонун ва қонуности ҳужжатлар соҳани тубдан ислоҳ қилиш вазифасини бажармоқда.

Шунингдек, айнан суд тизимида иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлаш мақсадида яна қатор вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблайман.

Ҳозирги кунда амалиётда суд муҳокамасида суд тергови жараёнини видео ёки аудио ёзув ёрдамида ёзиб олинмаслиги

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “ Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4096-сон Қарори, 2019 йил 6 январь, https:// https://www.lex.uz/docs/4141425

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6034-сон Фармони 2020 йил 24 июль, https:// https://lex.uz/docs/4910826

оқибатида иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 455-моддаси талаблари, яъни суд ҳукмни фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди, суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозимлиги тўғрисидаги талабларига зид равишда, суд суд мажлиси баённомасига ва ҳукмга сўроқ қилинган шахсларнинг суд мажлисида кўрсатувлари эмас, аксинча уларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари кўчириб олиниб, айблов нуқтаи назари билан ишга ёндашиб, иш юзасидан суд терговида аниқланган ҳолатларга мувофиқ эмас, балки дастлабки терговнинг хулосаларига асосланиб асоссиз, ноқонуний ва адолатсиз ҳукм чиқараётган ҳолатлари жуда кўп учрамоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 106-моддасига кўра, сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин.[1]

Амалиётда суд муҳокамаси даврида суд терговини бошлашдан олдин суд терговида судланувчи, жабрланувчи (агар иштирок қилаётган бўлса) ва гувоҳларнинг кўрсатувларини суд мажлиси баённомасида аниқ ҳамда ўзгаришсиз акс эттирилишини таъминлаш, шунингдек бу орқали иш юзасидан чиқарилаётган якуний қарорнинг асосли, қонуний ва адолатли бўлишига эришиш мақсадида суд терговини видео ёки аудио

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон

ёзиб олиш мосламаси ёрдамида ёзиб борилишини таъминлаш тўғрисида ҳимоячи томонидан киритилган илтимосномалар деярли ҳар доим суд томонидан рад қилиниб келинмоқда.

Суд тергови жараёнини видео ёки аудио кузатув ёрдамида ёзиб борилмаслиги келгусида суд терговида сўроқ қилинган шасхларнинг кўрсатувларининг суд мажлисида баённомасида ўзгартирилганлиги ёки кўрсатувлари тўлиқ акс эттирилмаганлигини исботлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Жиноят процессида сўроқ қилиш жараёнини видео ёки аудио кузатув ёрдамида ёзиб олиниши мажбурлигини белгилашдан олдин, дастлабки тергов ва суд тергови жараёнини видео ёки аудио кузатув ёрдамида ёзиб олинмаслигини истисно қиладиган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим. Яъни шахснинг шаъни, қадр қиммати, шахсий ҳамда оилавий маълумотлари ёки сирлари билан боғлиқ бўлган ишлар, шунингдек давлат ва хизмат сири билан боғлиқ бўлган ишларни видео ёки аудио ёзувга қайд қилиш келгусида бошқа жиноятларга сабаб бўлиши ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолда айнан тарафларнинг илтимосномасига кўра суднинг асослантирилган ажрими билан ёзиб олинмаслиги белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган бўлиб, кодекснинг сўроқ қилиш жараёни ва натижаларини қайд этиш тўғрисидаги 106-моддасига айнан ўтган 26 йил давомида ушбу моддага умуман ўзгартириш ҳам қўшимча ҳам киритилмаган. Яъни ушбу модда талаблари бугунги кун давр талабларига жавоб бермаяпти, ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган даврда айнан сўроқ қилиш жараёнларида, шунингдек, ҳатто терговга қадар текширув даврида ҳам овозни ёзиб олиш ёки видеоёзув ёхуд кинотасвирга олиш орқали жиноят

процессида тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳозирги давр талаби бўлиши билан бир қаторда замонавий аудио ва видео ёзув ускуналарини жиноят процессида қўллаш орқали жиноят процесси босқичларини замон талабига мослаштириш вазифасини ҳам амалга оширади. Шунингдек жиноят процессида ошкоралик ва шаффофликни таъминлашда муҳим дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли, айнан иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлаш, жиноят процессининг барча босқичларида, хусусан терговга қадар текширув ва дастлабки терговда тергов сири ҳамда тергов усулларига дахл қилмаган ҳолда ва суд терговида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида Жиноят процессуал кодексининг 106-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф қиламиз.

“Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш ёки видео ёзув ёхуд кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши лозим. Шахснинг шаъни, қадр қиммати, шахсий ҳамда оилавий маълумотлари ёки сирлари билан боғлиқ бўлган ишлар, шунингдек давлат ва хизмат сири билан боғлиқ бўлган ишлар овозни ёзиб олиш ёки видеоёзув ёхуд кинотасвирга олиш тарафларнинг илтимосига кўра, суриштирувчи, терговчини ёки прокурорнинг асослантирилган қарори билан, суднинг асослантирилган ажрими билан тақиқланиши мумкин”.

Ушбу норманинг киритилиши, жиноят процессида тарафларнинг, жумладан, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини паймол бўлмаслигига, иш юзасидан қабул қилинаётган якуний қарорнинг асосли, қонуний ва адолатли бўлишини таъминлашга, тергов сири ҳамда тергов усулларига дахл қилмаган ҳолда терговга қадар текширув,

дастлабки терговда ва суд терговида ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлашга бу орқали коррупцияни олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур қонуний талабнинг киритилиши Жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят ишига нисбатан холис ёндашишга ва ишни адолатли кўришга мажбур қилувчи омил бўлиб хизмат қилади, таъмагирлик ҳамда бошқа коррупция ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади.

Бош прокуратура Академияси доценти Н.Азизов

Бош прокуратура Академияси таянч докторанти Д.Ибрагимов

Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши, айниқса, ушбу жараёнда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, вояга етмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган механизмлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– Меҳнат кодексининг 7-моддасига асосан мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади;

– Меҳнат кодексининг 241-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади;

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-1-моддасига асосан вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш учун, яъни вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган;

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси учинчи қисмида мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилса ва 51-моддаси иккинчи қисмида меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса ҳам оғирлаштирувчи жазо белгиланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди. Ушбу кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Касаба

уюшмалари федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2008 йилдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддасига асосан боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари белгиланган.

Ушбу қонунда бола - ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс деб таъриф берилган.

Унга кўра, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгалиги, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилиши, болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун - улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилиши белгиланган.

Шунингдек, давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлаши мустаҳкамланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатловчи қуйидаги ҳолатлар ҳам мавжуд:

– ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга (Конституциянинг 37-моддаси);

– ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилиши (Меҳнат кодекси (бундан кейин МК) 77-моддаси);

– иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши (МК 116, 242-моддалари);

– йиллик узайтирилган асосий таътиллар белгиланганлиги, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга - ўттиз календарь кун (МК 135-моддаси);

– асосий таътил ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади (МК 143-моддаси).

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 144, 192, 202, 203, 214-моддаси ва 239-247-1-моддаларида бир қатор бошқа кафолатлар ҳам кўзда тутилган.

Юқоридагиларга кўра, вояга етмаганларнинг меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини

кафолатловчи қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши жуда муҳим бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан ва маънавий жихатдан етук, ўз соҳасининг ҳақиқий эгаси бўлиб етишишида пойдевор вазифасини бажаради.

Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Ушбу кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди ва миллий қонунчилигимизда вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. (қаранг: МЖТКнинг 491-моддаси; Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 21 январда 2071-сон билан рўйхатга олинган, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қарори билан тасдиқланган “Вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича талаблар тўғрисида"ги Низом, Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 12 майда 1954-сон билан рўйхатга олинган, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қарори билан тасдиқланган “Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида”ги Низом; Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда 1990-сон билан рўйхатга олинган, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қарори билан тасдиқланган "Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати".

Вояга етмаганлар меҳнати муҳофазасига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши, айниқса уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишнинг алоҳида тартиби, муносиб меҳнат шароитларининг яратилиши, иш вақтининг белгиланиши ҳамда имтиёзлар тақдим этилиши юзасидан назорат тадбирлари тизимли равишда амалга ошириш долзарб вазифаси ҳисобланади. Шунингдек вояга етмаганларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш ёки уларни номақбул шароитли ишларга жалб этишнинг ҳар бир ҳолати бўйича тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда терговга қадар текширувлар ўтказиш муҳимдир.

Бундан ташқари, меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш, янги иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар ижроси, бу борадаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши аҳволи доимий равишда ўрганиб бориш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бу борада, текширишларнинг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилишини, текширишга тайёргарлик кўриш босқичида қонунийлик аҳволига баҳо бериш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида, тегишли давлат органлари ва муассасаларидан бир қатор маълумотларни талаб қилиб олиб, атрофлича таҳлил қилиш лозим бўлади.

Хусусан туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларидан белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар тўғрисида маълумот; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар тўғрисидаги маълумот; иш берувчилар томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган вояга етмаган ходимларнинг рўйхати (Ф.И.Ш., туғилган санаси ва мансаби кўрсатилган); МЖТКнинг 49 ва 51-моддаларининг вояга етмаганларга оид қисми бўйича муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлар тўғрисида маълумот; болалар меҳнати масалалари бўйича бандликнинг норасмий секторини ўрганиш бўйича маълумотлар; тегишли рўйхатга киритилган ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ташкилотларга оид маълумот; болаларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари бузилиши тўғрисида келиб тушган хабар ва мурожаатлар ҳамда уларга нисбатан билдирилган муносабатга оид маълумот олиш лозим.

Прокурорлар томонидан вояга етмаганлар меҳнатига оид ҳуқуқбузарликлар бўйича муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлар тўғрисида маълумотни ва вояга етмаганларнинг меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги

мурожаатлар ва уларни кўриб чиқиш натижаларини таҳлил қилиниши алоҳида аҳамиятга эга.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда нотинч ва эҳтиёжманд оилалардаги болалар аҳволи, қаерларда ишлаётганлиги тўғрисидаги, якка тартибдаги қурилиш, ҳунармандчилик соҳасида ва иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларида болаларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш ҳолатларини таҳлил қилиб бориш лозим.

Вояга етмаганларнинг бандлиги ва меҳнат муносабатларига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар қуидагилар ҳисобланади:

– вояга етмаганларни ишга қабул қилишнинг қонунийлиги;

– меҳнат дафтарчаси ўз вақтида очилганлиги ва тўлдириб борилганлиги;

– вояга етмаганлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонунийлиги;

– иш берувчи вояга етмаганларнинг бошқа ходимлар билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши, вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат шароитлари ва кафолатларини таъминлаши масалалари;

– ходимларни ишга қабул қилиш жараёнида буйруқ чиқариш учун асос сифатида меҳнат шартномаси кўрсатилганлиги;

– вояга етмаганни ишга қабул қилишни рад этиш ҳолатларининг қонунийлиги;

– вояга етмаганни ишга қабул қилиш вақтида керакли ҳужжатлар талаб қилиб олинганлиги;

– вояга етмаганлар қонун билан тақиқланган ишларга жалб қилинганлиги (ер ости, сув ости, хавфли баландликда ёки ёпиқ

муҳитда бажариш; хавфли механизмлар, асбоб ва ускуналар билан боғлиқ бўлган; хавфли буюмлар ёки жараёнлар, ҳарорат, шовқин ёки тўлқинланиш даражасининг юқори таъсирида вояга етмаганларнинг соғлиғига зарар етказишга олиб келадиган зарарли шароитлардаги; оғир меҳнат шароитларида бажариладиган (иш вақтининг давомийлиги узоқ бўлган, тунги ишлар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган); ўзининг хусусияти билан бундай тоифадаги ходимларнинг ахлоқ-одобига зарар етказадиган; белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтариши ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлар);

– иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланганлиги;

– ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетмаганлиги;

– ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланганлиги;

– корхоналарда ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланганлиги;

– ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилиши ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари масаласи;

– башарти таътил берилаётган йил, ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилнинг муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажи учун - ўттиз календарь кун ҳисобидан, ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажи учун эса - умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилганлиги;

– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тақиқланишига қарамай тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этилиши;

– ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилишига риоя этилганлиги;

– ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш уларнинг соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этиш ҳолатлари мавжудлиги;

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳақида маҳаллий меҳнат

органини хабардор қилиши шартлиги қоидасига риоя этилганлиги;

– иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилганлиги;

– белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шартлиги тўғрисидаги қоидага риоя этилганлиги;

– ишлаб чиқариш амалиётида вояга етмаганлар ва ўқув муассасаларининг ўқувчиларининг зарарли меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этилганлиги, хавфсиз меҳнат шароитлари яратилганлиги, йўл-йўриқлар бериш ва ишлаб чиқариш амалиётига техник раҳбарлик қилиш ташкиллаштирилганлиги, ишлаб чиқариш амалиёти даврида тегишли мутахассисликлар ва касблар ишчилари учун назарда тутилган махсус кийим-кечак, якка тартибдаги ҳимояланиш воситалари берилганлиги;

– оилавий тадбиркорликда оиланинг фақатгина ўн беш ёшга тўлган вояга етмаган аъзолари иштирок этаётганлиги;

– ўн олти ёшга тўлганда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкинлиги, ўн беш ёшга тўлган шахс ота-онасидан биттасининг (уларнинг ўрнини босувчи шахснинг) ёзма розилиги билан ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкинлиги;

– кинематография ташкилотларида, театрларда, томоша ва концерт ташкилотларида, циркларда ўн беш ёшга тўлмаган шахс

иштироки ва (ёки) ижро этиши уларнинг соғлиғи ва ахлоқий ривожланишига ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган ўқишдан бўш вақтларда васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги асосида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида ташкил этилганлиги ва бу ҳолатда шартнома вояга етмаганнинг номидан унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс томонидан имзоланганлиги;

– ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги лозимлиги;

– ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 кг дан оғир бўлмаслиги лозимлиги;

– жамоа шартномаларида ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахсларга нисбатан меҳнат қонунчилигида ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар ва қўшимча кафолатлар белгиланганлиги;

– иш берувчиларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги буйруқлари ва бошқа локал ҳужжатлари қонун ҳужжатларига мос келиши;

Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида:

– текшириш даврига қадар ёки ўтган йилда иш сўраб мурожат қилган вояга етмаганлар сони, қанчаси қаерларга жойлаштирилганлиги;

– туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларининг МЖТКнинг 49, 51, 229 ва бошқа моддалари бўйича маъмурий

ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш амалиёти тўғри ташкил этилганлиги;

– вояга етмаганларни ишга жойлаштириш аҳволи;

– вояга етмаганлар билан иш берувчилар ўртасида тузилган меҳнат шартномалари ва локал ҳужжатлар, иш берувчиларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги буйруқларининг қонун ҳужжатларига мос келиши тизимли равишда ўрганилганлиги;

– вояга етмаганлар меҳнати ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш ва уларга риоя этиш масалалари бўйича ходимлар ва иш берувчиларга, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига маслаҳат ва услубий ёрдам бериш, ишлаб чиқариш жараёнида жароҳат олиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир профилактика ишлари ўтказилганлиги;

– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ноқулай меҳнат шароитларида бажариладиган ишлар рўйхати ҳамда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар томонидан кўтариладиган ва ташиладиган оғирликнинг чекланган нормалари тўғри қўлланиши бўйича давлат назоратининг аҳволи;

– ходимларнинг муайян тоифалари (вояга етмаганлар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари талабалари) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат ҳуқуқлари ҳамда кафолатларига риоя этилишини назорат қилиш аҳволи;

– мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ва камситиш юзасидан аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича таъсир чоралари қўлланилганлиги ва уларнинг қонунийлиги;

– касб-ҳунарга қайта ўқитилган ва ўқитилаётган вояга етмаганлар, уларга тўланган маблағлар, ўқишни тамомлагандан кейинги ишга жойлаштирилиши аҳволи.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганлар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда бошқаларга нисбатан алоҳида ҳимояга муҳтож ҳисобланади. Шу боис, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли беқиёсдир.

Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси У.Х.Каримов

Бош прокуратура Академияси доценти Н.А.Азизов

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш масалалари

Прокурор фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги ҳолатлари бўйича ўз фаолиятини амалга оширишдаги ваколатлари қонунчиликда кенг тарзда баён этилган. Ваколатларни амалга оширишда прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш бўйича давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва бошқа идораларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига дахлдор бўлган ҳужжатларига нисбатан протест келтирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қонун ҳужжатлари талабларига эътиборсизлик билан қараш, фуқароларнинг мурожаатларини кўрмасдан қолдириш, улар

томонидан кўтарилаётган муаммолар юзасидан чоралар кўрмаслик ҳолатлари бўйича прокурорларнинг қарорлари ва тақдимномалари асосида тегишли мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиши, жиноий ишлар қўзғатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Прокурура тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига асосан прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб:

фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;

аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;

фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради;

ушбу Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги

ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан суриштирув ва тергов қилиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш, айбдор шахсларга нисбатан эса чора кўришдан иборатдир.

2. Фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқлари ташкилотлар ёки мансабдор шахс томонидан бузилганлиги тўғрисидаги ариза ва шикоятлар билан прокуратура органларига мурожаат этган ҳолларда уларни қонуний ҳал этиш чораларини кўриш.

3. Прокуратура органлари ўзларига юклатилган тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг фаолиятини мувофиқлаштира бориб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва уни профилактика қилишдан иборат вазифаларини адо этишлари бу, энг аввало, мамлакат фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деб англашилади.

4. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида кўрсатилганидек, прокуратура органлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар,

ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этишни таъминлаши лозим бўлади. Яъни бошқа ташкилотлар томонидан фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига доир қонунлар қай даражада бажарилаётганини назорат қилиб бориши, уларнинг қонунларга риоя этмасдан, фуқароларни ҳуқуқларига зарар етказаётган ҳоллар аниқланганда прокурор таъсир чоралари қўлланилади.

Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади. Шунингдек аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий норма сифатида белгиланган.

Конституциянинг 35-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Шунингдек, 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишларининг тартиби кенг ёритиб берилган. Ушбу Қонунга мувофиқ мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар

мурожаатларнинг турлари ҳисобланади. Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар берилган:

ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

электрон мурожаат – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

оммавий қабул — давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, прокуратура органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилмоқда. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади. Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий

қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ҳам ўтказилиши мумкин.

Фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи мамлакатда тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бу соҳада 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонини таъкидлаш жоиз. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича самарали механизмлари татбиқ этилишига, ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу Фармон асосида Президент девонида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида, республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Шу билан бирга Бош прокуратура тузилмасида Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси фаолият юритади. Прократура органларига электрон мурожаат қилиш усуллари ҳам жорий этилган.

Демак, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Шу билан Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик

шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари:

мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Мурожаатларни кўриб чиқиш ва ижобий ҳал этиш қонунчиликда белгиланган тегишли ҳуқуқий асослар, тартиб ва муддатларда амалга оширилади. Жумладан, ариза ёки шикоят

15 кун ичида, қўшимча ўрганиш, текшириш, ёки қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилган ҳолларда бир ойгача муддатда кўриб чиқилиши мумкин. Қонунчиликка мувофиқ, муддат тегишли давлат органининг раҳбари томонидан кўпи билан бир ой муддатга узайтирилиши назарда тутилган. Таклиф бир ойгача бўлган муддатда ўрганилиб, кўриб чиқилади. Ушбу тартиб-таомилларни ишлаб чиқишда халқ манфаатлари ҳисобга олинди.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, мурожаат қилишга оид мазкур конституциявий ҳуқуқдан ҳар бир шахснинг тенг фойдаланиш имконияти тўлиқ йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат ва жамият ҳаётига татбиқ этилди. Мурожаатлар билан ишлашнинг замонавий ўзбек моделини яратишга эришилди. Республикамизнинг барча ҳудудида мурожаатлар билан ишлаш бўйича тенг имкониятлар, очиқ ва шаффоф механизм ишламоқда. Амалга оширилаётган мазкур ишларни кучли фуқаролик жамиятига эришиш йўлидаги улкан қадам сифатида тушунишимиз лозим. Зеро, инсонларни мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқ билан таъминлаш демократик жамиятда олий қадрият сифатида эътироф этилади.

Прокурор фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради.

Прокурор ушбу Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Прокурор фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар

мавжуд бўлган тақдирда жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасига асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт. Жиноят ишини қўзғатиш учун шахсларнинг аризалари; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши; айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Прокурор ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлган ҳолатлар юзасидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг (янги таҳрири) 39-моддасидан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 275-моддасида маъмурий

жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш асослари кўрсатилган, яъни прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширар экан:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга;

иш материаллари билан танишиб чиқишга;

иш юритиш вақтида органлар (мансабдор шахслар)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишга;

ишни кўриб чиқишда қатнашишга;

ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида илтимосини баён этишга, хулосалар беришга;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланганлигини текширишга;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест келтиришга;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақлидир.

Масалан, биргина жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат

муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу ҳолатларда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳар қандай бузилган ҳолларда прокурор жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси А.А.Акбутаев

Жиноий активларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари

Халқаро характердаги, яъни трансмиллий жиноятларнинг турлари, улар томонидан етказилган зарарнинг кўлами нафақат бирор бир давлат, балки халқаро ҳамжамият учун хавфли бўлиб, «халқаро характердаги жиноятлар – халқаро шартномларда назарда тутилган, давлатлараро тинчлик муносабатларининг турли соҳаларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмиш»[1] ҳисобланади. Шундай экан, бугунги кунда давлатларнинг ривожланишини секинлаштираётган, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларига салбий таъсир кўрсатаётган,

[1] Д.Облакулов, И.Мустанов. Халқаро жиноят ҳуқуқи./Монография./ТДЮИ.-Тошкент, Адолат, 2013 йил,57-бет

инсоният учун катта хавф туғдириб келаётган трансмиллий жиноятлардан бири бу – коррупция билан боғлиқ жиноятлардир.[1]

Коррупцияга қарши Конвенцияга асосан «Коррупция – бу жамиятда турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради».[2]

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар орасидан ҳозирда ўзининг хавфи ва халқаро характерга эга бўлиб бориши билан жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш борасидаги жиноятларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Ноқонуний активларни легаллаштириш («пулларни ювиш») 1920 йилларда АҚШда жуда кенг тарқалиб, мафия[3] аъзолари ушбу усул орқали «қуруқ қонунлар» («сухой закон») амал қилганда, спиртли ичимликларни контрабанда йўли билан сотишдан орттирган пулларини қонуний бизнесга жалб қилиб, уларни легаллаштирганлар.[4]

---

[1] **Изоҳ:** БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси (UNCAC). БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли қарорига илова. III-боб, 15-26-моддаларида бевосита коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўз аксини топган.

[2] UNCAC. Муқаддима

[3] **Изоҳ:** жиноий ҳамжамият, XIX асрнинг иккинчи ярмида Италиянинг Сицилия оролида ташкил топиб, кейинчалик АҚШ ва бошқа иқтисодий ривожланган давлатларда ўзининг фаолиятини давом эттирган. Жиноий гуруҳларнинг уюшмасини («оила») ташкил этиб, ягона ташкилоти, тузилиши ва ўзини тутиш қоидаларига эга.

[4] В.А.Уткин. Международное право с преступностью: учебное пособие. Москва: ЮСТИЦИЯ, 2019. (Магистратура). 79-бет.

Изоҳ: «Пулларни ювиш» термини тарихдан ўз маъносида тўғри ишлатилиб келинган. XIX асрнинг охирида АҚШ доллари қоғозга эмас, балки ипак матога муҳрланган. Купюраларнинг кўп муомалада бўлиши, уларнинг кирланишига олиб келарди. Шундан сўнг банклар кир ювиш хоналари мавжуд бўлган меҳмонхоналар билан ушбу банкнотларни ювиш юзасидан шартномалар тузишган.

Мазкур жиноят терроризм, наркотикларни ноқонуний айланмаси, ноқонуний миграцияни ташкиллаштириш, контрабанда, ноқонуний қурол сотиш, одам савдоси ва шу каби трансмиллий уюшган жиноятлар билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш бўйича «ҳамкорликдаги» нормалар сифатида БМТнинг бир қатор конвенцияларида ўз аксини топган.[1]

Бир тарафдан умумий иқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлиши, иккинчи тарафдан ушбу муаммоларни келтириб чиқараётган трансмиллий характердаги сабабларнинг мавжудлиги, дунё ҳамжамиятини халқаро иқтисодий майдондаги интеграция жараёнларига «паразит» сифатида кириб келган ушбу криминал вазиятга қарши курашиш учун кучларни бирлаштириш зарурлигини тақозо қилди.[2]

Ривожланаётган давлатлар коррупция оқибатида ҳар йили 20-40 млрд. АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини йўқотадилар, бу пул маблағлари ушбу давлатларнинг ривожланиш мақсадлари учун ажратилаётган расмий ёрдамнинг 20-40% га тўғри келади[3].

«Мансабдор шахслар» - коррупционерлар асосан офшор зоналар, қалбаки компаниялар ва корпоратив тузилмалардан кенг фойдаланиб, мукаммал молиявия схемаларни қўллаган ҳолда, коррупция оқибатида ортирган бойликларини

---

[1] Ўша жойга қаранг.

[2] Международное уголовное право: учебник для бакалавриата и магистратуры / под общ. ред. А.В.Бриллиантова; отв.ред. А.А.Арямов, Г.А.Русанов. - М.:Издательство Юрайт, 2019. 250-бет.

[3] «World Bank, Stolen Asset Recovery (StAR) Initiative: Challenges, Opportunities, and Action Plan («Инициатива по обеспечению возврата похищенных активов: задачи, возможности и план действий» (Washington, DC 2007), 9.» – Руководство по возврату активов для специалистов-практиков/Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2012, (Серия «Библиотека Всемирного банка»), 13-бет.

легаллаштиришга ҳаракат қиладилар.[1] Глобаллашув жараёнларининг тезлашиб кетиши, техниканинг тараққий этиши маблағларни турли ҳил пул ўтказмалари (аккредетив, кредит ва дебит карталари, банкоматлар ва мобиль иловалар) орқали уяли телефон ёки компьютер клавиатураси тугмачасини босган ҳолда, бир зумда бошқа жойга кўчириш имконияти мавжуд бўлган бугунги кунда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг активларни қидириш ва уларни қайтариш билан боғлиқ фаолияти бир қанча ойлар ва йилларга чўзилиши кузатилмоқда.[2]

Бошқа давлатларнинг «суверните принципи», шунингдек ҳуқуқий одатлардаги, қонунчиликдаги, жараёнлардаги, тилдаги, вақтдаги ҳамда ресурслардаги фарқларнинг мавжудлиги ҳам ҳамкорликни секинлашишига ҳамда суриштирув, тергов, суд процесси ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.[3]

Халқаро тажрибада активларни жиноий йўли билан орттиришнинг ўғрилик ёки ноқонуний ўзлаштириш, талон-торож, фирибгарлик, алдаш, пора бериш, мансаб ваколатидан ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланиш, давлат хизматчиларини пора эвазига оғдириш, хизмат мавқеидан шахсий манфаатларда фойдаланиш, жиноий даромадларни легаллаштириш, яшириш, эгаллаш ёки улардан фойдаланиш, давлат харидлари қоидаларини бузиш каби усуллари мавжуд[4].

---

[1] Руководство по возврату активов для специалистов-практиков/Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2012, (Серия «Библиотека Всемирного банка»), 185-бет.

[2] Ўша жойга қаранг.

[3] Руководство по возврату активов для специалистов-практиков/Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2012, (Серия «Библиотека Всемирного банка»), 186-бет.

[4] Руководство по возврату активов для специалистов-практиков/Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2012, (Серия «Библиотека Всемирного банка»), 13-15 бетлар

KPMG аудиторлик компанияси томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, активларни ўзлаштириш корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкини талон-торож қилиш, оширилган нархларда харидлар амалга ошириш, компания харажатларини манипуляция орқали бошқариш, моддий бойликлар ва махсулотларни талон-торож қилиш, скимминг (банк пластик карточкалари орқали фирибгарлик) ҳамда ташқи аралашувлар орқали содир этиладиган ўғирликлар каби усулларидан фойдаланиб амалга оширилади. Ушбу ноқонуний ҳаракатларнинг содир этилишига асосан ички бошқарув тизимининг заифлиги ва назорат мавжуд эмаслиги, ходимларнинг ишга нисбатан ҳалол ва виждонан ёндашмаслиги каби омиллар сабаб бўлиши аниқланган.[1]

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни[2] ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.02.2011 йилдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 1-сонли Қарорида жиноий фаолиятдан олинган даромадлар тушунчасига таъриф берилган бўлиб, уларга асосан жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган

[1] Global Profiles of the Fraudster, KPMG International, 2016, https://home.kpmg

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, 3-моддаси

мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига[1] асосан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш деганда мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш тушунилади.

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш йўллари, усуллари, чоралар, механизмлар ва жавобгарлик масалалари ҳуқуқий асосларига тўхталадиган бўлсак, улар қуйидаги кўп томонлама халқаро ҳужжатларда ўз аксини топганлигини кўрамиз:

Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йилда қабул қилинган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка давлатлараро Конвенция;

Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йилда қабул қилинган Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенция;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йилда қабул қилинган халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенция;

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 243-модда

Европа Кенгаши вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йилда қабул қилинган «Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги ҳамда «Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенциялари;

Африка иттифоқига аъзо давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари томонидан 2003 йилда қабул қилинган Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга доир Африка иттифоқи Конвенция.[1]

Бундан ташқари, ноқонуний активларни легаллаштириш юқорида таъкидлаб ўтганимиздек турли хил трансмиллий уюшган жиноятлар билан узвий боғлиқ бўлиб, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг қуйидаги асосий халқаро ҳужжатлари билан тартибга солинади: «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция (1988 йил), Европа Иттифоқининг даги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисида»ги Конвенция (1990 йил, Страсбург), «Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги халқаро Конвенция (1999 йил), Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция (2000 йил), Коррупцияга қарши Конвенция (2003 йил).[2]

Ноқонуний активларни легаллаштиришга қарши курашиш, коррупцион жиноятларнинг олдини олиш ва глобал хавфсизлик масалалари билан бирга иқтисодий барқарорликни таъминлаш, шунингдек жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш бугунги кунда халқаро ҳамжамиятдаги асосий муаммолардан

[1] Ўша жойга қаранг.

[2] В.А.Уткин. Международное право с претупностью: учебное пособие. Москва: ЮСТИЦИЯ, 2019. (Магистратура). 79-бет.

бири, кенг қамровли илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда муҳокамалар мавзуси ҳисобланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Руководство по возврату активов для специалистов-практиков / Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2012, (Серия «Библиотека Всемирного банка»);

2. Д.Облакулов, И.Мустанов. Халқаро жиноят ҳуқуқи. / Монография. / ТДЮИ.-Тошкент, Адолат, 2013 йил;

3. Международное право с преступностью: учебное пособие. / В.А.Уткин. Москва: ЮСТИЦИЯ, 2019. (Магистратура);

4. Международное уголовное право: учебник для бакалавриата и магистратуры / под общ. ред. А.В.Бриллиантова; отв.ред. А.А.Арямов, Г.А.Русанов. - М.:Издательство Юрайт, 2019. 250-бет;

5. БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси (UNCAC). БМТ Бош Ассамблеясининг 31.10.2003 йилдаги 58/4-сонли қарорига илова.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;

2. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.02.2011 йилдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 1-сонли қарори.

III. Интернет ресурслар:
www.unodc.org
www.worldbank.org
www.star.worldbank.org
https://home.kpmg

Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси А.М.Ахмедов

Мажбурий меҳнат ҳамда уни олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари

Аннотация: мазкур мақолада мажбурий меҳнат тушунчаси, уни олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар, унга қарши курашишга салбий таъсир кўрсатаётган омиллар, соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини юзасидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: мажбурий меҳнат, ҳуқуқлар, мурожаат, текшириш, прокурор назорати.

Аннотация: в данной статье раскрываются вопросы определения понятия принудительный труд, принятых мер по его предупреждению, особенностей проблем противодействия принудительному труду, организации прокурорского надзора за исполнением законодательства в данной сфере.

Ключевые слова: государственные и общественные нужды, права, прокурорский надзор, акты прокурорского надзора, требование прокурора.

Abstract: this article reveals the definitions of the concept of forced labor, the measures taken to prevent it, the features of the problems of countering forced labor, the organization of prosecutorial supervision over the implementation of legislation in this area.

Keywords: state and public needs, rights, prosecutorial supervision, acts of prosecutorial supervision, requirement of the prosecutor.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришга доир аниқ ҳамда амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имижини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ва мазкур соҳадаги хорижий ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик учун етарли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш имконини берди, бу жаҳон ҳамжамияти, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг COVID-19 ва меҳнат соҳаси масалалари бўйича Глобал саммитида Ўзбекистоннинг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича салмоқли ютуқларга эришилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши самарали курашишга тўсқинлик қилаётган бир қатор салбий омиллар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, 2020 йилда ХМТ томонидан ўтказилган “Учинчи томон мониторинги”да маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, вазирлик, идораларнинг қуйи тузилмалари раҳбарлари ходимларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари учраётганлигини кўрсатди.

Шу сабабли қайд қилинган ҳолатлар масалага жиддий ёндашишни талаб этади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахсни меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатланган.

Шу билан бирга, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши қайд этилган.

Мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилда қабул қилинган “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенциясининг 2014 йилда тасдиқланган қўшимча баённомаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 25.06.2019 йилда ратификация қилинган.

Баённоманинг 2-моддасида мажбурий меҳнатни бартараф этиш мақсадида аъзо давлатлар томонидан бажарилиши лозим бўлган энг муҳим 2 та чора-тадбир белгиланган.

Жумладан, аҳолининг заиф ҳамда ҳимояга муҳтож қисмини мажбурий меҳнат қурбонларига айланишини олдини олиш мақсадида тушунчалар бериш;

иш берувчиларни мажбурий меҳнат иштирокчилари бўлмаслигини олдини олишдан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 7-моддасида мажбурий меҳнатни тақиқланиши қайд этилган.

Хусусан, мазкур нормага кўра, **мажбурий меҳнат** — яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

Қуйидаги ишлар, яъни ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.[1]

Шу билан бирга, ушбу кодекснинг 177-моддаси 2-қисмида, иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга ҳилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмаслиги қайд этилган.

Мажбурий меҳнатга жалб қилиш иш берувчи, давлат органи вакили ёки фуқаро томонидан содир этилади. Мажбурий меҳнат ҳолати бўйича - бир нечта фуқаро ва ходимлар мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси бўлиши мумкин.

Бунда, жабрланувчи ўз ихтиёрига ҳилоф равишда ўзининг хизмат вазифасига кирмайдиган ёки ҳақ тўланмайдиган иш ёки вазифаларни бажаради.

[1] Меҳнат кодекси. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон.

Мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг қуйидаги турлари кенг тарқалган:

– пахта териш ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига;

– ободонлаштириш ишларига;

– қурилиш, таъмирлаш ишларига;

– муассаса, ташкилот биноси ёки унинг ҳудудидаги тозалов ишларига;

– байрам, дам олиш кунлари ёки иш вақти тугаганидан сўнг ҳақ тўланмайдиган навбатчиликка жалб қилиш.

Умумхалқ ҳашари қуйидаги тартибда ўтказилганида мажбурий меҳнат ҳисобланмайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжати бўлганда:

– фақат ихтиёрий тарзда;

– фуқаро ишлайдиган ташкилот ҳудудида;

– меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига риоя қилган ҳолда;

– ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш мақсадида;

Қонун ҳужжатларига кўра, қуйидаги ҳудудларда ихтиёрий равишда ҳам ҳашарлар ўтказиш тақиқланади:

Автомобиль йўлларида, ҳаракатланиш тиғиз бўлган кўчаларда, сув объектларида, қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналарда, қурилиш майдонларида, бино ва иншоотлар томларида, хавфли ишлаб чиқариш объектларида, инсонларнинг ҳаётига ва соғлиғига хавф туғилиши мумкин бўлган жойларда.[1]

Мажбурий меҳнатни олдини олиш соҳасида кўрилган чоралар.

[1] Меҳнат кодекси. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон.

Прокурорлар томонидан 2020 йилда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳақида ҳокимлар, корхона, ташкилот ва муассаларнинг 2 400 нафар мансабдор шахслари расман огоҳлантирилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мажбурий меҳнатни олдини олиш бўйича аҳоли гавжум жойларга 1 200 та баннер ўрнатилди, аҳоли, корхона ва ташкилот ходимларига 950 мингта флаер, 10 мингта плакат, 20 мингдан зиёд мажбурий меҳнатдан огоҳ бўлиш ҳақидаги услубий қўлланмалар тарқатилди.

Шу билан бирга, журналист ва блогерлар иштирокида 40 та матбуот анжумани, 4 та брифинг, 5 785 та давра суҳбати ташкил этилди. Телевидение орқали 20 та ижтимоий ролик эфирга узатилди.

Ижтимоий тармоқларда 1 105 та хабар, босма нашрларда 172 та, веб-сайтларда 498 та мақолалар эълон қилинди.

Шунингдек, телевидение, радио ва ижтимоий тармоқларда 1 711 маротаба тарғибот ва тушунтириш тадбирлари амалга оширилган бўлсада, мажбурий меҳнатга барҳам берилмади.

Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси томонидан 2020 йилда мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича ўтказилган мониторинг ва текширишларда 106 та ҳолатда мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, 100 нафар шахсларнинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Шу каби, 6 нафар шахсларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун судларга юборилди.

Мажбурий меҳнатга йўл қўйиш ҳолатларининг 47 таси пахта теримига жалб қилиш билан боғлиқ бўлса, 59 та ҳолатда мансабдор шахслар ходимларни ўз хизмат вазифаларига

кирмайдиган ишларга жалб қилганлиги учун жавобгарликка тортилди.

Кўрилган чораларга қарамасдан мажбурий меҳнат ҳолатларини олдини олишга қуйидаги омиллар ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда:

ходимларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий саводхонлигининг етарли эмаслиги;

маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бюджет ташкилотлари ходимларини ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга мажбурий жалб қилиш шаклида меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларга йўл қўйилаётганлиги;

иш берувчиларнинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш орқали ходимларни ташкилот, муассаса ҳудудларини тозалаш, ободонлаштириш ишларига жалб қилинаётганлиги;

бюджет ташкилотлари ходимларини ўз хизмат вазифаларига кирмайдиган турли кўринишдаги *(аҳолини рўйхатга олиш ва бошқа)* тадбирларга мажбуран жалб қилиниши;

мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлиги ҳақида хабар берган ходимларга келгуси иш фаолиятида иш берувчи томонидан турли хил кўринишдаги тазйиқлар ўтказилиши;

фуқароларни умумхалқ хашарларига фақатгина ихтиёрий равишда жалб қилиш каби қонун талабларига риоя этилмаслиги;

ҳудудларда кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан мустақил равишда теримчиларни пахта йиғим-теримига ёллаш бўйича ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги;

пахта ҳосилини териб олиш жараёни терим машиналари билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги;

мажбурий меҳнатга бевосита қарши курашувчи давлат меҳнат инспекторлари сони етарли эмаслиги боис давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат органларининг, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлари қизғин даврда ходимларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этилиши бўйича фаолияти юзасидан етарли назорат олиб борилмаслиги;

мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларини исботлаш жараёнининг ўзига хос мураккаблиги, бунда ходимлар дастлабки берган тушунтиришидаги кўрсатмаларни турли тазйиқлар остида ўзгартириб юбориши;

мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган тарғибот-тушунтириш ишларини етарли эмаслиги;

мажбурий меҳнатга йўл қўйган айрим мансабдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланмасдан қолинаётганлиги.

Текширишларнинг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилишини ҳамда натижадорлигини таъминлаш мақсадида, текширишга тайёргарлик кўриш босқичида қонунийлик аҳволига баҳо бериш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида бир қатор давлат органлари ва муассасаларидан соҳага оид маълумотларни талаб қилиб олиб, атрофлича таҳлил қилиш лозим бўлади.

Текширишда бевосита прокуратура органлари билан биргаликда – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда молиявий назорат органларининг малакали мутахассислари иштирок этишлари мақсадга мувофиқ.

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари ижросини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг қуйи тизимида, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда текширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг тизимида:

вазирлик ва унинг қуйи тизимидаги органларга меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги билан боғлиқ келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқиш аҳволи;

вазирликнинг айнан, мажбурий меҳнат бўйича очилган “1176” қисқа рақамли ишонч телефонлари, “71 200 06 00” рақамли умумий мурожаатлар учун “Call-Center”ига келиб тушган мурожаатлар ва уларнинг ҳал этилиши;

вазирликнинг “www.dmi.mehnat.uz” интернет сайти, “mehnathuquqbot” телеграм канали орқали юборилган мурожаат ва хабарларнинг кўриб чиқилиши;

ижтимоий тармоқларда фуқароларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ эълон қилинган мақолалар ва улар бўйича кўрилган чораларнинг қонунийлиги;

фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда хорижий ноҳукумат ташкилотлар томонидан мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича билдирилган эътирозлар юзасидан амалга оширилган ишлар;

оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ эълон қилинган мақолаларга муносабат билдириб борилганлиги;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мажбурий меҳнат билан боғлиқ тақдим этилган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш аҳволи;

давлат меҳнат инспекторлари томонидан мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ўтказилган текшириш ва мониторинглар ҳамда уларнинг натижасига кўра қабул қилинган

қарорларнинг қонунийлиги ҳамда жарималарни ундириш чоралари кўрилганлиги;

давлат меҳнат инспекторлари томонидан мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатлар бўйича судларга ҳужжат юбориш тартибига риоя этилганлиги;

пахта теримига фуқароларни мажбурий жалб қилинишини олдини олиш мақсадида “Жамоат ишлари жамғармаси”дан ажратилган маблағларнинг сарфланишининг қонунийлиги;

мажбурий меҳнатни олдини олиш бўйича ўтказилган тарғибот тадбирлари ҳамда мазкур соҳа учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши;

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда тасдиқланган “Йўл харита” ва “Чора-тадбирлар”нинг ижроси;

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиянинг иш режаси ва унинг ижроси;

мажбурий меҳнатни олдини олиш бўйича халқаро ташкилотлар томонидан берилган тавсияларнинг кўриб чиқиш аҳволи;

қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органларида:

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда тасдиқланган “Йўл харита” ва “Чора-тадбирлар”нинг ижроси;

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссия фаолиятини Намунавий Низом асосида ташкил этилганлиги;

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссия қарорларининг ижроси;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг умумхалқ хашарларини ўтказиш бўйича қарор ва фармойишларининг қонунийлиги;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни ташкиллаштириш бўйича қарор ва фармойишларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

умумхалқ байрамлари, дам олиш кунларида ходимларни ҳақ тўланмайдиган навбатчиликка жалб қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий меҳнат билан боғлиқ мурожаатларининг кўриб чиқилишининг қонунийлиги;

мажбурий меҳнатни олдини олиш бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиб борилганлиги, бу борада ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги;

мажбурий меҳнатнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар;

муқаддам ўтказилган назорат тадбирлари натижасига аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан берилган кўрсатма ва тавсияларнинг ижроси.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда:

ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилганлиги;

умумхалқ хашарларини ўтказишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя этилаётганлиги;

ходимларнинг умумхалқ хашарларига ихтиёрий равишда жалб қилинганлиги;

корхона, ташкилот ва муассасаларида ходимларни қонунда

назарда тутилган ҳоллардан ташқари, бошқа ишларга жалб қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги;

умумхалқ байрамларида ходимларни ҳақ тўланмайдиган навбатчиликка жалб қилиш ҳолатлари;

корхона, ташкилот ва муассасаларида болалар меҳнатидан фойдаланишда қонун ҳужжатларига риоя қилинганлиги;

қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги;

ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини бузилиши билан боғлиқ масалаларнинг касаба уюшмаси қўмитасида кўриб чиқилиши ва натижаси бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш лозим.

Мажбурий меҳнатни олдини олиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини тизимли ташкил этиш, бу йўналишда назорат тадбирларини тўлақонли ва сифатли ўтказиш, жамоатчилик назоратини юксалтириш юқоридаги муаммоларни бартараф этиш имконини яратади.

Мажбурий меҳнатни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этилиши, ўз навбатида, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда мамлакатимизнинг ижобий имижини мустаҳкамлаш ҳамда халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга ёрдам беради.

Давлатимизнинг келгусида халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялашуви учун шароит яратади ҳамда Преференциялар умумий (бош) тизими доирасида Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бош прокуратура Академияси тингловчиси Я.А.Абдураҳмонов

Аҳолини иш билан таъминлаш ва бандликка кўмаклашиш масалаларининг қўлланилишида фуқароларимизнинг иш билан таъминланиш ҳуқуқи

Турли сабабларга кўра вақтинча ишсиз қолган ва меҳнат даромадидан маҳрум бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ҳамда уларга иш топишда кўмаклашиш меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатларидан саналади. Бозор муносабатлари тамойиллари асосида ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, иқтисодий ҳаётда нодавлат ишлаб чиқарувчиларнинг устун мавқеи ва мулкий мустақил эканликлари барча фуқароларни тўлиқ иш билан таъминлаш кафолатини беришга йўл қўймайди. Шу сабабли бундай жамиятда вақтинча ишсизлар қатламининг бўлиши объектив ҳол бўлиб, давлат бундай ҳолларда фуқароларга ишга жойлашишларида ёрдам кўрсатади, унинг иложи топилмай қолганда эса уларни моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон миқёсида авж олган шароитда кўпгина мамлакатларда ишсизлик даражаси ортиб, меҳнаткашлар моддий-турмуш даражасининг пасаяётганлиги кузатилмоқда. Баъзи мамлакатларда ишсизлар меҳнатга яроқли аҳолининг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Бизнинг мамлакатимизда юритилаётган оқилона ижтимоий ва иқтисодий сиёсат, амалга оширилаётган тадбирлар туфайли ишсизлар сони барқарор равишда меҳнатга яроқли аҳолининг 2,5-3,0 фоизидан кўп эмас.

Аҳоли бандлигига оид қонунчилик тизимимиз вақтинча ишидан ва меҳнат даромадидан маҳрум бўлиб қолган фуқароларни тезкорлик билан иш билан таъминлаш, унинг иложи топилмаганида эса қонунда назарда тутилган бошқа кафолатларни ўз вақтида таъминлаб беришга қаратилган. Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқи фуқароларга тегишлидир. Мажбурий меҳнат, яъни бирор-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди”.

Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга. Иш қидираётган ва меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар таъмин этиладиган иш турини, иш жойини ва меҳнат режимини эркин танлаш мақсадида касб-корга доир бепул маслаҳатлар олиш, касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтиш, малака ошириш ҳамда тегишли ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Биринчи навбатда, иш қидираётган ва ишсиз фуқаролар ҳақида фикр билдириб ўтамиз. Қуйидагилар иш қидираётган шахслар сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олиниши мумкин:

- ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, ўн олти ёшдан катта бўлган шахслар;

- ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши мумкин бўлган (меҳнат шартномаси келгусида бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган) шахслар;
- тиббий-меҳнат эксперт комиссияси хулосасига кўра меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга ногиронлиги бўлган шахслар;
- ёшидан қатъи назар, меҳнат фаолиятини қайта тикламоқчи (давом эттирмоқчи) бўлган пенсионерлар;
- иш жойини ёки касбини ўзгартиришни хоҳловчи шахслар;
- доимий иш жойига эга бўлишни хоҳловчи, бир марталик, вақтинча ва мавсумий ишларда банд бўлган шахслар;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ва қишлоқ хўжалигида мавсумий ишларда иштирок этишни хоҳловчи шахслар.

Ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларнинг бошқа тоифалари ҳам иш қидираётган шахслар сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олиниши мумкин.[1]

Кейинги навбатда эса иш қидираётган шахсларни рўйхатга олиш тартиби ҳақида фикр юритиб ўтамиз. Чунки фуқароларимизнинг иш билан таъминланиш ҳуқуқи ҳақида сўз борар экан ушбу масалаларга тўхталиб ўтишимиз лозимдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасига кўра, иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш:

– қишлоқ жойларда — маҳаллий меҳнат органининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор ҳудудига, иш қидираётган шахснинг яшаш жойидаги фуқаролар

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 03/21/681/0264-сон.

ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган ходими томонидан;

– агар иш қидираётган шахс маҳаллий меҳнат органи жойлашган аҳоли пункти ҳудудида яшаётган бўлса — ишсиз шахсларни ҳисобга олиш, ишга жойлаштириш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сектори ходими томонидан амалга оширилади.

Иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органи ходимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ва шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни;

– меҳнат дафтарчасини ёки меҳнат стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни, бундан биринчи марта иш қидираётган шахслар мустасно;

– маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг аслини ёки унинг кўчирма нусхасини (маълумот мавжуд бўлган тақдирда);

– касби ёки касбий малакаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни ёки унинг кўчирма нусхасини (касби ёки касбий малакаси мавжуд бўлган тақдирда);

– иш жойидан охирги ўн икки ой учун иш ҳақи (меҳнат даромади, пул таъминоти) тўғрисидаги маълумотномани — илгари ишлаган шахслар, шу жумладан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар учун.

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда сўровнома юбориши, шу жумладан электрон ҳужжат айланишидан фойдаланган ҳолда юбориши мумкин:

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига — тавсия этилаётган меҳнатнинг хусусияти ва шароитлари тўғрисида хулоса олиш учун (ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан);

соғлиқни сақлаш муассасаларига — тиббий хулосалар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун (соғлиғининг ҳолатига кўра меҳнат фаолиятида чекловлар мавжуд бўлган шахсларга нисбатан);

жазони ижро этиш муассасаларига — шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун (жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан);

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига — болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг кўчирма нусхаларини олиш учун (қарамоғида болалари бўлган шахсларга нисбатан);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига — боқимандалар мавжудлиги ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган нафақа ва пенсияларни олмаётганлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун (болаларидан ташқари бошқа боқимандалари бўлган шахсларга нисбатан).

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи мурожаат этган шахс ҳақиқатан фермер (деҳқон) хўжалиги аъзоси эканлиги тўғрисида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашидан ахборот сўраб олиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, давлат вақтинча банд бўлмаган ва ишга яроқли, меҳнат қилиш истагида бўлган фуқароларга ишга жойлашишларида кўмак кўрсатади. Иш билан таъминланиш

ҳуқуқига эса ҳар бир фуқаро эга бўлиши мумкин. Лекин давлат томонидан ушбу ҳуқуқни олиш учун эса фуқаро ишсиз деб эътироф этилиши керак.

Ушбу ўринда Ишсиз тушунчасига таъриф бериб ўтамиз. *Фикримизча, **ишсиз** - ўн олти ёшдан бошлаб, то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар.*

Ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи давлат органлари ишга жойлашишда кўмак сўраб мурожаат қилган фуқароларга мақбул келадиган иш таклиф қилишлари лозим. Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган иш, бундай ишни топиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда эса уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтинчалик иш мақбул келадиган иш ҳисобланади. Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соғлиғи ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш мақбул келадиган иш ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолларда иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас, агар:

–иш яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса;

–таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатидан қулай бўлмаса; Иш жойининг

транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини (йўл қўйилиши мумкин бўлган узоқликни) мазкур жойда жамоат транспорти тармоғининг ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органи аниқлайди;

–таклиф этилган ишда иш ҳақи шу мутахассислик ва малака учун белгиланган тартибда аниқланадиган энг кам миқдордан оз бўлса;

–ишни рад этиш узрли сабаблар билан асосланган бўлса.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларига иш топишда ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 октябрда 831-тартиб рақами билан рўйхатга олинган “Фуқароларни меҳнат органларида рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақаси тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига кўра ҳисобга олинадилар[1].

Мазкур Низомга кўра ишсиз (меҳнат даромадига эга бўлмаган) фуқаролар, шунингдек иш билан банд шахслар ҳам (иш жойи, касбини ўзгартирмоқчи бўлган шахслар) ишга жойлашишда кўмакдан фойдаланиш, бепул ахборот ва маслаҳатлар олиш, қонунда назарда тутилган кафолатларга ҳақли бўладилар. Бандликка кўмаклашиш марказлари фуқароларга бепул ахборот-маслаҳат, ишга жойлаштириш, касбий ва қайта тайёргарлик, малака ошириш ҳамда ижтимоий хизматларни кўрсатадилар.

Бундай хизматлардан фойдаланишнинг шарти бўлиб фуқаронинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш учун ўзлари доимий яшаб турган ҳудуддаги бандликка кўмаклашиш

[1] Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив- ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисидаги Ахборотнома. 1999. № 19.

марказига мурожаат қилиши ҳисобланади. Фуқаролар ўзлари истаган Бандликка кўмаклашиш марказига маслаҳат сўраб мурожаат қилишлари мумкин ва бунда ёш ёки бошқа чекловлар жорий қилинмайди.

Ишга жойлашишда кўмак сўраб 16 ёшдан бошлаб пенсияга чиқиш ҳуқуқни қўлга киритгунча бўлган ёшдаги шахслар ўзлари доимий яшаб турган ёки бириктирилган Бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилишлари мумкин. Бундай фуқаролар тоифасига ишсиз (меҳнат даромадсиз) қолган фуқаролар, меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 98 ва 100 - моддаларида назарда тутилган асосларга кўра ёзма огоҳлантиилган шахслар, ТМЭК (Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси) тавсиясига кўра меҳнат қилишлари мумкин бўлган ногирон фуқаролар, ёшидан қатъи назар, пенсионерлар, иш жойи (касби)ни ўзгартириш истагида бўлган фуқаролар, бошқа тоифадаги фуқаролар киритиладилар.

Иш билан таъминланиш ҳуқуқи фикр юритар эканмиз, ишга жойлашишда кўмак сўраб мурожаат қилган фуқаролар қандай ҳужжатлар тақдим этиши ҳақида тўҳталиб ўтмоқчимиз. Ушбу вазиятда фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

– паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат;

– меҳнат стажини тасдиқловчи меҳнат дафтарчаси ёхуд бошқа ҳужжат;

– белгиланган тартибда гувоҳлантирилган маълумоти (касби) ҳақидаги ҳужжат нусхаси;

– иш ҳақи миқдори тўғрисидаги ҳужжат;

– ногиронлар ишлашлари мумкин бўлган ишлар ҳақидаги ТМЭК тавсиясини;

– болалари ва қарамоғидаги шахслар ҳақидаги маълумотнома;

– жазони ўтаб чиққанлар учун тегишли ҳужжат;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар .

Бандликка кўмаклашиш маркази иш ахтарувчи сифатида рўйхатга олинган фуқарога мақбул келадиган ишни 10 кундан кечикмасдан таклиф қилиши лозим ва иш сўраб келган фуқаро маъқул келадиган ишни иккинчи марта рад этишга ҳақли эмас ва акс ҳолда у иш ахтарувчилар рўйхатидан чиқарилади. Мақбул келадиган иш таклиф қилинмаган фуқаро 11 кундан кечикмасдан Бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғи буйруғи билан ишсиз шахс деб эътироф қилиниши ва унга мурожаат қилган кунидан бошлаб ишсизлик нафақаси тайинланиши лозим бўлади.

Белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган шахслар ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга. Ишсизлик нафақасини тўлаш ишсиз шахснинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ишсизлик нафақасига солиқ солинмайди. Ишсизлик нафақаси ишсиз деб тан олинган шахсга у маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган биринчи кундан эътиборан ҳисобланади ва тўланади. Ишсизлик нафақаси ўн икки ойлик давр ичида кўпи билан йигирма олти календарь ҳафта давомида тўланади.

Жорий ойда ишсизлик нафақасини тўлаш ўтган ой учун амалга оширилади. Тўлиқ бўлмаган календарь ой учун ишсизлик нафақасини тўлаш чоғида ишсизлик нафақаси мазкур нафақа тўланиши керак бўлган ушбу календарь ойдаги кунлар сонининг тўлиқ календарь ойдаги кунлар сонига мутаносиб миқдорда тўланади.

Ишсизлик нафақасини олиш даврида ишсиз шахс касал бўлган тақдирда ишсизлик нафақасини ишсиз шахснинг қариндошлари (отаси, онаси, эри (хотини), вояга етган болалари) ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ишсиз шахснинг бошқа ишончли шахслари томонидан олишга йўл қўйилади.

Ўз меҳнат стажини ҳужжат билан тасдиқлаш имкониятига эга бўлмаган шахсларга ишсизлик нафақасини тайинлаш чоғида уларга илгари ишламаганлар ва биринчи марта иш қидираётганлар сифатида қаралади. Ишсизлик нафақасини олиш даврида ишсиз шахс иш қидириши ва ишга жойлаштиришга доир йўлланма (ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома) ёхуд касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малакасини оширишга йўлланма олиш учун икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органига мурожаат қилиши шарт.

Ишсизлик нафақаси ишсиз шахснинг аввалги иш жойидаги охирги бир йилдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоизда белгиланади. Бошқа ҳолларда ишсизлик нафақаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан фоизда белгиланади.

Ишсизлик нафақалари қуйидаги миқдорларда тўланади:

– ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) сўнгги ўн икки ойлик давр ичида маҳрум бўлган шахсларга — аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлмаган ва нафақани ҳисоблаш пайтида Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

– ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ҳамда узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин

меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга — меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида;

– илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсларга — меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг камида етмиш беш фоизи миқдорида.

Ҳарбий хизматдан, ички ишлар органларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардияси органларидан ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралардан бўшатилиши муносабати билан иш ҳақидан маҳрум бўлган шахслар ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган шартлар асосида ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ошганда ишсизлик нафақасининг миқдори ошириш коэффициентига тенг миқдорда кўпаяди.[1]

Ҳар ой учун (шу жумладан ишсизлик нафақаси тўланадиган тўлиқсиз ойлар учун) ишсизлик нафақаси миқдори тўғрисидаги маълумотлар «Бандлик хизмати» ахборот тизимида акс эттирилади.

Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Ишсиз шахс узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда маҳаллий меҳнат органига келмаган тақдирда ишсизлик нафақасини тўлаш уч ойгача муддатга тўхтатиб қўйилиши ёки нафақанинг миқдори камайтирилиши мумкин.

Ходим томонидан айбли ҳаракатлар содир этилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда

1

(100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари), ишсизлик нафақаси уч ойгача тўланмаслиги ёки нафақанинг миқдори камайтирилиши мумкин. Ишсизлик нафақасини тўлашнинг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан ишсизлик нафақасини олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ишсиз фуқароларга иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан ёки маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ёки маҳаллий бюджетлар маблағларидан ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатиш тартиби, миқдори ва шартлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади[1].

Ишсизлик нафақаси миқдори ҳақида сўз юритилганида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1988 йилги “Иш билан бандликка кўмаклашиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 168-сонли конвенциясига кўра унинг миқдори ишсиз шахснинг охирги даврдаги иш ҳақи 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозимлиги белгиланган ва Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган нафақа миқдори ушбу халқаро ҳужжат талабларига мос келиши қайд этилмоғи ўринли.

Ишсизлик нафақаси миқдорини белгилаш чоғида унинг миқдори катта бўлса, бу ҳол ишсиз шахсни иш топишга рағбатлантирмаслиги ва нафақани узоқроқ муддат олишга

[1] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 ноябрда 548-сон билан рўйхатга олинган “Ишсиз фуқароларга бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш, шартлари, моддий ёрдам миқдори ва ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом”. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив ҳуқуқий ҳужжатлари Ахборотномаси. – 1998 – № 22.

ҳаракат қилиши, унинг миқдори ҳаддан ташқари кам бўлса, бу ҳолда ишсиз шахс бандликка кўмаклашиш органларига мурожаат қилмасдан норасмий меҳнат муносабатларини давом эттиришлари, натижада яширин ишсизлик юзага келиши ва бу вақти келганда қўшимча муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Ишсиз деб топилган фуқароларга бериладиган бошқа ижтимоий кафолатлар белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф қилинган шахсларга иш топишда кўмаклашиш ва ишсизлик нафақаси тайинлашдан ташқари бошқа қўшимча кафолатлар ҳам берилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлиб улар жумласига қуйидагилар киради:

– ишсиз шахсларни янги касбга ўқитиш, малакасини ошириш;

– ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш;

– тегишли ҳолларда уларга муддатидан авввал пенсия тайинлаш;

– бошқа ҳудуддаги ишга уларнинг розиликлари билан кўчириш;

– хусусий бизнесини ёки ўзини-ўзи иш билан таъминлашнинг бошқа шаклларини ўзлаштириши учун кўмак бериш;

– тегишли ҳолларда белгиланган тартибда хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишига кўмаклашиш.

Ишсиз шахсни янги касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш чоғидаги кафолатлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 июлда 762-тартиб рақами билан рўйхатга олинган “Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги Низом”да қайд этилишича, бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга

тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тўла ва самарали иш билан таъминлашга кўмаклашувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида қаралади.

Янги иқтисодий-ижтимоий шароитда кадрлардан юксак савия, ижодий ташаббус, замонавий иқтисодий фикрлаш, ишнинг янги услуб ва кўникмаларини эгаллаш талаб қилинади [1].

Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимига:

– ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг барча турлари ва шакллари бўйича касбий таълимни ташкил қиладиган ҳудудий меҳнат органларининг жойлардаги ўқув марказлари;

– касб-ҳунар коллежлари;

– корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўқув бўлинмалари;

– малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (академик лицейлар) қошидаги ўқув муассасалари;

– таълимни ташкил этиш хусусида рухсатномаси бўлган тижорат ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, уюшмалар;

– шогирдларга касб ўргатиш имкониятларига эга бўлган “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо бўлган тадбиркор халқ усталарининг мактаблари киради.

Ишсиз шахс зарур касб малакасига эга бўлмаганлиги туфайли унга мақбул келадиган иш танлаш мумкин бўлмаса; ишсиз шахснинг касб кўникмаларига мос келадиган иш йўқлиги сабабли унинг касбини (мутахассислигини, машғулот турини) ўзгартириш зарур бўлса; ишсиз шахс касбга боғлиқ бўлган

[1] Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив ҳуқуқий ҳужжатлари Ахборотномаси. 1999. № 13.

касаллиги туфайли, узоқ танаффусдан кейин ишлаб чиқаришда янги технологиялар жорий қилиниши муносабати билан аввалги касби бўйича иш бажариш қобилиятини йўқотган бўлса, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш амалга оширилади.

Корхоналарнинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши, ходимлар сонининг қисқартирилиши туфайли бўшатилаётган ходимларнинг касбий таълими, уларнинг хоҳишига мувофиқ, тизимнинг исталган ўқув базасида ташкил қилиниши мумкин

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга муҳтож бўлган фуқароларга мазкур органларнинг мутахассислари томонидан касб танлаш ва касбий таълим олиш имкониятларига доир бепул маслаҳатлар берилади.

Меҳнат органларига мурожаат қилган шахсларга касбий маслаҳатлар, асосан, меҳнат бозорининг талабларини-ишчи ходимлардан юксак савия, ижодий ташаббус, замонавий иқтисодий фикрлаш, ишнинг янги услуб ва кўникмаларини эгаллаш талабларини қўйган ҳолда, якка тартибда суҳбатлар ўтказиш, ижтимоий, психологик ва бошқа синаб кўриш (тест) усулларидан фойдаланиб тегишли касбга тайёрлашга доир ҳужжатларни, меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ва бошқаларни ўрганиш, ҳар бир шахснинг соғлиғи, касбий қизиқиши, қобилияти, шахсий хусусиятлари унга тавсия қилинган ёки ўзи танланган касбнинг хусусиятларига, таълим шакли ва ўрнига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида берилади.

Касбий маслаҳат бериш орқали ёрдам кўрсатишда айрим аҳоли гуруҳларига: ногиронлар, болали аёлларга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Бу ҳолда ушбу тоифадаги

шахсларни уларнинг касбий таълимидан кейинги мақбул меҳнат фаолиятига йўллашда ҳудудий хусусиятларни ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Касбий маслаҳат олиш юзасидан мурожаат қилган шахсларга мақбул келиши мумкин бўлган бир нечта касб, меҳнат фаолияти, касбга ўқитиш тури, ўрни ва муддатлари бўйича вариантлар таклиф қилинади. Мазкур шахслар ана шулардан ўзлари учун энг мақбулини танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишсиз шахслар жумласидан фуқароларни касбга тайёрлаш муддати, одатда, 6 ойдан ошмаслиги шарт.

Меҳнат органлари томонидан касбга тайёрлаш учун юборилган ва ўқишни якунлаган фуқароларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувлар амалдаги қонунчилик томонидан белгиланган тартибда киритилади. Бу ҳолда кўрсатилган таълим олиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш учун маблағ харажатлари сметаси жорий тартибда меҳнат органлари томонидан тасдиқланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги 353-сонли қарори билан тасдиқланган “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида”ги[1] Низомга кўра бундай ишлар ташкил қилинади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари деганда, ҳаммабоп, одатда белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар учун уларнинг махсус дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган меҳнат фаолиятининг вақтинча турлари тушунилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1999. № 7. 40-модда.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари меҳнат органларининг таклифи бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш учун иқтисодиёт тармоқларини ва аниқ корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни белгилайдилар. Ўзларига бўйсунувчи корхоналарда, муассасалар ҳамда ташкилотларда ва шартномалар бўйича бошқа корхоналарда ҳақ тўланадиган жамоат ишлари амалга оширилишини ташкил этадилар. Авариялар, табиий офатлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳодисаларнинг оқибатларини тугатиш зарурияти билан боғлиқ бўлган фаолият турларини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига киритишга йўл қўйилмайди.Ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар, шунингдек меҳнат органларида иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган шахслар меҳнат органлари йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашадилар. Ишсиз хавфли, зарарли ва оғир иш шароитлари билан боғлиқ ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашишни рад этганда унга бошқа ҳақ тўланадиган жамоат иши берилади. Ишсиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашган даврда унга ишсизлик бўйича нафақа тўланмайди ва жамоат ишларида қатнашиш тугаган кундан бошлаб қайта тикланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашадиган шахслар билан иш берувчи маълум муддатга, бироқ камида икки ҳафта муддатга унинг муддатини узайтириш ҳуқуқи билан меҳнат шартномаси тузади. Иш берувчи шартнома муддатини узайтиришни рад этган ҳолларда, меҳнат органи ишсизга жамоат ишларида қатнашиш учун бошқа иш жойи беради.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажариш бўйича шартнома муносабатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган меҳнат шартномаси асосида амалга

оширилади. Ихтиёрийлик асосида бригадаларга бирлашган фуқаролар томонидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг комплексини ёки алоҳида турларини амалга оширишда шартномада томонларнинг мажбуриятлари, ишнинг ҳажми ва бажариш муддатлари, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш шакллари назарда тутилади.

Ҳақ тўланадиган ишларни бажариш учун юборилган шахсларга корхоналарда амалда бўлган ставкалар ва лавозим маошлари (ишбай нархлар)дан келиб чиққан ҳолда, амалда бажарилган иш учун, аммо қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, амалда ишланган вақт учун ишсизлик бўйича нафақа миқдори 15 фоизга кўпайтирилгандан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Агар ишсизни бажарилаётган ҳақ тўланадиган жамоат иши қаноатлантирса, унда у иш берувчи билан келишган ҳолда бундай ишни доимий асосда бажаришга розилик бериши мумкин, меҳнат органи эса унга бу доимий мос келадиган иш деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолларда ушбу шахс билан илгари тузилган меҳнат шартномаси янги меҳнат шароитлари кўрсатилган ҳолда қайта тузилиши керак.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилишда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиниши, бундай ишларни бажариш учун меҳнат шартномаси тузган фуқаролар меҳнатидан самарали фойдаланилиши учун масъулият корхонага юкланади.

Хавфли, зарарли ва оғир меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган ҳақ тўланадиган жамоат ишига юборилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтишлари керак.

Фуқароларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашган даври тўғрисида иш берувчи томонидан уларнинг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув ёзилади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашган давр меҳнат стажига қўшилади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашаётган фуқаролар пенсия таъминоти ва вақтинча ишга яроқсизлиги бўйича нафақа олиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Ишсизнинг жамоат ишларида қатнашган даври учун суғурта бадаллари иш берувчи томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини маблағ билан таъминлаш иш берувчилар томонидан ўз маблағлари, шунингдек маҳаллий бюджет ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган, меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларга иш ҳақи тўлаш ҳаражатлари тўлиқ Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади[1].

Ишсиз деб тан олинган фуқароларни муддатидан аввал ёшга доир пенсияга чиқариш. Муддатидан олдин ёшга доир пенсия технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг

[1] Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиб Бандликка кўмаклашиш Марказлари томонидан ишсиз деб эътироф қилинган фуқароларни жалб этиш Қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 26 августда 1166-сон билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси. 2002. № 15-16.

қисқарганлиги, ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи маркази (бундан кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашувчи марказ деб юритилади) томонидан белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган, пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин (қонун ҳужжатларида белгиланган умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш муддатидан икки йил олдин) пенсия тайинланади.(эркакларга камида 25 йиллик меҳнат стажи билан 58 ёшдан бошлаб, аёлларга камида 20 йиллик меҳнат стажи билан 53 ёшдан бошлаб).

Муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлаш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 1999 йил 7 январда 588-сон билан рўйхатга олинган “Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома[1] билан белгилаб қўйилган.

Ишсиз деб эътироф этилиб, муддатидан олдин пенсия тайинлаш учун тақдим этилган фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинланмайди. Агар фуқаронинг муддатидан олдин пенсия олиш ҳуқуқи ишсизлик нафақасини олиб турган вақтда вужудга келса, ишсизлик нафақаси тўлови тўхтатилади.

Ишдан озод этилган шахслар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан сўнг ўн кун ичида ўзларининг яшаш жойидаги бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи шахс сифатида

[1] Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси. – 1999. – № 1, – 2010 № 33. 287-модда

мурожаат қилсалар, Бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари бундай шахсларга уч ой муддат ичида, агарда улар ўн календарь кундан кейин мурожаат қилсалар, ўн кун муддат ичида мақбул келадиган ишни топишда ёрдам беришлари керак.

Агар иш қидирувчи шахсларга бандликка кўмаклашиш маркази томонидан кўрсатиб ўтилган муддатлар ичида икки марта мақбул келадиган иш таклиф қилинмаса, бундай ҳолда улар бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ишсиз деб эътироф этиладилар.

Бандликка кўмаклашиш маркази ишсиз деб эътироф этилган ва муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга тақдимнома тайёрлайди ва 5 кун муддат ичида тегишли туман (шаҳар) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига топширади.

Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан берилган тақдимнома бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлашга асос бўлиб ҳисобланади. Муддатидан олдин пенсия миқдори “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартиб асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлаш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Муддатидан олдин тайинланган пенсиялар ишламайдиган фуқароларга тўланади. Бундай пенсияни олаётган фуқаролар умумий асосларда пенсия олиш ёшига (эркаклар 60 ёшга, аёллар 55 ёшга) етгунга қадар ишга кирган ҳолларда муддатидан олдин пенсия тўлаш тўхтатилади. Муддатидан олдин пенсия олаётган фуқаро умумий асосларда

пенсия олиш ёшига етганда пенсия тўлови умумий асосларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бош прокуратура Академияси Магистратура бўлими тингловчиси Ф.А.Назаров

Прокурорларнинг мустақиллик тамойили: миллий амалиёт ва хорижий тажриба

Аннотация. Ушбу мақолада хорижий тажриба таҳлили асосида прокуратура органларида мустақиллик тамойилининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Аннотация. В этой статье обсуждены роль и значение принципа независимости прокуроров на основе анализа зарубежного опыта и внесены предложения по устранению существующих проблем в данной сфере

Annotation. In this article discussed the role and importance of the principle of independence of prosecutors and presented proposals to eliminate existing problems in this area.

Калит сўзлар: жиноят, конституция, коррупция, мамлакат, мустақиллик тамойили, прокуратура, прокурор, суд, тамойил, тергов, хорижий тажриба, юрисдикция.

Ключевые слова: зарубежный опыт, конституция, коррупция, принцип, принцип независимости, преступление, прокуратура, прокурор, следствие, суд, юрисдикция.

Keywords: prosecutor's office, prosecutor, principle, the principle of independence, crime, investigation, corruption, constitution, court, jurisdiction.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини амалга ошириш вазифаси юклатилган махсус ваколатли давлат органидир.

Давлат бошқаруви тизимида бу орган алоҳида муҳим ўрин тутади. Қонун прокурорларга масъулиятли функцияларини самарали бажаришлари учун муайян ваколат ва ҳуқуқий мақом берган.

Чунончи, Конституциямизнинг 120-моддасида **прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширишлари** мустаҳкамлаб қўйилган. [1]

Ушбу конституциявий норма 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида ҳам ўз аксини топган.

Мазкур моддада ҳам прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар, прокуратура органларининг фаолиятига аралашиш тақиқланади деб кўрсатилган[2].

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь.

[2] Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, 2001 йил 29 август.

Бугунги кунда, миллий қонунчиликка мувофиқ, қуйидаги хусусиятлар Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг мустақиллигини ифодаловчи жиҳатлардир.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида прокуратура давлат ҳокимиятининг бирор-бир тармоғига кирмайди. Жумладан, Бош прокурор ҳукумат аъзоси эмас ва бу бевосита унинг ижро этувчи субъект эмаслигини англатади.

Иккинчидан, Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, тизимнинг айрим тармоқ раҳбарлари фақатгина мамлакат Президенти томонидан тайинланади. Мустақиллик тамойилининг барқарорлиги ҳам бевосита тайинлов масаласига ҳам боғлиқдир.

Учинчидан, Бош прокурор фақатгина мамлакат Президенти ва Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдордир. Ҳисобдорлик масаласи мустақиллик тамойилининг энг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Мустақиллик тамойилининг негизида оз бўлсада ҳисобдорлик масаласи ҳам бор бўлиб, бу ҳуқуқий жамиятнинг ажралмас қонуниятидир. Бунда асосий муаммо ҳисобдорликнинг кимга қаратилганлигидадир.

Агар ҳисобдорлик унга ваколат берган субъект олдида бўлса, бу нормал ҳолат ҳисобланади. Масалан, халқ-бу билвосита ваколат берган субъект деб қаралса, халқ манфаатларини ўзида акс эттирувчи Олий Мажлис Сенати ва Президент институтлари ҳисобдорлик субъекти бўлиши табиий ҳолдир.

Тўртинчидан, Бош прокурор қонунчилик ташаббусига эга бўлиб, мазкур ваколат прокуратура органларига қонунчилик жараёнида иштирок этишини таъминлайди. Бу ваколат мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида мустақил иштирок

этиш имкониятини беради. Бу прокуратура органларига нисбатан мустақилликни намоён этади.

Прокурорлар мустақиллиги тамойилининг моҳияти шундан иборатки, улар функционал қарорлар ва ҳаракатларни фақат қонунчилик, ички ишонч, тўлиқлик, ҳар томонлама ва холислик талабларига мувофиқ ўтказилган текширув материаллари асосида қабул қиладилар ва амалга оширадилар.

Хўш, прокурорларнинг мустақиллиги тамойили бугунги кунда чет эл давлатларида қандай тартибга солинган?!

Ушбу саволларга жавоб топиш учун хорижий мамлакатларнинг прокуратура органлари фаолиятига, улардаги мустақилликнинг роли ва аҳамиятини таҳлил қилсак.

Прокуратура органлари фаолияти бутун дунёда бир нечта моделлар билан тавсифланади. Шу билан бирга, моделдан қатъи назар, прокуратура мустақиллиги ва унинг ҳар қандай ортиқча босим ёки аралашувдан ҳоли бўлиши муҳим масала ҳисобланади.

Илмий адабиётларда прокуратура давлат бошқаруви тизимидаги ўрни, ташкилий бўйсунуви, қайси давлат органи таркибига кириши мезонларига кўра, **тўртта гуруҳга** ажратилган[1].

Биринчи гуруҳ – прокуратура Адлия вазирлигининг таркибига кирувчи мамлакатлардир. Ушбу мамлакатлар гуруҳига Польша, АҚШ, Франция, Бельгия, Голландия, Дания, Руминия, Италия, Исроил, Германия, Япония, Эстония, Сурия ва бошқалар киради. Юқоридаги мамлакатларнинг аксариятида прокуратура судларда фаолият юритади.

[1] П.П.Корчинский “Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно правовой анализ”, Симферепол, 2020

Италия ва Руминияда прокурорлар судларда шаклланган суднинг бир қисми сифатида иерархик равишда ташкил этилган тизим бўлиб, Адлия вазири раислигида, яъни ижро этувчи ҳокимиятга бўйсунади.

Польша прокуратураси эса, 2010 йил 31 мартгача Адлия вазирлиги тизимига кирган ва Бош прокурорнинг ваколатларини Адлия вазири амалга оширган.

Бироқ, 2009 йил 9 мартда қабул қилиниб, 2010 йил 31 мартда кучга кирган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга биноан прокуратура Адлия вазирлиги тизимидан чиқариб ташланган ва Бош прокурор лавозими жорий этилган.

Польша қонунчилиги прокурор мақомининг дуалистик хусусиятини белгилайди, у Бош прокурор ва Адлия вазири (адолат) вазифаларини бирлаштиради.

Польша прокуратураси **мустақил давлат идораси** бўлиб, унинг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятларни таъқиб қилишдан иборатдир. Прокурорнинг ваколатлари судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик, маъмурий, жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида қонунийликни назорат қилиш, вақтинча ушлаб туриш ва озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги бошқа қарорларни ўз ичига олади. У судга шикоят қилиш, жиноятчиликни ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳуқуқига эга.

Францияда прокуратура суд-ҳуқуқ тизимига кириб, суд жараёнида **прокурорлар тўлиқ мустақилликка эга** бўлиб, уларга юклатилган функцияларни амалга ошириш учун барча зарур ваколатларга эга ҳисобланади.

Прокурорнинг фаолияти Адлия вазирининг назорати остида, аммо суд мажлисларида у мутлақо мустақилдир: прокурор жиноят ишини қўзғатади, судда давлат айбловини

қўллаб-қувватлайди, дастлабки терговни назорат қилади, тергов функцияларини бажаради.

Шунга ўхшаш моделлар Германия Федератив Республикаси, Нидерландия Қироллиги, Швеция, Финляндия, Норвегия қироллиги, Япония ва бошқа давлатлар Конституцияларида ҳам мавжуд.

Германияда прокуратура адлия тизимининг бир қисмидир ва ижро этувчи *(Адлия вазирлиги)* кўрсатмаларига бўйсунади. Германия прокуратураси XIX асрда француз модели бўйича ташкил этилган.

Прокуратура органларининг асосий вазифаси жиноий таъқиб қилишдир. Шу билан бирга, жиноят ишларини қўзғатиш, айбловларни тақдим этиш ва ҳукмни ижро этиш вазифаларини ҳам бажаради.

Прокурорлар Федерал судларда фаолият юритади. Прокуратура функцияларини Федерация Бош прокурори *(дер Генералбундесанвалт)* ва унга бўйсунувчи прокурорлар, амалга оширадилар. Прокурор асосан жиноят процессида иштирок этади.

Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки фақат бир нечта ҳолларда, яъни никоҳ ва оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда иштирок этиш билан чекланади.

Бразилия прокуратураси мамлакат Конституциясининг махсус қисмида кўрсатилгандек, “давлатнинг юрисдикция функциясини” амалга оширади ва демократик режимни, жамият ва шахс манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ушбу давлат органи Бош прокурор раҳбарлигидаги ягона марказлашган тизим бўлиб, унинг таркибига Федерал прокуратура, меҳнат прокуратураси, ҳарбий прокуратура, федерал округ прокуратураси ва давлат прокуратураси киради.

АҚШ прокурорлари фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, у **суд тизимидан ҳам мустақил** бўлиб, унинг тизимига кирмайди.

АҚШ Бош прокурори, бир вақтнинг ўзида АҚШ Адлия вазирлигининг раҳбари ҳамдир. У Қўшма Штатларда қонунларга риоя этилишини назорат қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини назорат қилиш, Федерал бюронинг умумий раҳбарлигини амалга ошириш каби функцияларни бажаради. Ҳозирда АҚШ прокуратураси ваколатлари сезиларли даражада кенгайиб бормоқда, бу Америка прокуратураси мамлакатдаги энг қудратли ҳукумат идораларидан бири эканлигидан далолат беради.

Иккинчи гуруҳга – прокуратура суд тизимининг тўлиқ таркибий қисми бўлган ва судларга бириктирилган ёки суд тизимидаги маъмурий автономияга эга бўлган давлатлар киради. Ушбу мамлакатларга Испания, Колумбия, Болгария ва Латвия киради.

Испания прокуратураси суд тизимига функционал мухторият билан киритилган. Прокуратура вилоят судларида фаолият юритади.

Испания қонунчилигида прокуратура ўз вазифасини бажариш билан бирга, манфаатдор томонларнинг илтимосига биноан қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда адолатни таъминлашга ҳисса қўшади, шунингдек, суверенитетнинг муҳофазасини назорат қилади. Прокуратура судларда жамоат манфаатларини ҳимоя қилади.

Учинчи гуруҳга – Хитой Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Куба Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси прокуратуралари киради.

Социалистик давлатларда прокуратура мустақиллиги тамойилига ҳам қатъий риоя қилинганлиги аҳамиятга молик. Бу Хитой, Вьетнам, Куба ва Шимолий Корея учун умумий ҳолдир[1].

Булар учинчи гуруҳ мамлакатларига киради, яъни прокуратура мустақил тузилма бўлган ва қонун чиқарувчи орган ёки давлат раҳбари олдида ҳисобот берадиган мамлакатлардир.

Тўртинчи гуруҳга – прокуратура ўзи ёки унинг тўғридан-тўғри аналоги умуман мавжуд бўлмаган мамлакатларни киритиш мумкин.

Бундай мамлакатнинг ёрқин намунаси Буюк Британиядир, бу ерда аслида прокуратура мавжуд эмас, лекин унинг ўрнини аналог модел эгаллайди, яъни назорат ваколатлари топширилган алоҳида вакиллар ва давлат хизматчилари. Бундай тизимга Прокуратура ва Бош прокуратура киради. [2]

Прокуратура органларида мустақиллик тамойилининг аҳамияти давлатчилик институтларининг тобора ривожланиши билан бутун дунё давлатларида ортиб бормоқда.

Чунончи, МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари Конституциялари ва қонунчилигида прокуратура фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий тамойиллари орасида қуйидагилар ажратилган: **давлат ҳокимияти органларидан мустақиллик;** прокуратура тизимининг бирлиги ва марказлаштирилиши; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш; ошкоралик (Россия, Украина, Белоруссия, Латвия, Литва, Қозоғистон, Молдова, Туркманистон, Ўзбекистон, Арманистон ва бошқалар). 1991 йилдан сўнг прокуратура органларини

[1] Рохлин В.И. Прокурорский надзор и государственный контроль: история, развитие, понятие, соотношение. – СПб., 2003. С. 11-15.

[2] П.П.Корчинский “Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно правовой анализ”, Симферепол, 2020

сиёсийлаштирмаслик тамойили собиқ Иттифоқ мамлакатларида кенг тарқалди.

Қонунийлик, холислик ва иерархик назорат Бразилия, Руминия ва Испанияда прокуратура органларининг конституциявий тамойиллари сифатида мустаҳкамланган.

Япония қонунчилигида прокурорларнинг мустақиллиги тамойили ва уларнинг Адлия вазирлиги билан бўйсунувчи муносабатлари ўртасида маълум бир зиддиятни кўриш мумкин. Бунда, айрим ҳоллардагина (умумий масалалар бўйича) вазир фақат Бош прокурорга кўрсатма бериши мумкин, аммо, бўйсунувчи прокурорларга эмас.

Прокурорнинг мустақиллиги тўғрисидаги тезис Болгария Конституциясида янада аниқроқ баён этилган: *“Прокуратура ходимлари ўз вазифаларини бажаришда фақат қонунга бўйсунадилар”.*

Юқорида таъкидланганидек, Европа давлатлари, хусусан, Франция ва Испанияда прокурорлар фаолияти тўла мустақилдир. Францияда прокурор ўз вазифаларини бажаришда, шу жумладан, суд тизимида тўла мустақил бўлиб, судьялар ва судьялардан фарқли ўлароқ, апелляция шикояти бермайди. Испанияда прокуратура ўз вазифаларини сиёсий партиялар таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳаракат бирлиги, иерархия ва қонунларга риоя қилиш тамойиллари асосида бажаради.

Россия Федерациясида ҳам прокуратура мустақил давлат органи эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу давлат қонунчилигидаги ўзгаришлар Россия прокуратураси ва унинг тизимига кирувчи Федерация субъектлари прокуратуралари таркибий ёки функционал жиҳатдан бирон бир тармоққа кирмайдиган **мустақил давлат органига** айлантирди.

Чунончи, 2014 йилда Россияда прокуратура институтининг аҳамияти ва мустақиллигини англаб, РФ Конституциясининг 7-боби сарлавҳасига ўзгартиришлар киритилди ва у энди “Суд ва прокуратура” деб номланди[1].

Россия прокуратураси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функцияларини бажаради. Бу кўп функцияли орган бўлиб, унинг асосий вазифаси қонунларга риоя қилинишини умумий назорат қилиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Ушбу давлат прокуратураси ташкилий моделининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, прокуратура ҳам ижро этувчи, ҳам суд ҳокимиятидан мустақилдир, кўп сонли назорат ваколатига эга ва дастлабки тергов ўтказиш ваколатига эга эмас[2].

Юқоридаги хорижий тажрибаларга қўшимча сифатида Қозоғистон ва Грузия давлатларини ҳам мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин.

Қозоғистоннинг 2017 йил 30 июндаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида “Прокуратура ўз ваколатларини қонунийлик, бошқа давлат органларидан, мансабдор шахслардан мустақиллик ва фақат Қозоғистон Республикаси Президенти олдида ҳисобдорлик тамойиллари асосида амалга оширади. Прокуратура фаолиятига уларнинг функциялари ва ваколатларини амалга оширишда аралашиш тақиқланади” деб кўрсатилган[3].

Шу каби, Грузиянинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида қонунийлик ва адолатлилик, холислик ва оғишмаслик, профессионаллик ва

---

[1] Россия Федерацияси Конституцияси

[2] П.П.Корчинский “Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно правовой анализ”, Симферепол, 2020

[3] Қозоғистоннинг 2017 йил 30 июндаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни, https://www.gov.kz/legalacts/details/Z1700000081?lang=ru

лаёқатлилик, барча қуйи турувчи прокурорлар ва прокуратуранинг бошқа ходимларининг Бош прокурорга бўйсуниши, бирлиги ва марказлашганлиги, шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек, шаъни ва қадр-қимматининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, сиёсий бетарафлик прокуратура фаолиятининг тамойиллари ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу қонунга мувофиқ, Грузия прокуратураси – **фақат қонунга бўйсунувчи ва ўз фаолиятида мустақил ягона, марказлашган тизимдир.** Прокуратура фаолиятига аралашиш, шунингдек, унинг мустақиллигига тажовуз қилиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай ҳаракатлар тақиқланади.

Башарти Грузия Конституцияси ва ушбу Қонунда тўғридан-тўғри аниқ кўрсатилмаган бўлса, прокуратура фаолияти билан боғлиқ ҳисоботни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди[1].

Бундан кўриниб турибдики, мустақиллик тамойили ушбу мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятининг ҳам асосий мезонидир.

Қайд этиш лозимки, ушбу давлатларда прокурорларнинг ҳисобдорлиги миллий қонунчилигимиз ва амалиётимизга нисбатан у қадар кенг эмас.

Украинада прокурорларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар янада диққатга сазовордир.

Чунончи, давлат бошқарувини жадал ислоҳ қилиш орқали тез ривожланиб бораётган ушбу мамлакатда 2019 йил 19 сентябрда тасдиқланган қонунга мувофиқ, прокуратура

[1] Грузиянинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, https://matsne.gov.ge/ru/document/view/4382740?publication=3

органлари ислоҳ қилиниб, прокуратуранинг мустақиллиги доираси янада кенгайтирилган.

Жумладан, Бош прокурорга туман ва вилоят прокуратураларини тугатиш ва қайта ташкил этиш ҳуқуқи, прокуратура ишисифатини баҳолаш тизими, ходимларнинг иш ҳажмини ўлчаш,маъмурий лавозимни эгаллаган прокурор томонидан хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслик тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартиблари ва бошқа муҳим масалалар бўйича прокуратуранинг ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш ваколати берилган.

Шунингдек, прокурорларнинг иш ҳақини 2022 йилга қадар босқичма-босқич жорий 12 миқдор иш ҳақидан 25 бараварга ёки икки баравардан зиёдроққа ошириш кўзда тутилган[1].

Ҳақиқатдан ҳам, прокуратура муассасаси ва фаолияти мустақиллиги тамойили ҳар қандай мамлакат учун ўта муҳим давлат аҳамиятига эга, чунки, давлат органи сифатида фақатгина ташкилий ва функционал мустақилликка эга бўлган прокуратурагина Конституция талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажара олади.

Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан 1999 йил 23 апрелда қабул қилинган “Прокурорларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларининг баёни ҳамда касбий жавобгарлик стандартлари”нинг муқаддимасида “Прокурорлар: ... 1.5 изчил, мустақил ва холис бўлишга интилиши ва шундай кўринишга эга бўлиши керак”[2]лиги кўрсатилган.

---

[1] Украинанинг 2019 йил 19 сентябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, https://ips.ligazakon.net/document/view/T141697?an=6392

[2] https://www.iap-association.org/

Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг **2-моддасида** “**2.1.** Муайян юрисдикцияда рухсат берилган прокуратуранинг идоравий ваколатларини амалга ошириш мустақил ва сиёсий аралашувсиз кечиши лозим.

2.2. Агар прокуратурадан бошқа органлар прокурорларга умумий ёки махсус кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлса, бундай кўрсатмалар:

• шаффоф;

• қонуний ваколатга мувофиқ;

• прокуратура мустақиллигини руҳий идрок этиш ва мустақиллик мавжудлигини ҳимоя қилиш учун раҳбарий тамойиллар билан ўрнатилган қоидаларга қатъий мос бўлиши шарт.

2.3. Прокуратурадан бошқа органларнинг жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатилган жиноят ишларини тўхтатишга йўналтиришга оид ҳар қандай ҳуқуқлари ҳам юқоридаги тарзда амалга оширилиши лозим” деб қайд этилган.

Бундан ташқари, ҳужжатнинг 3-моддасига биноан, прокурорлар ўз вазифаларини қўрқмасдан, устунлик ва холисликсиз бажарадилар. Хусусан, улар:

3.1. ўз вазифаларини холис бажаришлари;

3.2. шахсий ёки гуруҳ манфаатлари, жамоатчилик ёки оммавий ахборот воситаларининг босими остида қолмасликлари ва фақат жамоат манфаатларини ҳисобга олишлари;

3.3. объектив ҳаракат қилишлари;

3.4. гумон қилинувчига фойдали ёки зарарли эканлигидан қатъи назар барча тегишли ҳолатларни ҳисобга олишлари;

3.5. маҳаллий қонунчиликка ёки одил судлов талабларига мувофиқ, гумон қилинувчининг айби ёки айбсизлигини кўрсатганлигидан қатъи назар, барча зарур ва оқилона текширув

ўтказишлари ва натижасини ошкор этилишини таъминлашга интилишлари;

3.6. ҳар доим ҳақиқатни излаши, судга ҳақиқатни аниқлашда ва қонун, адолат талаблари асосида жамият, жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида адолатни амалга оширишда ёрдам бериши лозим.

Мазкур ҳужжатнинг 6-моддасига мувофиқ эса, прокурорлар ўз касбий вазифаларини мустақил ва ушбу стандартларга мувофиқ тарзда бажаришларини таъминлаш учун **ҳукуматнинг ўзбошимчалик ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши** керак.

Умуман олганда, прокурорлар бу борада қуйидаги ҳуқуқ, ваколат, мажбурият ва имкониятларга эга бўлиши лозим:

6.1. ўзларининг профессионал функцияларини қўрқитишсиз, тўсиқсиз, таъқиб қилмасдан, ноқонуний аралашувсиз ёки асоссиз фуқаролик, жиноий ва бошқа жавобгарликсиз бажариш;

6.2. прокурорлар ўз касбий функцияларини бажаришлари туфайли шахсий дахлсизлигига таҳдид туғилганда оилалари билан биргаликда давлатнинг ҳимояси остида бўлиш;

6.3. хизматни олиб боришнинг оқилона шароитини яратиш, уларнинг бажарадиган ишига мос келадиган иш ҳақи тўлаш, шунингдек, иш ҳақи ёки бошқа имтиёзларини ўзбошимчалик билан пасайишига йўл қўймаслик;

6.4. лавозимда бўлиш, пенсия, ёлланиш ёки алоҳида ҳолларда сайланиш шартларига мувофиқ тарзда пенсияга чиқиш ёшининг оқилона ва тартибга солинадиган муддати;

6.5. ишга қабул қилиш ва лавозимга кўтаришни объектив омиллар, хусусан, касбий малакаси, қобилияти, интизоми, одоб-ахлоқи, иш самарадорлиги ва тажрибаси асосида амалга ошириш ҳамда қарорларни адолатли ва холис қабул қилиш;

6.6. тегишли касбий стандартлар доирасидан ташқаридаги хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги шикоятлар билан боғлиқ ҳолда интизомий чора қўллаш талаб этилганда қонун ёки ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда тезкор ва холис эшитувлар ўтказиш;

6.7. интизомий эшитувларда холис баҳолаш ва адолатли қарор қабул қилиш;

6.8. касбий ассоциациялар ва бошқа ташкилотлар тузиш ҳамда уларда ўз манфаатларини илгари суриш, касбий тайёргарликни ошириш ва ўз мақомини муҳофаза этиш мақсадида иштирок этиш;

6.9. касбий стандартлар ёки ахлоқ қоидаларига зид бўлган ноқонуний буйруқ ёки буйруқни бажаришдан озод қилиш. [1]

Ушбу тавсиялар мамлакатлар учун умумий тарздаги маслаҳат бўлиши билан бирга, муайян давлат прокуратурасининг мустақиллигини баҳолаш мезони бўлиб ҳам ҳисобланади.

Прокурорларнинг мустақиллиги бўйича халқаро ва хорижий тажрибаларни дастлабки ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда **прокурорларнинг мустақиллик тамойили**ни мустаҳкамлаш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, прокуратура ходимларини тайинлаш, сайлаш ёки лавозимга ўтказиш жараёнидаги маъмурий тартиб-таомиллар, ушбу жараёнга масъул бўлган орган ёки мансабдор шахслар келгусида унинг профессионал фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш воситасига айланмаслиги ёхуд бундай имкониятга эга бўлмасликлари лозим.

[1] https://www.iap-association.org/Russian/Документация-МАП/Стандарты-МАП

Бу ўринда прокуратура органларига ходимларни қабул қилишда шаффофлик ва адолатни таъминланиши ҳам ғоят долзарб аҳамият касб этади.

Мавзу ҳақида фикр юритар эканмиз, Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти томонидан 2020 йилда нашр этилган “Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича прокурорларнинг мустақиллиги” мавзусидаги мақолада бу борада қатор қизиқарли мулоҳазалар илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин[1].

Мақолада келтирилган тавсияларга кўра, прокурорнинг мустақиллигини таъминлаш учун уларни хизматга қабул қилиш ва лавозимини кўтариш касбий ваколат ва ҳалоллик мезонлари асосида **адолатли, холис ва рақобатбардош танлов** орқали амалга оширилиши керак.

Бунда, қуйидаги масалалар танловнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади:

– ишга қабул қилиш ва лавозимга кўтариш тартиби қонун билан қатъий тартибга солиниши;

– танлов ўтказилишидан олдин танлов тартиби ва мезонлари оқилона вақт ичида жамоатчиликка маълум қилиниши;

– танлов юқори касбий малакага асосланган бўлиши;

– ҳеч қандай аниқ сиёсий гуруҳ ёки ташкилот унда иштирок этишга таъсир қилмаслиги.

Шу билан бирга, прокурорларни лавозимига тайинлаш ваколати фақат Бош прокурорга тегишли бўлмаслиги керак. Бу вазифага тажрибали прокурорларни жалб қилиши лозим. Бунда:

[1] OECD (2020), The Independence of Prosecutors in Eastern Europe, Central Asia and Asia Pacific.

– тайинлаш учун тегишли номзодларнинг малакасини ошириш;

– тайинлаш талабига жавоб берувчилар лавозим мезонларига, шунингдек, имтиҳон ва суҳбатни ўз ичига олган рақобат жараёнига жавоб беришига оид компетенцияга асосланган бўлиши;

– жараёнлар ва қарорлар суд томонидан кўриб чиқилиши керак.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари мамлакатимизга ташрифи давомида тайёрланган Ўзбекистон суд тизими ҳақидаги ҳисоботида ҳам прокурор лавозимига номзодларни тайинлаш механизмини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган эди.

Ҳисоботда маърузачи “Бош прокурор лавозимига номзодни тайинлаш ва уни четлатиш бўйича аниқ мезонларнинг йўқлиги прокуратура мустақиллиги таъминланишига тўсиқ бўлиши, жиддий коррупция эҳтимолини юзага келтириши мумкин”лиги ҳақида тўхталган[1].

Иккинчидан, прокурорлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари янада такомиллаштирилиши, бунда коллегиалликнинг ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро тажриба асосида прокурорларнинг ўзини бошқариш тизимининг янги шакл ва услубларини жорий этиш лозим.

---

[1] БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари Ўзбекистоннга ташрифи бўйича тайёрланган ҳисоботи.

Бинобарин, ЕИҲТ томонидан “Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича прокурорларнинг мустақиллиги” мавзусидаги мақолада прокурорларнинг фаолиятини баҳолаш, биринчи навбатда, объектив сифат мезонларига асосланган бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Баҳолаш жараёни имкон даражада холис мустақил орган томонидан амалга оширилиши керак. Бу эса, раҳбарият ва прокурорлар фаолиятига холис баҳо бериш имкониятини беради.

Прокурорларга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш адолат ва холислик мезонларга қатъий риоя қилган ҳолда, ҳеч қандай истисносиз қонун билан тартибга солиниши ва шаффофлик билан бошқарилиши лозим.

Интизомий жавобгарликка тортиладиган прокурорнинг қуйидаги ҳуқуқлари сўзсиз таъминланиши шарт:

а) ҳолат ҳақида олдиндан хабардор қилинган, важлари эшитилиши таъминланган, илтимоснома ва тушунтиришларни тақдим этиш имконияти яратилган бўлиши ҳамда вакилига эга бўлиши;

б) оқловчи ёки салбий далилларга эътироз билдириш ҳуқуқи.

Бунда, интизомий жазо қўллаш ваколатига эга бўлган орган тегишли санкциялар муқобилини танлаш имкониятига эга бўлиши керак.

Прокурорларни ишдан бўшатиш, розилигисиз бошқа ишга ўтказиш қонун билан қатъий тартибга солиниши ва холислик билан амалга оширилиши лозим. Улар билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш ва ўзгартиришда Иш берувчи ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан ўзбошимчалик ёки бошқа турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйилишини олдини

олишнинг аниқ ва самарали механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишдан бўшатиш устидан прокурорнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини қонун билан белгилаш зарур.

Учинчидан, прокурорлар фаолиятининг моддий таъминоти (техникаси, хизмат бинолари, зарурий жиҳозлар, воситалар ва бошқалар), уларнинг иш ҳақи, ижтимоий кафолатлари, ижтимоий ҳимояси, пенсия таъминоти қонун билан қатъий регламентланган бўлиши ҳамда бу тартиб уларнинг бошқа ҳокимият субъектларига шубҳали ва асоссиз тобелигини келтириб чиқармаслиги лозим.

Бу ўринда, айниқса, ижтимоий кафолатларнинг ички меърий ҳужжатларда батафсил белгиланиши ва амал қилиниши шароитини яратилиши иш самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Умуман олганда, прокуратуранинг мустақил фаолият юритиши учун моддий жиҳатдан давлат кафолати зарур, албатта.

Яъни, прокурорнинг мустақиллиги, шунингдек, прокуратура органлари ўз вазифаларини тўғри бажариш учун етарли миқдорда бюджет маблағлари ва барча зарур ресурслар билан таъминланиши керак.

Бу борада америкалик олим Ангела Девис қуйидагича фикр билдиради: *“Прокурорнинг бюджетга қарамлиги унинг мустақиллигига жиддий путур етказади. Прокурорлар жиноят ишини юритиш давомида бюджет маблағларидан эҳтиёж доирасида чекловсиз фойдалана олишлари лозим”*[1].

[1] Angela J. Davis. The American Pr The American Prosecutor: Independence, P or: Independence, Power, and the Thr , and the Threat of Tyranny. American University Washington College of Law, p/443

Прокуратура ходимларининг иш ҳақи қонун билан белгиланиши ва миқдори улар томонидан бажариладиган функцияларнинг аҳамиятига мутаносиб бўлиши лозим.

Пенсия таъминоти ҳақида гапирганда, прокуратура ходимларига пенсияга чиқиш учун ёш ва стажнинг оптимал муддати белгиланиши ҳамда тайинланадиган пенсия миқдори уни келгуси ҳаётида моддий жиҳатдан тўлиқ таъминлаш учун етарли бўлишига аҳамият қаратмаса бўлмайди.

Юқорида билдирилган фикрлардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Яъни, прокуратура фаолиятини такомиллаштирмасдан туриб, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, давлат бошқарувида самарали тартибни ўрнатиш борасида кўзланган натижаларга эришиш мумкин эмас.

Шу боис, прокуратуранинг мустақиллигини чин маънода таъминлаш, бу борадаги халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани янада чуқур ўрганиш, миллий давлатчилик хусусиятларни инобатга олган ҳолда, уларни ҳуқуқ ва ҳуқуқ амалиётига босқичма-босқич жорий этиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

2.Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябр-даги ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом

4. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиқлол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили)\ З.С. Ибрагимов.-Т.: "Ношир" 2011.-440бет.

5. О.М. Мадалиев. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –424 бет.

6. Gordon, Sanford C. 2009. “Assessing Partisan Bias in Federal Public Corruption Prosecutions.” American Political Science Review 103 (4): 534–54

7. Прокурорский надзор / Под ред. Винокурова Ю.Е. – М., 2004. 40 с.

8. Прокуратура в правовом государстве / Материалы многосторонней встречи, организованной Советом Европы и Генеральной прокуратурой РФ. – М., 1997. с. 45

9. Di Federico, Giuseppe. 1998. “Prosecutorial Independence and the Democratic Requirement of Accountability in Italy: Analysis of a Deviant Case in a Comparative Perspective.” British Journal of Criminology 38 (3): 371–87

Бош прокуратура Академияси
Магистратура бўлими
тингловчиси Ш.Мингбоев

Ўзбекистонда маъмурий суд ишларни юритиш: муаммо ва таҳлил

Аннотация: *Ушбу мақола Ўзбекистонда маъмурий суд иш юритуви тартибида кўриладиган маъмурий ишларда мавжуд муаммоларни очиб берган. Шунингдек, мавжуд муаммоларга бирма-бир тўхталиб, қонунчилик асосида таҳлил қилиниб, тегишли тавсия ва таклифлар келтирилган.*

Аннотация: *Эта статья выявляет существующие проблемы в Узбекистане в административных делах в порядке административного судопроизводство. Он также фокусируется на существующих проблемах и анализируется на основе законодательства и предоставляет соответствующие рекомендации и предложения.*

Annotation: *This article reveals the existing problems in Uzbekistan in administrative cases in administrative proceedings. It also focuses on existing problems and is analyzed on the basis of legislation and provides appropriate recommendations and suggestions.*

Калит сўзлар: *маъмурий ишлар, маъмурий суд иш юритуви, маъмурий судлар.*

Ключевые слова: *административные дела, административное судопроизводство, административные суды.*

Keywords: *administrative cases, administrative court proceedings, administrative courts.*

Таҳлиллар ва иш ҳужжатларини яқиндан ўрганиш давомида Ўзбекистонда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни кўриб чиқишда баъзи амалий муаммоларга дуч келинди. Қуйида уларни бирма-бир келтириб, асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, юқорида назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, таърифига алоҳида ёндашган сўзларимиз, яъни маъмурий иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик иши, маъмурий низо деган атамалар амалиётда нотўғри, чалкаш ҳолатда ишлатилмоқда. Бу, албатта, жиддий муаммо эмас, лекин аҳоли шу орқали ушбу атамаларни

нотўғри қўллашига, ачинарлиси амалиёт ходимлари ҳам шу каби хатоларни ишлатишига олиб келади. Умумий гаплардан йироқлашиб мисолга келадиган бўлсак, аввалambор, яқин йиллар ичида ишга туширилган public.sud.uz сайтида маъмурий судлар кўриб чиқадиган ишлар турида маъмурий иш ва маъмурий низо келтирилмоқда. Тўғри, ҳозирги ислоҳотлар натижасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга берилди. Лекин, оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни “маъмурий низо” категориясига қўйиш бизнинг фикримизча тўғри бўлмайди. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни эса “маъмурий иш” деб эмас, балки “маъмурий ҳуқуқбузарлик иши” деб аташ мақсадга мувофиқ. Бунга яна бир тасдиқ сифатида судларда амалиёт ўташим давомида шунга амин бўлдимки, йўлланма хатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик иши маъмурий иш деб келтирилмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, бу жиддий муаммомасдир, лекин ушбу атамаларни Олий суд Пленум қарорида ҳамда кодексларда алоҳида “Атамалар бўлимида” келтириб ўтишни тўғри деб ҳисоблаймиз. Зеро, бу фуқароларимизнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик иши ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишларнинг фарқини англашига, судларга тааллуқлилик масалаларида ҳам хатоликка йўл қўймасликларига сабабчи бўлади. Ваҳоланки, ҳар бир норматив ҳуқуқий ҳужжат фуқароларга тушунарли ва содда қилинса, у қонунчиликни қўллаш жараёнида осонликни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига мувофиқ, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 86^1-моддасига кўра, иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган иқтисодий судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳолларда давлат ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда давлат ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 25^1-моддасига кўра, битта қарздорга нисбатан қўзғатилган мулкий тусга эга бўлган бир нечта ижро ҳужжати, шунингдек солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан бир ундирувчи фойдасига ундирув бўйича қўзғатилган ижро иши юритишлар йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилади. Ушбу қонун

талабидан келиб чиқиб, давлат ижрочиси иқтисодий суднинг ижро варақасига асосан юритилган ижро ишини ва бошқа суднинг ижро варақасига асосан юритилган ижро ишларини битта ижро ишига бирлаштириш ваколатига эга. Амалдаги қонунчиликда эса ўзаро боғлиқ бўлиб, бири маъмурий судга, бошқаси эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди. Шунда табиийки савол туғилади, ушбу бирлаштирилган ижро иши бўйича давлат ижрочиси томонидан чиқарилган қарордан норози бўлиб судга шикоят ариза берилган тақдирда, иш қайси судга тааллуқли бўлади?

Учинчидан, Ўзбекистон маъмурий судлари тизимидаги навбатдаги ўз ечимини кутаётган масалалардан бири бу судловга тааллуқлилик масаласидир. Амалдаги қонунчиликка кўра, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим, деб белгиланган диспозиция талаблари маъмурий суд органининг юстицион аҳамиятини камайтирмоқда деган гипотезани илгари суришимиз мумкин. Барчамизга маълумки, Ўзбекистон амалиётида аввалдан фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ишларни кўриб чиқиш юкламаси ниҳоятда оғир бўлиб келган. Маълумот учун таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 26-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судга қуйидаги ишлар тааллуқлидир: фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга

топшириладиган ҳоллар мустасно; ушбу Кодекснинг 293-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар; ушбу Кодекснинг 18-бобида кўрсатилган ва буйруқ тартибида ҳал этиладиган ишлар; ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар; чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар. Ушбу фактнинг ўзи ҳам фуқаролик судларидаги катта юкламани кўрсатади. Шунингдек, фактни статистика маълумотлар билан мустаҳкамлайдиган бўлсак, фуқаролик судлари томонидан Республика бўйича 2018 йил давомида 453 354 та иш(суд буйруқлари билан бирга), 2019 йил давомида 276 937 та иш(суд буйруқлари билан бирга), 2020 йил давомида 291 132 та иш[1](суд буйруқлари билан бирга) кўриб чиқилган бўлса, маъмурий судлар томонидан оммавий ҳуқуқий низолардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар динамикаси эса 2018 йил давомида 17 427 та ишни, 2019 йил давомида 16 255 та ишни, 2020 йил давомида 15 066 та ишни ташкил этади[2]. Бундан яққол кўриниб турибдики, судлар кесимида кўриб чиқилган ишлар баланси ўзаро мувофиқ эмас. Агар уларга яна баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта

[1] Республика фуқаролик судлари томонидан кўрилган ишлар юзасидан маълумот. https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib_2020.pdf
[2] Ўша манба

талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим деган қоидани сақлаб қолишни давом эттирсак, натижада ушбу суднинг ҳам самарали фаолият юритишини сўроқ остига қўйган бўлишимиз мумкин. Назаримизда, агар ишни бир томони маъмурий низо ва бошқа томонидан фуқаролик бўйича низо кузатиладиган бўлса, унда бундай ҳолда ишни тўлиқ маъмурий судларда кўриб чиқиш қоидасини киритиш керак. Зеро, бу билан фуқаролик судларидаги ишлар балансини таъминлаш мумкин ва асосийси, назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш ҳамда биз интилаётган алоҳида ихтисослаштирилган маъмурий судларнинг фаолиятига ижобий таъсир қилишига эришамиз.

Тўртинчидан, статистик маълумотларга изоҳ келтирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайтида маъмурий судларнинг 2019 йил 9 ойидаги фаолиятига оид статистик маълумотларда баён қилинишича, ўтган давр мобайнида ушбу судлар томонидан биринчи инстанция тартибида 286 772 та маъмурий ҳуқубузарлик, 25550 та материал ва 12159 та оммавий низо, жами 324 481 та иш (материал)лар кўриб хал этилган. Эндиликда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш Жиноят судларига юклатилиши маъмурий судлардаги ишлар кесимининг кескин камайишига сабабчи бўлади. Ўзбекистон амалиётида маъмурий судларда оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид ишларнинг кам кўриб чиқилиши, бундай ишларнинг камлигидан ёки мавжуд эмаслигини англатмайди. Ўзбекистон давлатчилигининг тарихий омилларини ҳисобга олиб шуни таъкидлаш керакки, хусусий ҳуқуқ субъектларининг аксарияти оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишни сўраб маъмурий судларга эмас, балки жойлардаги прокуратура

органларига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда жойлардаги Халқ қабулхоналарига мурожаат қилишни маъқул кўради. Бунга тегишли объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Бугунги кундаги олимлар ва мутахассислар ҳамда қонуншуносларнинг маъмурий судларга оид асосий вазифаси аҳоли онгида маъмурий судларга бўлган ишончни ошириш, мазкур судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган ишларни тез ва қонуний қўриб чиқишнинг илмий асосланган қонуний механизмларини ишлаб чиқиши зарур ҳисобланади. Бунда, албатта, оммавий-ҳуқуқий низоларни судгача бўлган даврда қонуний ҳал этиш чораларини ҳам ўйлаб кўриш керак. Зеро, фактик жиҳатдан суд тартибида низо, конфликт ҳал бўлмайди, аксинча томонларнинг муносабатлари янада чигаллашади ва айрим ҳолларда судда ютган томон ҳам хал қилув қароридан қониқмаган ҳоллари юзага келиши учраб туради. Шу билан бирга, ижро ҳокимияти органлари томонидан қонуний асосларда оммавий-ҳуқуқий низоларни судгача бўлган даврда ҳал қилишнинг самарали муқобил вариантлари ишлаб чиқишга ундаш учун ҳам маъмурий органлар устидан парламент ва жамоатчилик назорати, қолаверса, суд назорати механизмларини кучайтириш лозим. Агар ижро ҳокимияти органлари суд назорати механизмларидан “қўрқмаса”, унинг хал қилув қарорлари ва тақдимномаларидан хайиқмаса, низоларни судгача бўлган муқобил механизмларини йўлга қуйиш ишларига киришмайди ҳам.

Шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан 12159 та низолар кўриб хал этилган. Шундан, 5173 таси ёки 42.5 фоизи маъмурий орган, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан, 4784 таси 39.4 фоизи маъмурий

орган, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари юзасидан, 2202 таси ёки 18.1 фоизи оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқган бошқа низоларга оид ишлар ҳисобланади. Ушбу сифат таҳлили натижасида дастлабки тарзда шуни хулоса қилиш мумкинки, ижро ҳокимияти органларининг қарорларига нисбатан, уларнинг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги юзасидан хусусий ҳуқуқ субъектларида шикоятлар кўплигини кузатиш мумкин. Бу ижро ҳокимияти органларининг айрим мансабдор шахсларида аҳоли билан мулоқот қилиш кўникмаси, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларига лозим даражада эътиборли эмаслигидан, касбий профессионалликнинг етарли эмаслигидан далолатдир. Албатта, бундай вақтларда маъмурий ишлар бўйича судьялар кўрилган маъмурий ишлар юзасидан тегишли маъмурий органларга тақдимномалар киритиши орқали ушбу масалаларда тегишли ишлар тизимли тарзда йўлга қўйилиши лозимлигини эслатиб туриши керак. Аксинча, Маъмурий ислоҳотлар концепциясида назарда тутилган маъмурий адлия тизимини, яъни низоларни судгача ҳал қилишни йўлга қўйишда қийинчиликларга дуч келиниши мумкин, чунки аҳоли ижро ҳокимияти органларини уларнинг муаммоларига малҳам бўлувчи даргоҳ сифатида қарамайди. Мисол учун, ижро ҳокимияти органи 2018 йилда ўз қарорларига асосан берилган ер участкасини прокуратура томонидан киритилган протестга кўра маъмурий тартиб-таомилларга риоя қилмасдан, қарорга биноан ери олиб қўйилаётган шахсни бу бўйича хабар қилмасдан қарорни бекор қилмоқда. Шунга кўра, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг амалий моҳиятини кучайтириш, унинг қўлланилишини кенгайтириш зарур, аксинча биз интилаётган маъмурий адлия тизимини, унинг устидан маъмурий судларнинг

назоратини йўлга қўйиб бўлмайди ва натижада нотўғри амалиёт шаклланишига сабабчи бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 186-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 86^1-моддасида давлат ижрочисининг қарори, харакати (ҳаракатсизлиги) устидан ўн кунлик муддатда шикоят қилиш муддати белгиланган.

Ҳозирда давлат ижрочиси билан боғлиқ ишларни кўриш жараёнида давлат ижрочилари томонидан чиқарилган қарор нусхалари тарафларга ўз вақтида берилмаётганлиги ёки умуман берилмаганлиги ҳолатлари учрамоқда. Шунингдек давлат ижрочиси томонидан амалга оширилган ҳаракатлар тўғрисида тарафлар умуман бехабар қолмоқда, баъзи ҳолларда ижро иши тамомлангандан кейин ҳам манфаатдор шахслар томонидан ҳуқуқи бузилганлиги юзасидан давлат ижрочисининг қарори, харакати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят ариза бермоқда.

Амалдаги қонунчиликда эса 10 кунлик муддат берилган бўлиб, манфаатдор шахс томонидан қарор нусхасини олиб, шикоят ариза ёзиб уни судга топширгунига қадар 10 кунлик муддат ўтиб кетмоқда, натижада аризачиларнинг имкониятлари анча чекланмоқда.

Ваҳоланки, маъмурий судга топширилаётган аризаларнинг кўпчилиги шикоят қилиш муддати ўтказилиб юборилиб тақдим қилинмоқда. Натижада, суд томонидан шикоят қилиш муддатини тиклаш ёки жавобгар томонидан шикоят аризага нисбатан муддатни қўллаб шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида илтимосномалар кўпаймоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, давлат ижрочисининг қарори, харакати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш муддатини узайтириш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасида унинг ишда иштирок этувчи шахслар қаторида эканлиги, 46-моддасида прокурорнинг иштироки масалалари берилган бўлсада, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидаги жумла келтирилган: “судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш”. Эътибор билан қарайдиган бўлсак, прокурорнинг судларда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда иштироки масаласи келтирилмаган. Шуни инобатга олиб, юқорида келтирилган моддага тегишинча ўзгартиш киритиш лозим.

Еттинчидан, Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекснинг 92-98-моддаларида дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш ва уни бекор қилиш тартиби берилган бўлиб, унга кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра суд, агар:

1) маъмурий иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар аризачининг ёки манфаатида ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса;

2) аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бундай чоралар кўрмай туриб, ҳимоя қилиш

мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса дастлабки ҳимоя чораларини кўриши мумкин.

Шунингдек, дастлабки ҳимоя чоралари ишни кўраётган суд томонидан ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра бекор қилиниши мумкинлиги белгиланган. Бироқ эътибор берадиган бўлсак, суднинг ташаббуси билан дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш ва бекор қилиниши белгиланмаган. Шу муносабат билан кодексга “суднинг ташаббуси”ни қўшиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида аризачига етказилаётган зарарнинг ўз ўрнида олдиндан бартараф қилинишига эрилишиши мумкин. Ваҳоланки, аризачи дастлабки ҳимоя чоралари ҳақида маълумотга эга бўлмаслиги мумкин, шу ҳолатда, суд вақтида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тўлақонли ҳақли деб ўйлаймиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда маъмурий судларнинг 3 йиллик фаолияти даври натижасида белгиланган вазифалар ва идеал мақсадларни амалда руёбга чиқаришга бир қатор ташкилий ва ҳуқуқий омиллар салбий таъсир қилмоқда. Агарда юқорида таъкидланган муаммолар бартараф қилинса ҳамда тавсиялар ўрганиб чиқилиб, уларнинг қонуний тарзда амалиётга жорий қилиниши Ўзбекистонда маъмурий юстициянинг сифат нуқтаи назаридан янги босқичга кўтарилишига ҳамда ижро ҳокимияти органларининг ўз фаолиятида қонунийлик ва мутаносиблик принципларига мос равишда ишлашига, пировардида инсон ҳуқуқлари таъминланишининг янги босқичга кўтариш имконияти яратилишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон. https://www.lex.uz/acts/20596;

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон. https://lex.uz/docs/3527353;

3. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон.;

4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2001 йил 29 август, 04.12.2019 й.,23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.;

Начальник кафедры Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан Б.Э.Каюмов

Вопросы совершенствования договорно-правового механизма государственно-частного партнерства

В цивилистике имеются не мало научных разработок по совершенствованию договорных отношений. Однако, касательно ГЧП имеется особые подход, так как с одной стороны всегда участвуют контрагент имеющий публичную власть. Хотя, некоторые вопросы участия государства в гражданско-правовых

отношениях, имеют свои особенности[1], договор являясь основанием для возникновения обязательств, считается самым универсальным правовым средством для регулирования отношений.

Регулирование общественных отношений посредством договоров имеет глубокую демократическую основу, поскольку обеспечивает единство непосредственного равенства сторон, их интересов, права и обязанности. С последующим развитием рыночных отношений последует расширение круга договорных отношений, посредством которых будут удовлетворяться интересы граждан и юридических лиц.

Договор является одним из древнейших юридических средств правового регулирования. Однако только в условиях рыночной экономики договоры стали в правовом пространстве Узбекистана стала главным и действенным инструментарием правового регулирования.

Применение договоров на протяжении уже нескольких тысяч лет объясняется помимо прочего тем, что речь идет о гибкой правовой форме, в которую могут облекаться различные по характеру общественные отношения. Основное назначение договора сводится к регулированию в рамках закона поведения людей путем указания на пределы их возможного и должного поведения, а равно последствия нарушения соответствующих требований.

В свое время по поводу относительной значимости закона и договора были высказаны три точки зрения. Сторонники «волевой теории» полагали, что договор как волевой акт контрагентов - первоисточник, а закон лишь восполняет или

[1] Баротов М.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалий муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2008. Юрид.фан.докт.дисс.. 322-с.

ограничивает их волю. Те, кто представлял теорию приоритета закона, исходили из того, что договор обладает лишь производным от закона правовым эффектом. Наконец, стог ройники третьей, «эмпирической теории» считали, что воля сторон сознательно направлена лишь на определенный экономический эффект, при этом последствия договора мыслятся как такие средства для его осуществления, о которых стороны могут и не иметь и, более того, действительно часто не имеют ясного представления[1].

Регулирующая роль договора сближает его с законом и нормативными актами. Условия договора отличаются от правовой нормы главным образом двумя принципиальными особенностями. Первая связана с происхождением правил поведения: договор выражает волю сторон, а правовой акт - волю издавшего его органа. Вторая различает пределы действия того и другого правила поведения: договор непосредственно рассчитан на регулирование поведения только его сторон - для тех, кто не является сторонами, он может создать права, но не обязанности; в то же время правовой или иной нормативный акт порождает в принципе общее для всех и каждого правило (любое ограничение круга лиц, на которых распространяется правовой акт, им же определяется). Отмеченные две особенности отличают именно гражданско-правовой договор. В договоре, в котором указанные особенности отсутствуют, имеются в виду различные виды публично-правовых договоров[2], - грань, отграничивающая его от нормативного акта, стирается. И все же во всех случаях в публичном договоре, в конечном счете, определяющее значение имеет воля сторон.

---

[1] См.: *Таль Л.С.* Трудовой договор: Цивилистическое исследование. Ч. II. Ярославль, 1918. С. 4 и сл.
[2] См. о них, в частности: *Тихомиров Ю.А.* Публичное право. –М.: БЕК, 1995. С. 183 и сл.

Договор служит идеальной формой активности участников гражданского оборота. Важно подчеркнуть, что, несмотря на изменение его, социально-экономического содержания, в ходе истории общества сама по себе конструкция договора как порождение юридической техники остается в своей основе весьма устойчивой.

С течением времени вместе с развитием системы общественных отношений, опосредствуемых договорами, расширился состав возможных участников: наряду с физическими лицами (гражданами) в этой роли стали выступать коллективные образования, признанные самостоятельными субъектами гражданского права - юридическими лицами. Все более многообразными становились предусмотренные в законодательстве типы договоров, усложнялись комбинации элементов, используемых при конструировании договорного правоотношения, и др. А договоры остаются договорами.

В учебнике 1993 г. отмечается: «Договор обычно трактуется как двух- или многосторонняя сделка[1]. Но сведение договора только к сделке едва ли верно. Сделка представляет собой действие, направленное на установление, изменение, прекращение прав или обязанностей (ст. 41 ГК). Договор не только устанавливает права и обязанности, но и предусматривает совершение субъектами предметных действий, содержание которых закрепляется в соглашении. Договор определяет, что конкретно должно быть сделано и какие юридические требования предъявляются сторонами к совершению действий. Следовательно, роль и функции

[1] Авторы, возможно, имели в виду И.Б. Новицкого, который усматривал смысл «понятия о договоре» во взаимной (или двухсторонней) сделке (см., в частности: Гражданское право. Т. 2. 1993. С. 42).

договора значительно шире, нежели у традиционно понимаемой сделки»[1].

Как нам кажется, автор (Б.И. Путинский) все же не учитывает, что речь идет не о разных функциях одного явления, а о разных явлениях. Они, объединены единым термином - «договор», но отличаются содержанием.

Еще одна точка зрения на рассматриваемый вопрос была высказана Р.О. Халфиной. Она выступала одновременно и против утверждения, будто договор-взаимная сделка, и против того, что договор - согласие сторон, направленное на возникновение, изменение или прекращение гражданского правоотношения. Сама Р.О. Халфина полагала, что в понятие договора помимо согласования воли двух или нескольких лиц «должны быть включены их взаимные гражданские права и обязанности». При этом обращено внимание на то, что «права и обязанности, принимаемые на себя каждой из сторон, как правило, различны, но они должны быть взаимно согласованы, должны в своей совокупности дать единый правовой результат»[2].

Представляется, что сама по себе идея сочетания в договоре прав и обязанностей не может вызывать возражений. Однако все это следует относить не к договору-сделке, а к договору-правоотношению. При том в любом правоотношении, - договорном и недоговорном, независимо от того, какой именно юридический факт послужил основанием для его возникновения, права и обязанности должны корреспондировать друг другу. Это необходимо уже по той причине, что иначе правоотношение как таковое вообще не может существовать. Следовательно,

---

[1] Гражданское право: Учебник. Т. 2 / Под ред. Е.А. Суханова. –М.: БЕК, 1993. С. 42.

[2] *Халфина Р.О.* Значение и сущность договора в советском социалистическом гражданском праве. –М.: Изд-во АН СССР, 1952. С. 50.

предлагаемый признак своей роли в выделении договорной конструкции как таковой, очевидно, сыграть не может.

Противником много понятийного представления о договоре, но уже по другим причинам являлся и О.А. Красавчиков. Он полагал, что «в нашем гражданском законодательстве, а равно в науке права при употреблении термина «договор» смешиваются два разных понятия договора как юридического факта и как формы существования правоотношения».

Развивая это положение, О.А. Красавчиков приходил к выводу. «Не вызывает сомнения, что подобное разночтение одного и того же термина не может не привести к различным недоразумениям и затруднениям теоретического и практического порядка»[1].

Все же автор не показал, в чем именно состоят «трудности», о которых идет речь. Во всяком случае, законодатель не согласился с этой рекомендацией и при принятии ГК 64, а также действующего ГК, следуя общепризнанной практике, сохранил единый термин - «договор»[2].

Договор в его первом значении - основания возникновения прав и обязанностей - составляет ступень в классификации юридических фактов. Соответственно он должен отвечать основополагающим признакам этих последних (имеется в виду способность порождать права и обязанности[3]). С указанной точки зрения договор может быть поставлен в один ряд с

---

[1] *Красавчиков ОА.* Юридические факты в советском гражданском праве. –М.: Госюриздат, 1950. С. 117.

[2] Известно, что в праве вообще, в гражданском в частности, охват различных понятий одним и тем же термином - весьма распространенная практика. В качестве примера можно указать на «обязательство» («обязательство» - правоотношение и «обязательство» - элемент правоотношения), «предприятие» (предприятие как объект и как субъект права), само «право» (право в объективном и в субъективном смысле) и др. Таким образом, думается, что использование в различных вариантах термина «договор» никаких неудобств не влечет, необходимо лишь иметь в виду, что речь идет об омонимах.

[3] См., например: *Новицкий И.Б., Лунц Л.А.* Общее учение об обязательстве. –М.: Госюриздат, 1954. С. 94 и сл.

односторонними сделками, с деликтами, административными актами, юридическими поступками и др.

Договоры относятся к той разновидности юридических фактов, которая именуется сделками, а значит, представляют собой действия граждан и юридических лиц, направленные на установление, изменение или прекращение гражданских прав и обязанностей (ст. 153 ГК).

Отмечая конструктивное значение сделок, В.Ф. Яковлев справедливо подчеркивал: «Наделение субъектов права инициативой находит свое выражение в нормах объективного права, которыми придается правообразующая сила таким действиям субъектов гражданского права, как сделки»[1].

Среди других сделок договор выделяется только одним признаком: он представляет собой двух- или многостороннюю сделку, т.е. соглашение двух или более лиц. В этом качестве договор противостоит односторонним сделкам, примерами которых могут быть, в частности, и эмиссия ценных бумаг, и завещание, и разнарядка покупателя или поставщика. Все эти сделки относятся к числу односторонних, поскольку для их совершения в соответствии с законом, иными правовыми актами или соглашением сторон необходимо и достаточно выражения воли одной стороны (п. 2 ст. 154 ГК).

В Республике Узбекистан были реализованы комплексные меры, направленные на построение правового демократического государства и сильного гражданского общества, развитие основанной на свободных рыночных отношениях и приоритете частной собственности экономики, создание условий для мирной и благополучной жизни народа,

[1] *Яковлев В.Ф.* Гражданско-правовое регулирование имущественных отношений. Свердловск, 1972. С. 9.

обретение Узбекистаном достойного места на международной арене.

С учетом объективной оценки пройденного пути и накопленного опыта, анализа достигнутых успехов за годы независимости и исходя из требований современности, перед республикой стояла задача — определить важнейшие приоритеты и четкие ориентиры дальнейшего углубления демократических реформ и ускоренного развития страны[1].

Подводя итог, можно отметить существенное влияние государственно-частного партнерства и его результатов на общественные отношения: развитие новых отраслей инфраструктуры и общества, приток инвестиций и движение капитала в тех отраслях, где имелся некий «застой»[2], развитие и внедрение технологий, новых методов управления и организации, расширение участия субъектов предпринимательства в решении актуальных социально-экономических проблем, как следствие, обеспечение снижения бюджетных затрат.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

[2] Указ Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2017 года № УП-5185 «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан» // «Народное слово» от 9 сентября 2017 года.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....4-5

I-БОБ. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни ундиришга оид суд амалиётидаги муаммолар.....6-232

Dr. Horst Freels. Probleme der deutschen Rechtspraxis bei der Wiedergutmachung von Schäden, die den Eigentümern im Zusammenhang mit der Enteignung von Grundstücken für staatliche und öffentliche Bedürfnisse entstanden sind.....6-21

Д-р Фреелс Хорст. Проблемы правовой практики в Германии в вопросах компенсации собственникам за изъятие земельных участков для государственных и общественных нужд……21-45

И.И.Насриев. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши билан мулкдорларга етказилган зарарларни ундиришнинг айрим масалалари.....45-69

М.Рабиева. Кўчмас мулк объектлари бузилиши муносабати билан мулкдорларга компенсация бериш ҳамда ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларида қурилган бино ва иншоотларни бузиш тартиби.....69-75

Р.М.Сагатов. Ўтган давр мобайнида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг ўзига хос хусусиятлари.....76-89

Ж.Холмўминов. Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллашуви.....89-96

Г.Ш.Узакова. давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш жараёнида ер ва шаҳарсозлик қонунчилигини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....97-105

М.Баратов. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари: оммавийликдан – хусусийлик сари.....105-118

О.Нарзуллаев. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши бўйича айрим масалалар.....118-127

Ш.И.Шайзаков, Дж.Тайлаков. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилишининг тарихий жараёнлари.....127-134

А.Б.Комилов. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш жараёнидаги қонунбузарликларга нисбатан прокурор назорати ҳужжатларини қўллашнинг айрим муаммоли жиҳатлари.. 134-141

Н.Азизов. Ер участкаларини олиб қўйиш, бино ва иншоотларни бузиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш.....141-149

Р.Х.Хурсанов. Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш: Ўзбекистон ва Германия мисолида.....149-156

О.Ж.Холмўминов. Ер участкаларидан фойдаланишнинг бошқа мажбурият-ҳуқуқий усуллари асосида етказилган зарарни қоплаш.....156-162

Ҳ.И.Тўхташев, У.А.Нуриддинова. Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда давлат бошқаруви органларининг ўрни ва аҳамияти.....163-172

Т.Рахмонов, Ш.Холмўминов. Ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг ҳуқуқий асосларини юридик табиати.....173-181

С.В.Саидов. Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартибини такомиллаштириш: хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили.....182-191

О.Ж.Холмўминова. Ер участкасини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик масалаларини ёшлар ўртасида тарғиб қилишнинг аҳамияти.....191-197

И.Раҳматуллоев. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш оқибатида етказилган маънавий зарар:муаммо ва ечимлар.....197-203

У.Х.Каримов. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ажратиш (реализация қилиш) ва фойдаланишда прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....203-214

Д.И.Нодиров. Аграр соҳада қонунчилик ижроси устидан назоратни такомиллаштиришга оид хориж тажрибаси.....214-232

II-БОБ. Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш масалалари.....233-417

Б.Х.Пўлатов, З.С.Турсунов. Адолатли тергов ва суд муҳокамасига бўлган халқаро ҳуқуқий кафолатлар, уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси.....233-250

Б.И.Исмаилов.Организационно-правовое обеспечение гарантий прав собственности в Республике Узбекистан.....250-271

Ф.С.Ташназаров, Ш.И.Шайзаков. Маъмурий суд ишларини юритишда мавжуд муаммолар ҳақида айрим мулоҳазалар.....271-276

Н.А.Азизов. Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат.....276-282

Х.Исанов. Пандемия шароитида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд амалиёти муаммолари.....282-288

Д.С.Довудова. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг айрим моддий ва процессуал нормаларини қўлланилишининг амалий таҳлили.....288-305

У.Ҳ.Шарипов. Жиноят процессуал қонунчилигини ислоҳ қилишда ахборот технологияларининг тутган ўрни.....305-314

Н.Азизов, Д.Ибрагимов. Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари.....314-327

У.Х.Каримов, Н.А.Азизов. Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш масалалари 327-337

А.А.Акбутаев. Жиноий активларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари.....337-345

А.М.Ахмедов. Мажбурий меҳнат ҳамда уни олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари.....345-356

Я.А.Абдураҳмонов. Аҳолини иш билан таъминлаш ва бандликка кўмаклашиш масалаларининг қўлланилишида фуқароларимизнинг иш билан таъминланиш ҳуқуқи.....356-378

Ф.А.Назаров. Прокурорларнинг мустақиллик тамойили: миллий амалиёт ва хорижий тажриба.....378-398

Ш.Мингбоев. Ўзбекистонда маъмурий суд ишларни юритиш: муаммо ва таҳлил.....398-410

Б.Э.Каюмов. Вопросы совершенствования договорно-правового механизма государственно-частного партнерства.....410-417

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

СУДЛАРДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФЕДРАСИ

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни ундиришга оид суд амалиётидаги муаммолар

мавзусидаги халқаро давра
суҳбати материаллари

423